

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**F.А.Саматов, М.Х.Саидов, И.Б.Рустамова, С.Ф.Тўхтаева,  
Л.А.Вильданова**

**ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ**

**Ўқув кўлланма**

**Тошкент 2014**

Ғ.А.Саматов, М.Х.Саидов, И.Б.Рустамова, С.Ғ.Тұхтаева,  
Л.А.Вильданова. Лойиҳаларни молиялаштириш (Үқув қўлланма) –Т.: ТАЙИ,  
2014, 190 бет.

Ўқув қўлланмада инвестицияланинг моҳияти, инвестициявий муҳит жозибадорлигини белгиловчи омиллар, кредитлашнинг асослари, лизинг ва инвестициялаш билан боғлик масалалар, инвестициявий лойиҳалаштиришнинг асосий қоидалари ва инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш услублари ўз ифодасини топган.

Бакалаврлар, магистрлар, докторантлар, илмий ходимлар ва ўқитувчиларнинг фойдаланишлари учун мўлжалланган.

***Такризчилар:***

Қарриева Я.К. – Тошкент Давлат иқтисодиёт университети профессори,  
и.ф.д.

Исмаилходжаев А.И. – Тошкент темир йўл мұхандислари институти доценти, и.ф.н.

## **КИРИШ**

Инвестициялар – иқтисодиётни тараққиёт томон ҳаракатини таъминловчи куч эканлиги, ҳар қандай иқтисодий назария учун аксиома ҳисобланади. Ҳар бир давлат, биринчи навбатда моддий ишлаб чиқариш соҳасига, миллий ва чет эл инвесторларини кириб келиши учун бутун кучини сарфлаши лозим. Ушбу мақсадни кўзлаган ҳолда муайян инвестицион сиёsat ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, тегишли инвестицион муҳит шакллантирилади. Мустақил Ўзбекистонда узлуксиз амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, тармоқ ва соҳалар ривожланишидаги ютуқларга эришиш, интеграцион жараёнларни ривожланиши ва иқтисодий ўсишни таъминлашни назарда тутади.

Корхона фаолиятининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, узоқ вақт давомида корхонага даромад келтириши назарда тутилган, инвестицион операциялар, яъни, бирор лойиҳани амалга ошириш учун пул маблағлари киритиш билан боғлиқ операциялар, хизмат қиласи. Бундай лойиҳаларнинг натижалари қуидагича бўлиши мумкин: бозор талабини қондириш учун муайян маҳсулот ишлаб чиқариш; янада замонавий ускуна ва технологиялардан фойдаланиш асосида, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш; ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона (тежамкор) фойдаланиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш; экологик хавфсизликни ошириш; турли хил хизматларни кўрсатиш, шу жумладан консультацион (маслаҳат), ахборот, ижтимоий ва ҳ.

Ҳар бир инвестициявий лойиҳани иқтисодий баҳолаш, бозор фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, хусусан лойиҳани тавсифловчи кўпгина кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги, сўнгги натижага эришиш ноаниқлиги, лойиҳа иштирокчилари манфаатларининг субъективлиги, ва буларнинг оқибатида лойиҳани баҳолаш мезонлари кўплигини, ҳисобга олиши лозим.

Инвестициявий лойиҳани иқтисодий баҳолашда, унинг қуидаги

динамик тавсифларини эътиборга олиш лозим:

- ишлаб чиқарилаётган товар талабидаги мумкин бўлган ўзгаришлар ва тегишли тарзда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўзгариши;
- ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш жараёнида, ишлаб чиқариш харажатларининг режалаштирилган пасайиши;
- истеъмол қилинаётган ресурслар нархларининг кутилган ўзгаришлари;
- ҳар бир даврдаги инвестициялар учун молиявий манбаларга эга бўлиш имконияти.

Корхона ўз товарини етказиб бериш ҳажмларини оширап экан, ушбу товар нархининг тушиб кетиши каби бозор таъсирини олдини олиши лозим. Айрим ишлаб чиқариш ресурсларига бўлган талабнинг ошиши, уларнинг нархи ошиб кетишига олиб келиши мумкин. Рақобатдош корхонанинг келажакдаги илмий-техник ютуқлари, корхона томонидан бугун ўзлаштирилаётган маҳсулот сифатини йўққа чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам инвестициявий лойиҳалар учун куйидаги қоида амал қиласди.

Инвестициявий лойиҳа кўрсаткичларининг истиқболда рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлари, прогноз қилиниши ва етарлича узоқ вақтни қамраб оладиган иқтисодий ҳисоб-китобларга киритилиши лозим. Прогноз баҳоларидан фойдаланиш ҳар доим объектив тарзда таваккалчилик билан боғлиқ бўлади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инвестициявий лойиҳаларнинг турли тавсифлари турлича аниқлик билан прогноз қилиниши мумкин. Одатда келажакдаги харажатларни баҳолашдаги хатолар, лойиҳани амалга ошириш муддатларини белгилашдаги хатоларга нисбатан пастроқ. Лойиҳани амалга оширишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишда таваккалчилик даражаси турлича бўлиши мумкин. Таваккалчиликнинг йўл қўйиладиган даражасини белгилаш ҳар бир корхона учун стратегик муҳим ҳисобланади.

Таваккалчилик ҳар доим мавжуд ва ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Таваккалчилик турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Мисол учун,

фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасида лойиҳани амалга ошириш технологик жиҳатдан мумкин эмаслиги шаклида, илмий-техник лойиҳалар учун ғояларни самарасиз ёки эскирганлиги шаклида, қишлоқ хўжалик лойиҳалари учун об-ҳаво шароитларини ноқулай келиши эҳтимоли шаклида ва ҳ.

Инвестициявий лойиҳанинг амалдаги самарадорлигига, мамлакат иқтисодиётида рўй бериши мумкин бўлган инфляцион жараёнлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади, уларни ҳисобга олиш айниқса долзарбdir.

Инвестициявий лойиҳалар мураккаблиги ва уларнинг мажмуавий характеристи шунга олиб келадики, лойиҳа амалга оширишнинг барча шароитлари ва тавсифларини расмий шаклда тўлиқ ҳисобга олиш мумкин бўлмайди. Шу билан бирга лойиҳа иштирокчилари манфаатларининг ўзаромос келмаслиги, инвестициявий лойиҳаларни иқтисодий баҳолашда бир нечта мезонлардан фойдаланиш зарурлигига олиб келади. Ушбу қўлланмада инвестицияларни киритиш ва инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини ҳисоблаш, ҳозирги кунда мавжуд ва кенг тарқалган барча услублар ёрдамида атрофлича баён этилган.

# **I-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАШТИРИШНИ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

Таянч иборалар: лойиҳа, лойиҳа даври, маркетинг, бозор, рақобат муҳити, техник таҳлил, молиявий таҳлил, иқтисодий таҳлил, институционал таҳлил, таваккалчилик таҳлили, стратегик инвестор.

## **1.1. Лойиҳа ва лойиҳа даври тушунчалари**

**Лойиҳа** – бу чекланган вақт давомида ҳамда белгиланган бюджет билан олдинга қўйилган мақсадларга эришишга хизмат қилувчи ўзаро боғланган тадбирлар мажмуудир.

Тармоқларда яратилаётган объектлар шу қадар мураккабки уларни амалга ошириш ишлари лойиҳа эмас балки дастур доирасида олиб борилади. **Дастурлар** узокроқ муддатга, кенгроқ кўламга эга бўлиб асосий мақсадга хизмат қилувчи бир неча лойиҳани ўз ичига олиши мумкин. Бу лойиҳалар дастурнинг хизмат муддати ва кўлами бўйича бир нечтани ташкил этиб, мақсади, тури бўйича ўзаро фарқ қилиши мумкин.

Лойиҳа сифатида кўп нарсани қабул қилиш мумкин: автомобилларни куриш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини ишга тушириш, ўқув семинарларини ўtkазиш, автомобилни таъмирлаш ва х.

Лойиҳаларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардир:

1. Мақсадга йўналтирилганлиги - улар муайян ва аниқ белгиланган мақсадга эришиш учун йўналтирилган;
2. Алоҳида фаолият турлари - билан боғлиқ ҳодисаларнинг аниқ белгиланган кетма кетлиги – бир қатор ўзаро боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутади;
3. Вақт бўйича чекланганлиги Лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш муддатлари чекланганлиги бошланиш ва тугалланиш вақти аниқ белгиланган бўлади;

4. Ресурсларнинг чекланганлиги ва ташқи шароитларнинг мавжудлиги билан (институционал, иқтисодий, ҳуқуқий ва х.) тавсифланади;

5. Лойиха бўйича фаолият ва кутилаётган натижаларни миқдорий ифодалаш имкониятларининг мавжудлиги;

6. Ресурсларнинг киритиш ва натижа олиш жараёнлари ўзаро боғланган, бунда бир марталик қўйилмалар (вақтнинг чекланганлиги) узок вақт давомидаги натижаларга ўз таъсирини кўрсатади;

7. Ҳар бири такрорланмас шароитларга эга ва ўзига хос.

### **Инвестиция лойиҳалари тушунчаси икки маънода қўлланилади:**

1. Белгиланган мақсадларни амалга оширишга қаратилган ҳатти - ҳаракатлар мажмuinи амалга оширишни кўзда тутувчи иш, фаолият, тадбир сифатида.

2. Бу фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий ва ҳисоб-молия ҳужжатлари тизими сифатида.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар лойиҳаларни бошқа тадбирлардан фарқлашга имкон беради, бундай белгиларнинг мавжудлиги эса тадбирни лойиҳа деб аташ имконини беради.

Ҳар қандай лойиҳа аниқ бир мақсад мавжудлигини назарда тутади. Ушбу мақсад лойиҳани ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, унинг ривожланиш йўналишини ҳам белгилаб беради.

### **Инвестициявий лойиҳалар турлари**

Лойиҳавий таҳлилнинг қўп йиллик амалиёти лойиҳалар ишлаб чиқиши тажрибасини умумлаштириш имконини беради.

Амалиётда учрайдиган инвестициявий лойиҳаларнинг асосий турлари куйидагилардан иборат.

Лойиҳаларни, одатда, тактик ва стратегик лойиҳаларга ажратадилар. Стратегик лойиҳаларга мулкчилик шаклининг ўзгаришини назарда тутадиган лойиҳалар киради. Тактик лойиҳаларга эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини ўзгариши, маҳсулот сифатини ошиши, ускуналарни замонавийлаштириш билан боғлиқ лойиҳалар киради.

Аҳамиятига (миқёсига) қараб лойиҳалар қуидагиларга бўлинади:

**1.** Глобал лойиҳалар уларнинг амалга оширилиши ер юзидаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятга ўз таъсирини кўрсатади;

**2.** Иқтисодиёт тармоқлари лойиҳалари уларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги иқтисодий ижтимоий ва экологик вазиятга ўз таъсирини кўрсатади, уларни баҳолашда ушбу таъсирини ҳисобга олиш билан чегараланиш мумкин;

**3.** Катта миқёсдаги лойиҳалар уларнинг амалга оширилиши мамлакатнинг айrim минтақалари ва тармоқлардаги иқтисодий ижтимоий ва экологик вазиятга ўз таъсирини кўрсатади, уларни баҳолашда ушбу лойиҳаларни бошқа минтақа ёки тармоқлардаги вазиятга таъсирини инобатга олмаса ҳам бўлади;

**4.** Локал лойиҳалар уларнинг амалга оширилиши минтақадаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик вазиятга ўз таъсирини кўрсатмайди ва товар бозорларидаги нархлар даражаси ва тузилмасини ўзгартирмайди.

#### **Амалга ошириш муддатлари бўйича:**

- қисқа муддатли (3 йилгача);
- ўрта муддатли (3-5 йилгача);
- узоқ муддатли(5 йилдан ошик);

#### **Лойиҳанинг кўлами бўйича:**

1. Долзарб лойиҳа, одатда бу бир қанча иштирок этувчи мамлакатларга тегишли.

2. Халқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳалар - мамлакатга ёки унинг йирик таркибий қисмига таъсир этади.

3. Кенг кўламли лойиҳалар - айrim соҳалар, ҳудудларга тегишли.

4. Маҳаллий кичик лойиҳалар - одатда уларнинг фаолияти лойиҳани амалга ошираётган фирма доирасида чегараланади.

Ушбу тасниф билан инвестициявий лойиҳаларнинг жамият учун аҳамиятли ва аҳамиятсиз бўлиши корреляцияланади.

#### **Лойиҳаларнинг асосий йўналиши бўйича:**

1. Тижорат лойиҳалари - уларнинг асосий мақсади даромад олиш ҳисобланади.

2. Ижтимоий лойиҳалар - улар минтақада ишсизлик муаммоларини ҳал этиш, жиноятга оид даражани ва ҳокозоларни камайтиришга тахмин қилинган.

3. Экологик лойиҳалар - асосий таркиби ахоли яшаш мухитини яхшилаш ҳисобланади.

Бир-бирига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган инвестициявий лойиҳалар фарқланади. Битта лойиҳанинг харажатлари ва кўрилаётган натижалар иккинчи бир лойиҳанинг тегишли кўрсаткичларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаса бундай лойиҳалар бир-бирига боғлиқ бўлмаган деб аталади. Бундан келиб чиқадики бундай лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва улар бўйича қабул қилиш ҳар бир лойиҳа учун алоҳида –aloҳида амалга оширилиши мумкин. Масалан сабзавотларни қайта ишлаш бўйича янги технологияни харид қилиш ва уни жорий этишга қилинган инвестициялар сут фермаси учун харид қилинаётган сотиш ускунасини харид қилишга ўз таъсирини ўтказа олмайди ва аксинча. Бир-бирига боғлиқ бўлган лойиҳалар эса бир-бирини инкор этувчи ва бир-бирини тўлдирувчи лойиҳаларга бўлинади.

Бир-бирини инкор этувчи лойиҳалар уларни бирданига амалга оширишнинг техник жиҳатдан мумкин эмаслиги ва иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлмаганлиги билан тавсифланади. Масалан битта ер участкаси учун иккита турли хил сугориш тизимларини барпо этиш (техник мумкин эмас), маҳсулотни қайта ишлашда иккита технологияни бир вақтни ўзида жорий қилиш (иқтисодий мақсадга мувофиқ эмас).

Бир-бирини тўлдирувчи лойиҳалар эса аксинча, бир-бирига ижобий таъсир қўрсатади. Бундай лойиҳаларни бир вақтнинг ўзида амалга ошириш уларни алоҳида –aloҳида амалга оширишдан кўра самаралироқдир. Бунга мисол қилиб хўжаликда сабзавот ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини жорий этиш ва бир вақтнинг ўзида сабзавот учун омборхона қуришни келтиришимиз мумкин. Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бири

алоҳида-алоҳида амалга оширилиши ҳам мумкин, аммо уларнинг алоҳида самараси биргалиқдаги самарага нисбатан анча паст бўлади.

### **Инвестициявий лойиҳаларнинг ҳаётий туркуми (даври).**

Вақтнинг чегараланган даврида қўйилган мақсаднинг амалга оширилиши лойиҳанинг ҳаётий туркуми (даври) деб аталади.

Лойиҳа юзага келган вақтдан токи у тутатилгунга қадар ўтган вақт оралиғига лойиҳанинг ҳаёт даври, лойиҳа босиб ўтиши лозим бўлган ҳолатларга эса фазалар, босқичлар дейилади.


Келиб тушаётган маблағлар (фойдалар) ва уларнинг сарфланиши (харажатлар) таққослаш соғ пул оқимини (net cash flow) аниқлаш имконини беради. Лойиҳани амалга оширишнинг биринчи босқичи одатда, соғ пул оқимининг салбий миқдори билан ифодаланади (пул маблағларини инвестициялаш амалга оширилади), сўнгра (loyiҳa бўйича даромадларнинг ўсиши билан) унинг миқдори ижобийга айланади.

Вақт давомида лойиҳа ҳаётий туркумининг давомийлиги бугунги кун нуқтаи назаридан (яъни, лойиҳага маблағларини инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан) харажатлар ва даромадларнинг келажакдаги миқдори (қиймати) турли хиллигини англатади.

Асосий мақсадларга эришишга ёки ривожланишнинг аниқ йўналишини амалга оширишга йўналтирилган иқтисодий, ижтимоий, техникавий, лойиҳавий ва илмий-тадқиқот тадбирлар мажмуи - режалаштириш дастури дейилади.

Шартли лойиҳанинг ҳаётий туркуми доирасида харажат ва даромадларнинг тақсимланиши 1.1-расмда кўрсатилган.

Инвестициявий дастур-инвестициявий лойиҳалар ва инвестициявий таклифлар тизими тўғрисидаги бир хил маълумотларнинг умумийлигидир.



### **1.1.Расм. Лойиҳани ҳаётий туркуми доирасида харажатлар ва даромадларнинг тақсимланиши**

**С-харажатлар**

**Д-даромадлар**

**СПО-соф пул оқими.**

Ҳар қандай инвестициявий лойиҳа юзага келишидан бошлаб то амалга ошгунга қадар бир қанча аниқ босқичлардан ўтади. Биз бу босқичларни лойиҳанинг ҳаётий туркуми деб атадик. Босқичларга бўлиниши ҳар қандай тасниф сингари шартли тавсифга эга. Масалан, менежерлар тақдим этган лойиҳанинг ҳаётий туркумининг босқичлари қуйидагича:

1. ғоя;
2. муаммонинг таҳлили (мақсадлар, талаблар, вазифалар)
3. концепцияни қайта ишлаш (бажарилиш таҳлили, муқобил концепциялар);
4. батафсил ишлаб чиқиш (таснифлаш, чизмалар, батафсил режалар);
5. лойиҳанинг бажарилиши (ёрдамчи хужжат, синов, қабул қилиш);
6. фойдаланиш (жорий қилиш, техник хизмат кўрсатиш, фойдаланишга топшириш);
7. тарқатиш (қисмларга ажратиш, фойдаланиш, сотиш, ривожлантириш вазифаси);

Банк ходимлари лойиҳанинг ҳаётий туркумини янада йирик босқичларга ажратишади:

- дастлабки инвестициявий босқич;
- инвестициявий босқич;
- фойдаланиш босқичи.

Лойиҳалар маълум илмий тадқиқот, илмий изланишлар ва маркетинг тадқиқотлари натижасида тузилади ва илмий жиҳатдан асосланади. Изланишлар натижаси сифатида аниқ ғоя ва лойиҳанинг концепцияси яратилади.

Фоя эса реал ва аниқ давр билан чегараланади. Лойиҳани амалга оширишда йулбошчининг роли бениҳоя каттадир. Шу билан бирга лойиҳанинг муҳити қулай ва рақобатлаштириш механизми самарали бўлиши керак. Лойиҳа йулбошчиси ўз атрофига профессионал мутахассислардан иборат командани тўплай олсагина, ҳар томонлама асосланган лойиҳани яратишни таъминлаши мумкин. Корхонанинг инвестиция лойиҳасини корхона раҳбари ва унинг етук мутахассислари ишлаб чиқишиди. Агар корхона мутахассисларининг билими ва тажрибаси етарли бўлмаса, профессионал маслаҳатчилар хизматидан фойдаланилади. Агар йирик лойиҳалар кўп компонентларга эга бўлса, бундай лойиҳаларни тайёрлашга халкаро тажрибага эга бўлган эксперталар ва маҳаллий мутахассислар жалб

етилади. Уларнинг билим ва тажрибалари тайёрлаган лойиҳаларнинг реал ва илмий асослилигини таъминлайди. Лойиҳалар реал бўлиши учун, шунингдек, уларни биринчи тайёрлаш жараёнида экспертларнинг хulosасини олиш мақсадга мувофиқдир. Баъзи ҳолларда лойиҳаларни тайёрлаш жараёнида уларнинг самарадорлиги пастлиги ва амалиётга татбиқ этиш қийинлиги эксперталар томонидан исботланади. Натижада келгусидаги унумсиз харажатларнинг олди олинади.

### **Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини тайёрлаш босқичлари**

Инвестиция лойиҳаларини халқаро тажрибада учта йирик босқичга бўладилар:

- инвестиция олди босқичи;
- инвестиция босқичи;
- янгидан вужудга келган обьектларни эксплуатация қилиш босқичи.

«Лойиҳалар таҳлили» фанининг асосий вазифаси-биринчи босқич тўғрисида фикр юритишидир. БМТнинг ЮНИДО номли бўлими томонидан чиқарилган бюллетенда инвестиция олди босқичини тўртта йўналишга бўлиб ўрганиш тавсия этилади. Булар:

- инвестиция концепцияларини танлаш;
- дастлабки (бирламчи) лойиҳаларни вужудга келтириш;
- яқуний лойиҳани вужудга келтириш ва унинг техник-иқтисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллигини баҳолаш;
- лойиҳанинг яқуний мухокамаси ва у бўйича маълум қарорга келиш.

Инвестиция олди босқичини бундай йўналишларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки аввал корхонанинг ёки тармоқнинг инвестиция ёрдамида ижтимоий ва иқтисодий қўрсаткичларини яхшилаш имконияти бор ёки йўқлигини аниқлаш керак. Бундан кейин инвестиция ҳақидаги фикрларни чуқур ўрганиб чиқиш ва шу асосда бизнес-режани вужудга келтириш лозим. Агар бу режа инвестор ва буюртмачида қизиқиш уйғотса, ишни кейинги босқичларда давом эттириш лозим. Бу йўналиш бизнес-режани чуқур таҳлил қилиш ва уни иқтисодий-молиявий томондан баҳолашдан иборат. Агар бу

изланишлар натижаси ижобий бўлса, лойиҳаларни вужудга келтириш билан боғлиқ бўлган охирги хулоса чиқариш йўналишига ўтиш тавсия этилади. Индустрисал ривожланган мамлакатларда инвестиция олди босқичини вужудга келтириш лойиҳа қийматининг 1,5-5% ҳажмидаги харажатни талаб этади. Албатта, бу ерда лойиҳа қиймати ҳажми асосий рол уйнайди. Умумий инвестиция харажатларидаги инвестиция олди босқичининг йўналишлари бўйича харажатлар улуши қуйидагича: биринчи йўналишда 0,2 - 1,0%, иккинчи йўналишда 0,25 - 1,5 %, учинчи йўналишда катта лойиҳалар бўйича 0,2 - 1,2 %, кичиклари бўйича эса 1,0 - 3,0%. Инвестиция олди босқичида муқобил вариантларга эга бўлган бир неча лойиҳалар ўрганилади ва улардан самарадорлиги пастлари ёки самара бермайдиганлари чиқариб ташланади. Бундай лойиҳалар келгуси йўналишларда кўрилмайди ва бу билан жуда катта маблағ тежаб қолинади.

### **Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш**

Инвестиция лойиҳалари учун ғояларни қидириш ва улар орасида мақбулини танлаб олиш жуда мураккаб ҳамда маъсулиятли вазифадир. Биринчидан, бу муаммони ечиш учун лойиҳани вужудга келтиришдан ким манфаатдор эканлигини билишимиз зарур. Агар бу лойиҳа ишлаб турган корхона учун бўлса, унда инвестиция концепцияси шу тармоқда йиғилган тажриба, ундаги ходимларнинг малакаси, бозор муаммолари маълум маънода белгилангандир. Бу корхоналарни бошқарувчи идоралар ҳам инвестиция концепциясини вужудга келтиришда қийналмайдилар. Улар бундай лойиҳани амалга ошириш зарурати, корхона маҳсулотлари ҳозирча мавжуд талабни етарлича қондира олмаслиги ёки шу тармоқ шу даврда устувор тармоқ эканлиги ҳам белгилаб берилади. Лойиҳаларнинг инвестиция олди босқичини қуйидаги схема қўринишида ифодалаш мумкин: Инвестиция лойиҳалари учун ғояларни қидириш ва улар орасида мақбулини танлаб олиш жуда мураккаб ҳамда маъсулиятли вазифадир. Биринчидан, бу муаммони ечиш учун лойиҳани вужудга келтиришдан ким манфаатдор эканлигини билишимиз зарур. Агар бу лойиҳа ишлаб турган корхона учун бўлса, унда

инвестиция концепцияси шу тармоқда йиғилған тажриба, ундағи ходимларнинг малакаси, бозор муаммолари маълум маънода белгиланғандир. Бу корхоналарни бошқарувчи идоралар ҳам инвестиция концепциясини вужудга келтиришда қийналмайдилар.



## 1.2.-расм. Инвестиция имкониятларини қидиришни ташкил қилиш

Улар бундай лойиҳани амалга ошириш зарурати, корхона маҳсулотлари ҳозирча мавжуд талабни етарлича қондира олмаслиги ёки шу тармоқ шу даврда устувор тармоқ эканлиги ҳам белгилаб берилади. Халкаро тажрибада турли соҳадаги корхоналар учун инвестиция концепцияларини излаб топиш учун асос бўлиб хизмат қиласиган дастлабки шартшароитларнинг қуйидаги таснифи (классификацияси) қабул қилинган:

- ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш учун зарур бўлган фойдали қазилмалар ресурсларининг мавжудлиги;
- қишлоқ хўжалигининг агросаноат комплекси доирасида амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳалар доираси ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш потенциалини белгилаб берувчи имкониятлари ва

анъаналари;

- ижтимоий-иқтисодий ва демографик омиллар таъсирида ёки бозорда янги товар вужудга келиши натижасида талаб ҳажми ва таркибида келажакда бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни баҳолаш (масалан, радиотехниканинг ривожланиши);

- импорт тузилмаси ва ҳажми. Бу қўрсаткичлар импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни яратишга йуналтирилган лойиҳаларни вужудга келтиришга туртки бўлиши мумкин;

- ўхшаш ресурслар ва ижтимоий-иқтисодий даражага эга бўлган давлатларнинг ишлаб чиқариш тузилмасини ривожлантириш бўйича тажрибалари ва анъаналари;

- миллий ёки жаҳон иқтисодиёти доирасида истеъмолчи тармоқларда юзага келган ёки келиши мумкин бўлган эҳтиёжлар;

- истеъмолчи тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш режалари тўғрисидаги ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга жаҳон бозорида талабнинг ўзгаришини характерловчи ахборотлар;

- ягона хом-ашё базасида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг маълум ва янгидан топилган имкониятлари;

- оммавий ишлаб чиқаришдан иқтисодий тежамкорликка эришиш мақсадида ишлаб чиқариш кўламларини кенгайтириш;

- иқтисодий шарт-шароитлар (масалан, ҳукумат томонидан қулай инвестиция муҳитининг яратилиши, миллий валюта алмашинув курсининг ўзгарилиши натижасида экспорт имкониятларининг яхшиланиши ва ҳ.к.). Юқорида келтирилганлар лойиҳаларни инвестициялаш учун умумий шарт-шароитлар ҳисобланади. Бу шарт-шароитлар ҳали лойиҳаларни ташкил этиш учун тўлиқ асос бўла олмайди. У ёки бу лойиҳа концепциясининг кейинги босқичларини давом эттириш ёки этмаслик учун мутахассисларнинг чуқур таҳлили натижалари зарур бўлади. Молиявий манбалардаги ахборотлар етарли бўлишига қарамай, инвестор ўзи бирор қарорга келишдан хавфсирайди. Бундан ташқари турли таҳдилларга вақт сарф этиш учун унинг

вақти ҳам йўқ. Шунинг учун инвестор ҳар хил консультантларга мурожаат этишни лозим кўради.

### **Лойиҳаларни бирламчи тайёrlаш масалалари**

Лойиҳаларни бирламчи тайёrlаш йўналишининг асосини бизнес - режа ташкил этади. Кичик лойиҳалар учун бизнес-режа биринчи даражали асословчи ҳужжат ҳисоблансада, катта лойиҳаларни тайёrlашда оралиқ ҳужжат вазифасини ўтайди, холос. Бундай бизнес-режанинг вазифаси қуидаги саволларга жавоб топишдан иборат:

-Инвестиция лойиҳасининг концепцияси лойиҳа устида ишни давом эттириб, техник-иқтисодий ва молиявий жиҳатдан фойдали эканлигини баҳолаш учун ҳужжатлар тайёrlашга арзийдиган даражада қизиқарли ва фойдалими?

-Бу концепцияда келажакдаги муваффақият учун ҳал қилувчи рол уйнайдиган, шу сабабли алоҳида эътибор билан тадқиқ килиниши шарт бўлган жиҳатлар борми? Бизнес-режа — инвестиция лойиҳаларини асослайдиган, лойиҳаларнинг имкониятларини белгилайдиган, даромад ва харажатларни ҳисоблайдиган, маблағ оқимини кўрсатадиган муҳим ҳужжатдир. Бу ҳужжат орқали лойиҳалар бошқарилади. Бизнес - режанинг асосий вазифаси лойиҳаларга тизимли баҳо беришдан иборатдир. Бизнес-режа иқтисодчи ва ишбилармонларга қуидаги тўртта асосий масалани ечишда ёрдам бериши керак:

- бозор сирини ва унинг ривожланиш истиқболларини ўрганишда;
- бозорга зарур бўлган маҳсулотларни тайёrlаш учун кетадиган харажатларни баҳолаш ва бу харажатларни товарларни сотиш баҳолари билан солишириб, мулжалланган ишнинг фойдалилиги даражасини аниқлашга;
- янги бизнеснинг биринчи йилларида бозорда кутилиши мумкин бўлган тўсиқларни аниқлашга;
- иш ривожланаётганлиги ёки орқага кетаётганлигини доимий баҳолаб бориш имконини берувчи сигнал кўрсаткичларини аниқлашга. Бизнес-режа

истиқболли ҳарактерига эга бўлиб, уни камида 3 ёки 5 йил олдиндан тузиш тавсия этилади. Бизнес-режада биринчи йил муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун режа қўрсаткичлари ойлар бўйича, иккинчиси чорак (квартал)лар бўйича, кейинги йилларда эса йилда бир марта ифода этилади. Тахминий ишлаб чиқариш харажатлари, шунингдек, инвестиция ресурсларини олиш имкониятлари ҳамда улардан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш.

Маҳсулотлар реализация қилинадиган бозор ва рақобатини баҳолаш бизнес-режада катта ўрин тутади. Ишлаб чиқараётган маҳсулотингиз ниҳоятда сифатли, охирги техника ва технология талабларига жавоб берадиган бўлишининг ўзи ҳали ижтимоий натижа эмас. Энг муҳими, маҳсулотингиз истеъмолчига керакли бўлиши ва у реализация қилиниши лозим. Шунинг учун бу бўлимнинг асосий вазифаси ишлаб чиқарадиган маҳсулотингиз ўз истеъмолчисини топа олиши ва рақобатга чидамлилигига инвесторни ишонтира олишдан иборатdir.

Маҳсулот реализация қилинадиган бозорларни ўрганиш даврида уларни тўрт гурухга бўладилар:

- ишлаб чиқарадиган маҳсулотингизни истеъмолчилар билмайдиган бозорлар;
- ишлаб чиқармоқчи бўлган маҳсулотингизни истеъмолчилар биладиган, лекин сотиб олмайдиган бозорлар;
- рақобатчингиз маҳсулотни сотиб оладиган бозорлар;
- истеъмолчилар сизнинг маҳсулотингизни сотиб оладиган бозорлар.

Ана шу бозор турлари чукур таҳлил қилингандан кейин лойиҳа маҳсулотини қаерда ва неча сўмдан сотиш кераклиги аниқланади. Бизнес - режадан ташқари, агар инвестиция асосий фондларни кенгайтириш ёки реконструкция қилишга сарф этилса, унга смета ҳам тузилади.

### **Лойиҳаларнинг охирги шаклланган варианти ва унинг техник-иқтисодий ҳамда молиявий жиҳатдан маъқуллиги**

Лойиҳаларни техник-иқтисодий ва молиявий асослашда, унинг барча жиҳатлари (яъни техник, молиявий, тижорат жиҳатлари) билан боғлиқ бўлган

муаммоларни муқобил суръатда кўриб чиқилади. Бу вазифани фақат иқтисодчиларнинг ўзларигина уддалай олмайдилар, шу сабабли лойиҳаларни тайёрлашнинг бу босқичида турли соҳадаги мутахассислар гурухи иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Булар:

- шу тармоқда иш тажрибасига эга бўлган иқтисодчи (иложи бўлса мутахассислар гурухига иқтисодчи раҳбарлик қилиши керак);
- маҳсулот реализация қилинадиган бозорни таҳлил қиладиган мутахассис(маркетолог);
- маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини яхши биладиган бир ёки бир неча мухандис-технолог;
- маҳсулот хусусиятларини, уни сотишда юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, хизмат кўрсатишни яхши биладиган мухандис-конструктор;
- шунга ўхшаш ишлаб чиқаришларни барпо этиш билан шуғулланган қурувчи-мухандис;
- шу турдаги ишлаб чиқаришларда харажатлар ҳисобини юритиш бўйича мутахассис. Доим ишловчи мутахассислар билан бир қаторда, лойиҳанинг айrim муаммолари бўйича мутахассислар ҳам (масалан, экологлар) вақти-вақти билан жалб этилиши мумкин. Лойиҳани қабул қилишга, қандайдир омиллар таъсир кўрсатиши аниқланса, лойиҳа гурухи дархол бу тусиқни бартараф этиши, муқобил ечимларни топиши лозим.

Лойиҳани якуний шакллантириш ва уни тўлиқ техник-иктисодий ва молиявий асослашнинг мазмунини якуний қарорга келиш учун зарур бўлган барча турдаги маълумотларни тайёрлаш ташкил этади. **Лойиҳаларни техник-иктисодий асослаш (ТИА)** деганда уларнинг мақсадга мувофиқ эканлиги ва стандартлигини кўрсатадиган, ҳужжатлар мажмуасини тайёрлаш тушунилади. Бу инвестиция олди ҳужжати бўлиб, бунда лойиҳалар мухандис, конструктор, қурилиш-технолог томонидан асосланади. Тажрибада бу жараёнга бир ёқлама ёндашиш унинг ҳамма лойиҳалар учун бир хил моделини топиш жуда қийин. ТИА бўлимларининг тахминий

тузилмаси қўйида келтирилган:

**1. Лойиҳаларни вужудга келтириш шарт-шароитлари ва ғояси:**

- 1.1. Лойиҳа ғоясининг мазмуни.
- 1.2. Лойиҳа ташаббуслари.
- 1.3. Лойиҳа бўйича маълумотлар.

**2. Бозор таҳлили ва маркетинг стратегияси:**

- 2.1. Умумиқтисодий таҳлил.
- 2.2. Маркетинг бўйича изланишлар.
- 2.3. Лойиҳа стратегияси асослари.
- 2-4. Маркетинг концепцияси.
- 2.5. Маркетинг тармоқлари ва харажатлари.

**3. Лойиҳани ресурслар билан таъминланганлиги:**

- 3-1. Хом ашё ва материаллар таснифи (классификацияси),
- 3.2. Материалларга бўлган талабнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 3.3. Материал ресурслар мавжудлиги ва уларни етказиб бериш.
- 3.4. Материалларни етказиб бериш маркетинги.
- 3.5. Бутловчи маҳсулотлар ва материал ресурслар харажатлари.

**4. Лойиҳалардаги объектларнинг жойлашадиган ўрни ва атроф-муҳит:**

- 4.1. Объект жойлашадиган жой таҳлили.
- 4,2- Табиий муҳит.
- 4.3. Атроф-муҳитнинг таъсирини баҳолаш.
- 4.4. Ижтимоий - иқтисодий сиёsat.
- 4.5. Лойиҳаларнинг инфратузилмаси ҳолати.
- 4.6. Лойиҳа учун жойни танлаш.

**5. Лойиҳалаш ва технология:**

- 5.1. Ишлаб чикариш дастури ва қувватлар.
- 5.2. Лойиҳа учун технология танлаш.
- 5.3. Лойиҳа учун технология сотиб олиш.
- 5.4. Лойиҳа учун асосий ҳужжатларни тайёрлаш.

5.5.Лойиҳа учун керакли машиналар ва ускуналарни танлаш.

5.6. Аҳоли учун уй-жой қуриш.

5.7. Техникавий хизмат кўрсатишга қўйиладиган талаблар.

5.8. Умумий инвестиция харажатларини баҳолаш.

## **6. Лойиҳалар кўрсатилган корхонани ташкил қилиш ва бошқа харажатлар:**

6.1. Корхонани бошқаришни ташкил этиш.

6.2. Лойиҳалашни ташкил этиш.

6.3. Умумхўжалик ва умушишлаб чиқариш харажатлари.

## **7. Мехнат ресурслари:**

7.1. Ижтимоий-иктисодий ва маданий муҳит.

7.2. Ходимларнинг тоифа бўйича мехнат ресурсларига талаби.

7.3. Штат жадвали.

7.4. Ходимларни ўқитиш-ўргатиш ва қайта тайёрлаш режаси.

7.5. Ходимлар мехнатига ҳак тўлаш харажатларини баҳолаш.

## **8. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштириш:**

8.1. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштиришнинг мақсади.

8.2. Лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари.

8.3. Лойиҳаларни амалга ошириш графиги.

8.4. Лойиҳаларни амалга ошириш бюджети.

## **9. Инвестиция лойиҳаларини молиявий таҳлили ва инвестицияларни баҳолаш:**

9.1. Лойиҳалар молиявий таҳилининг мақсади ва вазифалари.

9.2. Лойиҳа харажатларини баҳолашнинг таҳлили.

9.3. Лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услуби.

9.4. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.

## **1.2. Инвестициявий лойиҳалар таҳлилининг жиҳатлари**

Лойиҳа таҳлили – харажатлар ва даромадлар, ҳамда лойиҳа билан

боғлиқ бўлган қалтисликни (таваккалчиликни) тизимли баҳолаш ва очиб бериш асосида лойиҳаларни, тайёрлаш, баҳолаш ва танлаб олиш усулидир. Лойиҳа таҳлилининг катта қисми лойиҳа циклининг дастлабки босқичида, яъни уни қабул қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилингунгача амалга оширилади.

Лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш лойиҳа таҳлилининг вазифаси ҳисобланади. Даромадлилик эса лойиҳадан олинадиган даромад билан унга қилинган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Лойиҳанинг даромадлилигини аниқлаш учун унинг барча натижаларини аниқлаш ҳамда лойиҳадан олинган даромадлар унга қилинган харажатлардан ортиш ёки ортмаслигини ҳисоблаб кўриш керак. Чунки лойиҳани амалга ошириш учун бугун қилинаётган харажатлар билан ундан қандайдир вақт ўтгандан кейин олинадиган даромадларни бевосита солиштириб бўлмайди. Лойиҳанинг кўпгина активлари ва иншоотлари узоқ муддат хизмат қилиши бунинг сабаби ҳисобланади. Лойиҳанинг айрим харажатлари ва натижаларини, масалан, қурилиш ишлари харажатларини ўлчаш ва баҳолаш осон. Бошқаларини эса ўлчаш осон, лекин баҳолаш анча қийин. Масалан: ходимларни ўқитиш харажатларини ва натижаларини миқдорий ва сифат жиҳатдан ўлчаш осон лекин реал натижаларини баҳолаш анча мураккаб.

Инвестициявий лойиҳани амалга ошириш натижасида кутилган ижобий самарага эришиш учун, асосий талабларга амал қилинишини назорат қилиб бориш зарур. Ушбу талабларга риоя қилиш таҳлили лойиҳани муваффақиятли амалга ошишини, унга ўз вақтида ўзгартиришлар киритилишини ёки, ижобий натижага эришиш мумкин бўлмаган тақдирда, лойиҳадан воз кечиш тўғрисида ҳабар беради. Энг муҳими бундай таҳлил кўп аспектлар нуқтаи назаридан амалга оширилади, чунки мавжуд талаблардан биттасининг бўлса ҳам ҳисобга олинмаслиги лойиҳа иштирокчилари учун салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Лойиҳани тизимлаштириш учун қуийдаги аспектларни ажратиш қабул

қилинган:

- тижорат таҳлили;
- техник таҳлил;
- ижтимоий таҳлил;
- институционал таҳлил;
- экологик таҳлил;
- молиявий таҳлил;
- иқтисодий ёки жамият самарадорлиги таҳлили.

### **Тижорат таҳлили.**

Тижорат таҳлилиниң мақсади – ишлаб чиқарилиши мўлжалланган маҳсулот ва хизматлар бозорлари, ҳамда ишлаб чиқариш учун лозим бўлган моддий ва молиявий ресурслар бозорлари нуқтаи назаридан лойиҳа истиқболларини баҳолашдир. Умуман олганда лойиҳаниң мувоффақияти ёки инқирозга учраши, лойиҳа маҳсулоти истеъмолчилари, лойиҳа хизматларидан фойдаланувчилар, ресурсларни етказиб берувчи ва потенциал инвесторларга боғлик бўлади.

Тижорат таҳлили ҳар доим бозорларни ўрганишдан бошланади. Лойиҳа маҳсулоти, уни амалга ошириш учун лозим бўлган моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг жорий конъюнктурасини ўрганиб бўлгандан сўнг, тегишли бозорларни ривожланиш тенденциялари аниқланади ва лойиҳага тегишли кўрсаткичлар динамикаси прогноз (башорат) қилинади.

**Бозорлар таҳлили.** Маҳсулот бозори таҳлилида қўйидаги саволларга жавоб топиш лозим:

- маҳсулот қаерда сотилади;
- маҳсулот нархи тушиб кетмаслиги учун бозорнинг сифими етарлими;
- агарда нарх тушиб кетиши аниқ бўлса, у қанчалик тушиб кетади;
- янги нархларда лойиҳа молиявий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўладими;
- лойиҳа бозор умуний сифимининг қандай улушини таъминлаши мумкин;

- янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун етарлича ишлаб чиқариш ресурслари мавжудми;
- лойиҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни қайта ишлаш имкониятларини олдиндан кўриб чиқиш лозимми, ёки уни қайта ишлаш ва маркетинги учун янги лойиҳа тузиш мақсадга мувофиқ бўладими;
- маҳсулотни бозорга олиб чиқиш учун қандай молиявий тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади ва маркетингни молиялаштириш учун лойиҳада қандай маҳсус чораларни олдиндан назарда тутиш лозим;
- давлат субсидияларини олиш ёки нархларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш имкониятлари қандай.

*Ресурслар бозори* нархлар конъюнктураси, моддий-техник ва меҳнат ресурслари, ускуналар, хом-ашё ва материалларнинг мавжуд ҳажмлари ва сифати нуқтаи назаридан таҳлил қилинади.

Бизнес-режа ишлаб чиқиш жараёнида лойиҳа томонидан талаф қилинаётган етказишларни (мисол учун, дехқончиликда янги технология ёки тизимни жорий қилишда ўғитлар, пестицидлар ва юқори сифатли уруғлар) таъминлаш бўйича лозим бўлган тадбирларни олдиндан кўриб чиқиш лозим. Лойиҳани талаф қилинаётган ресурслар билан таъминлаш учун етарли бўлган бозор каналларининг мавжудлиги ва уларнинг ўтказиш қобилиятини аниқлаш; етказиб беришларнинг янги каналларини ёки мавжуд каналларни мослаштириш учун маҳсус тадбирларни ўтказиш лозимлигини аниқлаш керак. Хусусан, ускуналарни етказиш бўйича адолатли нарх белгилаш учун конкурс савдоларини ўтказиш қўлланиладими, харидлар бўйича тавсифий рўйхатни ким тузади ва х.

Молиявий бозорларни ўрганиш жараёнида лойиҳани амалга ошириш учун қарз капиталини жалб этиш имкониятлари, молиявий ресурсларнинг амалдаги нархлари, кредитлашнинг типик шароитлари таҳлил қилинади. Молиялаштиришнинг энг қулай схемасини танлаш учун қўйидагилар тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиш лозим:

- инвестицияларни узоқ муддатли молиялаштириш учун кредит

ресурсларига эга бўлиш имкониятлари;

- лойиҳани амалга ошириш жараёнида айланма воситаларни тўлдириш мақсадида қисқа муддатли молиялаштириш учун кредит ресурсларига эга бўлиш имкониятлари;

- кредит учун (кредитлаш турлари бўйича) ўртacha, минимал ва максимал фоиз;

- қарзни мумкин бўлган қайтариш муддатлари;

- имтиёз бериш шартлари (кредитлаш даври, фоиз тўловларини тўлаш ва x. бўйича);

- кафолат ёки гаров таъминоти тақдим этиш зарурияти.

Молиявий бозорнинг ушбу асосий тавсифларидан ташқари, ресурс етказиб берувчиларнинг молиявий аҳволини ва ушбу ресурсларни харид қилиш учун кредит олиш имкониятларини аниқлаш лозим.

Бозорлар ривожланишини прогноз қилиш. Бозорлар таҳлили ва асосий тенденцияларни аниқлаш жараёни тугагандан сўнг, лойиҳа бизнес-режасини тузишда фойдаланиладиган, қуидаги қўрсаткичларнинг прогноз қийматлари ҳисобланади:

- лойиҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар нархи;

- асосий ресурсларнинг нархи;

- инфляция даражаси;

- кредит учун фоиз ставкаси;

- лойиҳада иштирок этаётган валюталарнинг айирбошлаш курслари ва x.

Прогноз турли хил услублардан фойдаланган ҳолда (статистик, иқтисодий-математик, имитацион ва x.) лойиҳанинг бутун ҳаётий даврига тузилади. Маҳсулот ва ресурслар нархларини асослашда, одатда, талаб ва таклиф мутаносиблиги моделларидан фойдаланилади.

Талаб таҳлили лойиҳа салоҳиятини баҳолашнинг асоси ҳисобланади, шунинг учун бу ишга максимал масъулият билан ёндашиш лозим. Лойиҳа маҳсулоти учун бозор ўз-ўзидан пайдо бўлади деган фикр нотўғри бўлади.

Буларнинг барчаси, талаб тузилмасини ва унинг нарх, сифат ва бошқа омилларга таъсирчанлигини аниқлаш билан биргаликда, қайта-қайта текширилиши лозим.

Ҳаттоқи энг батафсил таҳлилдан кейин ҳам талаб прогнозлари ҳато чиқиши мумкин, айниқса узок муддатли прогнозлар. Истеъмолчиларнинг технологиялари, даромадлари, ҳатти-ҳаракатларини прогноз қилиш доимо ноаниқлик шароитларида амалга оширилади ва шунинг учун ҳам жуда мураккаб ҳисобланади. Бундан ташқари, бундай прогноз учун бирламчи маълумотлар аниқ эмас ёки умуман йўқ бўлади. Ихтисослаштирилган услугуб бўйича маълумот йиғиш эса жуда ҳам қиммат, ва унинг самарадорлигини кафолатлаш қийин.

Бунга қарамасдан, тадбиркорлик амалиёти доимий тарзда узок муддатли оқибатларга эга қарорларни қабул қилишни тақозо этади. Мисол учун, суғориш тизимини барпо этиш ёки сув омборини қуриш йирик капитал қўйилмаларни талаб этади, ва амалга оширилиши бошланган лойиҳани катта йўқотишлирсиз тўхтатиш деярли мумкин эмас. Лойиҳа миқёси, муддатлари ёки жойлашувини танлашда йўл қўйилган хатолар хал қилувчи ролни ўйнашлари мумкин. Ишончли прогноз (башорат) қилиб бўлмайдиган вазиятларда эса, мутахассислар воқеалар келажакдаги ривожланишининг мумкин бўлган сценарийларини кўриб чиқишилари шарт.

Талаб прогнозларини уларга кетадиган харажат қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим. Яъни икки турдаги харажатларни таққослаш лозим: прогнозни тайёрлаш қиймати (шу жумладан, маълумотларни йиғиш ва тўлдириш харажатларига) ва нотўғри прогноздан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган харажатлар. Қарор қабул қилиш биринчи навбатда капитал қўйилма ҳажмига боғлиқ бўлади. Лойиҳавий таҳлилнинг бошқа жиҳатлари сингари, прогнозларнинг мураккаброқ услубиёти ишончлироқ ахборот билан таъминлаши мумкин, аммо у кўпроқ пул ва вақтни талаб қиласи. Одатда, ҳар бир лойиҳа шундай чегара мавжудки, ахборот учун ундан юқори харажатлар ўзини оқламайди.

Бошқа барча шароитлар бир хил бўлганда, товарнинг бозор нархи ва унга бўлган талаб миқдори ўртасида муайян нисбат мавжуд бўлади. Макроиктисодиётнинг ушбу аксиомаси бозорлар таҳлили асосини ташкил этади.

Нархдан ташқари талабга қуидаги муҳим омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади:

- истеъмолчиларнинг ўртача даромади (ушбу кўрсаткич ошганда талаб ҳам ошиши кутилади);
- бозор миқёси (йирик шаҳарларда талаб ҳамиша юқори);
- ўзаро боғлиқ товарларнинг нархи ва уларни харид қилиш имконияти, бу айниқса муайян товарни ўрнини босувчи ва тўлдирувчи товарларга тегишли;
- истеъмолчиларнинг диidi, анъаналари ва истаклари;
- бозорнинг маҳсус шароитлари (мисол учун, келажакдаги иқтисодий ўзгаришларни кутиш – нарх, инфляция ва х.).

Таклиф эгри чизигига таъсир этувчи омилларга қуидагилар киради:

- ишлаб чиқариш харажатлари;
- технологик тараққиёт;
- фойдаланиладиган ресурслар ва хом-ашё нархларидаги ўзгаришлар;
- мазкур бозордаги фирмалар миқдори;
- бозор тузилмаси.

Юқорида санаб ўтилган омиллардан исталган биттасининг ўзгариши, ҳар қандай жорий нархда ҳам, таклиф ҳажмининг ўзгаришига олиб келади. Хусусан, таклиф лойиҳани амалга оширилиши муносабати билан ҳам ўзгариши мумкин. Мисол учун, сут қайта ишлаш жараёнининг кам харажатли технологиясини жорий этиш ишлаб чиқариш харажаларини камайтиради. Сут заводи кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда, таклифни оширади ва нархни пасайтиради.

Лойиҳавий таҳлил лойиҳаларни ишлаб чиқишида хал қилувчи ролни ўйнашига қарамасдан, унга ханузгача кам эътибор қаратилади. Ҳар бир

лойиҳанинг мувоффақияти ёки мувоффақиятсизлигини айнан бозор белгилайди, шу сабабдан ҳам лойиҳавий таҳлилнинг бошқа жиҳатларига (аспектларига) ўтишдан олдин, маҳсулот ва ресурслар бозорларини батафсил ўрганиш лозим.

### **Техник таҳлил.**

Техник таҳлилнинг асосий масалалари бўлиб лойиҳанинг оптимал миқёси, унинг таркибий қисмлари, жойлашуви, амалга ошириш муддатини аниқлаш, технология танлаш ва бошқа техник ва технологик масалалар хизмат қиласди. Кўпгина ҳолларда энг қулай вариантни танлашда молиявий тавсифларга асосий эътибор берилишига қарамасдан, экологик тавсифлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Техник таҳлилда молиявий, экологик, тижорат ва бошқа таҳлилларнинг натижаларидан фойдаланилганлиги сабабли, таҳлилнинг ушбу тури ҳар доим бошқа таҳлиллар билан параллел равишда олиб борилади.

*Лойиҳа миқёси*, деярли барча ҳолларда ўзгарувчан катталик бўлиб, лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида аниқланади. Қишлоқ хўжалиги ва саноатда, лойиҳа миқёси, биринчи навбатда маҳсулотга бўлган талабга боғлиқдир. Лойиҳани амалга оширувчи ташкилот имкониятлари ҳам муҳим таъсир қўрсатиши мумкин. Айрим ҳолларда фойдаланилиши мўлжалланган худудий ёки табиий ресурслар бўйича жисмоний чекланишлар хал қилувчи ролни ўйнаши мумкин.

Амалиётда текширилган технологияларнинг мавжуд бўлмаганлиги, одатда босқичма-босқич ёндашувдан фойдаланишга олиб келади. Бундай ёндашув тадқиқотлар ва мослашувдан бошланган ҳолда, кейинчалик намунавий лойиҳа ва бир оз тажриба орттирилгандан сўнг тўлиқ миқёсдаги лойиҳагача ўсиб боради. Шунингдек миқёс молиявий қўрсаткичларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (мисол учун, лойиҳа эксплуатацияси ёки ускуналарни даврий янгилаш харажатлари ҳажмига). Сўнгги натижани максимумга олиб келувчи миқёс эса ҳар доим оптимал саналади.

Афсуски, лойиҳа миқёсини танлаш жараёни фақатгина техник нуқтаи

назардан кўриб чиқилади, ва унда лойиҳанинг молиявий ва иқтисодий жиҳатлари (аспектлари) эътиборга олинмайди. Бундай ҳолатда, танланган миқёс натижаларни максимумга олиб келишга ёрдам беришига ишониш қийин.

**Лойиҳаларнинг таркибий қисми.** Кўпгина ривожланиш лойиҳалари, фаолиятнинг турли соҳалари ёки турларига мансуб бўлган таркибий қисмлардан ташкил топган бўлишлари мумкин. Мисол учун, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ лойиҳа, сугориш ва дренаж тизимларини ўзлаштириш, турли хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш ва х. ўз ичига олган бўлиши мумкин.

Таҳлилнинг биринчи даражали вазифаси – лойиҳанинг турли таркибий қисмлари ўртасидаги муносабатларни аниқлаштиришdir. Мактаб ва тиббиёт муассасаларини барпо этиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг унумдорлигига қандайдир муносабатда бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

Агарда лойиҳа таркибий қисмлари ўзаро қалин боғланган бўлса, индивидуал тарзда харажат ва даромадларни тақсимлашнинг маъноси йўқ; шунинг учун ҳам турли хил таркибий қисмлар учун даромадлилик ставкаларини алоҳида-алоҳида ҳисоблаш керак эмас. Бундай ҳолатда бутун лойиҳа учун соф самарани ҳисоблаш, ва кейинчалик, қайси бир таркибий қисм ҳисобига уни ошириш мумкинлигини кўриб чиқиш лозим.

Агарда лойиҳа таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлик даражаси паст бўлса, уларнинг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун молиявий тавсифлардан ҳам фойдаланилади, бунда турли хил таркибий қисмлар олинаётган фойда нуқтаи назаридан ўзаро ўринбосувчи, тўлдирувчи ёки мустақил бўлишлари мумкин.

Агарда лойиҳаларни биргаликда амалга оширишнинг умумий фойдаси, уларни алоҳида амалга оширишда олинадиган фойдадан кам бўлса, бундай лойиҳалар ўзаро ўринбосувчи деб, акс ҳолда ўзаро тўлдирувчи лойиҳалар деб аталади. Агарда лойиҳа мустақил таркибий қисмлардан ташкил топган бўлса,

унда ҳар бир таркибий қисмни алоҳида амалга оширишдан олинган фойда суммаси, лойиҳанинг умумий фойдасига teng бўлади. Харажатлар нуқтаи назаридан ҳам ўхшаш таҳлил амалга оширилиши мумкин.

Айрим кўп қисмли лойиҳалар, харажатлар нуқтаи назаридан ўзаро тўлдирувчи, фойда нуқтаи назаридан эса ўзаро ўринбосувчи бўладилар. Бунда молиявий таҳлил, кўп қисмли лойиҳани амалга оширишдаги харажатларнинг тежалиши умумий лойиҳа самарадорлигига қай тарзда таъсир кўрсатишини акс эттириши лозим. Бундан ташқари, кўп қисмли лойиҳаларнинг амалий баҳоси таҳлилнинг техник, технологик, тижорат ва бошқа жиҳатларини ҳам эътиборга олиши лозим.

**Жойлашув.** Лойиҳа жойлашувига таъсир этувчи омиллар ҳам жуда хилма-хил бўлиб уларни ҳам прогноз қилиш лозимdir. Табиийки, сўнгги натижани максимумга олиб келувчи жойлашув энг қулай ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда жойлашувни танлаш, турли хил фикрлар ўртасида барчани қониқтирадиган қарорга келиш зарурияти билан ифодаланади. Ҳар бир қарор ўз устунлик ва камчиликларига эга, уларни баҳолайдилар ва энг яхшиси танланади.

Турли хил вариантлар, қуйидагиларнинг яқинлиги ва қийматини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади:

- қулай физик тавсифларга (ер тузилиши, қурилиш учун шароитлар ва x.) эга ер участкаси;
- хом-ашё ва материаллар бозори;
- лойиҳа бўйича ишлаб чиқарилиши назарда тутилган, маҳсулот бозори;
- энергия манбалари;
- ишлаб чиқариш инфратузилмаси (сув, электр узатиш линиялари, ёқилғи, алоқа воситалари, автомобил ва темир йўллар ва x.);
- ижтимоий инфратузилма (болалар боғчалари, мактаблар, дўконлар, касалхонлар ва x.);
- ишчи кучи (малакали, паст малакали, малакасиз).

Танланган вариант лойиҳанинг барқарор амалга оширилишини ва минимал харажатлар билан максимал даромадга эришишини таъминлаши лозим.

*Лойиҳани амалга ошириш муддатлари.* Лойиҳани амалга ошириш муддатлари лойиҳани тайёрлаш жараёнида алоҳида кўриб чиқиладиган масала ҳисобланади, чунки уларнинг оптималлиги аниқ асосланган бўлиши лозим. Лойиҳа таклиф этаётган маҳсулотга бўлган талаб, технологияларнинг аҳволи ёки қандайдир қўшимча капитал қўйилмаларнинг имкониятлари лойиҳани иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ қилиш учун етарли бўлмаслиги ва шу сабабдан лойиҳа муддатидан илгарилаб кетган бўлиши мумкин. Иккинчи бир томондан, лойиҳа кечикиб қолиши ҳавфи ҳам мавжуд.

Лойиҳавий таҳлил услубиётида ҳисоб даври тушунчаси мавжуд. Лойиҳанинг инвестициявий, операциявий ва молиявий фаолияти барча турларининг натижалари бўйича молиявий оқимлар ушбу давр учун ҳисобланади. Шунингдек, лойиҳани амалга ошириш мумкинлиги мезонларининг қийматлари, ҳамда таваккалчилик ва ноаниқликни баҳолаш ҳам айнан шу даврга нисбатан амалга оширилади.

Ҳисоб даври қадамларга бўлинади; ҳар бир қадам учун ҳар бир пул оқими бўйича қийматлар аниқланади. Пул оқимларининг қадам қийматлари йиғиндиси, кейинчалик лойиҳа самарадорлиги ва амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб даври, одатда, вақт бўйича лойиҳани амалга оширишнинг ҳаётий цикли билан бир хил бўлади. Шу билан бирга лойиҳанинг идентификация ва ишлаб чиқиш босқичларида лойиҳани бошлаш ва тугаллаш муддатларини белгилаш алоҳида эътиборни талаб қиласди, чунки лойиҳа бўйича қарор қабул қилиш сифати қўп жиҳатлари билан айнан муддатларни тўғри белгилашга боғлиқдир.

Ҳисоб даврининг бошланиши сифатида, одатда, инвестициявий босқич бошланиши қабул қилинади. Бу дегани, барча ҳисоб-китоблар кредит тақдим этиш шартномаси имзоланган вақтдан ёки лойиҳани молиялаштириш учун

биринчи транш ўтказилган вақтдан бошланади. Агарда лойиҳа шахсий маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган бўлса, ҳисоб даври боши сифатида лойиҳани амалга ошириш мақсадида киритилган биринчи молиявий қўйилма вақти қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, лойиҳани амалга оширишни бошлаш билан боғлиқ бўлган, инвестиция обьектида рўй берган пул оқимларидағи биринчи ўзгариш ҳисоб даврининг бошланишидир.

Ҳисоб даврининг тугаши эса, одатда, лойиҳани ликвидация қилиш (тугатиш) жараёнидаги сўнгги ҳатти-ҳаракат вақтига тўғри келади.

Лойиҳани табиий тарзда тугатилиши, лойиҳа бўйича харид қилинган ускуналар хизмат даврининг тугаши ёки лойиҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот савдосининг тўхтатилиши каби, олдиндан режалаштирилган шароитлар сабабли бўлиши мумкин.

Лойиҳани тугатишнинг режалаштирилмаган сабабларига эса авариялар, ҳалокатлар, чуқур иқтисодий инқирозлар, бозор конъюктурасидаги кутилмаган ўзгаришлар киради. Албатта, лойиҳа самарадорлигини таҳлил қилишда, бундай ҳолатларнинг юзага келиши мумкинлиги фақатгина таваккалчилкларни баҳолашда ҳисобга олинади ва ҳисоб даври тугалланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

**Технология танлаши.** Техник таҳлил лойиҳанинг муҳандислик нуқтаи назаридан ишлаб чиқишининг алтернатив вариантларини ўрганишни ўз ичига олади. Хусусан, агарда янги маҳсулот ишлаб чиқариш ёки умуман янги технология жорий қилиш назарда тутилган бўлса, одатда, бир нечта вариантлардан танлаш имкони пайдо бўлади. Танловни амалга оширишда мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик кўрсаткичлари хал қилуви ҳисобланади. Мавжуд бўлган технологиялардан, лойиҳа мақсадларига энг тўла жавоб берувчи, ва обьектда шаклланган шароитларга мувофиқ келадигани танланади. Инвестициявий обьектда шаклланган шароитлар деганда қуйидагилар тушунилади:

- мазкур технология билан ишлаши назарда тутилган техник-муҳандис кадрларнинг ва бошқа ходимларнинг малакаси;

- ускунани қўллашнинг техник шароитлари (энергия манбаларининг мавжудлиги, қуввати, кучланиши ва электр таъминотининг барқарорлиги, амалдаги сув таъминоти, канализация ва алоқа тизимлари ва х.);
- технология қисмларини жойлаштириш имкониятлари.

Агарда икки ёки ундан кўп техник ва технологик вариант, бошқа шароитлар бир хиллигига, тенг фойдани таъминлайдиган бўлса, танлов жараёнида умумий харажатлар минимуми мезонини қўллаш мумкин.

### **Институционал таҳлил.**

(institutum – лотинчадан, «муассаса»)

Лойиҳани амалга ошириш натижалари кўп жиҳатлари билан, бир томондан, уни амалга оширувчи ташкилотларнинг ички тавсифларига, иккинчи томондан, лойиҳа амалга оширилаётган муҳит (давлат иқтисодий сиёсати ва тартибга солиш тизими, қонунчилик, давлат ҳокимияти институтлари тизими ва х.) институционал шароитларига боғлиқ бўлади.

Лойиҳавий таҳлилнинг институционал таҳлил қисми, лойиҳани амалга оширишнинг ташкилий ва сиёсий шароитларни ўрганиб чиқади. Унинг йўналиши қўйидагиларга боғлиқ тарзда шаклланади:

- лойиҳа миқёси (мамлакат, тармоқ, минтақа, корхона, хўжалик даражаси);
- лойиҳада иштирок этаётган капитал (давлат, хусусий, кооператив ва х.);
- иштирокчилар таркиби (сони, ташкилий-хуқуқий шакллари);
- лойиҳа вазифаси (жамият учун аҳамият касб этувчи, хусусий тадбиркорликни ривожланитириш учун мўлжалланган ва х.).

Институционал таҳлилнинг мақсади – лойиҳани амалга оширишнинг ички ва ташқи институционал шароитлари сифатини баҳолаш, ҳамда инвестиция қабул қилувчи ташкилот имкониятларини кенгайтириш бўйича зарурый тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатdir.

Охир оқибатда вақтинчалик қурилмалар ва майший хоналарни барпо этиш, қурилиш чиқиндиларини олиб ташлаш, янги обьект худудини

ободонлаштириш каби харажатлар ҳам муҳим бўлади. Бундай тадбирларни амалга оширишнинг аниқ графиги йўқлиги ва масъул шахслар борасидаги ноаниқлик объектни топшириш муддатларини анча орқага суриши ва бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

**Ички институционал шароитларнинг таҳлили** қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- лойиҳани амалга ошириш ва корхонани бошқаришнинг услублари ва техник воситалари (мониторинг ва натижаларни баҳолаш шулар жумласидандир);
- корхонанинг бошқарув ва ташкилий тузилмалари;
- режалаштириш тизими, инвестицияларни режалаштиришни ўз ичига олган ҳолда;
- кадрлар ва уларни тайёрлаш;
- молиявий бошқарув, бухгалтерия ва аудит;
- савдо-харид фаолиятини ташкил этиш тизими;
- корхонанинг ички сиёсати (стратегия ва тактика);
- корхона мустаҳкамлигини баҳолаш.

Корхонада қўлланилаётган бошқарув услублари, бошқарув ходимларининг техник қуролланганлиги лойиҳани амалга ошириш жараёнига, ҳамда унинг жорий ва сўнгги натижаларига самарали таъсир кўрсатиш имкониятлари нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Корхона ташкилий ва бошқарув тузилмалари, уларнинг лойиҳа шароитларига мос келиши таҳлил қилиниши лозим. Мисол учун, корхонада лойиҳани бошқариш билан шуғулланадиган маҳсус бўлим тузилганми, ёки бу функциялар мавжуд тузилмавий бўлимга берилганми. Агарда бу функциялар мавжуд бўлимга берилган бўлса, ушбу бўлимнинг имкониятлари ва бошқа бўлимлар билан ўзаро муносабатлари, ҳамда унинг бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимидағи роли таҳлил қилиниши лозим.

Режалаштириш тизими ҳам, лойиҳани амалга ошириш мақсадлари учун самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳоланади. Режалаштириш услублари,

даврийлиги, сифати, қабул қилинган режалар бажарилиши устидан назорат ўрнатиш йўллари аниқланади. Бунда инвестицияларни режалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида – идентификациядан тортиб то фойдаланишга топширишгача – жалб этилган кадрлар малакаси лойиҳа талаблари ва шароитларига жавоб бериши лозим. Ходимлар малакаси етарли бўлмаган тақдирда, уларни ўқитиш, мутахассисларни ёллаш, маслаҳатчиларни таклиф этиш бўйича тадбирлар режалаштирилади.

Моддий ва молиявий рағбатлантириш тизими ҳисобига таъминланадиган, ходимларнинг умумий ва шахсий манфаатдорлиги ҳам муҳимдир. Таҳлил жараёнида корхонада бундай тизим мавжудлиги текширилади ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, ходимлар ўртасида функцияларнинг тўғри тақсимланганлиги, ҳар бир ходим учун касбий ўсиш имкониятларининг мавжудлиги, ходимнинг умумий ишдаги иштироқдан маънавий қониқиши ҳосил қилиши баҳоланади.

Корхона томонидан амалга оширилаётган молиявий сиёsat, молиявий оқимларни бошқариш, молиявий ва ҳисбот ҳужжатларини тайёрлашнинг сифати, тўғрилиги ва даврийлиги, шунингдек ички ва ташқи аудиторлик текширишларнинг натижалари ҳам институционал таҳлил обьекти ҳисобланади. Бу қуйидаги иккита асосий мақсадни кўзлаган ҳолда амалга оширилади:

- корхонадаги молиявий бошқарув ва ҳисоб тизими лойиҳа талабларига қанчалик жавоб беришини аниқлаш;
- топилган камчиликларни йўқ қилиш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш.

Савдо-харид фаолиятининг таҳлили, савдо, харид ва таъминот соҳаларидаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини режалаштириш имконини беради.

Йирик инвестициявий лойиҳалар, одатда, техника ва ускуналарни харид қилишни махсус шартлар билан (мисол учун тендер асосида савдо ўтказиш) амалга оширилиши қўзда тутилган бўлади. Лойиҳани амалга оширувчи корхона бунга тайёр бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам институционал таҳлил давомида, корхона бундай вазифаларни бажариш учун етарли тажрибага эгалиги, мутахассисларни жалб қилиш зарурияти ва бошқа ташкилий масалалар муҳокама қилинади.

Лойиҳани мувоффақиятли амалга ошишига корхонанинг ўйлаб амалга оширилган ички сиёсати ёрдам бериши мумкин. Таҳлилнинг бу қисми, корхона ривожланиши стратегияси ва уни амалга ошириш тактикасини ўрганишга йўналтирилган бўлади. Мазкур стратегия ва тактиканинг лойиҳа мақсадларига мувофиқ келишига алоҳида эътибор қаратилади.

Корхона мустаҳкамлигини баҳолаш учун, унинг бозордаги ўрнини, рентабеллигини, молиявий барқарорлигини аниқлаш имконини берувчи молиявий таҳлил услубларидан фойдаланилади.

Лойиҳани амалга ошириш натижаларига таъсир қўрсатиши мумкин бўлган ташқи институционал шароитларнинг таҳлили, қўйидаги иккита асосий йўналишда амалга оширилади:

- барча поғоналардаги давлат сиёсатининг таҳлили. Амалдаги қонунлар ва тартибга солиш сиёсатининг лойиҳа натижаларига таъсири баҳоланади. Хусусан, атроф муҳитни ҳимоя қилиш, соликқа тортиш, нархларни тартибга солиш, дотациялар, халқаро савдо қоидалари, валюта айирбошлиш сиёсати ва ҳоказолар кўриб чиқилади;

- инвестиция қабул қилувчи корхонанинг бошқа корхоналар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳокимият институтлари, тармоқ муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларининг таҳлили. Бундан асосий мақсад лойиҳа учун фойдали бўлган ўзаро муносабатларни ва уларни ривожлантириш йўналишларини аниқлашдир.

### **Ижтимоий таҳлил.**

Ижтимоий таҳлилнинг асосий вазифаси – лойиҳа мақсадларининг, у

амалга ошириладиган ижтимоий муҳит манфаатлариға мувофиқ келиши даражасини аниқлашдир. Лойиҳани жамият томонидан қўллаб-кувватланишини таъминловчи тадбирлар лозим, шу жумладан аҳоли ижтимоий аҳволида ўзгаришларни рағбатлантириш йўли билан ҳам. Лойиҳавий таҳлилда ижтимоий таҳлил бўлмаган вазиятларда, лойиҳа у билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўладиган аҳоли ижтимоий гуруҳлари эмас, балки фақатгина лойиҳани ишлаб чиқувчилар томонидан баҳоланади.

Ижтимоий таҳлил, лойиҳавий таҳлилнинг бошқа жиҳатлари сингари, инвестициявий лойиҳани баҳолашга бўлган ягона интеграциялашган ёндашувнинг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлиб, лойиҳа хаётий циклининг барча босқичларини қамраб олиши лозим.

Ижтимоий таҳлил қуйидаги тўртта асосий йўналишни ўз ичига олади:

- лойиҳани амалга ошириш худудидаги аҳолининг ижтимоий-маданий ва демографик тавсифлари (сони ва ижтимоий тузилмаси, шу жумладан этник таркиби, ёши, маълумоти, даромадлари даражаси бўйича);
- минтақада ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш шакллари, хўжалик юритиш тузилмаси, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, ерга бўлган мулкчиликка муносабат, табиий ресурсларга эгалик қилиш имконияти ва улардан фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш имконияти;
- лойиҳани умумий қабул қилинган ижтимоий меъёрлар нуқтаи назаридан қабул қилиниши ва уларга мослашув қобилияти;
- лойиҳани амалга ошириш жараёнига аҳоли ва маҳаллий ташкилотларни жалб қилиш стратегияси (уларнинг лойиҳани амалга оширишдаги манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида).

### **Молиявий таҳлил.**

Лойиҳалар молиявий таҳлилини амалга оширишда қуйидаги саволларга жавоб топиш лозим:

- таҳлил пайтида лойиҳа иштирокчиларидан ҳар бирининг молиявий аҳволи қандай ва у лойиҳани амалга ошириш даврида қай тарзда ўзгариши мумкин;

- лойиҳа, молиявий нуқтаи назардан, умумий ҳолда (харажат ва даромадларни иштирокчилар ўртасида тақсимламасдан туриб) қанчалик самарали;

- лойиҳадаги иштирокни амалга ошириш мумкинми ва бундай иштирок ҳар бир иштирокчи учун, унинг молиялаштириш манбалари ва шартларини ҳисобга олган ҳолда, қанчалик самарали;

- ҳар бир иштирокчи учун молиявий таваккалчиликлар таҳлилини амалга ошириш. Лойиҳани амалга ошириш схемаси шундай бўлиши лозимки, ноқулай вазиятлар содир бўлган тақдирда барча иштирокчилар ўз фаолиятини давом эттириши мумкин бўлсин, акс ҳолда «энг ожиз» иштирокчининг таваккалчилиги, барча ва бутун лойиҳа таваккалчилигига айланади.

Иккита муҳим ҳолатни таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчидан, барча лойиҳалар ҳам молиявий жиҳатдан самарали деб таҳлил қилинмайди. Агарда лойиҳа фойдасини қиймат шаклида ифодалаш мумкин бўлмаса, таҳлил кетма-кетлиги ўзгаради: яъни самарадорликд максимумидан харажатлар минимумига ўтилади.

Иккинчидан, таҳлилнинг молиявий жиҳати умумлаштирувчи бўлиши лозим. Лойиҳани тижорат, техник, ижтимоий, институционал ва экологик жиҳатлар бўйича таҳлил қилиш жараёнида, мазкур жиҳатларнинг самарадорлигини ва лойиҳа амалга оширилиши мумкинлигини белгилаб берувчи фойда ва харажат турлари аниқланади (мисол учун, реклама харажатлари, корхона ходимларини қайта ўқитиш харажатлари ва ундан олиниши кутилган фойда, экологик таваккалчиликни пасайтиришга йўналтирилган харажатлар ва х.). Бутун лойиҳа ва ҳар бир иштирокчи нуқтаи назаридан амалга оширилган молиявий таҳлил, лойиҳани амалга оширишдаги уларнинг манфаатдорлигини намоён қиласи.

Молиявий таҳлилда ўз аксини топиши лозим бўлган экологик масалаларига келиб тўхталадиган бўлсак, баҳолашнинг қуйидаги умумий қоидаларини ҳисобга олиш муҳимдир:

1. Барча аҳамиятга эга бўлган экологик фойда, харажат, йўқотиш ва таваккалчиликларни *аниқлаш* ва уларга аниқ таъриф бериш лозим;
2. Санаб ўтилган фойда, харажат, йўқотиш ва таваккалчиликларни *миқдорий ўлчаш* лозим (центнерларда, доналарда, одам-соатларда, фоизларда ва х.);
3. Миқдоран ўлчангандан фойда, харажат, йўқотиш ва таваккалчиликларни баҳолаш (пул ўлчамидаги қиймат баҳосини бериш) лозим.

Табиийки, барча аниқланган фойда, харажат, йўқотиш ва таваккалчиликларга қиймат баҳосини бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, айрим ҳолларда, мазкур масалани бартараф этишга ёрдам берадиган энг арzon ечимни (фойда, йўқотиш ва таваккалчиликларни берилган даражасидаги харажатлар минимуми) излашни таклиф этиш мумкин.

Умумий кўринишида лойиҳанинг молиявий тахлили қуидаги босқичлардан ташкил топган бўлиши мумкин:

- лойиҳа харажатлари умумий ҳажмини жорий (паст инфляция) ва доимий (юқори инфляция) нархларда баҳолаш;
- пул маблағларининг келажакдаги оқимларини баҳолаш, лойиҳанинг ҳаётий цикли тугагандан кейинги активларнинг қолдиқ қийматини ҳисобга олган ҳолда;
- лойиҳа пул оқимларининг кутилган қийматларидан мумкин бўлган ўзгаришларини ва ушбу ўзгаришларнинг лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичларига таъсирини ҳисобга олиш асосида таваккалчилик даражасини баҳолаш;
- лойиҳа таваккалчилиги даражасини ҳисобга олган ҳолда капиталнинг алтернатив қийматини аниқлаш;
- лойиҳа активларининг реал қийматини баҳолаш (пул тушумларини дисконтлаш ва уларни жорий қийматга олиб келиш йўли билан);
- кутилаётган пул тушумларининг (фойданинг) жорий қийматини, лойиҳани амалга ошириш учун сарфланган харажатларнинг дисконтланган

қиймати билан таққослаш (агарда фойдаларнинг умумий жорий қиймати, харажатларнинг умумий жорий қийматидан юқори бўлса, лойиҳа самарали саналади).

Молиявий таҳлил лойиҳадаги иштирокдан олинадиган фойдани баҳолаш мақсадида амалга оширилади. Бошқача қилиб айтганда, ўз ва қарз маблағларини лойиҳага сарфлаш, улардан фойдаланишнинг бошқа алтернатив варианларидан фойдалироқ эканлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Молиявий таҳлилда барча моддий оқимлар (маҳсулот, хизматлар, ресурслар) пул ифодасида тақдим этилади. Бу лойиҳани ташқи муҳит билан боғловчи кириш ва чиқиш оқимларини таққослаш, йиғиндисини ҳисоблаш ва тузилмавий таҳлилини амалга ошириш учун зарур. Бунда инфляцияни ҳисобга олиш муаммоси пайдо бўлади. Барча нархлар номинал (яъни инфляция ўсишини ўз ичига олган) ёки инфляциясиз бўлиши лозим. Лойиҳани баҳолашда, одатда, инвестициялаш жараёнида нархларнинг кескин ўзгариши ва юқори инфляция рўй бермайди деб қабул қилинади. Аммо, бундай қабул қилиш хақиқатга яқин бўлмайди, ва шунинг учун ҳам нархларнинг мумкин бўлган ўзгариши учун захира олдиндан ҳисобга олинади. Бундай захиралар лойиҳа харажатлари қисмига киритилади.

Инвестициявий лойиҳанинг молиявий таҳлили, одатда, икита асосий босқични ўз ичига олади:

- «молиялаштиришдан олдинги» таҳлил, яъни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини жалб этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилмайди;
- «молиялаштиришдан кейинги» таҳлил, яъни молиялаштиришнинг аниқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда.

### **Иқтисодий таҳлил (жамият самарасини баҳолаш).**

Лойиҳани миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан баҳолашда молиявий таҳлилга ўхшаш қоидалар қўлланилади, аммо молиявий таҳлилдан фарқли равишда муайян иштирокчи манфаатлари эмас балки бутун жамият (мамлакат, қишлоқ хўжалиги ва х.) манфаатларини акс эттириш лозим.

Биринчидан, лойиҳа иштирокчиларининг биттасига ҳам тегишли бўлмаган, аммо аҳоли ва келажак авлод манфаатларига таъсир кўрсатадиган, лойиҳани амалга ошириш натижалари айнан жамият самарасини баҳолашда ҳисобга олиниши лозим. Кўпгина ҳолларда, лойиҳанинг экологик оқибатлари ушбу категориядан жой олади. Мисол учун, далалардан ўғитларни ювиш ҳеч кимни кўзига тушмаслиги ва жаримага олиб келмаслиги мумкин, аммо қуириқ жойлашган корхоналар, дам олиш худудлари ва бошқа обьектлар сувни тозалаш учун қўшимча харажат қилишлари лозим бўлади. Бутун мамлакат ва унинг иқтисодиёти нуқтаи назаридан ушбу харажатлар ёки пайдо бўлаётган йўқотишлар ҳисобга олиниши лозим.

Иккинчидан, бутун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва барча фойдаланилаётган ресурслар, ҳар бир иштирокчи нуқтаи назарини акс эттирувчи молиявий нархларда эмас, балки жамият ва миллий иқтисодиёт нуқтаи назарини акс эттирувчи «иқтисодий бойликлар» бўйича баҳоланади. Мисол учун, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг чет эллик етказиб берувчиси ўз харажатларига (ва кейинчалик маҳсулоти нархига ҳам) божхона божларини (турли хил йифимлар, акцизлар ва ҳ.) ҳам киритади. Миллий иқтисодиёт нуқтаи назаридан ушбу йифимлар мамлакат ва жамиятнинг реал харажатлари сифатида қаралмайди, ва иқтисодий самарани ҳисоблашда иштирок этмайди.

Учинчидан, корхона 50-70 йилда бир марта содир бўладиган, мисол учун, ҳаво шароитларининг экологик зарари таваккалчилигини ҳисобга олмаслиги мумкин, аммо мамлакат нуқтаи назаридан ушбу зарар албатта ҳисобга олинган бўлиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, экологик таҳлил иқтисодий таҳлил билан яқиндан боғланган, чунки амалдаги қонунчилик бўйича кўпгина экологик оқибатларни молиявий баҳолаб бўлмайди, аммо жамият самарасини аниқлашда уларни ҳисобга олиш мажбурийdir.

### **Экологик таҳлил.**

Лойиҳани экологик нуқтаи назардан баҳолаш, юқорида тилга олинган

жихатларидан ташқари, ўз масалалари, усуллари ва қоидаларига эга.

Юқорида таъкидлаганимиздек, экологик баҳолаш мажмуавий характерга эга бўлиши ва унинг натижалари лойиҳа қабул қилиниши ёки рад этилишига таъсир кўрсатувчи асосий мезонлардан бири бўлиши лозим. Бир вақтнинг ўзида, амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, хўжалик раҳбарлари фақатгина бошқарув органларидан тегишли буйруқ келгандагина экологик экспертизани амалга оширадилар.

Бунда экологик оқибатлар нақадар муҳимлиги ва уларни бартараф этиш лозимлиги ҳамма учун равshan, аммо молиявий ресурсларнинг этишмовчилиги лойиҳани экологик нуқтаи назардан мажмуавий тарзда баҳолаш имконини бермайди.

Экологик таҳлилнинг мақсади – лойиҳани амалга ошириш ва объектнинг кейинчалик фаолият юритиши давомида атроф муҳитга кўрсатилиши мумкин бўлган заарни олдиндан аниқлаш, ва йўқотишларни минимумга олиб келиш ёки умуман бартараф этиш бўйича қарор қабул қилишдан иборат.

Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида фақатгина атроф муҳит учун мумкин бўлган оқибатлар бўйича маълумотлар базаси ва мониторинг тизими эмас, балки лойиҳани экологияга таъсири бўйича муайян меъёрларни ўрнатиш, ҳамда уларга риоя қилиниши устидан назорат тизими талаб қилинади.

Мамлакат ҳукуматлари ва (ёки) халқаро экологик ташкилотлар томонидан тасдиқланадиган ҳавфсизликнинг минимал меъёрлари тушунчаси мавжуд. Бундай меъёрлар соғлиқни сақлаш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асрash ва бошқа соҳаларда мавжуд. Лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида шуни ҳисобга олиш лозимки, қабул қилинаётган ҳавфсизлик параметрлари ушбу минимал меъёрлардан паст бўлмаслиги лозим.

Инвестициявий лойиҳалаштиришда, айrim ҳолларда, атроф муҳитга муайян даражада заар етказишга йўл қўйилади. Мисол учун, лойиҳа туфайли юзага келган заарли оқибатлар учун тегишли инсонларга

компенсациявий тўловларни амалга ошириш, ушбу оқибатларни бартараф этиш ёки камайтиришдан кўра фойдалироқ бўлиши мумкин. Аммо, ҳар қандай ҳолатда ҳам, эсда тутиш лозимки, лойиҳанинг атроф муҳитга зарарли таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш бўйича барча харажатлар, ҳамда компенсациявий тўловлар ва жарималар, лойиҳанинг умумий харажатларига киритилиши ва пул оқимларига қўшилиши лозим.

Экологик қисми муҳим рол ўйнайдиган лойиҳаларда, харажат ва даромадларнинг тўғридан-тўғри таҳлилини ўтказиб бўлмайди. Муаммо шундаки, экологик лойиҳалардаги даромад ва харажатларни аниқ қўриб бўлмайди ва (ёки) улар вақт бўйича анча сурилган.

Табиат нафақат инсонга ресурсларни тақдим этади, балки бошқа табиий хизматларни ҳам кўрсатади (сувларнинг табиий тозаланиши, тупроқнинг ҳимояси, чиқиндиларни қайта ишлаш ва х.). Табиатнинг бундай такрорланмас ўзига хос қобилиятига етказилган зарарни қиймат билан ифодалаш жуда ҳам қийин, айрим ҳолларда эса умуман мумкин эмас.

Экологик ўзгаришларнинг даражаси ва характерини олдиндан билиш мумкин бўлган ҳолатларда, мавжуд бозорлар ва улардаги нархлар бундай баҳо бериш имкониятини туғдиради. Мисол учун, суғориш тизимидағи сув сифатининг ёмонлашуви туфайли, ҳосил ҳажми ёки сифатидаги йўқотишлар юқори даражали аниқлик билан ҳисобланган бўлиши мумкин.

Аммо, ҳаво ёки ичимлик сувининг сифати пасайиши натижасида инсонлар соғлиғига келтирилган зарарни ҳисоблаш анча мураккаб. Мисол учун, соғлиқни сақлаш, турар жойни ўзгартириш ёки даволаниш харажатларини ҳисоблаш мумкин, лекин барибир бир қанча бошқа харажатлар ҳисобга олинмасдан қолади ва зарар кўрганлар тегишли компенсация олмайдилар.

Лойиҳанинг салбий оқибатларини камайтириш ёки бартараф этиш харажатларини режалаштиришда, молиялаштиришнинг барча мумкин бўлган манбаларини, ва биринчи навбатда инвестициядан асосий фойда кўрувчи шахсларнинг маблағларини ҳисобга олиш лозим. Қўшимча даромад олиш

йўлида атроф мухитга заарар етказувчи, уни тиклаш бўйича асосий харажатларни ҳам кўтариши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари барча поғоналардаги давлат бюджети, атроф мухитни ҳимоя қилиш мақсадли дастурларининг маблағлари, маҳсус экологик жамғармаларнинг маблағлари ва бошқа манбалардан фойдаланиш мумкин.


### **1.3. Инвестициявий лойихани бошқариш**

Инвестициявий лойихани бошқаришнинг ўзига хослиги унинг характеристи, мураккаблиги, молиялаштириш хажми, амалга ошириш давомийлиги, натижаларнинг ноаниқлик даражаси ва бошқа кўпгина омиллар билан белгиланади.

Маълумки хозирги кунда, бошқарувга бўлган ўзаро учта боғлиқ ёндошув амалга оширилади – жараёнли, тизимли ва вазиятли.

#### **Инвестициявий лойихани бошқаришга бўлган жараёнли ёндошув.**

Жараёнли ёндошув бошқарувини, унинг функцияларини амалга ошириш бўйича тинимсиз ўзаро боғлиқ бўлган хатти-харакатлар тизими сифатида кўришни назада тутади. Бошқарув функцияларига эса – прогнозлаштириш ва режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бошқалар киради. Жараёнли ёндошув нуқтаи назаридан инвестициявий лойихани бошқаришни қўйдаги қадамларга ажратиш мумкин (1.3. - расм).



**1.3-расм. Жараёнли ёндошув нуқтаи назаридан инвестициявий лойихани бошқариш**

**Прогнозлаш ва режалаштириши** бошланғич босқич бўлиб инвестициявий ғояни илгари суриб чиқиш ҳисобланади. Муайян инвестициявий лойиханинг ғояси ушбу соҳадаги мақсад ва вазифалар

тушимини белгилаб берувчи корхонанинг инвестицион сиёсатига мувофиқ бўлади. Корхона миқёси унинг бозордаги умумий стратегияси ва молиявий аҳволига боғлиқ тарзда инвестицион сиёсат мақсадларига битта инвестициявий лойиҳани ёки инвестициявий лойиҳалар тизимини амалга ошириш йўли билан эришиш мумкин. Хар ҳолда хар бир инвестициявий лойиҳа учун мақсадли кўрсаткичлар тизими шакллантирилади, уларга эришилгандан сўнгина лойиҳа якунланган деб ҳисобланади. Инвестициявий лойиҳани режалаштириш жараёнида қўйилган мақсадларга эришиш варианлари ва чекловга омилларни топиш учун, техник, ташкилий, иқтисодий, экологик, ижтимоий, тижорат тусидаги ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш амалга оширилади. Энг оптималь вазиятни танлаш хар бир вариант бўйича самарадорликни ҳисоблашнинг натижасидир. Прогнозлаш ва режалаштириш жараёни инвестицион режани батафсил ишлаб чиқиш одатда бизнес- режа шаклида тугалланади.

**Ташкил этиши** инвестицион бизнес режа корхонанинг жорий ишлаб чиқариш режалари билан биргаликда амалга оширилар экан, улар муҳим техник иқтисодий кўрсаткичлар бўйича келишилган бўлиши лозим. Кўпгина холларда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш мавжуд тузилмалар доирасида бўлади. Бунга қарамасдан хар бир инвестициявий лойиҳа амалдаги бошқарув тузилмасига қандайдир даражада ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан ушбу лойиҳани амалга оширувчи бўлимлар ўртасида ҳуқуқ мажбурияти ва маъсулиятни қайта тақсимлаш йўли билан инвестициявий лойиҳасини корхона бошқарувининг ташкилий лойиҳани корхона бошқарувининг ташкилий тузилмасига «киритиш» лозим.

**Мувофиқлаштириши** инвестициявий лойиҳани амалга ошириш учун лозим бўлган тадбирларни корхонанинг жорий режалари билан мувофиқлаштирилганлиги хар бир бўлимга етказилган бўлиши керак. Бўлимлар даражасида инвестициявий лойиҳанинг мақсад ва вазифалари бўлимларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда салоҳияти билан тақсимланади. Инвестициявий бизнес режанинг молиявий ҳисоб китоблари батафсил тарзда

бўлимлар бюджетлари билан тақсимланади.

Мақсад вазифа ва ресурсларнинг мувофиқлаштиришдан ташқари хар бир бўлим инвестициявий лойиҳа бўйича тадбирларни бажаришда манфатдор бўлишлари лозим.

**Назорат** нафақат инвестициявий лойиҳани амалга оширишнинг барча босқичларида балки уни бошқариш қадамларида ҳам лозим бўлади. Назорат қуидагиларни ўз ичига олади:

- Инвестициявий лойиҳа мақсадли кўрсаткичларининг корхонанинг стратегик ва техник мақсадларига мувофиқлиги устидан назорат;
- Инвестициявий лойиҳани ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган ахборот тўғрилиги ва тўлалигини текшириш;
- Ишлаб чиқаришга инвестицион тадбирларнинг корхонанинг техник, технологик, молиявий, экологик, ижтимоий, тижорат салоҳиятига мувоқлиги устидан назорат;
- Инвестициявий лойиҳани амалга ошириш давомида корхона бўлишлари ўртасида хуқуқ мажбурият ва маъсулиятлар қайта тақсимланишининг тўғрилиги устидан назорат;
- Инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши устидан назорат. Лойиҳа самарадорлигининг хисобланган тавсифларига мувофиқ чегаравий тақсимланган дифференциал кўрсаткичларининг эришиш даражаси босқичма –bosқич кузатиб борилади.

Натижада амалда эришилган кўрсаткичлар билан режадаги кўрсаткичлар орасидаги фарқлар аниқланади, бу эса фарқлар сабабини аниқлаб туриб лойиҳани амалга оширишни тўғри йўлга қўйишга ёрдам беради.

Амалдаги кўрсаткичларнинг режадаги кўрсаткичлардан фарқ қилиши корхонадаги ички муҳитга нисбатан ташқи муҳит омилларига кўпроқ боғлик. Ушбу муносабат билан, жараёнли ёндошув аҳамиятини қушмаган холда инвестициявий лойиҳалар бошқарувида тизимли ёндошувдан ҳам

фойдаланиш лозим.

## **Инвестициявий лойиҳаларни бошқаришга бўлган тизимли ёндошув.**

Хар бир инвестициявий лойиҳани ташқи муҳит билан алоқадор бўлган, очик тизим шаклида тасаввур қилиш мумкин. Бундан ташқари инвестициявий лойиҳа ўз навбатида инвестицион сиёсатнинг таркибий тушунчаси инвестицион сиёсат эса корхона стратегиясининг таркибий тушунчаси ҳисобланади. Бунда тескари алоқани яъни инвестициявий лойиҳани амалга оширишнинг натижалари ва ўзига хос хусусият-ларини, корхонанинг инвестицион сиёсати йўналишлари ва стратегисидаги ўзгаришларга таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ушбу муносабат билан инвестициявий лойиҳа миқёсига боғлиқ тарзда ташқи муҳитдан кириб келувчи ахборотнинг аҳамияти ва тўлалиги турлича бўлиши лозим.

Катта миқёсдаги лойиҳалар учун - биринчи навбатда инвестицион таввакалчилик даражасини белгиловчи ахборотdir. Ички ишлаб чиқариш аҳамиятига эга лойиҳалар учун корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий имкониятлари тўғрисидаги ахборотdir. Биринчи ҳолатда корхона бошқарув тузилишига нисбатан ташкаридан кириб келувчи ахборот хисоби бўлиши лозим, иккинчи ҳолатда локал ички ишлаб чиқариш инвестициявий лойиҳанинг бошқарув тизими бўлиши лозим.

Бунга мувофиқ инвестициявий лойиҳанинг бошқарув тизимидан чиқадиган натижа корхонанинг бозорда эгаллаган ўрнига, унинг рақобатбардошлигига, обрўсига, ижтимоий аҳамиятига ёки технологик даражасига ва харажатлар тузилмасига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ўз ечимини топаётган мақсад ва вазифаларнинг қўплиги ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш шароитларининг турлилиги уларнинг бошқарувига бўлган ёндошувлар ҳам мувофиқ тарзда диференциацияшган бўлиши талаб қилинади. Инвестициявий лойиҳа олидида турган мақсадларни муайян шароитлар билан ва кейинчалик ушбу шароитларни

корхона мақсадлари билан ҳам боғлашга вазиятли ёндошув имкон беради.



**Расм-1.4. Инвестициявий лойиҳа бошқарувига бўлган тизимли ёндошув**

#### **Инвестициявий лойиҳаларни бошқаришга бўлган вазиятли ёндошув**

Вазиятли ёндошув тизимли ёндошувнинг давоми ва бир тури хисобланади. Ташки муҳитнинг ноаниқлик даражаси ва режалаштирилган молиявий натижага эришмаслик хавфининг ошиши билан вазиятли ёндошувнинг аҳамияти ҳам ортиб боради. Хар бир инвестициявий лойиҳа ташқи ва ички муҳитнинг турли даражадаги ноаниқлиги даражасида амалга ошишига қарамасдан унинг ягона мақсади режадаги иқтисодий ёки бошқа самарадорлик кўрсаткичларига эришишdir. Вазиятли таҳлил эса айнан шунга йўналтирилган бўлади. Вазиятли ёндошувнинг ўзига хослиги шундаки у ўзгараётган вазиятни инвестициявий лойиҳаларнинг натижасига бўлган таъсирини аниқлаб беради.

Қуйидаги шароитлар мавжудлигида вазиятли ёндошувни қўллаш турли

миқёсдаги инвестициявий лойиҳалар учун самаралидир:

- Инвестицион қарорларни қабул қилувчи менежер бошқарув концепциялари билан танишиш муайян инвестициявий лойиҳага нисбатан унинг ижобий ва салбий томонларини баҳолашга лаёқатли бўлиши;
- Ташки ва ички муҳит омиллари таъсири остида шаклланувчи ва вазиятни белгилаб берувчи омиллар ичидан аҳамиятли ва аҳамиятга эга бўлмаганларини ажрата олиш;
- Менежер хар бир муайян вазиятда энг катта натижани олиш имконини берадиган ёндошувни қўллай олиши.

Турли миқёсдаги инвестициявий лойиҳаларни бошқариш жараёнида юзага келувчи барча вазиятларни учта йўналиш бўйича ажратиш мумкин.

- Олинадиган натижаларни режалаштирган натижаларга нисбатан фарқланиши хавфи минимал бўлиб, чекланган сонли вариантлар ва натижалар ичидан қарор қабул қилиш лозим бўлганда:
- Режалаштирилган натижани олиш таваккалчилиги мавжуд шароитда қарор қабул қилиш лозим бўлганда;
- қўйилган мақсадларга эришиш ноаниқлиги шаротида қарор қабул қилиш лозим бўлганда.

Хар бир йўналишни кўриб чиқамиз.

Чекланган вариантлар ичидан қарор қабул қилиш. Йўналиш тор ичи ишлаб чиқариш характеристига эга бўлган инвестицион қарорлар учун тўғри келади. Масалан нисбатан бир хил кўрсаткичларга эга ускуналар харид қилиш, ҳаво тозалаш масалаларини ўрнатиш ва х. Одатда бундай вазиятланган ва уларнинг натижалари етарлиги аниқликда хисобланган бўлади. Бунда харакатлар кетма-кетлиги қуидагича бўлиши лозим.

- а) инвестицион қарор варианtlари сони аниқланади;
- б) хар бир вариантнинг техник иқтисодий тавсифлари кўриб чиқилади;
- в) варианtlардан бирини танлаш лозим (мезонлари) аниқланади.  
(масалан харажатлар. даромад, рентабеллик, соф фойда ва б.)
- г) таклиф этилган хар бир вариант учун мезонлар қийматлари

хисобланади.

д) энг яхши мезон қийматларига эга бўлган вариант амалга оширишга таклиф этилади.

Чекланган сонли вариантлардан қабул қилиш, хисоблаш услублари сифатида кўпгина инвестициявий лойиҳалар самарадорлигини хисоблашнинг статистик ва камроқ динамик услублари хизмт қилади.

Таваккалчилик шароитида қарор қабул қилиш. Ушбу вазият олдингини тўлдириши мумкин. Масалан, икки ёки ундан кўп вариантлар бир хил хажмдаги инвестицияларни талаб қилади, аммо режадаги натижалар олинишини 100% ли эҳтимоллик билан аниқлаш мумкин эмас. Бунда эҳтимолли ёндошувни қўллаш лозим. У даромадларга эришиш эҳтимолларини хисоблашни назарда тутади. Бунда режадаги натижаларни олиш таваккалчилиги устига, экспертнинг субъектив баҳоси таваккалчилиги ҳам қўйилади.

Ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш. Ушбу йўналиш энг мураккаб бўлиб, амалиётда энг кўп учраб туради. Бундай вазиятда натижага таъсир этувчи ўзгарувчиларни танлаш катта аҳамият касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, агарда инвестициявий лойиҳа мақсадларига эришиш учун бутун жамоа кучлари йўналтирилмас экан, бошқарувга бўлган хеч бир ёндошув ижобий натижа бермайди.

#### **1.4. Лойиҳанинг инвестициявий эҳтиёжлари**

##### ***Масалалар***

**1.1-масала.** Янги ишлаб чиқаришни ташкил этишга бўлган капитал қўйилмаларнинг давомийлиги 3 йилни ташкил этган ҳолда, йиллар бўйича тақсимланиш 50%, 25%, 25% га teng. Бино, иншоат ва ускуналарга зарур бўлган капитал қўйилмалар ҳажми тегишли тарзда 250 млн. сўм, 240 млн. сўм ва 1700 млн сўмга teng. Айланма маблағларга бўлган қўйилмаларнинг умумий ҳажми 80 млн. сўм.

Қўйидагиларни ҳисобга олган ҳолда:

- қурилма ва жиҳозларга бўлган харажатлар тегишли тарзда

ускуналар харажатининг 18% ва 12%ини ташкил этади;

- транспорт воситаларига бўлган харажатлар иншоат ва ускуналар харажатларининг 15%ини ташкил этади;
- технологияларни харид қилиш харажати ускуналар харажатининг ярмига тенг.

Тўғридан-тўғри капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми ва уларни йиллар, ҳамда тузилмавий таркиби бўйича тақсимланишини аниқланг.

**Ечим:**

Масала ечими натижаларини тақдим этиш учун, ечим жараёнида тўлдириб бориладиган қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз.

Ечим қуйидаги кетма-кетлиқда амалга оширилади:

1. Биринчи навбатда, капитал қўйилмаларнинг барча келтирилган таркибий қисмларига бўлган уч йиллик умумий қўйилмалар ҳажмини ҳисоблаб чиқамиз. Бино, иншоат, ускуна ва айланма воситаларга киритиладиган қўйилмаларнинг ҳажми берилган. Етишмайдиган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқамиз:

- қурилмаларга бўлган харажатлар  $1700 \times 0,18 = 360$  млн. сўм;
- жиҳозлаш харажатлари  $1700 \times 0,12 = 204$  млн. сўм;
- транспорт харажатлари  $(1700 + 240) \times 0,15 = 291$  млн. сўм;
- технология харажатлари  $1700 \times 0,50 = 850$  млн. сўм.

Асосий воситаларга қилинадиган барча харажатлар йифиндисини ҳисоблайдиган бўлсак, ушбу кўрсаткич 3841 млн. сўмга тенг бўлади.

1. Олинган ва берилган барча маълумотларни жадвалнинг якуний устунига киритамиз.

2. Капитал харажатларнинг йиллар бўйича тақсимотини ўтказамиз. Тақсимлаш жараёни барча компонентлар учун бир хил. Мисол учун, асосий воситаларга бўлган умумий қўйилмалар учун қуйидагига эга бўламиз:

- биринчи йилда  $3841 \times 0,50 = 1920$  млн. сўм,
- иккинчи йилда  $3841 \times 0,25 = 960,25$  млн. сўм,
- учинчи йилда  $3841 \times 0,25 = 960,25$  млн. сўм.

## Капитал харажатларнинг йиллар бўйича тақсимоти

Йиллар	1 й.	2 й.	3 й.	Жами
<b>Тўғридан-тўғри капитал қўйилмалар</b>				
Асосий воситаларга бўлган қўйилмалар				
Бино				
Иншоат				
Ускуна				
Курилма				
Жиҳозлар				
Транспорт воситалари				
Технологиялар				
Айланма маблағларга қўйилмалар				
<b>Жами</b>				

Ўхшаш тарзда бошқа барча харажатларни тақсимлаган ҳолда, жадвални тўлдирамиз ва якуний қийматларни ҳисоблаб чиқамиз.

Масала ечимининг якуний натижасини юқоридаги жадвал шаклида тақдим этиш керак.

**1.2-масала.** Янги ишлаб чиқаришни ташкил этишга капитал қўйилмалар киритиш давомийлиги 4 йил бўлиб, йиллар бўйича бир хил тақсимотга эга. Бино, иншоат ва ускуналарга бўлган капитал қўйилмаларнинг зарурий ҳажмлари тегишли тарзда қўйидагича: 400 млн. сўм, 600 млн. сўм, 2000 млн. сўм. Айланма воситаларга бўлган умумий қўйилмалар ҳажми 100 млн. сўмга тенг.

Куйидагиларни ҳисобга олган ҳолда:

- қурилма ва жиҳозларга бўлган харажатлар тегишли тарзда ускуналар харажатининг 15% ва 12%ини ташкил этади;
  - транспорт воситаларига бўлган харажатлар иншоат ва ускуналар харажатларининг 20%ини ташкил этади;
- технологияларни харид қилиш харажати ускуналар харажатининг учдан бирига тенг.

### **Назорат саволлари:**

1. Лойиҳа тушунчаси
2. Лойиҳа даври.
3. Лойиҳа турлари.
4. Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини тайёрлаш неча босқичлардан иборат?
5. Инвестициявий лойиҳанинг вазифаси нимадан иборат?
6. Техник таҳлилни мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
7. Тижорат таҳлилни мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
8. Институционал таҳлилни мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
9. Экологик таҳлилни мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
10. Ижтимоий таҳлилни мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
11. Иқтисодий таҳлилни мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
12. Молиявий таҳлилни мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
13. Лойиҳаларни бошқариш усувлари.

## **II – БОБ. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ МОҲИЯТИ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ**

Таянч иборалар: инвестициялар, таваккалчиликли инвестициялар, тўғридан-тўғри инвестициялар, портфел инвестициялар, аннуитет, узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар, инвестициялаш манбалари, инвестициявий фаолият обьекти ва субъектлари, инвестициялаш тамойиллари.

### **2.1. Инвестицияларнинг моҳияти ва шакллари**

«Инвестиция» атамаси, лотинча «invest» сўзидан олинган бўлиб, «қўйилма» маъносини билдиради. Янада кенгроқ таъриф бериладиган бўлинса, инвестициялар - бу капитални янада кўпайтириш мақсадида амалга ошириладиган капитал қўйилмалардир. Бунда капиталнинг кўпайиши, инвестор мавжуд маблағлар истеъмолидан воз кечганини компенсациялаши, таваккалчилик учун мукофотлаши ва ушбу даврдаги инфляцион йўқотишларни қоплаш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициявий фаолият тўғрисида»ги Қонунида, «инвестициялар» тушунчаси «иқтисодиёт ёки бошқа фаолият обьектларига киритилаётган моддий ва номоддий бойликлар ва уларга эгалик қилиш ҳукуқи» деб изоҳланган.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар) – бу иқтисодиётнинг барча соҳалари каби транспорт мажмуаси соҳаларини асосий ишлаб чиқариш воситалари ривожлантиришга қайта ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган моддий, меҳнат ва пул ресурсларини харажати мажмуайдир. Инвестиция сўзи бизнинг иқтисодиётимиз учун нисбатан янги бир қанча қамровли макроиктисодий тушунчадир.

Молиявий таърифи бўйича инвестициялар – бу фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйиладиган маблағларнинг барча турларидир: иқтисодий таъриф бўйича эса асосий ва айланма капитални яратиш, кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник қайта жиҳозлашга кетган

харажатлардир.

Микродара жаһаңынан күрә, инвестициялар деганда янги капитал, шу жумладан ишлаб чиқариш воситалари ва интеллектуал салоҳият, қайта ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни тушунилади.

Республикамизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш биринчи навбатда, транспорт мажмуаси, шу қатори автомобиль транспорти соҳасига ички ва хорижий сармояларни йўналтиришни талаб этади. Олиб борилаётган ташқи савдо, иқтисодий, шу жумладан, инвестицион сиёсат ва алоқаларда қуидаги йўналишлар устувор ва муҳим аҳамиятга молик ҳисобланади:

- соҳада экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва янада мустахкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш;

-республика транспорт тизимида экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, қимматбаҳо хом ашёни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш. Хорижий шериклар билан ҳамкорликда замонавий корхоналар барпо этиб, уларни илғор технологиялар билан таъминлаш асосида рақобатбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

-экспортни кенгайтиришга қаратилган стратегияни фаол қўллаш билан бир қаторда импортнинг салмоғини қисқартириш (соғ экспорт хажмини ошириш)га қаратилган сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотларнинг четдан келтирилишини оқилона камайтириш;

-ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга, хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишида, ўз маҳсулотларига чет эл бозорларида сотиш учун кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда имтиёзлар тизимини янада кенгайтириш борасида аниқ, мақсадли сиёсат олиб бориш;

-хорижий сармояларни республика иқтисодиётига кенг кўламда жалб этиш учун зарур хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар тизимини

вужудга келтириш ва ташқи иқтисодий ўзгаришларга мос ҳолда мувофиқлаштириш;

-ташқи иқтисодий фаолият таркибий қисмлари мажмуасини – ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг консалтинг ва суғурта фирмаларни, ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш манфаатлари ва шароитларига мос келадиган транспорт, алоқа ва коммуникация тизимларини вужудга келтириш.

Иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти совриндори У.Ф.Шарк (1990 й.) «инвестициялаш» атамасига қуидагича изоҳ беради: «Эртага даромад олиш мақсадида, бугун пул сарфлаш», яъни инвестицияларнинг моҳияти шундаки улар капитал ҳаракати жараёнига жалб қилинган. Ушбу капитал ҳаракати натижасида олинган даромад нафақат инвесторнинг барча харажатларини қоплаши, балки унга таваккалчилик учун мукофот олиб келиши ҳам лозим.

Демак, инвестициялар – бу келажакда иложи борича кўп ва самаралироқ фойдаланиш мақсадида «олиб қўйиладиган» бойликлардир. Уларнинг бир қисмини жорий даврда фойдаланилмаган ва захирага олиб қўйилган истеъмол маблағлари (захираларни кўпайтириш эмас); иккинчи қисмини эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслар (бино, иншоот, машина ва қурилмаларга қўйилмалар) ташкил этади.

Корхоналар ҳар доим инвестицияларга, яъни янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, мавжудларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳозланишини яхшилаш, фойда олиш ва бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда, турли дастур ва айрим тадбирларга маблағ (ички ва ташқи манбалардан) қўйишга муҳтож бўладилар. Бу ишбилармонлик ва фаолиятнинг бошқа турлари обьектларига фойда ёки ижтимоий самара олиш мақсадида қўйиладиган пул маблағлари, мақсадли банк жамғармалари, пайлар, акция ва бошқа қимматли қофозлар, технологиялар, машина ва ускуналар, лицензиялар, шу жумладан товар белгилари, кредитлар, исталган бошқа мулк ёки мулкчилик ҳукуқи, интеллектуал бойликлар ҳамдир.

Хар қандай мамлакатда инвестицион мухит биринчи навбатда сиёсий барқарорликка боғлиқ. Худди шу омил инвестор учун ўз фаолиятини режалаштириш, узоқ муддатли капитал яратади. Республикамиздаги инвестицион сиёсатнинг асосий хусусиятларидан бири- макроиктисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигидир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган инвестицион сиёсатда инвестицияларни иқтисодиётнинг қуйидаги устувор соҳаларига йўналтириш лозим:

- транспорт мажмуаси тараққиёти, уни замон талабларига мувофиқ қайта қуриш;
- транспорт мажмуасининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, ирригация ва мелиорация тармоқлари ҳолатини тубдан яхшилаш;
- саноат ва ёқилғи-энергетика мажмуаси тармоқларини ривожлантириш;
- ички ва ташқи бозорларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва экспортни кучайтириш, экспортда тайёр маҳсулотлар ва техниковий маҳсулотлар ҳиссасини ошириш;
- кичик бизнесни ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш.

Инвестициялар турли хил белгиларга асосан туркумланади: асосий капитални кўпайтириш зарурияти билан боғлиқ, *соф*, ва асосий фонdlар эскиришини қоплаш зарурияти туфайли юзага келган, *яли* инвестициялар. Инвестициялар йўналтирилган обьекти бўйича ҳам фарқланади. Бундай обьектлар бўлиб мулк, молиявий воситалар, номодий бойликлар хизмат қилиши мумкин. Таъсир йўналиши бўйича: алмаштириш, кенгайтириш, фонdlар таркибини янгилашга ажратиш мумкин. Мақсадлар ва улар билан боғлиқ таваккалчилик нуқтаи-назаридан инвестициялар қуйидаги турларга бўлинади:

- венчур (таваккалчиликli);
- тўғридан-тўғри;
- портфел;

- аннуитет.

*Таваккалчилики инвестициялар*, ёки венчур капитали деб, таваккалчилиги юқори бўлган капитал қўйилмаларни атайдилар. Венчур капитали - бу юқори таваккалчилик билан боғлиқ янги фаолият турларида чиқариладиган янги акцияларга инвестиция киритишидир. Венчур капитали асосан инновацион ва янги технологиялар билан боғлиқ фаолият турларида учрайди.

*Тўғридан-тўғри инвестициялар* - фойда олиш ва бошқарувда иштирок этиш мақсадида, хўжалик фаолияти юритаётган субъект устав капиталига қўйиладиган қўйилмалардир.

*Портфел инвестициялар* - портфелни шакллантириш билан боғлиқ бўлиб, қимматли қоғозлар ва бошқа активлар (жамғарма ва депозит сертификатлари, сугурта полислари, ва х.)ни сотиб олишдан иборатdir.

*Аннуитет* (немисча annuitat-йиллик тўлов) – инвестиция киритувчи шахсга бир хил вақт оралиғида муайян даромад келтирадиган инвестициялардир. Бунга асосан суғурта ва нафақа жамғармаларига маблағ қўйишни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Тижорат амалиётида инвестицияларнинг қўйидаги турларини фарқлаш мумкин:

- моддий активларга киритиладиган инвестициялар;
- пул активларига киритиладиган инвестициялар;
- номоддий (кўриб бўлмайдиган) активларга киритиладиган инвестициялар.

Моддий активлар деганда ишлаб чиқариш бино ва инишотлар, ҳамда хизмат муддати бир йилдан кўп бўлган машина ва ускуналар тушунилади. Пул активлари деганда эса, бошқа юридик ва жисмоний шахслардан пул олиш ҳуқуqlари тушунилади (депозитлар, опцион, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар) Номоддий активларга, корхона томонидан ортирилган интеллектуал бойлик, савдо белгилари, лицензия ва ноу-хаулар киради.

Тадбиркорлик фаолияти объектларига инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади. Шу муносабат билан, инвестицияларни таҳлил қилиш ва режалаштиришда, уларни 2.1.-расмда кўрсатилган белгилар бўйича туркумлаштириш муҳим ҳисобланади.

1. Маблағ киритиш объектларига қараб реал ва молиявий инвестицияларга ажратилади.

Реал инвестиция – ерга, ишлаб чиқариш воситаларига, моддий ва бошқа активларга эга бўлган ташкилотлар ёки бошқа хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилади.

Молиявий инвестициялар бу – мулқдан даромад олиш хуқуқини берувчи, “мулк эгаси” мақоми билан бевосита боғлиқ бўлган акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларга қўйилган маблағлардир.

Молиявий инвестициялар капитал қўйилмаларни қўшимча манбай бўлгани каби “қимматбаҳо қоғозлар бозорида биржа ўйинлари предмети ҳам бўлиши мумкин. Лекин, моддий ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларидағи корхоналарнинг бир қисми ўзининг табиатига кўра ишлаб чиқаришга киритилган бевосита инвестициялардан фарқ қилмайди.

2. Инвестиция киритишда иштирок этиш характеристи бўйича бевосита ва билвосита инвестициялар мавжуд.

Бевосита инвестиция киритиш деганда, инвестиция объектини танлашда инвесторнинг ўзи бевосита иштирок этиши тушунилади.

Билвосита инвестиция киритишда эса, барча операциялар масъул шахс (инвестициявий ёки бошқа молиявий воситачилар) ёрдамида амалга оширилади. Воситачилар ёрдамида инвестицион ва бошқа жамғармалар хизмат қилиши мумкин.

3. Инвестиция киритиш даври бўйича қисқа муддатли ва узок муддатли (айрим адабиётларда қисқа, ўрта ва узок муддатли) инвестициялар фарқланади.

Қисқа муддатли инвестициялар деганда муддати бир йилгача бўлган капитал қўйилмалар тушунилади (мисол учун қисқа муддатли депозитлар,

жамғармалар ва х.), узоқ муддатли инвестициялар эса – бир йилдан ортиқ муддатга кирилгандык капитал қўйилмалардир.

4. Мулкчилик шакли бўйича шахсий, давлат, чет эл ва қўшма инвестициялар мавжуд.

Шахсий инвестициялар – бу фуқаролар ва давлат мулкига тегишли бўлмаган корхоналар томонидан амалга ошириладиган капитал қўйилмалардир.



## 2.1-Расм. Инвестицияларнинг турли белгилар бўйича туркумланиши

Давлат инвестициялари деганда бюджет ва нобюджет фондлари, ҳамда қарз маблағлари ҳисобига марказий ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳамда ўзининг шахсий ва қарз маблағлари ҳисобига давлат корхона ва ташкилотлари киритадиган капитал қўйилмалар тушунилади.

Чет эл инвестициялари - чет эллик фуқаролар, юридик шахслар ва давлатлар томонидан амалга оширилидиган капитал қўйилмалардир.

Чет эл инвестициялари шунинг учун амалга ошириладики, қўйилгандык маблағлари юзасидан юқори даромадни таъминлаш ва бош мақсади - қўйган

сармоясидан кўпроқ фойда олиш. Мамлакатимиз агросаноат мажмуасига тўғридан тўғри чет эл инвестицияларини кириб келиши билан хорижий банклар билан ишлаш тажрибасини, халқаро маркетингни, хом ашё ва материаллар бозори ҳамда халқаро савдо хақидаги билимларини ҳам олиб келади. Ўзбекистон чет эл инвестицияларининг экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш учун бой хом ашё ресурсларга эга бўлган агро-саноат мажмуасига ва қишлоқ жойларига йўналтиришдан айниқса манфаатдордир.

Чет эл инвестицияси ва қабул қилувчи мамлакатнинг манфаатлари ўзаро мос келган тақдирдагина тўғридан тўғри чет эл инвестициялари мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг муҳим рағбатлантирувчи омили бўлиши мумкин. Инвестициялар бу икки томонлама ўзаро харакат жараёнининг яъни тадбиркор ва инвесторнинг мақсад сари харакати натижасидир.

Лойиҳанинг муваффақаяти икки томоннинг ҳам қанчалик умумий тил топишларига боғлиқ. Шу кунда умумий қабул қилинган инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва режалари, услублари тадбиркорлар ва инвесторлар ўртасида ўзаро тушунишни таъминлайди. Ушбу услублар ташкилотларнинг яъни ..., жаҳон банки ёки Европа банки ва бошқаларнинг инвестицион лойиҳалари самарадорлигининг услубларини киритиш мумкин. Ҳамма услублар пул оқимларини таҳлил қилиш тамойилларига асосланади.

Шунинг учун республикамида чет эл инвестицияларини киритиш билан баровар марказлаштирилган ва инвестицияларни, корхона ва чет эл инвесторларининг маблағларини оқилона уйғунлаштириб бориш учун амалга оширишнинг тегишли концепцияларини жорий этиш лозим. Инвестиция бу республикамизнинг иқтисодиётини ривожлантириш учун асосий ишлаб чиқариш воситаларини кенгайтирган ҳолда тўлдириб боришнинг ягона тизими, шундай экан инвестициялар корхоналар учун машиналар, ускуналар, янги технологик жараёнлар ва линияларни сотиб олишга жалб қилиниши зарур. Микдорий кўрсаткичлардан сифат кўрсаткичларининг зиёд бўлиши

инвестициянинг самарасини белгиловчи омиллар бўлиб ҳисобланади.

Қўшма инвестициялар – мазкур мамлакат ва чет эл давлатлари субъектлари томонидан қўшма равишда амалга ошириладиган инвестициялардир.

5. Худудий белгиси бўйича мамлакат ичидаги ва мамлакат ташқарисидаги инвестициялар фарқланади.

Инвестициялар ўз обьекти бўйича ҳам қуидагicha туркумланиши мумкин:

- капитал (реал активларга);
- инновацион (техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқишига йўналтирилган);
- ижтимоий (инсон салоҳиятини, ишлаб чиқариш тажрибасини ривожлантириш, номоддий бойликларнинг бошқа шаклларига киритиладиган).

Бундан ташқари, лойиҳа бошланишида корхона харид қилишда амалга ошириладиган бошланғич ёки нетто-инвестициялар мавжуд. Реинвестициялар билан биргаликда улар брутто-инвестицияларни ташкил этади.

Реинвестициялар – янги ишлаб чиқариш воситаларини яратиш ёки харид қилишга ва бошқа мақсадларда фойдаланиладиган, қайта бўшаган инвестициявий ресурслардир. Бундай инвестициялар мавжуд обьектларни янгилаш, технологик ускуналарни замонавийлаштириш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш, янги бозорларни ташкил этиш ва бошқа мақсадларга йўналтирилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришга, қимматли қофозларга ва бошқа турдаги инвестицияларни амалга ошириш қуидаги ҳоллардагина мақсадга мувофиқ бўлади:

- ушбу қўйилмадан олинадиган соф фойда, маблағларни банк депозитига қўйиш орқали олинадиган соф фойдадан юқори бўлса;
- инвестициялар рентабеллиги инфляция даражасидан юқори бўлса;

- пулларнинг вақт оралиғидаги қийматини ҳисобга олган ҳолда, мазкур лойиҳа рентабеллиги, бошқа алтернатив лойиҳалар рентабеллигидан юқори бўлса;

- лойиҳа амалга оширилгандан сўнг корхона активларининг рентабеллиги ошса (ёки камаймаса) ва ҳар ҳолда қарз маблағлари бўйича ўртacha ҳисоб ставкасидан юқори бўлса;

- кўриб чиқилаётган лойиҳа, ишлаб чиқаришнинг рационал тузилмасини шакллантириш, харажатларни қоплаш муддатлари, молиявий манбаларнинг мавжудлиги нуқтаи-назаридан корхонанинг бош мақсадларига мувофиқ келса.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур умумий тамойиллар бўлишига қарамасдан, у ёки бу хўжалик фаолиятини юритувчи субъект учун инвестициявий сиёсатнинг асосий мезонларини аниқлаш жуда ҳам субъектив ва муайян босқичдаги стратегик молиявий мақсадларга боғлиқ бўлади.

Аммо субъективликнинг ҳар қандай даражасида инвестициялар бўйича қарор қабул қилинаётганда, молиявий менежер пулларнинг вақт оралиғидаги қийматини, лойиҳа таваккалчилиги даражасини, лойиҳанинг алтернатив лойиҳалардан устунлигини ва бошқа кўплаб омилларни эътиборга олиши лозим.

Иқтисодиёт тармоқлари қатори транспорт мажмуаси таркибиغا кирувчи автомобиль транспортида инвестицияларнинг роли бениҳоят катта.

Биринчидан, инвестиция умумий харажатларнинг энг асосий унсуридир. Инвестициялардаги ўзгариш умумий таклифга сезиларли даражада таъсир қиласи, бу эса ўз навбатида миллий ишлаб чиқариш ҳажмига ва ахоли бандлигига таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, инвестицилар агросаноат мажмуаси корхоналарининг асосий воситаларини йиғилишига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтиришга кўйилган пул маблағлари бошлангич босқичда хўжалик фаолияти натижаларига сезиларли таъсир кўрсатмаслиги мумкин, лекин келажакда иқтисодий ўсиш учун керакли манбани яратади.

Учинчидан, инвестициялардан оқилона фойдаланмаслик ишлаб чиқариш ресурсларининг “музлаб” қолишига олиб келади, бу эса ўз навбатида миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига, охирига етказилмаган қурилиш, моддий ресурсларнинг “ўлиши” га, моддий бойликлар билан таъминланмаган иш ҳақини тўлашга, ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайишига олиб келади.

Шундай қилиб, инвестициялар тўғрисида қарор қабул қилиш кутилаётган даромадлилик ва таваккалчилик нисбати таҳлилига асосланади. Шунинг учун ҳам, инвестициялар моҳияти тўғрисида гап юритаётганда, уларнинг турли хил таваккалчилик ва кутилаётган даромадга боғлиқ эканликларини эсдан чиқармаслик лозим. Пулларнинг даромад олиб келиш қобилияти уларнинг келиб чиқиш манбаи ва истеъмол йўналишлари, яъни пул қаердан кириб келиши ва нимага инвестиция сифатида қўйилишига боғлиқ бўлади. Демак, капитал манбаларининг ишончлилиги ва маблағларни тўғри инвестиция қилиш ўртасида узлуксиз алоқа кузатилади. Ушбу белгилари билан инвестициялар бошқа қўйилмалардан фарқланади.

Транспорт тизимига инвестицияларни киритилишини йўлга қўйиш ва у босқичма-босқич олиб борилиши, инвестицияларни ўсиши тармоқ ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошиши, унда сармоядан олинадиган фойданинг кўпайиши билан боғлиқ. Транспорт мажмуасини барқарор ўсишида етакчи рол ўйнайдиган транспорт хизматлари бозорларни ривожлантириш учун меъёрий инфратузилмаларга маблағ қўйиш, харажатлар билан боғлиқ юридик хизматларни ташкил этиш, ходимлар малакасини ошириш, минтақавий бошқарув аппаратларини ислоҳ қиласни зарурият талаб қилмоқда.

## **2.2. Транспорт мажмуи корхоналари фойдаланиши мумкин бўлган инвестицион ресурслар манбалари**

Умуман олганда, корхона молиявий ресурсларининг барча манбаларини қуидаги кетма-кетликда акс эттириш мумкин:


- ўз шахсий молиявий ресурслари ва ички хўжалик захиралари;
- қарз молиявий маблағлари;
- акцияларни сотиш, пай ва бошқа турдаги бадаллардан олинадиган, жалб қилинган молиявий маблағлар;
- корхоналар уюшмалари томонидан марказлаштирилган молиявий маблағлар;
- нобюджет фондлари маблағлари;
- давлат бюджети маблағлари;
- чет эл инвесторлари маблағлари.

*Ўз молиявий ресурслари.* Ўз молиявий ресурсларининг тузилмаси 2.2.-расмда келтирилган.



## 2.2.-Расм. Ўз молиявий маблағлар тузилмаси

*Karz molijavij mablaqlar.* Қарз молиявий маблағларининг тузилмаси 2.3-расмда келтирилган.



## 2.3-Расм. Қарз молиявий маблағларининг тузилмаси

Ўз ва қарз молиявий маблағлар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, фоиз тўловлари солик тўлагунга қадар чегириб ташланади, яъни ялпи харажатларга киритилади, дивиденdlар эса фойдадан тўланади.

### **Инвестицияларнинг ички манбалари.**

Ўзбекистонда капитал қўйилмаларни молиялаштириш ички манбалар ва чет эл кредит линияларининг ресурслари хисобига амалга оширилади.

Инвестицияларнинг ички манбалари 2.4-расмда келтирилган.



### **2.4-Расм. Инвестицияларнинг ички манбалари**

### **Инвестицияларнинг ташқи манбалари.**

Ўзбекистонда чет эл инвестициялари қўйидаги йўллар билан амалга оширилиши мумкин:

- чет эл капиталининг улушли иштироки билан қўшма корхонлар тузиш;
- тўлик чет эл инвесторларига тегишли корхоналар, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналарини тузиш;
- чет эл инвестори томонидан корхоналар, бино, иншоотлар, корхоналардаги иштирок улушлари, акция ва облигацияларни сотиб олиш;
- ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини ва бошқа мулкчилик ҳуқуқларини сотиб олиш;
- заём, кредит, мулк ва мулкчилик ҳуқуқларини тақдим этиш.

Асосий муаммо чет эл капиталининг самарали оқимини рафбатлантиришдан иборат. Ушбу муносабат билан қўйидаги иккита саволга аниқ жавоб топиш лозим: қайси соҳаларга чет эл инвестициялари кириб

келиши чегараланиши, қайси соҳаларга эса уларни биринчи навбатда жалб қилиш лозим?

Бевосита кириб келган чет эл инвестициялари, бу фақатгина иқтисодиётга киритилган оддий капитал қўйилма эмас, балки ўзбек корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва техник даражасини оширишнинг бирдан-бир йўли ҳамдир. Ўзбекистонга ўз капиталини жойлаштириш орқали чет эл компанияси янги технологиялар, иш фаолиятини ташкил этишнинг янги услублари ва жаҳон бозорига чиқиш имкониятини ҳам олиб келади.

### **2.3. Инвестициявий фаолиятнинг субъект ва объектлари**

Инвестициявий фаолият субъектлари бўлиб жисмоний ва юридик шахслар хизмат қиласди. Жисмоний шахслар – бу Ўзбекистон ва чет эл мамлакатлари фуқаролари. Юридик шахслар – Ўзбекистон қонунчилигига асосан ташкил этилган шахслар. Кўрсатилган белги бўйича барча иштирокчиларни аниқ ажратиш мумкин бўлмаганлиги сабабли, инвестициявий фаолият субъектларига қўйидагиларни киритадилар: давлат, инвесторлар, буюртмачилар, иш бажарувчилар, инвестициявий фаолият объектларидан фойдаланувчилар, етказиб берувчилар ва бошқа ташкилотлар (банк, сугурта, воситачи муассасалар, инвестициявий фондлар, биржалар ва бошқа юридик шахслар), ҳамда чет эл давлатлари қонунларига мувофиқ ташкил топган чет эл юридик шахслари, компаниялари ва бошқа корпоратив ташкилотлар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг Ўзбекистон худудида ташкил этилган филиаллари ва ваколатхоналари.

Инвестор – ўз маблағлари, қарз ёки инвестиция шаклида жалб қилинган маблағларни киритувчи ва улардан мақсадли фойдаланишни таъминловчи, инвестициявий фаолият субъектиdir. Кўшма инвестиция киритиш учун, қонун томонидан инвесторлар маблағларини бирлаштириш имконияти кўзда тутилган.

Транспорт мажмуаси таркибидаги йўналишига киритилаётган

инвестициялар ҳажми динамикаси ва самарадорлигига қуидаги омиллар таъсир этади;

- лойиҳани танлаш;
- корхоналарнинг хўжалик фаолияти ва мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар;
- давлат солиқ сиёсати ва берилаётган кредит банк фоизлари;
- ички ва ташқи савдодаги иқтисодий аҳвол;
- пул бирлигининг ички ва ташқи курси;
- мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, инвестициявий фаолият объектлари бўлиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги янги яратилаётган ва замонавийлаштирилаётган асосий фондлар ва айланма воситалар, қимматли қоғозлар, мақсадли пул қўйилмалари, илмий-техник маҳсулот, бошқа мулкчилик объектлари ва интеллектуал мулкчилик хуқуқлари хизмат қиласди. Бунда экологик, санитария-гигиена ва бошқа меъёрларга жавоб бермайдиган, ёки фуқаролар, юридик шахслар ёки давлат ҳуқуқ ва манфаатларига зид келадиган объектларга инвестиция киритиш қонун билан таъқиқланган.

Инвестициявий фаолият объектининг маҳсус шакли бўлиб алоҳида тартибда ташкил этиладиган пай инвестициявий фондлар хизмат қиласди. Фонд жисмоний ва юридик шахслар (инвесторлар) томонидан бундай фондларнинг инвестициявий пайларини харид қилиш йўли билан ташкил этилади. Аммо давлат ва маҳаллий бошқарув органлари бундай фондларда инвесторлар сифатида иштирок эта олмайдилар.

## **2.4. Инвестициявий фаолият тамойиллари. Инвестиция жалб қилиш шартлари**

Қўйилмаларнинг янада юқорироқ самарасига эришиш учун инвестиция киритишнинг базис тамойиллари мавжуд.

### ***1. Инвестиция киритишнинг чегаравий самарадорлиги тамойили.***

Ҳар бир корхона, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига бўлган харажатларни камайтирган ҳолда максимал даромад олишга интилади. Корхона ўз фаолиятини кейинчалик ҳам давом эттиради, агарда ишлаб чиқаришнинг мавжуд даражасида унинг даромади ишлаб чиқариш харажатларидан юқори бўлса. Акс ҳолда эса, яъни товар сотишдан олинган умумий даромад ишлаб чиқариш харажатларидан юқори бўлмаса, корхона фаолияти тўхтатилади.

Агарда битта қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришдан олинадиган даромад, уни ишлаб чиқариш харажатларидан юқори бўлса, корхона маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириши лозим. Агарда битта қўшимча маҳсулотдан олинган даромад ишлаб чиқариш харажатларига teng бўладиган бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Агарда корхона ишлаб чиқаришни давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, у шунча маҳсулот ишлаб чиқариши керакки, чегаравий харажатлар чегаравий даромадга teng бўлсин. Ушбу шартлар универсал характерга эга бўлиб, мулкчиликнинг исталган шакли, бозорнинг исталган тузилмасига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришга капитал қўйиш самарадорлиги, камида иккита омилга боғлиқ бўлади:

- ишлаб чиқариш харажатларини ошиш суръати (асосан технология томонидан белгиланади);
- ишлаб чиқаришни монополлашганлик даражаси.

## 2. Коплаш тамойили

Ушбу тамойил инвестиция киритишда самарадоликни баҳолашга янги ёндашувни белгилаш имконини беради. Инвестиция киритишдаги қарор қабул қилиш эркинлиги, уларни амалга оширишдаги эркинсизлик ва чеклашларга ўз ўрнини бўшатади.

Мисол учун, нима сотиб олиш керак, нима ишлаб чиқариш керак, қанча суммани кредитга олиш лозим, қанча муддатга ва қайси фоизларда ва хоказолар тўғрисида қарор қабул қилишда корхона эркинликга эга. Аммо

ушбу жараёнлар амалга оширилгандан сўнг орқага қайтиш жуда ҳам қийин. Ускуна харид қилингандан сўнг унинг пулини қайтариш учун ундан бир неча йил давомида фойдаланиш лозим, кредит шартномаси бўйича пул маблағлари ажратилгандан сўнг улар бўйича фоизларни тўлаш шартдир. Шунинг учун, инвестициявий лойиҳа ўз кучига киргандан сўнг, фаолият эркинлиги анча чекланади. Албатта харид қилинган ускуна ёки технологияларни қайтариб бериш ёки учинчи шахсларга сотиш мумкин, лекин бу йўқотишлир билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам инвестициявий лойиҳада мумкин бўлган ҳатоларни олдиндан ҳисоб китоб қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### 3. Капитал қўйилмалар самарадорлигининг моддий ва пулдаги баҳосини ўзаро мувофиқлаштириши тамойтили.

Самарадорликни баҳолашнинг уч хил варианти мавжуд:

- харажат ва ишлаб чиқаришнинг нисбий нархларини таққослаш орқали, яъни фақатгина пул билан баҳолаш. Тажрибаларнинг кўрсатишича, самарадорликни фақатгина пул ҳажми билан баҳолаш нотўғри бўлади, айниқса прогноз (башорат) қилиб бўлмайдиган инфляция шароитида;
- самарадорликнинг пул ва техник омилларини ўзаро мувофиқлаштириш орқали. Гап шундаки, инвестициявий лойиҳага киритилган технологиялар ҳам катта рол ўйнайди;
- лойиҳанинг бозор (қиймат) баҳосини ҳисобга олмайдиган техник ёндашув, бундай ёндашувдан Ўзбекистон шароитида деярли фойдаланилмайди;

### 4. Мослашув харажатлари тамойтили.

Мослашув харажатлари – бу янги инвестициявий муҳитга мослашиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлардир. Буларга ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш, ходимларни қайта ўқитиш, бозор конъюнктурасига мослашиш ва шунга ўхшаш харажатларни киритиш мумкин. Вакт йўқотиш даромад йўқотиш деб қабул қилинади. Ҳар доим ҳам инвестициявий лойиҳа тўғрисида қарор қабул қилишдан уни амалга оширишгача бир оз вакт ўтади.

Бирданига мослашиб кетиш деярли мумкин эмас.

Мослашув учун тўлов сифатида, жорий пул оқимининг кескин камайишини ҳисобга олиш мумкин. Ҳаттоқи акция ва облигацияларни ҳам, уларни бозор қиймати тушиб кетаётган вақтда фойда билан сотиб бўлмайди. Вақтдан йўқотиш капитални ишсиз қолиши ва даромаднинг камайишига олиб келади. Ишлаб чиқаришга инвестиция киритишнинг мослашув харажатлари эса янада юкори бўлади.

Фараз қилайлик ускуналар ўрнатилган, ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бир вақтда бозор конъюнктураси ўзгарди ва технологиялар, демак мавжуд ускуналарни ҳам, алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мисол учун, кўл меҳнатини машина меҳнатига алмаштириш. Бу маълум мослашув харажатларига олиб келади, улар қуидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- кадрларни қайта тайёрлаш;
- эски ускуналарни сотиш ва янгисини харид қилиб олиш;
- штат қисқариши муносабати билан ишсиз қолган ходимларга компенсацион тўловларни амалга ошириш;
- ўз кучини йўқотмаган шартномалар бўйича жарималар тўлаш ва х.

Шунинг учун ҳам мослашув харажатларини, маҳсулот таннархига киритиш лозим. Ушбу харажатлар қиймати хом-ашё, материаллар ва технологиялар қийматидан қанчалик юкори бўлса, капитал қўйилмаларни амалга ошириш шунчалик фойдали бўлади. Маҳсулотга бўлган талаб қанчалик юкори бўлса, корхона шунчалик катта мослашув харажатларига йўл қўйиши мумкин. Тажрибаларнинг кўрсатишича, талаб нархи таклиф нархидан қанчалик кўп вақт мобайнида юкори бўлса, инвестиция киритиш ҳам, мослашув харажатларига қарамасдан, шунчалик самарали бўлади.

##### 5. Мултиликатор (қўпаювчи) тамойили.

Мултиликатор тамойили тармоқларнинг ўзаро алоқасига сужнади. Бу дегани, мисол учун автомобилларга бўлган талабнинг ошиши, технологик жиҳатдан ишлаб чиқариш учун лозим бўлган товарларга бўлган талабнинг ошишига ҳам олиб келади. Яъни ишлаб чиқариш технологиясини билиш,

корреляция коэффициентини аниқ ҳисоблаш имконини беради.

Мултипликатор муайян таъсирнинг кучини олдиндан билиш, ушбу ахборотдан самарали фойдаланиш, ва фойда келтирмаётган инвестициялардан воз кечиб, конъюнктурадан илгарилаган ҳолда янги фаолият тури билан шугулланишга имкон беради.

Мултипликатор таъсирини келтириб чиқарган тармоқ маҳсулотига бўлган талабнинг сусайиши, мултипликатор самарасига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, мултипликатор самараси вақт ўтиши билан астасекин ўз кучини йўқотиб боради. Кейинчалик эса бошқа тармоқ маҳсулотига талаб ошиши ва бундай ҳолат инвестициялар киритиш стратегиясига ўзгартиришлар киритишга олиб келиши мумкин.

#### 6. Q – тамойили.

Бу активни фонд биржасида баҳоланиши ва унинг реал тикланиш қиймати ўртасидаги боғлиқликни белгилашдир. Бундай боғлиқлик кўрсаткичи Q-нисбатдир:

QқИшлаб чиқарилаётган моддий активларнинг биржа баҳосига нисбати

Агарда нисбат бирдан катта бўлса, инвестиция киритиш фойдали ҳисобланади. Шу тарзда, уйларнинг бозор (биржа) баҳосининг уларнинг жорий қийматига нисбатан ўсиши, уй-жой қурилишини рағбатлантиради, чунки бозордаги нарх жорий харажатларни тўлиқ қоплади.

Q-Бутун корхонанинг биржа қийматини унинг моддий қисмини қоплаш харажатларига нисбати

Умуман олганда, давлат томонидан тартибга солиш даражаси қанчалик юқори бўлса, ушбу тамойилдан шунчалик кам фойдаланилади. Демак, давлат томонидан тартибга солиниш даражаси камайиб, корхоналар асосий ва айланма капитали қийматини баҳолаш ва қайта баҳолашда товар хом ашё ва фонд биржаларининг ролини ошиб бориши билан, инвестициялар самарадорлигини баҳолашга бўлган бундай ёндашув аҳамияти ҳам ортиб боради.

Тажрибаларга қараганда Q-тамойилидан транспорт, автомобилсозлик,

авиасозлик, рангли металлургия каби саноат тармоқларида фойдаланиш айниқса яхши натижаларга олиб келади, ва нефт қазиб олиш, газ тармоғи каби давлат томонидан тартибга солинадиган тармоқларда умуман қўлланилмайди.

### **Назорат саволлари:**

1. Инвестициялар деганда нимани тушунасиз?
2. Турли хил белгилар бўйича инвестицияларнинг туркумланиши.
3. Моддий инвестициялар.
4. Номоддий инвестициялар.
5. Молиявий инвестициялар
6. Инвестиция шакллари.
7. Инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбаларини санаб ўтинг.
8. Инвестициявий фаолиятнинг объект ва субъектлари.
9. Инвестициявий фаолиятнинг базис тамойиллари.
10. Инвестицияларни жалб этишнинг асосий шартлари.

## **Ш-БОБ. ҲУДУДЛАР ВА КОРХОНАЛАРДАГИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР**

Таянч иборалар: инвестициявий муҳит, сийсий омил, иқтисодий омил, ижтимоий омил, инвестициявий таваккалчилик, жозибадорлик омиллари, давлат бошқаруви, инвестициявий сиёsat.

### **3.1. Инвестициявий муҳит тўғрисида умумий тушунчалар**

Ҳар куни жаҳон бўйича минглаб корхоналар олдида қарор қабул қилиш зарурияти пайдо бўлади. Кичик тадбиркор қўшимча даромад топиш ва мавжуд фирмани кенгайтириш йўларини ўйласа, ички бозорда ўз маҳсулотини сотувчи завод раҳбарияти ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қўшимча ишчи кучини ёллаш масаласини кўриб чиқади, трансмиллий компания эса жаҳон бозорига янги маҳсулот чиқариш учун янги ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш вариантларини баҳолайди. Ушбу қарорларнинг ҳар бири, жаҳоннинг муайян худудидаги иқтисодий ўсиш суръатларига ўз таъсирини кўрсатади ва улар, мазкур худудларда шаклланган инвестициявий муҳитга чамбарчас боғлиқдир.

Қулай инвестициявий муҳит, кичик корхоналардан тортиб то трансмиллий компанияларгача барча тадбиркорлик субъектлари олдида янги имкониятларни очиб беради, ва инвестиция киритиш, янги иш жойларини ташкил этиш ва фаолият миқёсларини кенгайтиришга ундейди. Шундай қилиб, инвестициявий муҳит, иқтисодий ўсишни таъминлашда марказий ролни ўйнайди. Ривожланаётган давлатлар ҳукуматларнинг биринчи навбатдаги вазифаси – инвестициявий муҳитни яхшилашдир.

Инвестициявий муҳит, корхонанинг маблағларни жалб этиш, янги иш жойларини ташкил этиш ва фаолият миқёсларини кенгайтириш имкониятларига таъсир этувчи, кўплаб локал омилларнинг аксиdir. Қулай инвестициявий муҳит бутун жамиятдаги вазиятни яхшилаш имконини беради. Бу дегани, корхоналар муайян харажат ва таваккалчиликларни

кўтаришлари лозим.

Иқтисодий ўсиш муаммосини инвестициявий мухит орқали кўриб чиқадиган бўлсак, бир нечта жиҳатларини ажратиш мумкин. Хусусан, инвестициявий мухит:

- маблағ киритиш ва ишчи кучини ёллаш тўғрисида қарор қабул қилувчи корхоналарни эътибор марказига чиқаради;
- корхоналар, инвестиция имкониятлари, бу билан боғлиқ ҳукумат сиёсати ва амалий фаолиятини бир бутун сифатида баҳолайди деб билади;
- сиёсатни амалга оширувчилардан, ишлаб чиқаришга йўналтирилган хусусий инвестицияларни рағбатлантириш ва жамиятнинг бошқа мақсадлари ўртасида мувозанатни таъминлашни талаб қиласди.

Қулай инвестициявий мухит инсонларнинг янада баркамоллашуви учун имконият яратади. Инвестициявий мухитни яхшилаш – ривожланиш стратегиясининг асосларидан биридир. Инсонлар ўз имкониятларидан фойдаланишини таъминлашга йўналтирилган инвестициялар эса, бу ишнинг мухим қисми ҳисобланади.

Аҳоли сонини ўсиб бориши шароитида, иқтисодий ўсиш – жамият турмуш тарзини яхшилашнинг ягона мустаҳкам механизмидир. Қулай инвестициявий мухит, инвестицияларни рағбатлантириб ва унумдорликни ўсишига ёрдам берган ҳолда, иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қиласди. Аммо иқтисодий ўсиш учун фақатгина инвестицияларнинг ҳажми эмас, балки унумдорликни ўсиши ҳам мухим аҳамият касб этади. Қулай инвестициявий мухит корхоналарга ривожланиш, мослашиш ва иш юритишнинг янги услубларини жорий этиш имкониятларини таъминлаш ўйли билан унумдорлик ўсишига қўмаклашади.

Давлат ўзининг амалга ошираётган сиёсати ва харажатлар, таваккалчиликлар ҳамда рақобат йўлидаги тўсиқлар бўйича амалий тадбирлари орқали мамлакатдаги инвестициявий мухитга таъсир кўрсатади. Қулай инвестициявий мухитни яратиш, ушбу учала гурух (харажатлар, таваккалчиликлар ҳамда рақобат йўлидаги тўсиқлар) муаммолари билан

давлат шуғулланишини талаб қиласи. Дунёнинг турли мамлакатларидаги инвестициявий мухитнинг хилма-хиллиги, мумкин бўлган ўзгаришлар салоҳиятидан далолат беради.

### **3.2. Таваккалчиликлар**

Инвестициялар билан боғлиқ қарорлар истиқболли характерга эга экан, корхоналарнинг келажак тўғрисидаги фикрлари мухим аҳамиятга эга. Корхоналар дуч келадиган қўпгина таваккалчиликлар, шу жумладан истеъмолчилар ва рақобатдошлар реакциясининг ноаниқлиги, инвестиция киритишнинг оддий белгиси ҳисобланади, ва корхоналар уни тўғри қабул қилишлари керак. Аммо, мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини ўз ичига олган, барқарор ва ҳавфсиз иқтисодий мухит яратишда давлат ҳам мухим рол ўйнайди. Сиёсий ноаниқлик, макроиқтисодий барқарорсизлик ва қонуний қарорларнинг ихтиёрийлиги, имкониятларнинг чекланиши ва инвестиция киритиш истагининг сусайишига олиб келади. Аслида сиёсий таваккалчиликлар ривожланаётган мамлакатларда фаолият юритувчи корхоналарнинг асосий муаммоси ҳисобланади.

Корхоналар рақобатдошлар кўп бўлишини ёқтиrmайди. Аммо, айrim корхоналар учун фойдали бўлган рақобат йўлидаги тўсиқлар, бошқа корхона ва истеъмолчилар имкониятларини чеклайди ва харажатларини оширади. Бундан ташқари, «ҳимояланган» корхоналарда инновациялар ва унумдорликни оширишга бўлган истаги сусаяди. Юқори харажат ва таваккалчиликлар корхоналарни бозорга кириб келиши йўлидаги тўсиқлар сифатида хизмат қилиши мумкин. Давлат, бозорга чиқишни қонуний бошқарган ва рақобатдошлика зид бўлган ҳатти-ҳаракатларга жавоб қайтарган ҳолда, тўсиқларга бевосита таъсири кўrsатади.

### **3.3. Ҳукумат сиёсатининг инвестициявий мухитга таъсири**

Кўпгина ҳолларда инвестициявий мухитни ислоҳ қилиш, мавжуд вазият устунликларидан фойдаланувчилар томонидан қаттиқ қаршиликка

учрайди. Бундай қаршилик бозор диспропорциялари ва бошқа имтиёзлардан ўз манфаатларида фойдаланувчи, бошқа корхоналардан, пора олувчи ёки бошқа имтиёзлардан фойдаланувчи, давлат мансабдор шахсларидан, ёки ислоҳотлар натижаси ноаниқ бўлган ҳолда, ҳаттоқи жамиятнинг кенг қатламларидан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Тажрибалар кўрсатишича, ҳокимият органлари томонидан ислоҳотлар ишига берилган, ижтимоий қўллаб-қувватлаш натижасида, жамият билан музокараларга киришган ҳолдагина, ривожланиш рўй бериши мумкин.

Хуқуқий тартибга солиш салоҳиятини мустаҳкамлаш кўпгина ҳолларда устувор вазифа ҳисобланади. Давлат, юзага келаётган тенденция ва муаммоларни аниқлаш, ҳамда амалга оширилаётган сиёsat таъсирини баҳолаш учун хусусий сектор фаолиятини кузатиб бориши лозим.

### 3.1-жадвал

Корхоналарга капитал қўйилмаларни амлга ошириш учун имконият ва рағбатлантиришни таъминловчи омиллар

<b>Корхоналарга капитал қўйилмаларни амлга ошириш учун имконият ва рағбатлантиришни таъминловчи омиллар</b>		
	<b>Ҳукумат таъсири кучли</b>	<b>Ҳукумат таъсири кучсиз</b>
Харажатлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Коррупция;</li> <li>- Солиқлар;</li> <li>- Давлат томонидан тартибга солиш тизими туфайли чеклашлар;</li> <li>- Инфратузилма харажатлари ва молиявий харажатлар;</li> <li>- Ишчи кучи бозорини тартибга солиш бўйича</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Бозор нархлари билан белгиланадиган харажатлар;</li> <li>- Ишлаб чиқариш омиллари бозори ва маҳсулот бозори ўртасидаги фарқ;</li> <li>- Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши натижасидаги тежаш.</li> </ul>

	тадбирлар тизими.	
Таваккалчиликлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ҳукумат сиёсати тадбирларининг кутилганлилиги ва ишончлилиги;</li> <li>- Макроиктисодий барқарорлик;</li> <li>- Мулкчилик ҳуқуқлари;</li> <li>- Шартнома бажарилишини таъминлаш;</li> <li>- Экспроприация.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Истеъмолчилар ва рақобатдошлар жавоби;</li> <li>- Ташқи импульслар;</li> <li>- Табиий оғатлар;</li> <li>- Етказиб беришлар ишончлилиги.</li> </ul>
Рақобатга тўсқинлик қилувчи шароитлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Бозорга кириш ва чиқишини тартибга солувчи ҳукумат тадбирлари тизимидағи тўсиқлар;</li> <li>- Рақобат соҳасидаги қонунчилик ва сиёсат;</li> <li>- Инфратузилма.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Бозор миқёси, ҳамда ишлаб чиқариш омиллари бозори ва маҳсулот бозори ўртасидаги фарқ;</li> <li>- Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши натижасидаги тежаш ва айланма маблағлар катталигидан олинадиган фойда.</li> </ul>

### **3.4. Автомобиль корхоналари учун қулай инвестициявий муҳитни таъминлашнинг асосий (бошланғич) шароитлари**

Ишлаб чиқаришни ривожланиш жараёни, одатда, илмий янгиликларга асосланади ва шунинг учун ҳам мамлакат ёки минтақа қайси турдаги маҳсулотни муваффақиятли тарзда ишлаб чиқаришини олдиндан айтиш қийин. Ушбу муносабат билан, иқтисодиётда фаолият юритувчи барча

корхоналар учун қулай инвестициявий мұхит яратиш ва эътиборни асосий (базис) шароитларни таъминлашга қаратиш лозим. Халқаро тажрибалар соғлом инвестициявий мұхитнинг түртта соҳасининг (ҳавфсизлик ва барқарорлик; ҳуқуқий тартибга солиш ва солиққа тортиш; молия ва инфратузилма; ишчи кучи ва мәжнат бозорлари) ҳар бирига бўлган истиқболли ёндашувларни ажратиш имконини беради.

Сиёсий ва макроиктисодий барқарорликнинг қониқарли даражаси – сиёсатнинг турли соҳаларидаги янгиликлар мустаҳкам характерга эга бўлишининг бошланғич шартидир. Барқарор бўлмаган ёки ҳавфли вазият, мулкчилик ҳуқуқларига таъсири орқали, инвестицияларга ҳам ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади. Мулкчилик ҳуқуқлари ҳукумат ёки бошқа бир учинчи томон ҳатти-ҳаракатларидан қанчалик яхши ҳимояланган бўлса, инвестиция киритишга бўлган интилиш шунчалик авж олади. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида амалга оширилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳуқуқлар қанчалик ҳимояланган бўлса, иқтисодий ўсиш шунчалик тез рўй беради. Мулкчилик ҳуқуқлари кафолатларини ошириш түртта асосий соҳадаги ислоҳотларни талаб қиласди: ер ва бошқа мулкга эгалик ҳуқуқини тасдиқлаш; шартнома муносабатларининг бажарилиши устидан назорат қилиш; жиноятчилик даражасини пасайтириш; ва беғараз мулк экспроприациясини тўхтатиши.

Мамлакат ичидаги чегараларида амалда бўлган корхона фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва солиққа тортиш механизmlари инвестициявий мұхитни шакллантиришда катта рол ўйнайди. Тўғри амалга оширилган ҳуқуқий тартибга солиш, инвестиция киритишга тўсқинлик қилувчи бозор механизми камчиликларини йўқ қилишга ёрдам беради, ва корхона манфаатларини жамият мақсадлари билан бирлаштиради. Тўғри амалга оширилган солиқ сиёсати эса, инвестициявий мұхитни яхшилашга қаратилган хизматларни молиялаштириш манбаларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларининг асосий муаммоси, инвестиция киритишга кўпроқ имконият ва рағбатлантиришлар, ҳамда

жамият манфаатлари ўртасида қандайдир мувозанатга эга бўлишдан иборат.

Муваффақиятли фаолият юритувчи молиявий бозорлар кредиторларни уларнинг лойиҳаларини молиялаштириш, ҳамда таваккалчиликнинг бир қисмини ўз зиммасига олиш истагида бўлган инвесторлар билан учраширади. Ривожланган инфратузилма эса, корхоналарни истеъмолчилар ва етказиб берувчилар билан боғлаган ҳолда, уларга ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш имкониятини яратади. Ва аксинча, молиялаштириш ва инфратузилмадаги камчиликлар имкониятлар сонини камайтиради ва барча инвесторлар учун бир хилда харажатлар ва таваккалчиликнинг ошишига олиб келади. Бозорга чиқишга тўсқинлик қилган ҳолда, ушбу камчиликлар корхонанинг рақобатдошлиқ ва меҳнат унумдорлигини оширишга бўлган интилишини ҳам сусайтиради. Бундай камчиликлар айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун ҳосдир.

*Инвестициявий муҳит* – корхоналарни инвестиция киритиш, янги иш жойларини яратиш ва фаолият миқёсларини кенгайтириш имкониятларини шакллантирувчи локал омиллар тўпламидир. Инвестициявий муҳит шаклланишида, харажатлар, таваккалчилик ва рақобатдошиликка таъсир этувчи сиёsat ва ҳукumatнинг амалий тадбирлари катта рол ўйнайди.

Бу тузилманинг бошланғич нуқтаси сифатида кичик корхоналарни эътироф этиш мумкин. «Тузилма» тушунчаси, фаолият тури ва юридик мақомидан қатъи назар, индивидуал фермерлардан тортиб то трансмиллий корпорацияларгача, барча хўжалик юритувчи субъектларни ўз ичига олади.

Корхоналарни инвестиция тўғрисида қарор қабул қилиши, тенг бўлмаган имкониятлар ва турли хил стратегиялар ёрдамида амалга ошади. Қабул қилинган қарор фойда олиш истаги билан изоҳланса, ишлаб чиқариш унумдорлиги даражаси ушбу имконият билан боғлиқ харажатлар, таваккалчилик ва тўсиқлар билан белгиланади.

### **3.5. Инвестициявий муҳитга таъсир этувчи омиллар мажмуаси**

Инвестициявий муҳит - бозор ислоҳотларининг тўғри йўлда эканлиги

ва жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатдаги мулкчилик ҳуқуқлари мустаҳкамлилигига бўлган ишончининг ўлчагичи сифатида хизмат қиласди. Бугунги кунда Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратилган. Чет эл инвестицияларига эга корхоналар (ЧИК) қонун кафолатлари ва сезиларли фискал имтиёзларга эга. Натижада, Ўзбекистон иқтисодиётидаги чет эл капиталининг роли йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу ЧИКларнинг сонини ўсиши, уларнинг ЯММ, ташқи савдо айланмаси ва аҳоли бандлигидаги улушкини ошиши билан ифодаланади. Шу билан бирга ЧИКлар учун импорт қилинадиган ускуналарнинг қиймат ҳажми уларнинг маҳсулоти экспорти қиймати ҳажмидан анча юқори. Ушбу муаммонинг ечими, ЧИКлар экспорт фаолиятини кенгайтириш учун қўшимча рағбатлантириш чораларини жорий этишни талаб қиласди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатдаги инвестициявий муҳит, биринчи навбатда мамлакатдаги сиёсий барқарорликка боғлиқ бўлади. Айнан ушбу омил, инвесторга бугунги кунни фойдасини эмас, балки узоқ келажакни кўзлаган ҳолда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Ўзбекистон инвестициявий иқлимининг муҳим хусусияти шундаки, мамлакатимиз Марказий-Осиё минтақасидаги энг барқарор давлат бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда ЧИКлар фаолиятининг қонуний базасини шакллантириш бўйича доимий тарзда ишлар олиб борилмоқда, бу эса инвестициявий муҳитнинг муҳим таркибий қисмидир. ЧИКлар фаолиятини тартибга соловчи қонуний базасининг асосида, 5 май 1994 йилда қабул қилинган «Чет эл инвесторлари ва чет эл инвесторлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва 30 апрел 1998 йилда қабул қилинган «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоялаш тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ётади. Бу қонунлар республикада фаолият юритувчи чет эллик инвесторлар учун таваккалчиликни камайтиришни назарда тутган бир қатор тадбирларни ўз ичига олади.

Шунингдек, мамлакат бошқаруви томонидан амалга оширилаётган

макроиқтисодий барқарорлик сиёсати ҳам мухим омил ҳисобланади. Ўзбекистон Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан яхши алоқалар ўрнатган. Бундай алоқалар ўзаро хурмат ва умумий масалаларни конструктив хал қилиш истаги пойдеворида барпо этилган.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич эволюцион сиёсати амалга оширилиши жараёнида қуйидаги натижаларга эришилди:

- иқтисодиёт тушқунлигининг олди олинди ва унинг барқарорлашувига эришилди;
- давлат бюджети дефицити анча пасайди, бу ўз навбатида инфляциявий жараёнларни назорат қилиш имконини берди;
- иқтисодиётнинг асосий тармоқларини қайта қуриш ва ривожлантиришга йўналтирилган тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилмоқда;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва приватизация жараёнлари авж олди.

Ҳар қандай мамлакат инвестициявий муҳитини таҳлил қилишда, миллий валюта конвертацияси даражасига мухим рол ажратилади. Валюта айирбошлиш курси устидан давлат назоратининг сақланиши ва харидорларни расмий чет эл валюта бозорига кишини таъминлаш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятидир.

Мамлакатга чет эл инвестициялари кириб келишига тўқсинглик қилувчи омиллардан бири, банк тизимининг нисбатан ривожланмаганлигидир. Хусусан, инвесторлар нуқтаи назаридан, Ўзбекистонда нақд ва нақдсиз пул операцияларини ўтказишни яхшилаш, молиявий бозорда рақобат муҳитини яратиш эҳтиёжи сезиларли.

Сўнгги вақтда инвестициявий муҳитнинг мухим омили сифатида, чет эл инвесторлари учун яратилаётган имтиёз ва рағбатлантиришлар тизими акс эттирилмоқда. Турли мамлакатларда, чет эллик инвесторлар ўзига хос имтиёзлар тизими жорий этилган. Бозор инфратузилмаси ва ҳуқуқий муҳитни шакллантириш, муайян вақтни талаб қилувчи жараён ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам кўпчилик мамлакатлар, қулай инвестициявий мухитни шакллантириш мақсадида, вақтингчалик чоралар сифатида, чет эл инвесторлари учун айрим имтиёзлар ва рағбатлантиришларни жорий этадилар. Ўзбекистон ҳукумати томонидан ЧИКларга катта молиявий имтиёзлар тақдим этилган. Уларга қуидагиларни киритиш мумкин:

-ЧИКнинг ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва унда ишловчи чет эллик ишловчиларининг шахсий эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган мулк божхона божларидан озод қилинади;

-республика инвестициявий дастурига киритилган лойиҳаларга капитал қўйилмаларни амалга оширувчи ишлаб чиқариш ЧИКлари 7 йилгача даромад солиғидан озод қилинадилар;

-ишлаб чиқариш ЧИК лари Низом жамғармасида чет эл инвесторларининг улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлса, Низом жамғармаси катталигига қараб, улар учун амалдаги солиқ ставкалари камайтирилади;

-экспортга мўлжалланган ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, янгидан ташкил этилаётган ЧИК лар, агарда уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмининг 25 фоиздан ортигини болалар товарлари ташкил этса, ишлаб чиқаришни бошлаган вақтидан 5 йил давомида даромад солиғидан озод қилинадилар (кейинги йилларда эса, амалдаги даромад солиғи фоиз ставкаси улар учун 2 баробар камайтирилган);

-Низом жамғармасида чет эл капиталининг улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлса, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтирилган даромад солиғидан озод қилинади;

-ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни эркин конвертацияланадиган валютага экспорт қилувчи, ишлаб чиқариш ЧИКлари экспорт божхона божлари ва бошқалардан озод этиладилар.

Сўнгги йилларда кузатилаётган асосий тенденция шундан иборатки, нафақат ривожланаётган ва постсоциалистик давлатлар, балки ривожланган давлатлар ҳам чет эл инвесторлари учун йилдан-йилга кўпроқ имтиёзларни тақдим этмоқда. Бу жаҳон бозоридаги капитал учун олиб борилаётган

рақобат курашининг ёрқин исботидир. Ривожланган давлатлар молиявий имтиёзларга асосланса, ўтиш иқтисодиётидаги давлатлар биринчи навбатда фискал имтиёзларни тақдим этишади.

Молиявий ва фискал имтиёзларни ўзаро ажратишга бўлган бир нечта ёндашувлар мавжуд. Бизнинг фикримизча ЮНКТАД (UNCTAD) томонидан таклиф этилган ёндашув энг хақиқатга яқинидир.

Ушбу ёндашувга мувофиқ фискал имтиёзларга қуидагилар киради:

- солиқ «таътиллари», корхона муайян муддатга бир ёки бир нечта (айрим ҳолларда эса барча) солиқларни тўлашдан озод этилади;
- корпоратив солиқ (даромад/фойда солиги) ставкаларини пасайтириш;
- импорт божларидан озод қилиш;
- реинвестиция имтиёzlари, фойдани ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йўналтирилдиган қисмини солиқлардан озод этиш;
- ижтимоий дастурлар имтиёzlари, ижтимоий дастурларни амалга ошириш корхона харажатларини тўлиқ ёки бир қисмини солиқقا тортиш базасидан чиқаради.

Қўлланилаётган рағбатлантириш тадбирларини тизимлаштириш, ва демак уларнинг самарадорлигини ошириш учун, капитал қабул қилувчи мамлакатлар хукуматлари томонидан имтиёзларни бериш мезонлари ишлаб чиқилган. Фискал имтиёзларни тақдим этишнинг асосий мезони сифатида, иқтисодиётнинг мамлакат учун устувор бўлган соҳаларига капитал киритиш хизмат қиласи.

Ўзбекистон учун, масалан, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги асосий устуворлик бу экспортга йўналтирилган ёки импортни ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Аммо, жаҳонда рўй берадиган иқтисодий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда «инсон ресурслари» ва инновацион тадқиқотларга киритилдиган инвестициялар, XXI асрда етакчилар қаторида бўлишни истаган ҳар қандай мамлакатнинг муҳим устуворлеклари қаторида бўлиши лозим.

Ўзбекистон ҳукумати чет эл инвестициялари учун қулай бўлган меъёрий-хуқуқий базани яратишга интилмоқда. Ушбу мақсадни кўзлаган ҳолда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонун (май 1994й.), Вазирлар Маҳкамасининг №55 Қарори (январ 1996й.) 1996 йил 31 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Бу ҳужжатларда Ўзбекистонга хорижий инвес-торларни киритишга доир қарорларнинг ҳукумат томонидан қабул қилиш жараёнлари билан бир қаторда чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуи ҳам белгилаб берилган.

Хусусийлаштириш жараёни ҳукуматга қатъийлик билан хорижий инвестицияларини жалб этиш бўйича ўз мақсадлари жиддийлигини кўрсатиш имконини беради.

Айрим корхоналар хорижий инвесторларда катта қизикиш туғдириши, шубҳасиз. Агарadolat ва профессионаллик билан бир неча активларни сотса, унда ҳукумат хорижий инвесторларни тўлақонли ҳамкорлар сифатида жалб қилиб, ўз мақсадлари жиддийлигини исботлаб беради.

Оммавий хусусийлаштириш дастурига кўшимча сифатида индивидуаллик асосида айрим йирик ва муҳим корхоналарни сотиш имкониятларини кўриб чиқиш мумкин.

Инвестициявий муҳитни яхшилашда хусусийлаштиришнинг хорижий тажрибаси бир неча қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

1. Ахборотнинг етарли даражада эмаслиги, хорижий инвесторларнинг асосий эътирозига сабаб бўлади.

2. Индивидуаллик асосида хусусийлаштириш учун корхоналарни пухта сараланиши охир-оқибатда мувоффақиятга эришиш учун муҳим аҳамиятга эга.

3. Қайта ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар, масалан, технология алмаштириш, маҳсулотнинг янги турларини киритиш, янги бозорларни топиш ва шунга ўхшаш ишлар бўлажак мулкдор зиммасига қўйилгани мақсадга мувофиқдир.

4. Компанияни қайта тиклаш бўйича режалар унинг сотилиш нархига қараганда кўпроқ қизиқтириши лозим. Айрим инвесторлар хусусийлаштиришнинг асосий мақсади тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслар.

5. Савдоларни очиқ тендерлар ёки бошқа рақобатли услублар орқали воситачиларсиз, тўғридан-тўғри амалга ошириш лозим. Бунда яхши обрўга эга бўлган маслаҳатчилар хизматларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, йирик қайта хусусийлаштириш битимларини амалга ошираётганда инвестициявий банклар ва аудит компанияларига мурожаат қилиш керак бўлади.

Ўзбекистон, турли хил қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилган, солиқ рағбатлантиришларининг кенг тўпламини тақдим этади. Бундан ташқари, чет эл инвесторлари қўшимча рағбатлантиришларга ҳам эга бўлишади, айниқса, солиқ тўлашдан озод қилиш даврини узайтириш шаклида.

Шу билан бирга рағбатлантиришнинг оддий ва самарали усуллари мавжуд:

- барча рағбатлантиришларни олиб ташлаган ҳолда қонун томонидан белгиланган корхоналар учун фойда солиғи ставкасини пасайтириш;
- ҳозирги рағбатлантиришларни олиб ташлаган ҳолда, камроқ ихтиёрийликга эга бўлган самаралироқ рағбатлантиришларни жорий этиш;
- рағбатлантириш сифатида вақтинчалик солиқ тўлашдан озод этишни қолдириш, аммо унинг ихтиёрийлиги ва дискриминацион характерини сусайтириш.

Қулай инвестициявий муҳит – бу фақатгина корхоналар томонидан юқори даромад олиш эмас. Агарда мақсад даромад олиш бўлса асосий эътибор харажат ва таваккалчиликларни камайтиришга қаратилган бўлар эди. Асосий мақсад эса, бутун жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда янада юқорироқ натижаларга эришишdir. Қулай инвестициявий муҳит иккита томондан барча учун фойда келтиради. Биринчидан, у фақатгина

корхоналарга эмас, балки янги иш жойларини ташкил этиш, нархларни пасайтириш ва солиқقا тортиш базасини кенгайтириш орқали бутун жамиятга хизмат қиласди. Иккинчидан, у фақат йирик корхоналарга эмас балки барча корхоналарга тарқалади.

Корхоналар ҳукумат томонидан ўтказилаётган сиёсатга эмас, балки бу сиёсат қандай амалга оширилишига ҳам эътибор қаратадилар. Шунинг учун ҳам корхоналар (бошқа манфаатдор томонлар сингари), ҳукумат сиёсатини ўзи учун қулай тарзда ўтишига интиладилар. Шундай қилиб, ҳукуматнинг амалий тадбирлари ва давлат бошқаруви масалалари биринчи даражали ҳисобланади. Инвестиция тўғрисида қарор қабул қилишда корхоналар, сиёсатнинг расмий тадбирлари ва давлат бошқаруви хусусиятларини биргалиқда баҳолашади. Бу инвестициявий муҳитни такомиллаштириш стратегияси учун муҳим оқибатларга эга.

Харажатлар, таваккалчиликлар ва ракобат йўлидаги тўсиқлар даражасига кўпчилик омиллар таъсир кўрсатади. Мамлакатнинг жўғрофика жойлашуви каби омилларни ўзгартириш деярли мумкин эмас. Аммо ҳукуматлар, инвестициявий муҳитнинг мулкчилик ҳукуки кафолатлари, солиқقا тортишга бўлган ёндашувлар, инфратузилманинг қониқарли даражаси, молиявий ва ишчи кучи бозорларининг фаолият юритиши каби бошқа томонларига хал қилувчи таъсирини ўтказиши мумкин.

Табиий иқлим шароитлари ҳам, иқтисодий фаолиятнинг айrim турларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Нима бўлмасин, ҳукумат таъсири остидаги ўзгаришларга мойил омиллар, катта фойда олиб келиши мумкин. Бундай ўзгаришлар жамиятга табиий ва инсон ресурсларидан янада рационал фойдаланиш имконини беради.

Ишлаб чиқариш ва товар сотиш харажатлари, фойда олиб келиши мумкин бўлган бир қатор имкониятларга ўз таъсирини кўрсатади. Кўпчилик харажатлар корхоналар фаолиятининг оддий функцияларидан келиб чиқса, бошқалари ҳукумат сиёсати ва мамлакатдаги сиёсий муҳит туфайли юзага

келади. Аммо хукуматлар, инфратузилмаларни қувватлаган ва мамлакатдаги бозор механизми нотекисликларини текислаган ҳолда, жамият ҳаётида катта рол ўйнайди. Хукуматлар ўзининг ушбу фаолиятини қандай амалга ошириши, корхоналар харажатларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Инвестициявий муҳитни такомиллаштириш барча харажатлар ва таваккалчиликларни оддий пасайтириш, ёки барча тўсиқларни олиб ташлашдан иборат эмас. Корхоналар ва жамият манфаатлари ўртасидаги зиддиятни мувозанатлаш – инвестициявий муҳитни такомиллаштиришнинг асоси ҳисобланади .

Тажрибаларга кўра умуман фойдасиз ёки кам фойдали бўлган инвестициявий лойиҳаларга мисол келтириши мумкин. Айниқса, қатор мамлакатларнинг давлат секторидаги эътиборга сазовор лойиҳалар, жуда ҳам кам пойафзал ишлаб чиқарувчи Танзаниядаги пойафзал фабрикаси, ишга туширилмаган Филиппиндаги атом электр станцияси ва «ҳеч қаерга» олиб борувчи дунёдаги бир қатор йўллар лойиҳалари бунга мисол бўла олади. Собиқ Иттифоқда капитал қўйилмаларнинг юқори даражаси кузатилган, аммо уларнинг катта миқдори жуда ҳам кичик иқтисодий ёки ижтимоий натижаларга олиб келган.

Корхоналар ўз-ўзидан ҳеч қачон инновациялар билан шуғулланмайди ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширмайди. Чунки бу жараёнлар жуда ҳам мураккаб. Кўпгина корхоналар тинч ҳаётни танлашлари табиий. Ўз фаолиятига янгиликлар киритиш ва фаолият юритишни такомиллаштириш бозор босимига жавобан ҳаракат сифатида қаралиши мумкин. Инвестициявий муҳитнинг қулай шароитлари динамик жараёнларни қўллаб-куватлайди, бу «яратувчи бузғунчилик» деб ҳам аталади. Бундай муҳит корхоналарни инновацияларга ва бозорда жон сақлашнинг янги йўлларини излашга чорлайди, муваффақиятларини мукофатлайди ва мағлубиятларини жазолайди. Корхоналар даражасида ўтказилган тадқиқотлар, инновациялар ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда бозорнинг рақобат босими қанчалик муҳимлигини яна бир бор исботлади.

Инвестициявий қарорлар истиқболли характерга эга, яъни улар келажакни қўзлаган ҳолда амалга оширилади. Харажатлар каби, кўпгина инвестициявий таваккалчиликлар, тижорат корхоналари фаолиятининг одатий функцияси ҳисобланади ва корхоналар буни муваффақиятли улдалайдилар.

Кам таъминланганлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, инвестициявий муҳит шароитларини яхшилашга бўлган бир нечта ёндашувлар мавжуд. Биринчидан кам таъминланганларни яшаш жойидаги инвестициявий муҳит шароитларни такомиллаштириш. Иккинчидан кам таъминланганларни айрим фаолият турларига кириб бориш, шу жумладан ишчи кучи, тадбиркор ёки истеъмолчи сифатида чиқиши тўсқинликларини олиб ташлашдан иборат. Ушбу иккита ёндашувдан муайян фаолият тури ва ҳолатларда уларни ўзаро бирлаштирган ҳолда фойдаланиш мумкин.

### **Назорат саволлари:**

1. Инвестициявий муҳит нима?
2. Инвестициявий муҳитни яхшилашнинг асосий мақсадлари?
3. Давлат инвестициявий муҳитга қандай қилиб таъсир кўрсатади?
4. Инвестициявий муҳитга таъсир кўрсатувчи асосий омилларни таърифланг.
5. Сиёсий омиллар нималардан иборат?
6. Иқтисодий омиллар нималардан иборат?
7. Ижтимоий омиллар нималардан иборат?

## **IV-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАНИ БИЗНЕС-РЕЖА ШАКЛИДА ТАҚДИМ ЭТИШ**

**Таянч иборалар:** бизнес-режа, ЮНИДО, маркетинг режаси, ишлаб чиқариш режаси, ташкилий режа, молиявий режа.

### **4.1. Инвестициявий бошқарувда бизнес-режанинг роли ва ўрни**

Бизнес-режа (БР) – бу жаҳон хўжалик амалиётида умумий қабул қилинган, тадбиркорлик таклиф ва лойиҳаларини тақдим этиш шаклидир. Бизнес-режа ташкилотнинг ишлаб чиқариш, савдо ва молиявий фаолияти тўғрисида батафсил ахборотдан иборат бўлган ҳолда, инвестициявий лойиҳа барча иштирокчиларининг истиқболлари, шароитлари ва ҳамкорлик шаклларини ҳам атрофлича баҳолайди.

Режалаштириш зарур эканлигининг учта асосий сабабини ажратиб ўтиш мумкин:

- бизнес-режа тузиш жараёни ғояни асослашни ўз ичига олган ҳолда, лойиҳага объектив ва эҳтиросларсиз назар ташлаш имконини беради. Режа мумкин бўлган ҳатоларнинг олдини олиш, ва лойиҳанинг мақсадини тўлиқ англашга ёрдамлашади. Бу чегараланган ресурслар маконидаги ҳаракатлар ва устуворликларнинг қатъий кетма-кетлигини акс эттирувчи йўналишдир.

- бизнес-режа корхонани самарали назорат қилиш ва бошқаришда катта ёрдам берувчи иш қуролидир. Бошқарув бўйича таниқли маслаҳатчи Питер Дрюкернинг сўзларига қараганда «Нимаки режалаштирилса, шу бажарилади».

- Тугалланган бизнес-режа Сизнинг ғояларингизни инвесторларга етказишнинг энг кўргазмавий воситасидир. Сифатли ишлаб чиқилган бизнес-режа инвесторларда яхши таассурот қолдириши билан бир қаторда, сизнинг қобилияtingиз ва касбий маҳоратингизни ҳам акс эттиради.

### **Автомобиль транспорти корхоналарида бизнес-режа тузиш.**

Бизнес режа – транспорт мажмуаси тармоқлари фаолият юритувчи

хўжалик субъектларини келажагининг асосий жиҳатларини, у келгусида дуч келадиган барча муаммоларни ва уларни ечиш йўлларини ёритиб берадиган хужжат ҳисобланади. Режалаштириш асосини эса бизнес-режа ташкил этади. Шу сабабли режалаштириш ва бизнес режа автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини юритишида муҳим аҳамият касб этади.

Автомобиль транспорти корхоналарининг (АТК) бизнес режаси – бу хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини маълум бир муддат давомида амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар хўжаликнинг мақсади ва бозор талабини мувофиқлаштирувчи, унинг юқори даражада фойда олишини таъминлаш борасидаги ёзма дастуридир.

Бизнес-режа тузиш ва уни амалга оширишнинг муҳимлиги – у АТКнинг имкониятлари тўғрисида барча ахборотлар бўйича баҳо берилади. Амалиётда бизнес-режа АТК томонидан банк муассасаларидан кредит олиш мақсадида тузилади.

### **Бизнес режа трузиш тартиби ва уни амалга ошириш йўллари.**

АТКда амалга оширилаётган бизнес-режа одатда қатъий ҳисоб-китобларга асосланган хужжат бўлиб, мавжуд бозорлар ҳолатини яхши таҳлил қилиб ва ўз мақсадларини аниқ - равshan кўз олдига келтирса малакали, корхона раҳбарлари томонидан мустақил равишда мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади.

АТКда бизнес-режалар тузиш қисқа кўринишда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Корхонанинг манзили, алоқа учун бошқа реквизитлари кўрсатилади.
2. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) фаолиятининг мақсади ва вазифалари аниқ ва равshan, ўқиганда ҳамма тушунадиган, содда тилда ёритилиши талаб этилади.

Шунингдек, бизнес режада ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, турлари, уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар ва олиниши кутилаётган даромадалар миқдори кўрсатиб ўтилади. Ушбу бўлимда ишлаб

чиқаришга жалб қилинган ўз маблағлари ва сармоядорлар маблағлари миқдорининг ўрни, қайтариш муддатлари ҳақида умумий ахборот берилади.

Демак, ҳар бир корхона раҳбари ўз хўжалигининг йиллик башорат режасини тузиб чиқиши ва шу режага қараб корхонани барқарор ривожланишини белгилаш зарур. Бунга аввало: корхонани ривожлантириш бўйича аниқ ҳисоб-китобларга асосланган бизнес-режа тузиш зарур бўлади.

Бизнес-режанинг кутилажак молиявий маблағлари қисмида АТКда йил давомида (амалиётда ойма-ой қилинадиган харажатлар тури ва йўналиши бўйича ҳисобга олиниш зарур) харажатлар тўлиқ ҳисобга олиниши, даромададлар ҳам шу каби ҳар бир тармоқ бўйича алоҳида ҳисобланиб, умумий корхона бўйича харажат ва даромад миқдори аниқланиб борилиши зарур.

Ҳозирги кунда бизнес-режанинг кўпгина шакллари мавжуд. Қуйида жаҳон амалиётида энг кўп фойдаланадиган бизнес-режалар тузилмаси келтирилган.

#### **4.2. Бизнес-режанинг халқаро шакли (ЮНИДО, БМТнинг саноатни ривожлантириш бўлими томонидан ишлаб чиқилган)**

##### **1. Резюме**

##### **2. Таклиф этилаётган лойиҳа гояси (моҳияти)**

Умумий бошланғич маълумотлар ва шароитлар.

Янги товар намунасининг таърифи.

Тадбиркорлик фаолияти тажрибасини баҳолаш.

##### **3. Махсулот сотиладиган бозорларни баҳолаи.**

Янги товар истеъмолчиларининг таърифи.

Рақобатдошларни баҳолаш.

Рақобатдошларга нисбатан ўз кучли ва ожиз томонларини баҳолаш.

##### **4. Маркетинг режаси**

Маркетинг мақсадлари.

Маркетинг стратегияси.

Маркетинг режасининг молиявий таъминланиши.

### ***5. Ишлаб чиқарииш режаси***

Янги товар ишлаб чиқарувчиси.

Талаб қилинадиган ишлаб чиқариш қувватлари ва уларниг мавжудлиги.

Ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари.

Ишлаб чиқариш жараёнини таърифлаш.

### ***6. Ташкилий режса***

Корхона ташкилий-хуқуқий шакли.

Корхона ташкилий тузилмаси.

Мажбуриятларниг тақсимланиши.

Ҳамкорлар тўғрисида ахборот.

Бизнес ташқи муҳитининг таърифи.

Корхона меҳнат ресурслари.

Бошқарув таркиби аъзолари тўғрисида маълумотлар.

### ***7. Молиявий режса***

Даромад ва харажатлар режаси.

Пул тушумлари ва тўловлари режаси.

Корхона актив ва пассивларининг қўшма баланси.

Заарсизликка эришиш графиги.

Молиялаштириш стратегияси (маблағлар манбалари ва уларни сарфлаш).

Таваккалчиликни баҳолаш ва суғурта.

### ***8. Иловалар***

#### **4.3. Германия намунавий бизнес-режаси**

##### ***1. Резюме***

##### ***2. Умумий тарзда корхонани таърифлаш***

Корхонанинг олдинги фаолияти.

Корхона келажаги.

Мулкчилик муносабатлари ва шартномалар.

### ***3. Корхонанинг асосий позициялари ва ташкилий шакли***

Корхонанинг асосий позицияси – мақсадини ифодалаш.

Корхонанинг тузилмавий ташкил этилиши.

Кадрлар тузилмаси.

### ***4. Маҳсулот ва хизматлар***

Маҳсулот ва хизматларнинг таърифи.

Маҳсулот ва хизматларнинг рақобат варақаси.

Маҳсулот ва хизматларнинг ҳажми.

Маҳсулот ва хизматлар ривожланишига инвесторларнинг муносабати.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда юридик ёрдам (патентлар).

Фаолият юритишга руҳсатнома.

### ***5. Бозор таҳлили ва сотувлар прогнози***

Маҳсулот ва хизматлар бозорларининг умумий таърифи.

Бозор (минтақавий, тармоқ) сегментлашувининг таърифи.

Айланма воситаларнинг бошланғич ҳисоб-китоблари.

Маҳсулот рақобатбардошлигининг таҳлили.

### ***6. Сотув***

Маҳсулот ва хизматларни сотиш стратегияси.

Маҳсулот ва хизматларнинг нарх стратегияси.

Маҳсулот ва хизматлар савдосини ташкил этиш.

Савдо ҳажмини ошириш бўйича тадбирлар.

Савдо соҳасида ходимлардан фойдаланиш.

Савдо харажатлари.

### ***7. Ишлаб чиқариш***

Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш стратегияси.

Маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш услублари.

Машина ва ускуналар.

Ишлаб чиқаришда ходимлардан фойдаланиш.

Ишлаб чиқариш қувватлари.

Материаларни харид қилиш.

## ***8. Молиялаштиришиңи режалаштириши***

Молиялаштиришни режалаштириш асослари.

Ликвидликни режалаштириш.

Ликвидликни режалаштиришнинг мақсади ва мазмуни.

Даромад ва харажатлар баланси.

Даромадлар ва харажатлар балансининг мақсади ва мазмуни.

Баланслар.

Баланснинг мақсади ва мазмуни.

Кўрсаткичлар таҳлили.

Шахсий капитал улуши.

Ликвидлик.

Cash flow (нақд пул оқими).

Айланма воситалар рентабеллиги.

Шахсий капитал рентабеллиги.

Инвестициялар.

## ***9. Молиялаштириши***

Капиталга бўлган эҳтиёж ва ундан фойдаланиш.

Молиялаштириш воситалари.

Ўтмишдаги молиялаштириш.

## ***10. Илова***

### **4.4. Америка намунавий бизнес-режаси**

#### ***1. Титул варақаси***

- А) корхона номи ва манзили
- Б) таъсисчилар исми-шарифи ва манзили
- В) таклиф этилаётган лойиха моҳияти
- Г) лойиха қиймати (молиялаштириш манбалари ҳам кўрсатилиши мумкин)
- Д) лойиха маҳфийлиги

Лойиҳанинг асосий моҳияти ва тахминий қийматини титул варакасида акс эттириш тавсия қилинади, бундай маълумотга эга бўлган ҳолда, инвесторлар бутун режани ўқимасдан туриб унинг моҳиятини англашлари мумкин.

## ***2. Титул варака намунаси***

### **A) «Озода-сервис» кичик корхонаси**

Манзил: Тошкент ш. Тел.: 485-85-85. Таъсисчилар: Гулчехра Жалилова, Санобар Салимова.

Таклиф этилаётган лойиҳанинг моҳияти: «Озода-сервис» кичик корхонаси ташкилот ва муассасалар биноларида тозалик ишларини олиб боради. Таклиф этилаётган хизматларга пол ювиш, гилам ва пардаларни тозалаш, кир ювиш, ойна ювиш ва бошқа хўжалик ишлари киради. Хизматлар шартномага асосан бир йил муддатда амалга оширилади. Шартномада кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва даврийлиги аниқ кўрсатилиши лозим. Корхона асосан кичик корхоналар ваофислардаги тозалик ишларини бажаришга мўлжалланган.

Лойиҳа қиймати: 6 йил муддатга 15 млн. сўмлик ссуда талаб қилинади. Ушбу маблағ хона ижараси, иш қуролларини сотиб олиш, реклама, микроавтобус ижараси ва бошқа жорий харажатларни қоплашга сарфланади.

Махсус хужжат махфий ва корхона таъсисчиларининг мулки ҳисобланади. Хужжат факатгина таъсисчилар ва уларнинг розилиги билан олинган шахслар учун мўлжалланган. Корхонанинг ёзма розилигини олмасдан туриб хужжатдан нусха кўчириш ва уни эълон қилиш ман этилади.

Б) Кириш қисми: таклиф этилаётган лойиҳанинг асосий қисмлари (3-4 бет). Бу ерда ташкил этилаётган корхона нима билан шуғулланиши, қанча маблағ ва нима учун сўралаётгани, маҳсулот ва хизматдан қутилаётган талаб даражаси ва тадбиркор нуқтаи назаридан нимага айнан унинг лойиҳаси муваффақиятли бўлиши тўғрисида аниқ ва ишонарли тарзда баён қилиш лозим.

## ***3. Тармоқдаги умумий вазият таҳлили***

А. жорий вазият ва уни ривожланиш тенденциялари

Сўнгги янгиликлар тўғрисида маълумот бериш тавсия қилинади.

Б. Потенциал рақобатдошлар

(уларнинг кучли ва ожиз томонларини, ҳамда мазкур лойиҳага таъсир этиш даражасини айтиб ўтиш)

В. Потенциал истеъмолчилар

Мазкур бўлимнинг намунавий саволлари:

1. Тармоқ бўйича сўнгти 5 йилдаги савдо динамикаси қандай?
2. Тармоқ бўйича қандай ўсиш суръатлари кутилмоқда?
3. Охирги 3 йил давомида тармоқда пайдо бўлган янги корхоналар сони?
4. Сўнгти вактда тармоқда пайдо бўлган янги маҳсулот турлари?
5. Потенциал рақобатдошлар: улар кимлар?
6. Нима ҳисобига олдинга чиқиш мумкин?
7. Рақобатдошларнинг ахволи қандай: улар савдосининг динамикаси қандай?
8. Рақобатдошларнинг кучли ва ожиз томонлари нимада?
9. Потенциал истеъмолчилар: улар кимлар?
10. Сизнинг маҳсулотингиз истеъмолчилари доираси, рақобатдош корхона истеъмолчилари доирасидан фарқ қиласидими?

#### **4. Таклиф этилаётган лойиҳа можияти**

А) Маҳсулотлар

Б) Хизматлар

В) Офис хоналари ва жиҳозлари

Г) Маъмурий ва ишлаб чиқариш персоналии (ходимлари)

Д) Тадбиркор ва унинг ҳамкорлари тўғрисида маълумот

Мазкур бўлимнинг намунавий саволлари:

1. Қайси маҳсулот (хизмат) ёки товарни ишлаб чиқариш назарда тутилган?
2. Таклиф этилаётган лойиҳа тўғрисида умумий маълумот беринг (патент, савдо белгиси агарда мавжуд бўлса)?

3. Корхона қаерда жойлашади?
4. Хона таъмирга муҳтожми? Таъмирлаш ишларининг тахминий қиймати қанча?
5. Бу шахсий хонангизми ёки уни ижарага олиш режалаштирилганми?
  6. Ушбу хона ва уни жойлашиши қулайми?
  7. Қайси мутахассисликка эга бўлган ишчилар лозим?
  8. Офис учун қандай ускуналар лозим?
  9. Ушбу ускуналарни ижарага олиш мумкинми?
  10. Сизнинг тадбиркорлик тажрибангиз борми?
  11. Сизнинг бошқарув ишдаги тажрибангиз борми?
  12. Ўз хақингизда маълумот беринг: ёшингиз, маълумотингиз, қизиқишиларингиз ва ҳ.

13. Нимага Сиз тадбиркор бўлишга қарор қилдингиз?
14. Сизнинг мувоффақиятга ишончингиз нимага асосланган?
15. Янги маҳсулотни ишлаб чиқиш қайси босқичда турибди?

### ***Ишлаб чиқариши режаси***

А) ишлаб чиқариш жараёнининг таърифи, қайси операцияларни бошқа корхоналар (субподрядчик) зиммасига юклаш назарда тутилган.

Б) ишлаб чиқариш хоналари

В) машина ва ускуналар

Г) хом-ашё етказиб берувчилар

Мазкур бўлимнинг намунавий саволлари:

1. Бутун ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ таърифлаб бериш. Бошқа корхоналарга буюриладиган ишлар рўйхатини келтириш.
2. Ишларнинг бир қисмини бажарадиган корхоналар номи ва манзили.
3. Нимага айнан шу корхоналар танланганини тушунтириб беринг. Шартномалар нусхасини келтиринг.
4. Ишлаб чиқариш оқимлари схемасини келтиринг (иложи борича

график шаклда).

## **6. Ташкилий режса**

- А) Мулкчилик шакли.
- Б) Ҳамкорлар ёки асосий пайчилар тўғрисида маълумот.
- В) Ҳамкор (пайчи)ларнинг масъулият даражаси.
- Г) Корхона бошқаруви аъзолари тўғрисида маълумот.
- Д) Ташкилий тузилма, ишларнинг тақсимланиши.

Мазкур бўлимнинг намунавий саволлари:

1. Ташкил этилаётган корхонанинг мулкчилик шакли ва унга асосан асосий таъсисчилар ва уларнинг улушлари тўғрисида ахборот беринг.
2. Бошқарув аъзоларини санаб ўтинг (исми-шарифи, манзили, қисқа биографияси)
3. Молиявий ҳужжатларга ким имзо чекиши ҳуқуқига эга?
4. Бошқарув аъзолари ўртасида вазифалар қандай тақсимланган?
5. Бошқарув аъзоларининг ойлик иш хақи қандай? Мукофотлар ва қўшимчалар тўлаш назарда тутилганми?

## **7. Таваккалчиликни баҳолаши**

- А) Корхонанинг ожиз томонлари нималардан иборат.
- Б) Янги технологияларни пайдо бўлиш эҳтимоли.
- В) Муқобил (альтернатив) стратегиялар.

Рақобатдошлар, маркетинг ва ишлаб чиқариш сиёсатидаги нотўғри ҳисоб-китоблар, бошқарув кадрларини танлашдаги хатолар буларнинг барчаси ҳавф туғдириши мумкин. Шунингдек, технологик тараққиёт ҳар қандай янгиликни бир зумда тарихга айлантириши мумкин. Бундай ҳавфлар бўлмаган тақдирда ҳам, «улар тўғрисида ўйламаслик мумкин» деган фикрни асослаб бериш лозим.

Ушбу омилларнинг биттаси ҳавф туғдирган ҳолатдаги корхона стратегиясини олдиндан ишлаб чиқиш фойдали. Муқобил дастур ва стратегияларнинг мавжудлиги, инвесторга, тадбиркор мумкин бўлган қийинчиликлар тўғрисида ҳабардорлиги ва уларга олдиндан тайёрлиги

тўғрисида далолат беради.

### **8. Молиявий режса**

А) Камида уч йиллик даромад ва харажатлар режаси (биринчи йил ойлар бўйича тақсимланган ҳолда). Ушбу режага кутилаётган савдо ҳажми, сотилган товарлар таннархи ва турли хил харажатлар киритилади. Даромад солиги ставкаларини билган ҳолда, корхонанинг солиқлардан кейинги соф фойдасини ҳисоблаш мумкин.

Б) Уч йиллик пул тушумлари ва тўловлар режаси (биринчи йил ойлар бўйича тақсимланган ҳолда).

В) Баланс режаси. Бу ерда корхона актив ва пассивларини, тадбиркор томонидан ривожланиш учун киритилган маблағларни ва тақсимланмаган даромадни акс эттириш лозим.

Г) Ўзини-ўзи қоплаш нуқтаси (харажат ва даромадлар бир-бирига тенг ҳолат).

Д) Маблағ манбалари ва уларнинг сарфланиши.

Потенциал инвестор нуқтаи назаридан молиявий режа айниқса муҳим аҳамият касб этади, чунки у янги корхонанинг инвестициявий эҳтиёжларини асослайди ва иқтисодий нуқтаи назардан лойиҳани амалга ошириш қанчалик фойдалилиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

### **9. Иловалар**

А) Хат.

Б) Шартнома, лицензиялар ва х. нусхаси

В) Бошланғич маълумотлар олинган ҳужжатларнинг нусхаси.

Г) Етказиб берувчиларнинг прейскурантлари.

Д) Бошқа маълумотлар.

## **4.5. Россия Федерациясида қўлланиладиган бизнес-режа намунаси**

РФ Ҳукуматининг 22.11.1997 йилдаги №1470 Қарори билан киритилган.

### **1. Титул варақаси**

- корхона номи ва манзили;
- корхона бошлиғи;
- исми-шарифи ва телефони;
- лойиҳа моҳияти (3-5 қатор);
- қурилиш тавсифи;
- смета бўйича лойиҳа қиймати;
- қурилиш йиллари;
- лойиҳани молиялаштириш (фоизларда):
  - а) ўз маблағлари;
  - б) қарз маблағлари (алоҳида-маҳаллий ва чет эл);
- лойиҳани қопланиш муддати;
- давлат экспертизаларининг хулосаси;
- тижорат сири тўғрисида ахборот.

## ***2. Резюме ёки лойиҳанинг кириши қисми (3-4 бет)***

- лойиҳа мақсадлари;
- лойиҳа моҳияти;
- маҳсулот (хизмат) устунликлари;
- маҳсулотга кутилаётган талаб;
- мувоффақиятнинг асосий омиллари;
- кутилаётган маҳсулот экспорти ёки импортни ўрнини босиш;
- талаб қилинаётган инвестициялар;
- қарз маблағларини қайтариш муддати;
- ижтимоий масалаларни ечиш (янги иш жойларини яратиш, йўллар ва умумий фойдаланиш коммуникацияларини ўtkазиш, уй-жой фондини кенгайтириш, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш ва х.).

## ***3. Тармоқдаги вазият таҳлили (3-4 бет).***

(бўлимнинг вазифаси: тармоқни тавсифлаш – ривожланаётган, барқарор, тушкунликда).

- минтақа ва мамлакатдаги умумий эҳтиёж ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

- минтақа ва мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича корхонанинг кутилаётган улуши;

- потенциал рақобатдошлар, уларнинг кучли ва ожиз томонлари;
- сўнгги З йил давомида маҳсулотнинг қандай ва қайси аналоглари пайдо бўлди.

#### ***4. Ишлаб чиқариши режаси***

(бўлимнинг вазифаси: танланган ишлаб чиқариш жараёнини асослаш ва унинг иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш)

- ишлаб чиқариши ташкил этишга бўлган маҳсус талаблар;
- асосий ускуналар таркиби, етказиб берувчилари, етказиш шартлари (ижара, харид), қиймати;
- хом-ашё ва материаллар, етказиб берувчилар ва ўртача нархлар;
- хом-ашё ва материаллар билан таъминлашнинг муқобил манбалари;
- амортизация шакллари ва меъёрлари;
- ишлаб чиқарилиши мўлжалланган маҳсулот таннархи;
- капитал қўйилмалар тузилмаси (курилиш-монтаж ишлари, ускуналар харажатлари, бошқа харажатлар);
- ишга тушириш ва қувватларни ўзлаштириш муддатлари;
- экологик ва техник ҳавфсизликни таъминлаш.

#### ***5. Маркетинг режаси***

(бўлим вазифаси: товарни сотиш қийинчиликларга олиб келмаслигини асослаш)

- сўнгги истеъмолчилар;
- корхона монополистми?
- талаб тури (текис ёки мавсумий);
- рақобат ва рақобатдошлар тавсифи;
- маҳсулотнинг қайси хусусиятлари ёки қўшимча хизматлари уни, рақобатдошларга нисбатан, устуворлигини белгилайди?
- патентлаш (товарни ички ва ташқи бозорларда ҳимоялаш, корхона хукуқларини бузмаган ҳолда рақобатдошлар томонидан худди шундай

маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти);

- технологик ўзгаришларнинг маҳсулот таннархига таъсири;
- савдо харажатлари;
- маҳсулот (хизматларни) сотиш билан боғлиқ капитал харажатлар;
- рақобатдошларнинг қандай ҳатти-харакатларидан қўрқиши лозим ва уларга жавоб қайтариш стратегияси?
- маҳсулот нархини асослаш;
- савдони ташкил этиш (савдо жараёнига жалб қилинадиган корхоналарни кўрсатган ҳолда, савдо тизимини таърифлаш);
- сотищдан кейинги хизмат кўрсатиш;
- рекламани ташкил этиш ва реклама харажатлари ҳажми.

## ***6. Ташкилий режса***

- корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (ҳамкорлик шакли, таъсисчилар ва уларнинг улушлари);
- акциялар (қанча чиқарилган ва яна қанча чиқариш кўзда тутилган);
- бошқарув таркиби, қисқа биографик маълумотномалар;
- молиявий ҳужжатларга имзо чекиши ҳуқуқига ким эга?;
- бошқарув таркиби аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши;
- лойихани маҳаллий маъмурият томонидан қўллаб-қувватланиши.

## ***7. Молиявий режса***

- инвестициялар ҳажми;
- манбалар ва даврлар бўйича лойихани молиялаштириш ҳажми;
- кредитларни тақдим этиш шартлари;
- пул оқимларининг ҳаракати;
- даромад ва харажатларнинг прогноз баланси;
- лойиҳа самарадорлиги кўрсаткичлари (қопланиш муддати, самарадорликнинг ички коэффициенти ва б.);
- баланс тузилмасини баҳолаш (жорий ликвидлик, ўз маблағлари билан таъминланиши ва х.).

## **4.5. Хизмат кўрсатиши ривожлантириш ва аҳолини сифатли ва тезкор транспорт хизматлари билан таъминлаш юзасидан бизнес-режа**

### **1. Резюме**

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафакат мамлакатимизнинг ички ялпи маҳсулот ишлаб чикиришида асосий ўрин эгаллаши, балки аҳоли даромадлари ва фаровонлиги ошишининг, аҳолининг, жумладан кичик шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш муаммосини хал килишнинг мухим манбаси бўлиб колиш вазифаси қўйилмоқда.

Айникса, аҳолини узоғини яқин қиласиган сифатли ва тезкор транспорт хизматлари билан таъминлаш энг долзарб масалалардан биридир.

Такдим килинаётган бизнес-режада «AIBJONOV JAXONGIR» маъсулияти чекланган жамияти томонидан туман аҳолисини сифатли ва тезкор ва қулай транспорт хизматлари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Маъсулияти чекланган жамият томонидан транспорт хизматини йўлга қўйиш учун 200000.0 минг сўм пул маблағи зарур бўлиб, кредит маъсулияти чекланган жамиятга хизмат килаётган «Халқ банки» Зомин туман филиали орқали жалб килиш мўлжалланмоқда.

Кредит 3 йил муддатга йиллик 14 фоиз устамаси билан олинади. Кредит биринчи йилнинг еттинчи ойидан ва келгуси даврда ойлар якунлари билан босқичма босқич копланиб борилади.

Хисоб китоблар шуни кўрсатмоқдаки мўлжалланган миқдордаги кредит маблағи бериладиган бўлса, маъсулияти чекланган жамияти бошка барча харажатларни ўз хисобидан амалга ошириб, тезкор сифатли ва қулай транспорт хизматини йулга қўйиш имкониятига эга булади. Лойиҳанинг аҳамиятли томони шундаки, хизмат кўрсатиш тифайли давлат бюджетига салмоқли солик тўловлари туланади, иқтисодий бақувват маъсулияти чекланган жамияти вужудга келади. Зоро, бозор иқтисодиёти шароитида Президентимиз томонидан қўйилаётган асосий талаблардан бири ҳам ана шундадир.

## **2. Умумий маълумотлар**

Кредит олувчи «AIBJONOV JAXONGIR» маъсулияти чекланган жамияти хуқуқий мақомга эга бўлиб, Зомин туман хокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 29 июль 2010 йилдаги № 2232 тартиб рақами билан Зомин туман марказида ташкил этилган.

Манзил: Жиззах вилояти Зомин тумани Кайирма маҳалласи фукоралар ийғини.

Маъсулияти чекланган жамияти раҳбари Баходир Аибжонов. Паспорт белгилари CG 0083934, «7» феврал 1996 йилда Жиззах вилояти, Пахтакор туман ички ишлар бўлими томонидан берилган. Манзили Жиззах вилояти, Зомин тумани, Кайирма маҳалласи, Н.Хайдаров кучаси 12 уй.

«AIBJONOV JAXONGIR» маъсулияти чекланган жамияти хисоб раками Давлат тижорат «Халқ банки» Зомин туман филиалида очилган: х/р 20208 00000 48597 05001 , МФО 00675, СТИР – 201 463 178 , КТУТ- 23315504, ХХТУТ- 51121.

Аҳолини тезкор сифатли ва қулай транспорт хизмати билан таъминлаш учун «AIBJONOV JAXONGIR» маъсулияти чекланган жамияти ўзига тегишли бўлган барча кулайликларга эга бўлган жойда жойлашган.

Маъсулияти чекланган жамиятининг транспорт хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш йўналиши бўйича тузилган ушбу лойиҳани амалга оширишда ишни ташкил этиш ва бошка харажатларга бўлган талабларни кейинги йилларда 100 % қисмини маъсулияти чекланган жамиятини узини- узи таъминлаш кувватига эга булади.

Маъсулияти чекланган жамиятининг ташкилий-бошкарув тузилиши куйидагича:

## Ташкилий тузилма

минг.сўм

№	Лавозими	Штат бир лиги	Иш хаки фонди			25% ажратма
			ойли к	чораклик	йилли к	
1	Рахбар	1	150	450	1 800	450
2	Хисобчи	1	120	360	1 440	360
3	Дистпетчер	1	120	360	1 440	360
4	Уста чилангар	1	120	360	1 440	360
5	Ишчи	12	1 440	4 320	17 280	4 320
	Жами	16	1950	5850	23400	5850

**3. Лойихани максади (резюме)**

3.1 Лойиҳадан асосий мақсад – фойда олиш бўлиб, унинг негизида хизмат кўрсатишни ривожлантириш, яъни аҳолининг транпорт хизматига бўлган эҳтиёжини қондириш орқали халк хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришга муносаб ҳисса кўшиш, иқтисодий, молиявий муҳитни соғломлаштириш, Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш соҳасида фаол иштирок этиш вазифаси ётади.

3.2 Ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича жамият барча имкониятларга эга, транспорт катновга қўйилиши мўлжалланаётган Зомин тумани ва Жиззах вилояти марказини боғловчи йўл линиясида йўловчиларнинг доимий гавжум бўлиши ва бу йўлнинг аҳолии зич яшайдиган пунктларни кесиб ўтгани шунингдек жамият олиб келинадиган автомобилларга арzon метан ёқилгиси ускунасини ўрнатишни мўлжаллаётгани, жамият томонидан ҳайдовчиликка шу соҳада ката тажрибага эга бўлган муомилали кишиларни жалб қилиш мўлжалланаётгани ушбу режани амалга оширишда мухим роль уйнайди.

3.3 Бугунги кунда республикамизда ўтказилаётган самарали пул кредит сиёсати натижасида аҳолининг моддий таъминоти, турмуш тарзи ўзгариб доим янги сифатли ва тезкор хизмат турларига талаб ошиб бораётганлиги, сервис хизматини юқори савияда бўлишини талаб килишлари ва аҳоли сони ўсиб бориши - ушбу режанинг мувоффакияти гаровидир.

3.4 Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-фойдани меҳнатга кўникма уйготиш;

- хусусий фаолият юритишининг авзаллик томонларини ҳар томонлама намоён этиш – лойиҳанинг негизини ташкил этади.

#### **4. Лойиҳанинг асосий йуналиши**

4.1 Маъсулияти чекланган жамият туман ахолиси талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ ўрганиб чикиб, транспорт хизмати кўрсатишни йўлга кўйиш учун Ўзбекистонда ишлаб чикарилган 10 дона замонавий ва қулай “Нексия” автомобили олиб келиш ва уларга метан ёнилғиси ускуналарини ўрнатишни режалаштирган бўлиб, бунинг учун 200 000 000 (Икки юз миллион) сўм талаб килинади ва бу маблағ банк кредити хисобига молиялаштирилиб, автомобил сотиб олиш ва метан ёнилғиси ускуналарини ўрнатиш учун ишлатилади.

Бундан ташқари автомобилларни расмийлаштириш, уларга йўловчи ташиш учун лицензия олиш, суғурта тўловлари ва бошқа кўзда тутилмаган харажатлар таъсисчиларининг таъсис улуши хисобидан амалга оширилади.

## 5. Лойиҳани амалга ошириш харажатлари

5.3-жадвал

минг.сўм

Харажатлар	Кредит маблағи хисобидан	Бошлангич даврда		Уч йил давомида	
		Битта машина нархи	Ўнта машина нархи	Битта машина нисбата	Ўнта машина нисбатан
10 дона "Нексия" автомобили сотиб олиш	182 000	18 200	182 000		
10 дона автомобилга метан гази ускуналарини ўрнатиш	18 000	1 800	18 000		
Ёкилги харажатлари				7056	70560
Автомобил- ларни мойлаш воситалари				2520	25200
Эскирган шиналарни алмаштириш				1200	12000
Амортизатсия 15%				6 552	65 520
Бошқа кўзда				600	6000

тутилмаган харажатлар					
Жами	200 000	20 000	200 000	179280	179280

#### 5.4-жадвал

Лойихани амалга оширида кетадиган харажатлар

минг.сўм

Харажатлар	Биринчи йил		Иккинчи йил		Учинчи йил	
	Битта машина- га нисбата н	Ўнта машина- га нисбата н	Битта машина- га нисбата н	Ўнта маши- нага нисба- тан	Битта маши- нага нисба- тан	Ўнта маши- нага нисба- тан
Ёкилғи харажатлари	2 352	23 520	2 352	23 520	2 352	23 520
Автомобил- ларни мойлаш воситалари	840	8 400	840	8 400	840	8 400
Эскирган шиналарни алмаштириш	400	4 000	400	4 000	400	4 000
Амортизаци я 13%	2 184	21 840	2 184	21 840	2 184	21 840
Бошқа кўзда тутилмаган харажатлар	200	2000	200	2 000	200	2 000
Жами	5 976	59 760	5 976	59 760	5 976	59 760

#### 6. Бозор изланишлари

- юқори сифатли хизмат кўрсатиш,
- рақобатчиларга нисбатан хизматларга арzonрок нарх белгилаш;
- хизмат кўрсатишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- хизмат кўрсатишни ривожлантириш, муомала маданиятини юксалтириш ва хизмат кўрсатиш усуулларини такомиллаштириш бу маркетинг стратегиясидир.

## **8. Кредитни кайтариш устама фоизларини кайтариш графиги**

Ушбу бизнес-режа бўйича харакатлар кредитнинг асосий карзини кайтариш еттинчи ойдан бошланади. Кредит фоизларини ҳар ойнинг 25-санасигача белгиланган график асосида кайтарилиб борилади.

5.5-жадвал

Кредитни кайтариш устама фоизларини кайтариш графиги

минг.сўм

Ойлар	Хисобот даври бошига кредит	Тўловлар		жами кайтарил ди
		асосий карз ой оҳирига	устама фоиз (14 %)	
1	200 000		2 333	2 333
2	200 000		2 333	2 333
3	200 000		2 333	2 333
4	200 000		2 333	2 333
5	200 000		2 333	2 333
6	200 000		2 333	2 333
7	200 000	6 666	2 333	9 000
8	193 333	6 666	2 255	8 922
9	186 666	6 666	2 177	8 844
10	180 000	6 666	2 100	8 766
11	173 333	6 666	2 022	8 688

12	166 666	6 666	1 944	8 611
<b>1-йил</b>		<b>40 000</b>	<b>26 833</b>	<b>66 833</b>
13	160 000	6 666	1 866	8 533
14	153 333	6 666	1 788	8 455
15	146 666	6 666	1 711	8 377
16	140 000	6 666	1 633	8 300
17	133 333	6 666	1 555	8 222
18	126 666	6 666	1 477	8 144
19	120 000	6 666	1 400	8 066
20	113 333	6 666	1 322	7 988
21	106 666	6 666	1 244	7 911
22	100 000	6 666	1 166	7 833
23	93 333	6 666	1 088	7 755
24	86 666	6 666	1 011	7 677
<b>2-йил</b>		<b>80 000</b>	<b>17 266</b>	<b>97 266</b>
25	80 000	6 666	933	7 600
26	73 333	6 666	855	7 522
27	66 666	6 666	777	7 444
28	60 000	6 666	700	7 366
29	53 333	6 666	622	7 288
30	46 666	6 666	544	7 211
31	40 000	6 666	466	7 133
32	33 333	6 666	388	7 055
33	26 666	6 666	311	6 977
34	20 000	6 666	233	6 900
35	13 333	6 666	155	6 822
36	6 666	6 666	77 7	6 744
<b>3-йил</b>		<b>80 000</b>	<b>6 066</b>	<b>86 066</b>
<b>Жами</b>	<b>3 йил</b>	<b>200 000</b>	<b>50 166</b>	<b>250 166</b>

## **9. Молиявий натижа**

Жамиятнинг банк кредитидан фойдаланиш давридаги хизмат кўрсатиш молиявий фаолияти таҳлили қўйидагича бўлади:

5.6-жадвал

минг.сўм

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>1 йил</b>	<b>2 йил</b>	<b>3 йил</b>
1	Хизмат кўрсатишдан тушум	201600	20160 0	201600
	<b>Жами тушум</b>	<b>201600</b>	<b>20160 0</b>	<b>201600</b>
<b>Хизмат кўрсатиш харажатлари</b>				
2	Кредит тўлови	40000	80000	80000
3	Кредит фоизи	26833	17266	6066
4	Ёкилғи харажатлари	23520	23520	23520
5	Мойлаш харажатлари	8400	8400	8400
6	Яроқсиз шиналарни алмаштириш	4000	4000	4000
7	Амортизатсия	21840	21840	21840
8	Бошқа харажатлар	2000	2000	2000
9	Иш ҳаки	23400	23400	23400
10	Иш ҳаки ажратмалари	5850	5850	5850
11	Солик тўловлари	14112	14112	14112
	<b>Жами харажат</b>	<b>169955</b>	<b>20038 8</b>	<b>189188</b>
11	Соф фойда	31644	1211	12411
12	Рентабеллик	18,62	0,60	6,56

## **10. Йилнинг охирги пул оқимлари хисоботи (Башорат)**

Жамиятнинг банк кредитидан фойдаланиш давридаги пул маблағлари оқими куйидагича бўлади:

5.7-жадвал

Кирим

№	Кўрсаткичлар	Бошлан -гич давр	1- йил	2-йил	3-йил
1.	Кирим				
	Кредит ресурси	200 000			
	Реализациядан тушган соф тушум		201600	201600	201600
	Жами	200 000	201600	201600	201600
2.	Чиким				
	Автомашиналар сотиб олиш	182 000			
	Метан ўрнатиш	180000 00			
	Кредит тўлови		40000	80000	80000
	Кредит фоизи		26833	17266	6066
	Ёкилғи харажатлари		23520	23520	23520
	Мойлаш харажатлари		8400	8400	8400
	Яроқсиз шиналарни алмаштириш		4000	4000	4000
	Амортизатсия		21840	21840	21840
	Бошқа харажатлар		2000	2000	2000
	Иш ҳаки		23400	23400	23400
	Иш ҳаки ажратмалари		5850	5850	5850

	Солиқ тўловлари		14112	14112	14112
	Жами	200 000	169955	200388	189188
3.	Колдик				
	Йил бошига	0	0	316446	328560
	Йил охирига		31644	328560 0	4526733

## **11. Хулоса**

Жамият кредитдан фойдаланиш муддатида оладиган даромади эвазига кредитни барча мажбурий тўловлари билан биргалиқда тўлик кайтаради хамда уч йилда кўшимча даромадга эга бўлади, бу эса жамиятнинг келажакдаги фаолиятини тўлик давом эттириш, янги турдаги фаолиятларни бошлиши учун кулай шарт-шароитлар яратади.

### **Назорат саволлари:**

1. Бизнес-режа тушунчаси.
2. Бизнес-режа мақсади.
3. Бизнес-режа вазифалари.
4. Бизнес-режа ва техник иқтисодий асосномани фарқи нимадан иборат?
5. Инвестициявий лойиха бизнес-режасининг асосий мақсади нима?
6. Етакчи давлатларнинг намунавий бизнес-режаларидағи асосий фарқлар нимада?
7. ЮНИДО услугиёти бўйича ишлаб чиқилган халқаро бизнес-режанинг асосий пунктларини айтинг.

## **V-БОБ. КРЕДИТЛАШ АСОСЛАРИ**

Таянч иборалар: кредит, тижорат кредити, банк кредити, халқаро кредит, кредитнинг қайта тақсимот функцияси, муомала харажатларини тежаш, товар айланмасига хизмат кўрсатиш, илмий-техник тараққиётни тезлаштириш, капитал мужассамлашувини тезлаштириш, кредит тизими, кредит муносабатлари, кредитнинг қайтариувчанлиги, кредитнинг муддатлилиги, кредит учун тўлов, ссуда фоизи, кредит дифференциацияси, кредитнинг мақсадли характеристи.

### **5.1. Кредитнинг моҳияти**

Транспорт мажмуаси соҳасида фаолият юритувчи корхоналарни ўз фаолиятларини юргизиш учун қайтариш ва фоиз тўлаш шарти билан вақтинча фойдаланиш учун пул ва моддий воситаларни бериш чоғида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизимиdir. Бу муносабатлар қарз берувчи ва қарздор ўртасида амалга ошади.

Қарз берувчи – қарзга маблағ берувчи ҳуқуқий шахс, қарздор – қарз олган ҳуқуқий шахс. Хозирги кунда кредит пул кўринишида кенг тарқалган. У вақтинча бўш қолган корхона, ташкилот, аҳоли, молия тизими маблағларининг маҳсус қарз берувчи ташкилотлар (банклар) орқали қайта тақсимлаш ва жамғарилишига асосланади. Шундай қилиб, тўпланиб қолган маблағлар билан бунга зарурат сезган корхона, бирлашма, хўжалик субъектлари, аҳоли, мамлакатнинг маълум жойларида берилади. Банкдан олинувчи кредит билан бирга корхона ичидаги, истеъмол, табиий, халқаро ва бошқа кредит шакллари ҳам мавжуд. Иқтисодиёт тараққиётининг ҳозирги даври, тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш. Бозор иқтисодиётида ўзини ўзи қоплашга ўтиш шароитида кредит тизимининг аҳамияти ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда кредит жуда ҳам катта аҳамиятга эга. У бутун иқтисодиёт тизими олдида турган

муаммоларни хал қилади. Кредит ёрдамида, пул маблағларига бўлган эҳтиёжни, бундай маблағлар вақтингчалик бўшаган жойлардан олиш орқали қондириш мумкин. Кредитлаш тизими бўш капитални йифади ва шу билан бирга, капитал кириб келишига хизмат қўрсатган ҳолда, қайта ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайди. Шунингдек кредит пул муомаласини тезлаштиради, бир қатор муносабатларнинг (суғурта, инвестициявий ва х.) бажарилишини таъминлайди ва бозор муносабатларини тартибга солишда катта рол ўйнайди.

Суда капитали манбаси бўлиб, биринчидан, асосий капитални тиклаш учун мўлжалланган, айланмадан чиқарилган пул маблағлари (яъни амортизация жамғармаси); товарларни сотиш ва хом-ашё, ёқилғи, материалларни харид қилиш вақти ўзаро тўғри келмаганлиги сабабли вақтингча бўш қолган айланма капиталнинг бир қисми хизмат қилиши мумкин. Товарларни сотиш ва иш ҳақи тўлаш ўртасидаги даврда вақтингчалик бўш бўлган капитал ҳам манба бўлиши мумкин. Суда капиталининг иккинчи бир манбаси сифатида пул даромади ва хусусий сектор жамғармалари хизмат қилиши мумкин. Суда капиталининг учинчи манбаси сифатида давлатнинг пул жамғармаларини қўрсатишимиз мумкин. Уларнинг ҳажми давлат мулки ва ялпи миллий маҳсулот улуши билан белгиланади.

## **5.2. Кредит шакллари**

Кредитнинг иккита асосий: тижорат ва банк кредити шакллари мавжуд бўлиб, улар иштирокчилар таркиби, ссуда обьекти, динамикаси, фоиз миқдори ва фаолият юритиш соҳалари бўйича бир-биридан фарқ қиласи.

Тижорат кредити деб, фаолият юритаётган бир тадбиркорнинг товар учун тўловни кечикириш шаклида, иккинчи тадбиркорга берадиган кредитига айтилади. Тижорат кредити вексел билан расмийлаштирилади, унинг обьекти бўлиб эса товар капитали хизмат қиласи. У саноат капитали айланмасига, товарларни ишлаб чиқариш соҳасидан истеъмол соҳасига ўтишига хизмат қўрсатади. Тижорат кредитининг ўзига хослиги шундаки, бу

ерда ссуда капитали саноат капитали билан бирлашиб кетган. Тижорат кредитининг мақсади – товарларни сотиш ва фойда олиш жараёнини тезлаштиришdir. Бундай кредитнинг ўлчами саноат ва товар капиталларининг захира кредитлари миқдори билан чегараланган бўлади. Ушбу капиталларнинг ҳаракати шартнома билан белгиланган бўлади: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тадбиркордан, ушбу воситаларни ўз ишлаб чиқаришида истеъмол қиласиган тадбиркорга ёки товар ишлаб чиқарувчи тадбиркордан, товарлар савдоси билан шуғулланувчи савдо ташкилотларига.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, тижорат кредитининг имкониятлари чекланган бўлади, чунки уни фақатгина товар ишлаб чиқарувчидан олиш мумкин. Тижорат кредитининг ўлчами чекланган ва у қисқа муддатли бўлади, кредит олувчилар эса аксарият ҳолларда узок муддатли кредитга муҳтож бўладилар.

Тижорат кредитининг чекланганлигини банк кредити билан йўқقا чиқариш мумкин. Банк кредити банклар ва бошқа кредит-молия ташкилотлари томонидан пул ссудаси кўринишида тақдим этилади. Банк кредитининг обьекти бўлиб, ишлаб чиқаришдан озод этилган пул капитали хизмат қиласи. Бу ерда ссуда шартномаси олди-сотди шартномасига боғлиқ эмас. Қарз олувчи сифатида хўжалик, корхона, давлат, хусусий сектор бўладиган бўлса, кредитор (кредит берувчи) сифатида эса барча кредит-молия ташкилотлари хизмат қилиши мумкин. Кредиторнинг мақсади фоиз кўринишида даромадга эга бўлишdir. Кредит қайтарилиш, муддатлилик ва фоиз тўлаш шартларида берилади.

Юқорида таъкидланганидек, банк кредити тижорат кредити чегарасидан чиқиб кетади, чунки у йўналиш, муддат ва кредит суммаси билан чегараланмаган. Тижорат кредити фақатгина товар айланмасига хизмат кўрсатса, банк кредити – аҳоли барча қатламларининг пул даромадлари ва жамғармаларини капиталга айлантирган ҳолда, капитал жамғаришда ҳам иштирок этади.

Банк ва тижорат кредитларининг динамикаси ҳам турлича. Тижорат кредитининг ҳажми ишлаб чиқариш ва товар айланмасининг ўсишига тўғри пропоционал тарзда боғлиқдир. Саноат ўсиши рўй берган даврда тижорат кредитига бўлган талаб ва таклиф ҳам ошиб боради, ва аксинча. Инқироз даврида товар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми кескин пасаяди, қарзларни тўлаш учун эса банк кредитига бўлган талаб ошиб боради. Иқтисодий ўшиш рўй бераётганда ҳам банк кредитига бўлган талаб ўсишини таъкидлашимиз мумкин. Шундай қилиб банк кредитининг иккиланган характеристига гувоҳ бўламиз, ундан бир томондан мавжуд капитални ўстириш учун, иккинчи томондан - қарзларни қоплаш учун фойдаланилади.

Тижорат банклари томонидан корхоналарни кредитлаш улар фаолиятини молиялаштиришнинг энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. У корхона ва кредит ташкилоти ўртасида тегишли шартномавий муносабатларни шакллантириш орқали ўрнатиладиган молиявий муносабатдир. Бу муносабатларнинг марказий бўғини кредит шартномаси бўлиб, у ссуданинг таъминланганлиги, кредитларни ўз вақтида фоизи билан қайтарилишининг ҳуқуқий асосларини таъминлайди.

Банк кредитларининг бир қанча турлари мавжуд (5.1-расм).

Хусусан, айланма маблағлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратиладиган одатдаги имтиёзсиз тижорат кредити, тижорат банкларининг “имтиёзли жамғармаси” ҳисобидан ажратиладиган имтиёзли кредитлар, ипотека кредити, бошланқич сармога ажратиладиган микрокредитлар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ажратиладиган микрокредитлар бунга мисол бўлади.



### 5.1-расм. Банк кредити турлари


Кейинги йилларда корхоналарнинг молиявий ресурсларини шакллантиришда ўз маблағларига қўшимча равишда тижорат банклари, бюджетдан ташқари жамғармалар каби молиявий муассасаларнинг, шу билан бирга давлат томонидан молиялаштиришда давлатнинг марказлаштирилган маблағлари аҳамиятига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки, “банкларнинг капитали ва мижозлардан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллаб-куватлашда банклар иштирокини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Банклар томонидан узок муддатга ажратилган инвестицион кредитлардан олинган даромадлар бўйича солик имтиёзларининг

берилғанлиги банкларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириб келмоқда. Натижада, тијорат банклари томонидан устувор тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлаш учун кредитлар ажратилиши янада фаоллашди.

Банк кредитларини ажратишнинг бир қатор шартлари мавжуд. Масалан, ажратилаётган кредитнинг максимал суммаси, фоиз ставкаси даражаси, асосий қарзни ва фоиз тўловларини қайтариш жадвали, ажратиладиган имтиёзли давр, кредит берилаётган муддат каби бир қатор шартлар кредит шартномасининг асосини ташкил этади (5.2-расм.).

Лойиҳанинг хусусиятига кўра имтиёзли ёки имтиёзсиз шартларда берилиши мумкин.



**5.2-расм. Кредит шартларининг асосий таркибий қисмлари**

Имтиёзли кредитлар устивор йўналишлар учун, одатда давлат дастурлари доирасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига хизмат қиласи.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида белгиланади.

Кредитларни олиш учун қарз олувчилар банкка қуидаги хужжатлар (кредит пакети)ни тақдим этадилар:

- кредит буюртмаси;
- қарз олувчининг банк ҳисоб варагидаги пул тушумлари тахмини (пул оқими) кўрсатилган бизнес-режаси;
- охирги хисобот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси (1-сон шакл);- молиявий натижалар хақида хисобот (2-сон шакл);
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштирма далолатномалари;
- таъминот шаклларидан бирини.

Олинган кредитни қайтармаслик хатарини олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак.

Қарз олувчи банкка қуидаги таъминот турларининг бирини тақдим этиш ҳуқуқига эга:мулк ёки қимматли қофозлар гарови;

- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
- учинчи шахснинг кафиллиги;
- суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилгани тўғрисидаги суғурта полиси;
- фуқаролар йигинларининг маҳалла кафиллиги.

Кредитларни қайтарилиш таъминоти шаклларидан бири сифатида мол-мулк гарови хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров тўғрисида»ги Конунига мувофиқ, муомаладан чиқарилган буюмлардан ташқари, ҳар қандай мулк, шу жумладан, буюмлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар), қимматбаҳо буюмлар, заргарлик буюмлари, эркин айирбошланадиган валюта ва бошқалар гаров предмети бўлиши мумкин.

Кредит ҳисобига сотиб олинган мулк, унинг қийматининг 80 фоизи миқдорида, мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиш

мумкин.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан, капитал айланмасини янада тезлаштирувчи ва кредитга янги функцияларни берган ҳолда унинг аҳамиятини янада оширувчи кредитнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда. Бундай шакллардан бири сифатида истеъмол кредити хизмат қилади. Истеъмол кредити тижорат (тўловни кечиктириш имконини берган ҳолда товар сотиш) ва банк (истеъмол мақсадларига ссудалар бериш) кредити шаклида бўлиши мумкин. Истеъмол кредитининг обьекти сифатида одатда узоқ муддат истеъмол қилинадиган товарлар (мебел, автомобиллар, музлатгичлар ва х.) ва турли хил хизматлар эътироф этилиши мумкин. Бунда банклар дўконлар томонидан сотилган товар нархини тўлиқ тўлайдилар, истеъмолчи эса банк ссудасини маълум муддат ичидаги қоплаш мажбуриятини олади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки ривожланган давлатларда истеъмол кредити аҳоли турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиб қолган.

Мамлакатимиз транспорт мажмуа таркибига кирувчи соҳаларда хўжалик субъектлари бозор муносабатларини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолиятининг шакли сифатида муҳим аҳамият касб этади. Лизинг хизматини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш Транспорт тизимидағи фаолият юритувчи корхоналаридағи тармоқ моддий-техника тизимида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда мавжуд молиялавий қийинчиликларни бартараф этиш ва ишлаб чиқаришни янги техника ва технология билан таъминлаш имкониятини яратади.

Мамлакатимизда лизинг хизматининг ривожланишига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони асосий туртки бўлиб хизмат қилди. Шунинг учун ҳам, ҳозирги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида лизингга катта аҳамият бериб келинмоқда.

Лизинг – ишлаб чиқариш учун мўлжалланган машина, ускуна, курилма ва иншоотларнинг узоқ муддатли ижарасидир. Лизинг бўйича қарз

бир неча йил давомида кетма-кет тўланиб борилади. Лизинг ўз устунликларига эга бўлиб, уларнинг асосийси қиммат ускунани харид қилиш учун катта маблағга эга бўлиш шарт эмас. Ушбу босқичдаги барча харажатларни лизинг компанияси қоплайди. Лизингни тор маънодаги банк операцияси деб айтиб бўлмайди. У молиялаштиришнинг банк шаклига жуда яқин бўлиб, савдо-саноат корхоналари томонидан қўшимча операция сифатида амалга оширилиши мумкин. Аммо биринчи навбатда лизинг билан маҳсус тузилган лизинг компаниялари шуғулланади.

Масалан кичик бизнес ва зусусий тадбиркорларни техникалар билан таъминлашда сугурта компаниялар қўйидагиларни ўзининг стратегик йўналиши этиб белгилайди:

-компания ва унинг бўлимлари хизматини такомиллаштириш ва жорий ҳамда истиқболдаги муайян масалалар ечимини топиш;

-компаниянинг ички бозордаги фаолиятини янада фаоллаштириш, жамиятга фойда келтириш ва даромад олишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш;

-республика транспорт мажмуасини замонавий, юқори унумли техникалар билан лизинг асосида таъминлашга қаратилган давлат лойиҳалари ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

-компания ҳиссадорлари ҳамда лизингга олувчилар манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда компания ва унинг бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш;

- тадбиркорларга лизинг хизматлари кўрсатиш сифати ва ҳажмини мунтазам ошириб бориш орқали компания ва унинг бўлинмалари даромадини кўпайтиришга қаратилган механизmlарни тадбиқ этиш.

Объектни фойдаланиш учун олганда лизинг олувчи мулқчилик хуқуки билан боғлиқ мажбуриятларни ўз бўйнига олади, аммо объектнинг эгаси бўлиб лизинг берувчи хизмат қиласди. Бунда лизинг объектининг йўқолиши ёки ундан фойдаланиш мумкин бўлмай қолиши лизинг олувчини қарзни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш

лозимки, ижарадан фарқли равища лизинг олувчи объектдан фойдаланиш учун ойлик тўлов тўламасдан балки амортизацион ажратмаларнинг тўлиқ суммасини тўлайди.

Сўнгги вақтда ипотека кредити кенг тарқалмоқда. Ипотека кредити – бу кўчмас мулк кафолат таъминотига бериладиган узоқ муддатли ссудалардир.

Ҳозирги кунда бутун иқтисодий тизимнинг нормал фаолият юритиши учун давлат ва халқаро кредитлар катта аҳамиятга эга. Давлат кредити деб, давлат, маҳаллий ҳокимият органлари фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан қарз олувчи ёки кредитор ролини ўйнайдиган кредит муносабатларининг йигиндисига айтилади.

Давлат кредити соҳасида марказий ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари одатда бюджет дефицитини қоплаш учун пул маблағларини жалб қилган ҳолда қарз олувчи ролини ўйнайдилар. Пул маблағларини жалб қилишнинг асосий шакли сифатида давлат облигациялари ва бошқа турдаги қимматли қоғозларини чиқариш хизмат қиласи. Облигацияни сотиб олган бўш пул маблағига эга шахслар давлат кредиторлари бўлиб саналадилар. Банк кредитидан фарқли равища кредитор бўлиб фақатгина банклар эмас балки суғурта компаниялари, корхоналар ва ҳаттоқи хусусий шахслар ҳам бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлардаги суғурта компаниялари операцияларининг ярмини, қимматли қоғозларни сотиб олиш ташкил этади. Бундан хulosса қилиш мумкинки, давлат кредити хусусийдан пул маблағларини тақдим этиш шакли ва шартнома иштирокчилари билан фарқ қиласи.

Қайтариш, муддатлилик ва фоизларни тўлаш шартларида валюта ва товар ресурсларини тақдим этиш билан боғлиқ бўлган халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги капитал ҳаракати халқаро кредит деб айтилади. Кредиторлар ва қарз олувчилар сифатида банклар, корхоналар, давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар хизмат қилиши мумкин.

Халқаро кредит шаклларини кредит муносабатларининг айрим

томонларини тавсифловчи асосий белгилар бўйича туркумлаштириш мумкин.

Муддат бўйича халқаро кредитлар қисқа муддатли – 1 йилгача, ўрта муддатли – 1 йилдан 5 йилгача ва узоқ муддатли – 5 йилдан юқори кредитларга бўлинади.

Мақсади бўйича халқаро кредит қуидагиларга ажратилади ташқи савдо ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ *тижорат кредити*; бошқа мақсадлар, шу жумладан қарзларни қоплаш, инвестициялар ва қимматли қоғозларни сотиб олишда фойдаланиладиган *молиявий кредит*; капитал, товар ва хизматларни чиқаришнинг аралаш шакллари учун мўлжалланган *оралиқ кредитлар*.

Халқаро кредит қуидаги функцияларни бажаради:

- максимал фойдага эришиш учун қайта ишлаб чиқаришнинг узлуксиз жараёнини таъминлаш мақсадида мамлакатлар ўртасида ссуда капиталларини қайта тақсимлаш;
- нақдсиз тўловлар ривожланиши натижасида халқаро ҳисоб-китоблар соҳасидаги муомала харажатларини тежаш;
- капитал мужассамланиши ва марказлашувини тезлаштириш.

Шунингдек, халқаро кредит, индивидуал жамғариш чегараларини очган ҳолда, янги фирмаларни ташкил этишга қўмаклашади. Умумлаштирган ҳолда айтганда, халқаро кредит, кредитнинг бошқа шакллари бажарган функцияларни халқаро миқёсда амалга оширади.

### **5.3. Кредитнинг функциялари**

Кредитнинг жамият иқтисодий тизимидағи ўрни ва роли унинг бажарадиган функциялари билан белгиланади.

*Қайта тақсимот функцияси.*

Бозор иқтисодиёти шароитида ссуда капиталлари бозори вақтинчалик бўш молиявий ресурсларни хўжалик фаолиятининг бир соҳасидан олиб юқори даромад таъминловчи иккинчи бир соҳасига йўналтириш

функциясини бажаради. Кредит динамик тарзда ривожланаётган объектларнинг қўшимча молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондирган ҳолда иқтисодиётни макробошқарувчиси ролини ҳам ўйнайди.

Суда шартномаси орқали кредитор қарз олувчига товар-моддий бойликлар ёки пул маблағларини вақтинчалик фойдаланишга топширади. Ҳар иккала ҳолда ҳам битим мазмуни бир хил бўлса ҳам топшириладиган объект турлича. Аммо бу фақатгина мазкур объект таркибиغا эмас фақатгина шаклига тегишли чунки шакл қандай бўлмасин шакл эмас балки қиймат қайта тақсимланади.

Шундай қилиб, кредитнинг тақсимот функциясига қийматни тақсимлаш хосдир. Тақсимот ҳудудий ва тармоқ белгиларига асосан рўй бериши мумкин. Кредит муносабатларига жойлашувидан қатъий назар турли хил ташкилот ва шахслар кириши мумкин. Кредит учун кредитор ва кредит олувчи ўртасидаги масофа аҳамиятга эга эмас. Қийматнинг бундай қайта тақсимланишини ҳудудлараро деб атасимиз мумкин.

Кредит ёрдамидаги тармоқлараро қайта тақсимлаш, қиймат битта тармоқга тегишли кредитордан иккинчи бир тармоқга тегишли кредит олувчига ўтган ҳолда рўй беради. Корхоналар ва банклар ўртасидаги муносабатлар катта ҳажмда рўй берәётган замонавий пул хўжалигига, тармоқлараро қайта тақсимот хал қилувчи ролни ўйнайди. Банклар томонидан жамғарилган маблағлар муассасавий характеристини йўқотган ҳолда банкнинг умумий ресурсларига айланиб кетади, банк эса тармоқ корхоналаридан қанча маблағ келиб тушганидан қатъий назар уларга кредит тақдим этади.

Тармоқ ичидаги қиймат қайта тақсимланишини тармоқ банклари корхоналари томонидан кредит олиш жараёнида қузатишимииз мумкин.

Кредит ёрдамида ресурслар қайта тақсимотининг биринчи хусусияти шундаки, у фақатгина жорий йилда ишлаб чиқарилган моддий бойликларнигина эмас (ялпи маҳсулот), балки олдинги йилларда яратилган моддий бойликларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Кредитнинг қайта

тақсимот функцияси воситасида фақатгина ялпи ва миллий маҳсулот эмас, балки барча моддий бойликлар, жамиятнинг бутун миллий бойлиги тақсимланиши мумкин ва бу қайта тақсимот функциясининг иккинчи хусусиятидир. Қайта тақсимот функциясининг учинчи хусусияти қайта тақсимланаётган қиймат жиҳатларига боғлиқдир. Қайта тақсимот функцияси умуман қийматни қайта тақсимлаш билан эмас, балки айнан вақтинчалик бўш бўлган қийматнигина қайта тақсимлаш билан шуғулланади. Кредитнинг қайта тақсимот функциясини тўртинчи хусусияти ҳам муҳим, яъни вақтинчалик бўшаган қиймат вақтинчалик фойдаланишга берилади. Бешинчи хусусияти шундаки, қиймат одатда воситачиларсиз тўғридан-тўғри истеъмолчига берилади.

*Кредитнинг иккинчи функцияси, ҳақиқий пулларни кредит операциялари билан алмаштиришидир.* Замонавий кредит хўжалигига бундай алмаштириш учун барча шароитлар яратилган. Пулларнинг бир хисоб рақамидан иккинчисига ўтиши нақд пуллик тўловларни камайтириш ва пул айланмаси тузилмасини яхшилаш имконини беради.

#### *Муомала харажатларини тежсаш.*

Ушбу функциянинг амалга оширилиши бевосита кредитнинг иқтисоий моҳиятидан келиб чиқади. Хўжалик юритиш субъектларининг пул маблағларини келиб тушиши ва сарфланиши ўртасидаги вақт оралиғи молиявий ресурсларнинг ортиқлигини эмас, балки етишмовчилигини ҳам аниқлаб бериши мумкин.

Айнан шунинг учун ўз молиявий маблағларининг етишмовчилигини вақтинчалик қоплаб туришга ва демак муомаланинг умумий харажатларини тежашга йўналтириладиган ссудалар кенг тарқалган.

#### *Капитал мужассамлашувини тезлаштириши.*

Капитални мужассамлашуви жараёни иқтисодиётни барқарор ривожланишининг зарурий шарти бўлиб, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг устувор мақсади ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш миқёсини етарлича кенгайтириш ва бу билан қўшимча

даромад олишга имкон берувчи қарз маблағлари ушбу масалани ечишда айнан қўл келадилар.

Кредит ресурсларининг бир қисмини кредитор билан ҳисоб китобларни амалга ошириш учун йўналтирилишига қарамасдан, кредит ресурсларини жалб қилиш фақатгина ўз маблағларига ишонишга нисбатан қулайроқдир.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, иқтисодий тушкунлик босқичида (ва айникса бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида) ушбу ресурсларнинг қимматлиги хўжалик фаолиятининг кўпгина соҳаларида капитал мужассамлашуви масаласини самарали ечиш имконини бермайди.

Бунга қарамасдан, қўриб чиқилаётган функция режали иқтисодиётда мавжуд бўлмаган ёки ривожланмаган иқтисодиёт соҳаларини молиявий ресурслар билан таъминлаш даражасини тезлаштирган ҳолда маҳаллий шароитларда ҳам ижобий самарани таъминлайди.

#### *Товар айланмасига хизмат кўрсатии.*

Ушбу функцияни бажариш жараёнида кредит нафақат товар балки пул муомаласининг тезлашишига ҳам, хусусан ундан нақд пулларни сиқиб чиқарган ҳолда ўз таъсирини кўрсатади.

Пул муомаласи соҳасига векселлар, чеклар, кредит карточкалари ва бошқа воситаларни киритган ҳолда у нақд ҳисоб-китобларни нақдсиз ҳисоб-китобларга алмаштиришни таъминлайди. Бу эса ички ва халқаро бозорларда иқтисодий муносабатлар механизмини соддалаштиради ва тезлаштиради.

Ушбу масалани ечишда товар айирбошлишнинг замонавий муносабатларини зарурий элементи бўлган тижорат кредити фаол рол ўйнайди.

#### *Илмий-техник тараққиётнинг тезлашиши.*

Ҳозирги кунда ҳам илмий-техник тараққиёт ҳар бир давлат ва алоҳида хўжалик юритиш субъекти иқтисодий ривожланишининг ҳал қилувчи омили саналади.

Илмий-техник тараққиётни тезлаштиришдаги кредитнинг роли, капитал киритиш ва фойда олиш ўртасидаги вақт оралиғи бошқа тармоқларга

нисбатан кўпроқ бўлган илмий-техник ташкилотлар фаолиятини молиялаштириш жараёни мисолида айниқса равshan намоён бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам кўпчилик илмий марказларнинг фаолиятини (бюджетдан молиялаштириладиган илмий марказлардан ташқари) кредит ресурсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ишлаб чиқаришга илмий ишланмалар ва технологияларни бевосита жалб этиш шаклидаги инновацион жараёнларни амалга ошириш харажатлари корхоналар томонидан молиялаштирилади, жумладан ўрта ва узоқ муддатли банк кредитлари ҳисобига ҳам.

Умуман айтганда: кредит – вақтинчалик фойдаланишга бериладиган воситалар бўйича кредитор ва кредит олувчи ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Бозор иқтисодиёти шароитида кредит қуидаги функцияларни бажаради:

- вақтинчалик бўш пул маблағларини жамғариш;
- пул маблағларини, уларни кейинчалик қайтарилиши шарти билан қайта тақсимлаш;
- кредит муомаласи воситалари ва кредит операцияларини яратиш;
- умумий пул айланмаси ҳажмини тартибга солиш.

#### **5.4. Кредит тизими ва кредит муносабатлари**

Кредит тизими ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ажralmas ва муҳим қисми ҳисобланади. Чунки мамлакат иқтисодий ривожланишининг шакли ва динамикаси айнан кредит тизимига боғлиқ бўлади.

Кредит тизимини иккита жиҳатдан қўриб чиқилади:

- биринчидан, кредит муносабатлари, шакллари, усуллари ва кредитлаш турларининг йигиндиси сифатида;
- иккинчидан, қонунчилик билан белгиланган ҳолда фаолият юритувчи банклар ва бошқа кредит ташкилотларининг йигиндиси сифатида.

Кредит муносабатларининг субъектлари бўлиб тижорат ташкилотлари,

аҳоли, давлат ва банклар хизмат қилиши мумкин.

Кредит муносабатларида бозорнинг ҳар бир субъекти иккита шахс, кредитор ва кредит олувчи ролини ўйнаши мумкин.

Иқтисодиётдаги кредит муносабатлари муайян услубий асосга эга бўлади, унинг элементларидан бири сифатида кредит бозоридаги ҳар қандай операцияни бажаришда қатъий риоя қилинадиган тамойилларни тъкидлаш мумкин.

Кредит ташкилотлари ўзаро боғланган бўлиб, бозор муносабатлари иштирокчиларининг – тижорат ташкилотлари, жисмоний шахслар, давлат ташкилотлари – пул маблағлари ёки молия ва пул айланмаси билан боғлиқ хизматларга бўлган талабини қондиради.

### **5.5. Кредит тизимининг таркибий қисмлари**

Кредит тизими банк ва банкга тегишли бўлмаган қисмлардан иборат бўлади.

Банк қисми – кредит тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланади, чунки кредит муносабатларида иштирок этувчи пул маблағларининг асосий қисми айнан банклар орқали ўтади, ва айнан банклар молиявий бозордаги асосий хизмат кўрсатувчи ташкилот ҳисобланади.

Банкга тегиши бўлмаган қисми – банкларга нисбатан камроқ ва маҳсус хизматларни кўрсатувчи ташкилотлардан иборат бўлади (почта-жамғарма муассасалари, ломбардлар ва х.)

Банклар – ўз ва жалб қилинган маблағлардан максимал самарали фойдаланиш ҳисобига фойда олишни мақсад қилиб қўйган кредит ташкилотларидир.

Банклар Марказий Банк (МБ) лицензиясига асосан, қайтариш, тўловлилиқ, муддатлилиқ шартларида ўз номидан пул маблағларини жойлаштиради ҳамда ҳисоб-касса ва бошқа банк операцияларини амалга оширади.

Банкнинг асосий моҳияти – пул маблағларининг кредиторлардан

кредит олувчиларга ва сотувчилардан харидорларга ҳаракатланишидаги воситачиликдир.

Шундай қилиб, банклар мамлакат пул айланмасини тартибга солиб турувчилар ҳисобланади.

Банклар, тижорат корхоналари сифатида, қайта ишлаб чиқариш, саноат ва савдо капиталининг айланмаси эҳтиёжлари муносабати билан пайдо бўлди.

Натурал хўжаликнинг йўқолиши, савдо ва товар айирбошлишнинг ўсиши пул ҳисоб-китоблари ва кредит моҳиятини кескин ошириб юбордилар.

Ёлланма меҳнатга кенг миқёсларда ўтиш, даромадларнинг катта қисми пул шаклида тўланишига олиб келди.

Мунтазам пул айланмаси пайдо бўлди ва уни ташкил этиш ва унга хизмат кўрсатишни банклар ўз зиммасига олдилар. Банклар корхона ва давлат ташкилотлари, аҳоли жамғармаларининг бўш пул маблағларини жалб этадилар ва кейинчалик уларни ссудага берадилар.

Банклар – саноат ва савдони кредитлаш ва молиялаштириш билан шуғулланувчи хар қандай нормал фаолият юритаётган иқтисодиёт учун хос бўлган ташкилотлардир.

Ҳозирги кунда банклар кредит-молиявий хизматларнинг катта қисмини амалга оширади.

Банкларнинг асосий операциялари бўлиб пул маблағларини жалб этиш – ва уларни ссудага бериш хизмат қиласи.

## **5.6. Кредитлашнинг асосий тамойиллари**

*Кредитнинг қайтарилувчанлиги.*

Кредитнинг мажбурий белгиси, ушбу белгисиз кредитлашнинг моҳияти йўқолади.

Ушбу тамойил кредитордан олинган молиявий маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши лозимлигини ифодалайди.

Унинг амалий ифодаси кредит берган ташкилот ҳисоб-рақамига муайян

ссудани қоплаш учун пул маблағларини ўтказишда намоён бўлади. Кредит ресурсларининг ўз вақтида қайтарилиши, банк кредит фаолиятини давом эттиришининг зарурий шарти ҳисобланади.

#### *Кредитнинг муддатлилиги.*

Кредит қайтарилишига эришиш усули. Бу дегани кредит кредит оловчи истаган вақтда эмас, аниқ белгиланган муддатдан сўнг қайтарилиши лозим. Ушбу муддат кредит шартномасида ёки уни ўрнига тузилган бошқа хужжатда аниқ кўрсатилган бўлади.

Кўрсатилган шартни бажармаслик кредитор томонидан кредит оловчига нисбатан олинадиган фоиз тўловларини ошириш каби турли хил иқтисодий жарималарни қўллаш, кейинчалик эса судга мурожаат қилиш учун асос бўла олади.

Марказий банк имтиёзли кредитларни, қайта молиялаштириш ставкаси бўйича 3 йилгача бўлган муддатга микрофирмалар ва дехқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баровари ҳамда кичик корхоналар ва фермерларга 300 баровари миқдорига берилади. Фоизлар тўлашни 12 ойга кечиктириш ва асосий қарзни тўлашни кредит олганларидан кейин 18-24 ой ўтгандан сўнг қайтариш мумкин. Имтиёзли кредитлаш тартиби жорий этилганидан бошлаб юридик мақомга эга бўлмасдан фаолият кўрсататётган ишончли тадбиркорлар макрокредит олиш учун фақат бизнес-режа ва кредитнинг таъминланганлиги тўғрисидаги хужжатни, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлар эса ушбу хужжатларга қўшимча равища ўзларининг бухгалтерия балансларини ва аризаларини қўшиб топширишлари етарлидир.

Бундан ташқари, тадбиркорлар кредит олишда сарсон - саргардонликка учрамаслиги учун уларнинг аризаларини кўриб чиқиш муддатлари қисқартирилиб, барча тижорат банкларида имтиёзли кретитлаш жамғармалари тузилди. Шу билан тижорат банклари хорижий молиявий ташкилотлар билан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш дастурларини амалга ошираяптилар.

#### *Кредитнинг тўловлилиги. Суда фоизи.*

Бу тамойил қарз олувчи томонидан банқдан олинган кредит ресурсларни фақатгина қайтариш эмас, улардан фойдаланиш учун тўловларни ҳам амалга ошириш лозимлигини билдиради.

Кредит учун тўловнинг иқтисодий моҳияти ундан фойдаланиш натижасида олинган қўшимча даромадни кредитор ва қарз олувчи ўртасида тақсимлашдан иборатдир.

Мазкур тамойилнинг амалдаги ифодаси қўйидаги асосий учта функцияни бажарувчи, банк фоизи катталигини белгилаш жараёнида намоён бўлади:

- юридик ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини қайта тақсимлаш;
- тармоқ, тармоқлараро ва халқаро миқёсларда ссуда капиталларини тақсимлаш йўли билан, ишлаб чиқариш ва муомалани тартибга солиш;
- иқтисодиёт ривожланишининг танглик босқичларида, банк мижозлари пул жамғармаларини инфляциядан ҳимоялаш.

Судага олинган капиталга тўғри келадиган йиилик даромадни берилган кредит миқдорига нисбати сифатида белгиланадиган ссуда фоизи ставкаси, кредит ресурсларининг нархи сифатида хизмат қиласи.

Кредит учун тўлаш лозимлиги кредит олувчини ундан иложи борича самаралироқ фойдаланишга ундейди.

Кредит учун фоиз белгилашда қўйидаги омиллар ҳисобга олиниши лозим:

- МБ томонидан ўрнатиладиган фоиз ставкаси;
- банклараро кредитлар бўйича ўртacha фоиз ставкаси;
- жалб қилинган қўйилмалар ва депозитлар бўйича ўртacha фоиз ставкаси;
- ўз ва қарз молиявий маблағларининг нисбати: жалб қилинган маблағлар улуши қанчалик катта бўлса кредит шунчалик қиммат бўлади;
- кредит ресурсларига бўлган талаб: талаб қанчалик юқори бўлса, кредит шунчалик қиммат бўлади;

- кредит сўралаётган муддат, кредит бўйича таваккалчилик даражаси;
- мамлакатдаги молиявий барқарорлик: инфляция сурати қанчалик юқори бўлса кредит шунчалик қиммат бўлади.

#### *Кредитнинг ўзгарувчанлиги.*

Ҳар бир потенциал кредит олувчига нисбатан, унинг фаолият шартларидан келиб чиқсан ҳолда турлича ёндашув бўлиши лозим.

Ушбу тамойил кредит ташкилотининг турли хил кредит олувчиларга нисбатан ўзгарувчан ёндашувини белгилаб беради.

Бунинг амалий бажарилиши муайян банкнинг индивидуал манфаатларига ҳам, фаолиятнинг айрим тармоқ ва соҳаларини (мисол учун, фермер хўжаликларини) қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги давлат томонидан олиб борилаётган марказлашган сиёсатга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

#### *Кредитнинг таъминоти.*

Ушбу тамойил, кредит олувчи томонидан кредит шартномасининг шартлари бажарилмаган тақдирда, кредитор мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш лозимлигини акс эттиради. Мазкур тамойилнинг амалий ифодаси гаров таъминоти ёки молиявий кафолатларда ўз аксини топади.

#### *Кредитнинг мақсадли характеристери.*

Кредит операцияларининг катта қисмига тааллуқли бўлиб, кредитордан олинган маблағлар мақсадли сарфланиши лозимлигини билдиради.

Тамойилнинг амалий ифодаси кредит шартномасидаги тегишли банд билан белгиланган бўлади. Мазкур банд бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги кредитни муддатидан олдин қайтариш ёки жарима фоизини киритиш учун асос бўла олади.

### **5.7. Микрокредит бериш тартиби**

**Микрокредит** – бу ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 500 (беш юз) баравари микдоридан ошмайдиган;

ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этган холда амалга оширувчи фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнеснинг бошқа субъектларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада қайтаришлик, тўловлилиқ, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида мазкур Низомда белгиланган тартибда бериладиган кредитлар.

Микрокредитлар қарз олувчиларга қўйидаги мақсадларга берилади:

- мини ускуналарни харид қилиш;
- ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан. Уруғлик, чорва моллари, парранда, ем-хашак, ҳамда омухта ем, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя килиш кимёвий воситалари, маъданли ўғитлар сотиб олиш;
- ҳом ашё ва материалларга дастлабки ишлов бериш;
- меҳнат воситалари, ҳом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, фурнитура сотиб олиш;
- халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил этиш;
- сервис хизматларини ва аҳолига майший хизмат қўрсатишни ривожлантириш;
- соғлиқни сақлаш хизматини ривожлантириш;
- сайёҳлик индустрисини ривожлантириш;
- кичик ҳажмли ишлаб чиқариларни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъкиқланмаган, халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш (ишларни бажариш) соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари.

Микрокредитлар қўйидаги мақсадларга берилиши мумкин эмас:

- илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни сўндириш;

- тамакичилик ва лкоголи ичимликларни ишлаб чиқариш;
- савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилмайдиган шахсий мол-мулкни харид қилиш.

Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан бериладиган микро-кредитлардан фойдаланганликлари учун қарз олувчилар банкка Марказий банкнинг расман белгиланган қайта молиялаш ставкаси микдорида фоиз тўлайди.

### **Микрокредитни расмийлаштириш тартиби**

Юридик шахсни ташкил этмайдиган хусусий тадбиркорлар ва дехқон хўжаликлари микроクредит олиш учун банкка қуидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- сўралаётган кредит суммасини кўрсатган ҳолда кредит олиш учун ариза;
- олинаётган кредитдан фойдаланиш мақсадлари албатта кўрсатиладиган бизнес-режа;
- кредит таъминоти.

Бундан ташқари, хусусий тадбиркор ёки дехқон хўжалигининг раҳбари паспортини шахсан кўрсатади, унинг кўчирма нусхаси кредит йиғма жилдига тикиб қўйилади.

Фермер хўжаликлари ва ўз фаолиятида юридик шахсни ташкил этган ҳолда амалга оширувчи кичик бизнеснинг бошқа субъектлари микроクредит олиш учун банкка қуидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- микрокредит олишга кредит буюртманомаси;
- пул оқимининг таҳлили албатта кўрсатилган бизнес-режа;
- Давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи тасдиқлаган, охирги хисобот даври учун бухгалтерия баланси (1-сонли шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарzlари тўғрисида маълумотнома (2a-сонли шакл), шунингдек 90 кундан зиёд қарзга доир солиштириш далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида хисобот (2-сонли шакл) (дехқон хўжаликларидан ташқари).

Олинган кредитни қайтарилимаслик хатарининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи тез ва эркин сотилиш талабларига жавоб берадиган таъминотга эга бўлиши керак. Қарз олувчи банкка таъминотнинг қуидаги турларидан бирини тақдим этиш хуқуқига эга:

- мол-мулк ёки қимматли қофозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати;
- учинчи шахслар кафиллиги;
- қарз олувчининг кредитни сўндирилмаслиги хавфи суғурталангани тўғрисида суғурта компаниясининг суғурта полиси.

Тақдим қилинган кредит таъминоти тури амалдаги қонунчилик асосида ўрганиб чиқилиб, таъминотга қабул қилинади.

Кредит таъминоти амалдаги қонунчилик ва Пахта банк ички меъёрий хужжатлари талабларига жавоб бермаса банк филиали таъминот турини қабул қилиш ўуқуқига эга эмас.

### **Микрокредитлаш ва уни қайтариш тартиби**

Микрокредитларнинг берилиши нақд пулсиз шаклда мижоз талаб қилиб олгунигача депозит ҳисобварафи жойлашган худуд бўйича амалга оширилади.

Олдинги олинган кредитдан қарздорлиги мавжуд бўлган мижозларга янги кредит ажратилишига йўл қўйилмайди.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва дехқон хўжаликларига, юридик шахс мақомига эга бўлган дехқон хўжаликлари ва фермер хўжаликларига микрокредит умумий суммасининг 50 фоизини нақд пул билан 1,5 йил (18 ой) муддатга факат чорва моллари, парранда, кўчкат, уруғлик ва ем хашакни ахолидан сотиб олиш учун берилишига рухсат берилади. Бунда саноат йўли билан қайта ишлаш асосида тайёрланган чорва озуқаларини сотиб олиш учун микрокредит хисобидан нақд пул берилишига йўл қўйилмайди.

Юридик шахсни ташкил этмайдиган хусусий тадбиркорларга берилган микрокредитлар кредитлаш муддатига боғлиқ ҳолда 12601-“Хусусий

тадбиркорларга берилган қисқа муддатли кредитлар” ва 15001-“Хусусий тадбиркорларга берилган узок муддатли кредитлар” баланс ҳисобварапларида ҳисобга олинади.

Кредит ходимининг фармойишига биноан алоҳида ссуда ҳисобвараплари бўйича берилган ссудалар муддатли мажбуриятлар билан расмийлаштирилади, улар тўлиқ сўндирилишига қадар, кредитлаш муддатларига боғлик ҳолда, 91901-”қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлари бўйича мажбуриятлари”, 91905-“қарздорларнинг узок муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари” кутилмаган ҳолатлар ҳисобварапларида тўлиқ сўндиришга қадар ҳисобга олинади.

Фермерларга ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига берилган микрокредитлар кредитлаш муддатига боғлик ҳолда 13101-”Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларига берилган қисқа муддатли кредитлар” ва 15501- “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларига берилган узок муддатли кредитлар” баланс ҳисобварапида ҳисобга олинади.

Кредит ходимининг фармойишига биноан алоҳида ссуда ҳисобвараплари бўйича берилган ссудалар муддатли мажбуриятлар билан расмийлаштирилади, улар кредитлаш муддатларига боғлик ҳолда 91901-’қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлари бўйича мажбуриятлари”, 91903-“қарздорларнинг узок муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари” кутилмаган ҳолатлар ҳисобварапларида тўлиқ сўндиришга қадар ҳисобга олинади.

Сўндириш муддатлари график кўринишида тақдим этилиши мумкин, графикда уни пул оқимларининг келиб тушиш истиқболига боғлик ҳолда бир неча босқичлар билан сўндириш қўзда тутилади.

Сўндириш муддати келган ва қарз олувчида пул маблағлари бўлмаган тақдирда кредит муддати ўтган ссудалар ҳисобвараги орқали ундирилади, унга доир муддатли мажбуриятлар эса 2-сонли картотекага жойлаштирилади ҳамда тақвимий навбат тартибида сўндирилиши керак. Бунда фоизлар кредит

қарзидан олдин сўндирилади.

## **5.8. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги ва уларни аниқлаш кўрсаткичлари**

Инвестициявий лойиҳларни кредитлаш жараёни жуда кўп ва турли хил хавф-хатарлар (рисклар) билан боғлиқ бўлиб, қайсики кредитларни белгиланган муддатда қопланмаслик муаммосини келтириб чиқаради. Шу сабабли банклар ўз мижозларига кредит беришда, мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қиласидилар.

Банк мижози кредитга лаёқатлиги деганда мижознинг ўз қарз мажбуриятлари бўйича тўлиқ ва ўз вақтида ҳисоблашиш қобилияти тушинилади.

Мижознинг кредитга лаёқатлилик даражаси банклар учун жуда зарур, чунки ҳар бир берилган кредит риск билан боғлиқ. Агар банк рискни ҳисобга олмаса, кредит ўз вақтида қайтмаслиги ёки умуман тўланмаслиги мумкин. Шу сабабли, банклар ўз мижозлари молиявий ҳолатини, тўловга қобилиятилигини ва албатта, кредитга лаёқатлилигини таҳлил қиласидилар.

Жаҳон амалиётида, хусусан АҚШда банклар томонидан, мижоз кредитга лаёқатлилигини баҳолашда "five c", "беш си" қоидаси ишлатилади. Улар қуйидагилар:

- character (мижоз характеристи)
- capacity (молиявий шароити)
- capital (капитал ёки мол-мулк)
- collateral (таъминланганлик)
- conditions (умумий иқтисодий вазият)

Мижоз характеристи деганда, унинг юридик шахс сифатида репутацияси, маъсулиятлилиги, олинган қарзни тўлашга хоҳиши ва тайёрлик даражаси тушунилади.

Мижоз молиявий шароити ёки қобилияти деганда, мижознинг кредитни қайси манбалардан қоплашлиги тушунилади. Одатда корхонада

куйидаги 3 манбалар мавжуд:

- жорий касса тушумлари;
- активларни сотишдан тушган тушум;
- ва бошқа молиялаштириш манбалари (максус резервлар, амортизация фонди ва б.)

Капитал деганда, мижознинг акционерлик капитали, унинг структураси, актив ва пассивлар орасидаги муносабатлар тушунилади. Унинг устав фонди ва ўз капиталининг кредит операциясига жалб қилиш даражасини кўриб чиқиш тушунилади.

Таъминланганлик деганда, мижознинг активлари қиймати ва конкрет иккиламчи қарзни қоплаш манбаи (кафиллик, сугурта, гаров) -қайсики, кредит шартномасида кўрсатилади.

Умумий иқтисодий вазият деганда, мамлакатдаги жорий ва келажакдаги иқтисодий ҳолат, сиёсай ахвол, солиқлар, хом-ашё ва бошқа кредит қайтарилишига таъсир этувчи билвосита омилларни ўрганиш тушунилади. Ушбу усул ҳозирда бизнинг банкларда қўлланилса фойдадан холи бўлмасди.

Кредитга лаёқатлиликни таҳлил килишдан асосий мақсад, бу қарз олувчи, хўжалик юритувчи субъектнинг имкониятлари, қарзни ўз вақтида қоплашни, риск даражасини, кредит миқдори ва бошқа омилларни белгиланган шароитда ва ҳолатда таҳлил қилишдан иборатdir. Банклар учун бу масалаларни амалга ошириш жуда қийин бўлсада, худди ана шу мақсад амалга оширилсагина берилган кредитдан фойда олинади.

Кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилиш вазифаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Кредитга лаёқатлиликни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш;
2. Кўрсаткичларни таҳлил килиш (йил боши ва йил охирини таққослаш);
3. Кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
4. Кредитга лаёқатлиликни мустахкамлаш йўлларини аниқлаш;

Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши билан тижорат банклари томонидан кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилувчи янги услублар ишлаб чиқилмоқда, қайсиким корхона ҳақидаги (кредитга лаёқатлиги ҳақидаги) таҳлилни чукурроқ олиб боришни кўрсатади. Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида (ЮНИДО тасдиқлаган стандарт бўйича) молиявий кўрсаткичлар системаси бўйича таҳлил ва рейтинг бўйича таҳлил усуллари қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида Марказий Банк томонидан чиқарилган йўриқнома бўйича корхоналарга турли хил муддатга кредитлар берилиб, уларнинг кредитга лаёқатлиигининг молиявий кўрсаткичларнинг таҳлилига асосланиб берилади.

Таҳлил учун асосий манба бўлиб бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланилади.

Кредитга лаёқатлиликни ифодаловчи асосий ва қўшимча кўрсаткичлар кўйидагилар:

1. Қоплаш коэффициенти;
2. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти;
3. Ликвидлик коэффициенти;

Қўшимча коэффициентлар:

1. Оборот маблағларининг айланувчанлик коэффициенти;
2. Ўз айланма маблағлари мавжудлиги;
3. Фойда ва рентабеллик коэффициентлари, (иловаларга қаранг).

Берилган балансга асосан ушбу кўрсаткичларни таҳлилини кўриб ўтамиз:

1. Кредитга қобилиятлиликнинг асосий кўрсаткичлари: қоплаш, ликвидлик ва мустақиллик коэффициентлари. Бу коэффициентлар таҳлили учун маълумотлар балансдан олинади.

Жаҳон амалиётида корхона ликвид маблағлари иккига бўлинади:

- абсолют ликвид маблағлар;
- жорий ликвид маблағлар.

Абсолют ликвид маблағлар таркибига баланс актив қисмининг иккинчи

бўлими жамиси киритилади. Улар 3 қисмдан иборат:

1. Осон ишлатиладиган заҳиралар;
2. Пул маблағлари;
3. Осон амалга оширадиган талаблар, "дебиторлик қарзлари".

Ликвид маблағларнинг корхонада етарлича бўлиши, унинг мажбуриятларини ўз вақтида қоплай олишидан далолат беради.

Жорий ликвид маблағлар бу жуда ҳам тез пулга айланадиган корхона воситаларини ўз ичига олади, шу сабабли жорий ликвид маблағлар таркибига баланс актив қисми иккинчи бўлимининг қуидагилари киради:

1. пул маблағлари;
2. дебиторлик қарзлари.

Жорий ликвид маблағлар корхонага бирламчи тўловларни амалга оширишда керак бўлади. Улар юқори ликвидликка эгалигидан, корхонада ушбу маблағлар ҳам меъёр даражасида бўлиши керак. Зеро, кредит инспектори мижозни кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда ушбу кўрсаткичлар алоҳида аҳамият беради.

Ўзбекистонда ликвид маблағлар қуидаги тартибда 2 га бўлинади:

1. Қисқа муддатли ликвид маблағлар;
2. Пул маблағлар Қосон амалга ошириладиган талаблар.

Қисқа муддатли ликвид маблағлар таркиби 3 қисмдан иборат:

- A) осон ишлатиладиган талаблар;
- B) пул маблағлари;
- B) осон амалга ошириладиган талаблар.

Ликвид маблағларни бундай 2га бўлишдан максад, қоплаш ва ликвидлик коэффициентларини ҳисоблаш осон бўлади.

Қисқа муддатли ликвид маблағлар

Қоплаш коэффициенти = ----- (5.1)

Қисқа муддатли мажбуриятлар

Пул маблағлари + осон амалга ошириладиган талаблар

Лик. коэф. = ----- (5.2)

### Қисқа муддатли мажбуриятлар

Қоплаш коэффициенти шуни ифодалайдыки, яъни у кредитлаш чегарасини кўрсатади ва мижознинг ҳамма айланма воситаларининг қарзни олишга етарлилигини кўрсатади. Бу кўрсаткич 2 дан юқори бўлса, мижоз кредитга лаёқатлидир. Агар 0,5 дан кам бўлса, кредитлаш фойдасиз бўлиб, мижоз кредитга лаёқатсиз ҳисобланади.

Ликвидлик коэффициенти мижознинг айланма капитали структурасини баҳолаш асосида яқин келажакда банкдан олган кредитларини оператив (тезкорлик) ва ўз вақтида тўлай олиш қобилияти ҳисобланади. Ликвидлик коэффициенти 1,5 дан юқори бўлса, корхона юкори кредитга лаёқатлилик даражасига эришган бўлади.

Қоплаш ва ликвидлик коэффициентларини топишда, қисқа муддатли мажбуриятларни тўғри ҳисоблаш талаб этилади. Қисқа муддатли мажбуриятлар, бухгалтерия балансининг пассив қисмидаги мажбуриятлар бўлимидан олинади.

Банклардаги кредит инспекторлари мижознинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда, балансдаги асосан (оборот активлари ва мажбурият бўлимидағи) моддаларнинг таркибий ўзгаришларини кўриб чиқадилар. Бу албатта, хавф-хатарни баҳолашни енгиллаштиради.

Корхона кредитга лаёқатлилиги таҳлили учун керак бўладиган кейинги кўрсаткич - бу ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициентидир. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик - бу корхонанинг жами маблағлари ичида ўзининг маблағлари қанчалигидан далолат беради. Ўз айланма маблағларининг ҳолати корхона молиявий ҳолатига таъсир этади. Таҳлил натижасида ўз айланма маблағларининг мавжуд суммаси аниқланади. Бунинг учун баланс пассивининг биринчи бўлинмасини жамига узоқ муддатли кредит ва қарзлар қўшилиб, оборотдан

ташқари активлар айрилади. Чиққан натижа, осон ишлатиладиган заҳиралар ва харажатларга бўлинади. Кредит олишга лаёқатлиликни аниқлашда ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик катта аҳамиятга эга. Ноликвид балансларга эга бўлган корхоналарга банк кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилмайди. Ушбу коэффициент 0,6 дан, яъни 60%дан юқори бўлса, кредит хатари энг кам ҳисобланади. Бу коэффициент 30%дан, яъни 0,3дан кам бўлмаслиги лозим. Корхонанинг баланс бўйича ўз оборот маблағларини мавжуд суммаси, баланс пассивининг биринчи бўлинмасини жамига узоқ муддатли кредит ва қарзлар қўшилиб, чиққан натижадан баланс активининг биринчи бўлиманинг жами суммаси айрилади. Корхона айланма маблағларини ортиқча ёки етишмаслигини аниқлаш учун баланс бўйича айланма маблағларини мавжуд суммаси нормативи билан таққосланади.

Банк кредит беришда корхонанинг маҳсулот сифатини, муддати узайтирилган дебеторлик қарзларини, капитал ремонт учун қилинган харажатларни, турли заарларни қоплашини кўриб чиқиш керак. Бунга сабаб шуки, ушбу айтилганлар бўйича қўшимча сарфланишларга йўл қўйилган бўлса, корхона бу қўшимча сарфланишлар айланма маблағлари ҳисобидан бўлади, шу сабабли ушбу қўшимча сарфланишлар айланма маблағларига салбий таъсир этиб, ҳақиқатда хўжалик жараёнида қанча айланма маблағлари иштирок этаётганлигини ифодалайди. Баланс бўйича айланма маблағларини мавжуд суммаси билан ҳақиқатдан ҳам корхона хўжалик оборотида иштирок этадиган айланма маблағларини суммаси бир-биридан фарқ қиласди. Ҳар икки кўрсаткич ўртасидаги фарқ айланма маблағларини иммобилизациясини ташкил этади. Иммобилизацияси оборот манбаларини четга тортилишидир, яъни ўз мақсадидан ташқари сарфланишидир. Кредит инспектори ушбу коэффициентни ҳисоблашда, албатта айланма маблағларининг мавжуд суммаси иммобилизациясини ҳисобга олиши керак.

Жаҳон амалиётида, айланма маблағларининг мавжуд суммасини (ўз айланма маблағларини) аниқлашда қўйидаги усул қўлланилади. Яъни баланс активининг 2чи бўлим (айланма активлари) суммасидан, баланс пассивининг

2чи бўлими (мажбуриятлар) айирилади. (узоқ муддатли қарз ва кредитлардан ташқари).

Корхона (мижоз) кредит олишга лаёқатлилигининг таҳлилида кўлланиладиган қўшимча қўрсаткичлар бўлиб, айланма маблағларининг айланувчанлик коэффициентини ва айланма маблағларининг кунлардаги айланувчанлиги қўрсаткичлари кўлланилади.

Айланма маблағлари айланувчанлиги коэффициенти айланма маблағлари ҳаракатининг тезлигини таърифлайди ва таҳлил қилинаётган давр учун маҳсулот сотишдан олинган тушум ва айланма маблағларининг ўртacha қиймати ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади. Таҳлил учун маълумотлар йиллик ҳисоботнинг 1-шакли баланс ва 2-шакли молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан олинади.

C

$$\text{Айланувчанлик коэф.} = \frac{\text{У К}}{\text{С}} \quad (5..3)$$

бу ерда,

С (маҳсулот сотишдан тушган тушум )

У К—(оборот маблағлари ўртacha қолдиқлари)

УК x 360

$$\text{А К} = \frac{\text{У К}}{\text{С}} \quad (5.4)$$

А К - (оборот маблағларининг кунлардаги айланувчанлиги).

Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектлар билан кредит муносабатларини мустақил равишда ўрнатадилар. Хўжалик юритувчи субъектлар тижорат банкларидан кредит олиш учун кредит буюртмасини берадилар. Шу кредит буюртмасига асосан тижорат банклари қарз олувчининг молиявий аҳволини таҳлил қиласадилар. Бу жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

- кредит олиш учун берилган кредит буюртмасини кўриб чиқиш ва

бўлажак қарз олувчи билан сухбатлашиш;

- қарз олувчининг кредит қобилиятини ва қарз бериш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;

- кредит нархини белгилаш;

- кредит шартномасини тайёрлаш ва уни тузиш.

Мижозларнинг Кредитга лаёқатлилиги бўйича синфларга бўлиш ва корхоналар рейтингини аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан чиқарилган йўриқнома бўйича корхоналарни кредитга лаёқатлилиги асосий кўрсаткичи бўлиб: қоплаш коэффициенти, ликвидлик коэффициенти ва ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициентлари ҳисобланади.

### 5.1-жадвал

T/ р	Номи	1-синф	2-синф	3-синф
1.	Коплаш коэф. (К.к)	$K.k \geq 2$	$2 < K.k > 1$	$1 > K.k > 0,5$
2.	Ликвидлик коэф.(К.л)	$K.l \geq 1.5$	$1.5 < K.l > 1$	$1 > K.l > 0,5$
3.	Мухторият коэф.(Км)	$K.m \geq 60\%$	$60\% < K.m > 30\%$	$30\% > K.m > 15\%$

Агар корхона 1-синфга киритилса, унда умумий асосларда кредитланади. Уларга нисбатан кредит беришнинг имтиёзли тартиби ҳам назарда тутилиши мумкин, яъни ишонч кредити берилиши, қўшимча маълумотлар ва ҳисоб-китобларсиз кредит берилиши ва бошқа имтиёзлар тақдим этилиши мумкин.

Агар корхона 2-синфга киритилса, хўжалик юритувчи субъект манфий қўшимча кўрсаткичларга эга бўлса, бекарор (барқарор эмас) деб ҳисоблаш

лозим, бундай корхоналар билан кредит шартномалари тузилганида унинг фаолияти ва кредитнинг қайтарилиши устидан назоратнинг қўшимча чоралари кўзда тутилиши керак. Хусусан, гаров ҳукуки қаттиқлаштирилиши, фоиз ставкалари оширилиши, кафолатлар берилиши ҳамда кредитдан фойдаланиш миқдорлари ва муддатлари чекланиши керак.

Агар корхона 3-синфга киритилса, бу корхоналарга фақат фавқулодда ҳолларда юқори ташкилот кафолатлари ёки оширилган фоиз ставкасини ундириш билан мол-мулк гаровга қўйилгандагина кредитланади.

Кредитга лаёқатлиликни мустаҳкамлаш йўллари деганда, бу иложи борича асосий ва қўшимча кўрсаткичларни юқори бўлишини таъминлашdir. Демакки, ҳар бир кўрсаткич бўйича юқориликка эришишdir. Бунинг учун корхона барқарор ишлаб чиқариш жараёнини биринчи галда ташкил этиши лозим. Пул маблағларининг ортиши корхонанинг бирламчи тўловларни ошириш учун керак маблағларга бўлган эҳтиёжларни камайтиради ва корхонада ишлаб чиқариш маромийлиги бузилмаслигига олиб келиши мумкин.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти бўйича эса, юқори натижаларга эришиш учун ўз маблағлари манбани ортишини таъминлаш керак. Чунки оборотда ишлатиладиган маблағларда ўз айланма маблағлари улуши қанча кўп бўлса, унинг кредитга лаёқатлилиги ортади. Узоқ муддатли активлар ортиши салбий таъсир этсада, уларнинг ортиш темпини ўз айланма маблағлари мавжуд суммасини ортиш темпидан пастрок бўлишини таъминлаш зарур. Яна корхонада ўз айланма маблағларини иммобилизациясига йўл қўймаслик зарур, яъни уларнинг ўз мақсадидан бошқа мақсадларда ишлатилишига йўл қўймаслик керак. Чунки улар иммобилизациясига йўл қўйилса, уларнинг баланс бўйича ҳисобланган қийматидан ҳақиқатда оборотда қатнашаётган айланма маблағлари кам чиқади. Бунинг натижасида эса, айланма маблағлари айланниш коэффициенти пасаяди, оқибатда ўз айланма маблағлари етишмовчилиги юзага келади. Кредитга лаёқатлилик таҳлилида айланма маблағлари иммобилизациясини

ҳам ҳисобга олиш керак. Кредитга лаёқатлийкни мустаҳкамлаш йўлларидан яна фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини ошириш ҳисобланади. Корхона соф фойдаси ўтган йилга нисбатан ҳисбот йилида ортишини таъминлаш лозим, бунинг учун эса унга салбий таъсир этувчи омиллар камайиши ва ижобий таъсир этувчи омиллар кўпайишини таъминлаш керак.

### **5.9. Кредит баҳоси, кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш**

Кредит баҳоси банк билан қарз олувчи ўртасидаги шартнома асосида белгиланади ва бу кредитга оид фоизларни ўз ичига олади. Тарафларнинг келишувига кўра кредит баҳоси пул бозори ва инфляция ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда кўпайиш ёки камайиш томонига ўзгартирилиши мумкин.

Тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкасини расмий қайта молиялаштириш ставкаси билан тартибга солиниши депозитларга фоиз тўлашнинг амалдаги тизими туфайли банкларнинг зарар кўриш хавфини кучайтиради.

Айтайлик, банк 6 ой муддатга жалб қилинган муддатли депозитни 6 ойлик учта кредитга трансформация қилди, дейлик. Депозитга тўланадиган йиллик фоиз ставкаси 24% га teng, бу вақтда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг йиллик даражаси 16% га teng дейлик.

Банк ушбу 2 та кредитни 20% билан берди. Демақ, банкнинг бу операция бўйича даромадлийк даражаси 4 пунктга teng. Фараз қилайлик, инфляция даражасини кескин пасайиши натижасида расмий қайта молиялаштириш ставкаси 2,0 пунктга пасайтирилди. Натижада, банкнинг максимал кредитлаш фоизи 21% ни ташкил этади. Банк иккинчи кредитни бериш жараёнида ставка ўзгарса, унда икки ссуда бўйича банк қўрадиган зарар даражаси 4 пунктга teng. Чунки банклар муддатли депозитларга белгиланган фоиз ставкасида фоиз тўлайдилар.

Шу муносабат билан сузуб юрувчи ставкаларда фоиз тўланадиган

депозитларни жалб қилиш ва улар ҳисобидан сузаб юрувчи ставкаларда кредитлар беришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай шароитда банк спрэд ёки маржани барқарор тарзда сақлаб қола олади. Аммо республикамиз шароитида маржа миқдорини белгилаш ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Бунинг сабаби шундаки банк кредитларнинг юқори фоиз ставкаси лимитлаштирилган шароитда кредитларнинг бозор баҳоси тўлиқ шаклана олмайди. Шу сабабли, маржа миқдори аниқ белгиланиб, у орқали депозитларга тўланадиган фоиз миқдори аниқланиши керак.

Кредит баҳосининг оптималь вариантини топиш учун тижорат банки бўйича маржани ҳисоблаб чиқиш зарур. Масалан, ҳисбот ойида банкнинг жалб қилган ресурсларнинг ўрта суммаси 7381792 минг сўм дейлик, уларга тўланадиган харажатлар суммаси 23962 минг сўм бўлса, бунда жалб қилинган ресурслар ўртача қиймати (%да)

$$23962 \text{ минг сўм} \times 360 \times 100\% = 3,89\%$$

$$7381792 \text{ минг сўм} \times 30$$

Кредит кўйилмаларининг ҳисбот ойида ўртача суммаси 3316916 минг сўмни, буларди олинган даромад эса 43237 минг сўм бўлган Кредит кўйилмаларининг ўртача Қиймати (%да)

$$43237 \text{ минг сўм} \times 360 \times 100\% = 9,76\%$$

$$3316916 \text{ минг сўм} \times 30$$

$$\text{Банк бўйича маржа } (9,76 - 3,89)\% = 5,87\% \text{ ни ташкил этади}$$

Назарий жиҳатдан кредитнинг баҳосини қуидагича аниқлаш мумкин:

$$K_{\delta} = K_{\delta\delta} + O_x + K_{p\delta} + K_{\phi} \quad (5..5)$$

Бу ерда,

$K_{\delta}$  – кредитнинг баҳоси;

$K_{\delta\delta}$  – кредитнинг бозор баҳоси;

$O_x$  – операцияни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар;

$K_{p\delta}$  – кредитлар бўйича риск даражаси;

$K_{\phi}$  – банкнинг ўз капиталига фоиз ставкаси.

Узоқ муддатли кредитлардан фойдаланганлик учун фоизлар банклар

томонидан кредитлаш муддатининг давомийлиги, қарз олувчилар томонидан берилган кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши кафолатлари, кредит ресурслари талаб ва таклифи ва улар баҳоси, шунингдек, шартнома асосидаги кредит хатарининг мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади

Кредит шартномаси тузиб бўлингандан сўнг қарз олувчи номига ссуда ҳисоб варағи очилади. Ссуда ҳисоб варағига оид барча операциялар шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади

Ссуда ҳисоб варақларидан қурилиш - монтаж ишлари йиллик ҳажмининг 15 % дан кам бўлмаган ҳажмлардаги пудрат ташкилотларига қилинадиган дастлабки тўловлар, шунингдек, мазкур қурилиш сметасига киритилган сотиб олинадиган ускунанинг ва бошқа харажатларнинг ҳажми билан биргаликдаги бажарилган ишлар учун тўлов хужжатлари ҳақи тўланади.

Буюртмачининг ўз маблағлари ва кредит маблағлари иштирокида қурилишни молиялаш чоғида қурилаётган корхонанинг раҳбарияти кадрларни тайёрлаш ва бинолар ижараси ва шу кабиларни сақлаб туриши билан боғлиқ бошқа харажатларга кредит ҳисобидан тўланишига йўл қўйилмайди.

Кредитлар ва уларга оид фоизларни сундирилиши қарз олувчининг банк ҳисоб варағига пул маблағларининг келгусида келиб тушишининг аниқ ҳисоб-китоби олинган ҳолда тузилган жадвал асосида амалга оширилади, зарурат туғилганда тарафлар келишувига биноан кредит ва унга оид фоизларнинг сундирилиши жадвалига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Қарз олувчи, агар бу нарса шартномада кузда тутилган ёки кредитор розилиги асосида бўлса, ўзининг кредит суммаси ва ҳақиқатда фойдаланилган давр учун унга оид ҳисобланган фоизларни муддатидан илгари сундириш хуқуқига эга.

Бунда қарз олувчи ўзининг тўлов топшириқномаси билан кредит суммаси ва ҳисобланган фоизларни тўлайди

Республикамида муддати ўтган ссудаларга 90 кунгача фоиз ҳисобланади, 90 кундан кейин эса фоиз ҳисоблаш тўхтатилади Бир қатор мамлакатларда фоиз ҳисобланадиган давр 6 ойгача чўзилиши мумкин. Бу эса даромаднинг реал қийматидан узоқлашувига сабаб бўлади. Мижознинг муддати кредитни қайтара олмаслиги аниқ бўлиб қолиши биланоқ, унинг молиявий фаолиятини чуқур таҳлил қилиш лозим. Бунда асосий эътибор пул оқимиға қаратилиши лозим Тахлил натижаларига қараб, фоиз ҳисоблаш масаласини ҳал қилиш лозим. Кредитни муддати ўтгандан кейин бир ой ичida қайтара олмаган мижозни уч ойдан кейин қайтара олишига ишонч кам бўлади.

Муддати ўтган, амалда «Ўлик ссудалар» га айланган кредитларга фоиз ҳисоблаш молиявий жиҳатдан заиф банкни анча бақувват қилиб кўрсатиши мумкин. Россия Федерациясида, Ўзбекистон Республикасидаги айrim банклар кредитни қайтиш эҳтимоли нолга teng бўлган ҳолларда ҳам фоиз суммасини мижознинг жорий қисоб варагидан дебетлайвериш ҳоллари учрайди. Бунинг оқибатида фойда суммаси қопланмаган кредит суммасини ошириш эвазига ўсиб бораверади, яъни банк баланснинг актив қисмида 16309 счет ва пассив қисмида 42201 еки 42601 счетида ҳисобланган фойда суммаси ошиб бораверади Натижада янгидан жалб қилинган депозитлар ҳисобланган фоизларни, солиқлар ва дивидендларни тўлашга сарфланади.

Ўз вақтида кредит сундирилмаган ва фоизлар тўланмаган ҳолларда банк амалдаги қонун ҳужжатларига ва мазкур низомга мувофиқ, шунингдек даъво тақдим этиш, яъни хўжалик судига даъво аризасини бериш йўли билан чоралар кўришга мажбур.

## **5.10. Кредитлардан фойдаланиш устидан банк назорати, қурилиш монтаж ишлари ва монтаж учун топширилган ускуналарнинг назорат ўлчашларини бажариш тартиби**

Кредитлардан самарали ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат куйидаги шакллар ва йўналишлар бўйича амалга оширилади:

а) тўлов хужжатларининг ссуда ҳисобварағидан объектнинг сметасига ва мақсадли белгиланишига, уларнинг мувофиқлигини кредит ўтказилиши чоғида назорат қилиш;

б) кредит шартномасида кўрсатилган шартларда қурилиш жойига чиқиш билан кредитдан мақсадли фойдаланишини текшириш;

в) бажарилган ишларнинг назорат ўлчашларини ўтказиш ва кредит шартномасида келтирилган тартиб ва муддатларда ҳарид қилинган ускунани инвентарлаш.

Назорат ўлчашлари банк кредити ҳисобидан молияланадиган объектларда ишлаб чиқариш жойининг ўзида амалга оширилади.

Банклар шартномавий ва тўлов асосида буюртмачиларнинг буюртманомалари бўйича бошка манбалар ҳисобидан молияланадиган қурилишлар бўйича назорат ўлчовларини амалга оширишлари мумкин.

Ҳажмлар ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қийматининг текширилиши уларнинг натурада ўлчаниши ва буюртмачидаги ҳамда пудрат ташкилотининг бажарилган ишлар ҳажмларини ҳисобга олиш маълумотлари билан тегишлича лойиҳалаш смета ҳужжатлари билан таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Назорат ўлчашлари бошлангунга кадар қўйидагилар билан боғлиқ ошиб кетишларни аниқлаш мақсадида навбатдаги ҳужжатлаштирилган текшириш амалга оширилиши зарур:

алоҳида нархлар, бошка хил ва лимитлаштирилган ҳаражатлар ҳажмлари, қўшимча ҳаражатлар меъёрлари нотўғри қўлланилиши ёки белгиланиши билан;

арифметик хатолар билан;

бажариладиган ишлар қийматига қурилиш-монтаж ишлари таркибиغا киритилмайдиган ҳаражатлар, ускунанинг сотиб олиниши, кўп йил ишлаганлик учун, хизмат сафарлари, ишларнинг ҳаракатланувчи тусдалиги учун қўшимча ҳақлар, материаллар ва конструкциялар чиқариш ва чекланган нархлар ўртасидаги фарқлар бўйича киритилиши билан ва бошқалар;

лойиҳалаш - смета ҳужжатлари мавжуд бўлмаган объектларда ишларнинг бажарилиши ва ҳаражатлар билан; ускуна нуқсонларининг бартараф этилиши билан.

Кўздан яширин ишлар ҳажмларини (қуйилган пойдеворлар, поллар конструкцияси, автомобил йўллари, уларда труба-қувурлар ётқизилган траншеялар ва бошқалар) текшириш яширин ишларга оид далолатномалар асосида амалга оширилади. Қурилишда бундай далолатномаларнинг мавжуд эмаслиги ҳолларида бажарилган ишларнинг ҳажмлари ишчи чизмалар бўйича ҳисоб-китоб қилинади, зарур ҳолларда банк муассасалари бош пудратчидан куздан яширин ишларнинг очиб берилишига оид ишларни амалга оширишини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Алоҳида баҳолар таркибиға кирувчи, айрим операциялар ҳақининг бўлиб-бўлиб тўланишига йўл қуйилмайдиган конструктив унсурлар ва ишлар турларининг тугалланмаган қисмлари, шунингдек, қурилиш обьектига олиб келинган ва ишга жалб этилмаган материаллар ва конструкциялар қиймати бажарилган ишлар қийматининг ортиб кетишига киради.

Назорат ўлчашлари натижалари бўйича далолатномалар ва ишлар қийматини қайта ҳисоб-китоб қилиш қайдномалари тузилади.

Назорат ўлчашлари далолатномалари, ишлар қийматининг қайта ҳисоб-китоб қилиш қайдномалари ва далолатномаларга оид йигма қайдномалар банк, буюртмачи ва пудратчининг вакиллари томонидан имзоланади. Ҳаки тўланган (такдим этилган) ишларнинг йигма қайдномалари назорат ўлчашларининг амалга оширилиши бошлангунига қадар имзоланади.

Буюртмачи ёки пудратчи вакилларининг назорат ўлчashiда қатнашиш учун келмаслиги ҳолларида ўлчаш қатнашувчи томонлардан бири ва банк вакили ёки фақатгина банк вакили томонидангина (иккала томоннинг ҳам келмаслиги ёки уларнинг далолатномани имзолашдан бош тортиши ҳолларида) амалга оширилади ва далолатнома имзоланади.

Назорат ўлчашларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган банк муассасаси раҳбари назорат ўлчашлар далолатномалари, пудратчи ва

буортмачи эътиrozларини (агар улар мавжуд бўлса) кўриб чиқади ва далолатномаларни улар имзоланганидан кейин 10 банк иш кунидан кечиктирмасдан тасдиқлайдилар.

Пудратчи (буортмачи)нинг мавжуд эътиrozлари далолатнома имзоланганидан сўнг 5 иш куни мобайнида тақдим этилади.

Назорат ўлчаш далолатномаларига оид пудратчи (буортмачи) томонидан банкнинг юқори муассасаларига эътиrozларнинг жўнатилиши санкциялар қўллашни тўхтатиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Молияловчи банк назорат ўлчашининг тасдиқланган далолатномаси асосида белгиланган тартибда кредит шартномасида келтирилган миқдорларда санкцияларни қўллайди.

Назорат улчашлари ва маблағларнинг олиниши учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳисоб-китоб хужжатларини текшириш натижасида аниқланган бажарилган ишлар ҳажмлари ва қийматининг ошириб юборилиши ҳолларида ортиқча олинган суммалар белгиланган навбат тартибida қарз олувчидан ундириб олинади.

Қарз олувчининг талаб қилиб олингунига кадар бўлган депозит ҳисобварақларида маблағлар мавжуд бўлмаган ҳолларда бажарилган ишлар учун навбатдаги ҳисоб варақларининг тўланиши чоғида банк томонидан ҳажмлар ва қийматларнинг ортиқча аниқланган суммалари ушлаб қилинди.

Суда ҳисобварағидан маблағларнинг олиниши учун асос бўлиб ҳисобланувчи назорат ўлчашлари ва ҳисоб-китоб хужжатларини текшириш натижасида бажарилган ишлар ҳажмлари ва қийматининг ошиб кетиши аниқланган ҳолларда, қарз олувчи банкка кредит шартномасида келтирилган ҳажмларда жарима тўлайди.

Назорат ўлчашлари билан аниқланган ортиб кетишларга (юқорида кўрсатилганлардан ташқари) қуйидагилар киради:

банкка тақдим этилган ҳисоб-китоб хужжатларига ҳақикатда бажарилмаган ёки ҳақи илгари тўланган ишлар ва харажатларнинг киритилиши;

нархлар, меъёрлар ва баҳоларнинг нотўғри қўлланиши натижасида бажарилган ишлар ҳажмининг орттирилиши;

ускуна бирликлари сони ва вазнининг ортиши ҳисобига монтаж ишлари қийматининг асосланмаган орттирилиши;

комплекс меъёрлар, нархлар, баҳо ёки фоизли ҳисоблаб ёзишлар таркибига киравчи (вақтинчалик бинолар ва иншоотлар, қишки қимматлашишлар ва бошқалар) ва иш ҳаки тўланганлар таркибида ҳисобга олинган бевосита ҳаражатлар, қўшимча ҳаражатлар алохида унсурларининг тўлов учун такоран тақдим этилиши;

пудрат ташкилоти томонидан буюртмачига материаллар ва қисмларга бўлинган конструкциялар қийматининг нотўлиқ ёки ўз вақтидан ташқари қайтарилиши;

ҳақикатда ўрнатилмаган ускуна қийматининг бутунлай ҳисоб-китоб қилиниши чоғида объект қийматига киритилиши;

бошқа хил ишлар ҳажмлари ва қийматларининг шартнома баҳоси бўйича орттирилиши.

Банк бузилишлар характеристидан келиб чиқкан ҳолда:

статистика ҳисботлари органларига ишлар ҳажмлари ва қийматини орттиришлар, шунингдек ҳисботларни узишлар тўғрисидаги материалларни қўллайди;

белгиланган тартибда ишлар ҳажмлари ва қийматидаги ортиб кетишлар ва қурилишдаги бошқа бузилишлар муносабати билан тўланиши керак бўлган иш ҳаки суммаларини қайта ҳисоб-китоб қилинишини амалга оширади.

Агар пудратчига бошқа банк томонидан хизмат кўрсатилаётган бўлса, у ҳолда бажарилган ишлар ҳажмидаги- аниқланган ортиб кетишлар тўғрисида банкка маълумотномани йўллади. Хизмат кўрсатувчи банк тўланиши керак бўлган иш ҳаки суммалари ҳисоб-китоб базасининг камайтирилиши томонига оид тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади.

## **5.11. Микромолиялашнинг хориж тажрибаси**

Маълумки, микромолиялаш тизими орқали ишсизлик, аҳолининг турмуш даражасини қўтариш ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш каби бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконияти туғилади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда микромолиялаш тизимини ривожлантириш кўпгина давлатларда долзарб масалала-ридан ҳисобланади.

Ривожланган давлатлар қонунчилигига микромолиялаш фаолияти алоҳида қонун асосида эмас, балки банк қонунчилигининг умумий стандартлари асосида тартибга солинади. Банк тизимининг асосий вазифаси молиявий барқарорликни таъминлаш бўлиб, бунда микромолиялаш институларига қўйиладиган қатъий талаб низом жамғармасининг миқдори, операция сиёсатининг стандартлилиги, ҳисботларнинг меъёри ҳисобланади. Шунинг учун ҳам микромолиялаш хизматлари ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш Ўзбекистонда микромолиялаш тизимини шакллантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қиласиди.

### **Бангладеш**

Бангладеш дунёда миркомолиялаш хизматлари пайдо бўлган ва энг яхши ривожланаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Бангладешда микромолиялаш хизматларини амалга оширувчи асосий институт, дунёга машҳур Грамин банки ҳисобланади. Банк ўз фаолиятини 1976 йилда тадқиқот дастури сифатида бошлаб 1983 йилда ҳукумат қарори билан мустақил банка айлантирилган. Грамин банки умумий капиталнинг олти фоизигина давлатга тегишилди. Марказий банк Грамин банкининг ҳар ойлик кредит портфели ҳолати тўғрисидаги ҳисботларини таҳлил қиласиди, ҳар йили аудиторлик текширувини белгилайди ва мустақил аудиторлар хулосасини кўриб чиқади.

Грамин банки ўз фаолиятини кредит жамгарма схемаси бўйича амалга оширади. Қарз олувчиларнинг жинс жиҳатидан алоҳида гуруҳлари (эркак ва аёллар алоҳида гуруҳларга ажратилади) ташкил қилинади. Гуруҳлар бир хил

имкониятга эга бўлган кишилардан тузилади.

Гуруҳ фаолияти ҳар ҳафта йиғиладиган кичик жамғармалардан бошланади. Шундай қилиб гуруҳга аъзолик давомида аъзоларнинг тўлаган бадаллари ҳисобига доимимй тўлиб бориладиган жамғарма ташкил қилинади. Мажбурий жамғарма кредит олишга 4-8 ҳафта қолганда тўлдирилиши керак. Дастребки босқичда гуруҳнинг фақат 2 аъзосига кредит олиш имкониятига эга бўлади. Улар ушбу қарзни 50 ҳафта ичиде тенг миқдорда тўлаб боради. Ҳар доим ссудани олаётган гуруҳ аъзоси олинаётган ссуданинг 5 фоизини гуруҳ фондига кўйиши шарт.

Агар бирор-бир гуруҳ аъзоси олган қарзини қайтариб беролмаса, гуруҳ уни тўлаш маъсулиятини ўз бўйнига олади. Гуруҳ Грамин банк Банки ходимининг назоратида бўлади ва у гуруҳнинг фаолияти банк томонидан кўйилган қоидаларга қанчалик мос келишини аниқлайди. Кредит 6 ойдан 1 йил муддатгача берилади. Кредитнинг ўртacha миқдори 100-300 АҚШ доллари миқдорида йиллик 20 фоизда берилади. Грамин банки одамларга маълумоти ва иш юритиш тажрибасидан қатби назар, гаров талаб қилмасдан кредит беради. 2007 йил январ ҳолатига кўра Грамин банк мижозлари сони 6,95 млн.киши ташкил этиб, 97 фоизини аёллар ташкил этади. Грамин банк ўзининг 20885 ходимлари ҳамда 2343 филиаллари тармоқлари орқали 75359 қишлоқларда ўз хизматларини амалга оширади ва у Бангладешдаги жами қишлоқларнинг 90 фоизини қамраб олган.

Бангладешдаги микромолиялаш тизимидағи яна бир катта ташкилот 1990 йилда тузилган давлат фондига (PKSF) бўлиб, у асосан микромолиялаш хизматини амалга оширадиган нодавлат-нотижорат фондлариға имтиёзли кредитлар ажратади. Мана шундай 5та микромолиялаш институтлари 3 млн.га яқин одамларга хизмат кўрсатади.

Бангладешдаги микромолиялаш тизими шунчалик аҳолини кенг қамраб олганлиги ҳамда яхшигина молиявий манбаларга эгалигига қарамасдан, мамлакатда амал қилаётган қонунчилик тизими муқобил микромолиялаш институтлари ривожланиши учун кулай шароит яратмаган.

## **Индонезия.**

Индонезия микромолиялаш тармоғи 9000га яқин мустақил микромолиялаш институтлари ҳамда «Bank Rakyat»нинг 4000дан ортиқ қишлоқ банклари тармоғидан ташкил топган бўлиб, улар 8,2 млн. mijozlariga xizmat kўrsatadi. Индонезияда микромолиялашни rivожлантириш siёsatи микромолиялаш xizmatini rivожлантируvchi расмий банк тармоғидаги институтларни давлат томонидан рафбатлантиришга қаратилган. 1970 йил Индонезия Молия Вазирлиги давлат мулкида бўлган тижорат банки «Bank Rakyat»га «манфаатли кредитлаш дастури» асосида мамлакатнинг барча худудларида хизмат кўrsatiш тармоқларини ташкил қилиш топшириғини берди.

Бу дастурга асосан Bank Rakyat тузилмасида 4000 дан ортиқ минтакавий тузилмалардан ташкил топган «қишлоқ банклари» тармоғи ташкил этилган бўлиб, 1998 йил охирида, ушбу банк хизматидан 2,5 млн кредит оловчи mijozlar ва 21,7 млн.омонатчилар фойдаланган. Кредит портфелининг умумий ҳажми 585 млн. АҚШ долларини, берилган кредитларнинг ялпи суммаси эса 1,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Микрокредитларнинг ўртача фоиз ставкаси 13,5 фоиз. Мана шуларнинг баркаси банк амалга ошираётган дастурининг муваффақиятини намоён этмоқда ҳамда ушбу банк ҳозирда микромолиялаш хизматини кўrsatuvchi дунёдаги етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Bank Rakyatning кредит портфели худудий тармоқларнинг ихтиёрий жамғармалари ҳисобига шаклланади. Унинг операцион siёsatи куйидаги стандартларга асосланади:

- кредит оловчилар билан индивидуал ишлаш;
- кредит олишга берилган буюртмаларни қўриб чиқиш, қарор қабул қилиш ва кредит бериш жараёнларининг тезкорлиги;
- қарздорларнинг кредит бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажаришлари учун рафбатлантируvchi механизmlarни кўллаш кабилар.

Индонезия Марказий банкига Bank Rakyatning барча филиаллари ва

ваколатхоналари фаолиятини жойлардаги 15 аудиторлик идоралари орқали назорат қилиш хуқуқи берилган. Бундан ташқари, банк Марказий банк билан тузилган шартнома асосида маҳсус тузилган кичик бизнес ва ширкатлар фаолиятини назорат қиласди.

### **Шарқий Европа**

Шарқий Европада бу жараённи Польша ва Венгрия мисолида кўриш мумкин. Польшада микромолиялаш институтларининг ривожланиши учун яхши муҳит яратилган. Польшада микромолиялаш хизматларини кўрсатадиган энг катта институтлардан бири «Фундуш Микро» фонди бўлиб, унинг филиаллари мамлакатнинг 28та туманида фаолият қўрсатади. Фонд асосан ходимлари сони 5 кишини ташкил қиласди кичик корхоналарга хизмат кўрсатади. Ушбу фонд куйидаги кредит тамойилларига асосланади:

- кредит 3 ойлик муддатга берилади;
- кредитнинг ўртача миқдори 1500 АҚШ долларини ташкил этади;
- мижозларининг 55 фоизини аёллар ташкил қиласди;
- самарали кредит ставкаси 35 фоизни ташкил қиласди.

Фонд жамғармаларни қабул қилиш, ўқитиш ва консалтинг хизматларини ҳам амалга оширади. Кредитларнинг қайтаришлилик кўрсаткичи 98 фоизни ташкил этади. «Фундуш Микро»дан ташқари Польшада қишлоқ хўжалигидаги бизнесни кўллаб -қувватловчи яна 2 та микрокредит фонди фаолият олиб боради.

Польша қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (FDPA)-хусусий нотижорат ташкилотdir. У 1998 йилда қишлоқ хўжалигини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш мақсадида ташкил этилган.

FDPA қишлоқ хўжалик корхоналарига капитал билан таъминлаш ва бандликни оширишга қўмаклашиб орқали ёрдам беради. FDPA маҳсус Women's Rural Economic Development Program микромолиялаш дастурини ишлаб чиқкан, унинг кредит портфели 350 минг АҚШ долларини ташкил этади. Асосий мижозлари эса, ўз фаолиятини энди бошлаётган тадбиркор аёллар ва қишлоқ хўжалик корхоналаридир.

1991 йилда тузилган Қишлоқ хўжалик фонди (AF) давлат томонидан молиялаштириладиган фонд ҳисобланади. Ўз фаолиятини Польша қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт вазирлиги томонидан ажратилган 14 млн. АҚШ доллари капитали асосида бошлаган. AF бундан ташқари микрассуда фондини ҳам бошқаради. Бу фонд бошловчи тадбиркорларга 3500 АҚШ доллари миқдоригача микрокредитлар беради. Кредитни бериш шарти-мижозларнинг 40-100 соатли бизнес курсини эшитишидир. Фонд 2 йиллик фаолияти давомида 54 та кредит ажратган.

Шарқий Европада кичик тадбиркорликни молиявий кўллаб-куватлаш яхши ташкил этилган давлатлардан бири Венгриядир. Венгрияда Тадбиркорликни кўллаб-куватлаш Венгер фонди (HFEP) фаолият кўрсатади. Фонд 1990 йилда кичик ва ўрта корхоналарга хизмат кўрсатиш мақсадида тузилган. Фонднинг микрокредитлаш портфели 9 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

HFEP бутун Венгрияда фаолият кўрсатадиган 20 та агентлик тармоқларига эга. Фонд кредитини олишни хоҳлаган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ходимлари сони 10 кишидан ошмаслиги;
- фаолиятини бошланганига 2 йилдан ошмаган бўлиши;
- умумий савдо ҳажми 60 000 АҚШ долларидан ошмаслиги қабилар.

Фонд 4 йиллик фаолияти давомида 3 млн. АҚШ долларилик 1000та кредит берган.

### **Эфиопия**

Эфиопияда микромолиялаш тизими «Микромолиялаш институтларини лицензиялаш ва улар фаолиятини назорат қилиш» (1996 й.) 40-сонли Декларация ва Эфиопия Миллий банкининг чиқарган қатор буйруқ ва қарорлари билан тартибга солинади.

Энг асосийси, ушбу ҳуқукий тизим Эфиопия фуқаролари ёки ташкилотларига барча микромолиялаш операцияларини амалга ошириш ва микромолиялаш институтларига эгалик қилишда монополия ўрнатишга

имкон яратади. Бу шартга амал қилишлари учун барча микромолиялаш институтлари Эфиопия Миллий банкидан лицензия олишлари ва банкнинг депозитига маблағ қўйишлари керак.

Эфиопия Миллий банки йўрикномасида кўрсатилганидек, микромолиялашдан мақсад «қишлоқ кичик фермерларига ва шаҳарлардаги кичик тадбиркорларга» «кичик» кредитларни беришдир. Бир қарз олувчига максимал кредит лимити 5000 бир (673 АҚШ доллари) қилиб белгиланган, кредитнинг максимал суммаси 12 ой, кредитнинг фоиз ставкаси одатий банклар берадиган кредитларнинг максимал фоиз ставкасининг 2 фоизидан ошмаслиги белгиланган. Худи шундай тарзда депозитларга бериладиган фоиз ставкаси ҳам белгиланади.

Эфиопия Миллий банкининг лицензиясини кўлга киритган микромолиялаш институти куйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш имконияти мавжуд:

- жамғармаларни, муддатли омонатлар ва «талаб қилиб олгунча» омонатларни жалб қилиш;
- Эфиопияда амал қиласидан векселларни чиқариш ва улар ҳисобини олиб бориш;
- ташкилотлар маблағларини гаров таъминоти асосида қарзга олиш;
- векселларни ва бошқа молиявий дастакларни сотиб олиш;
- фермер хўжаликлари ва кичик тадбиркорларга кредитлар бериш мақсадида фондларни бошқариш кабилар.

Эфиопия миллий банки, Вазирлар Кенгаши ва Молия вазирлиги микромолиялаш институтлари устидан лицензиялаш, уларнинг хуқуқларини чеклаш, микромолиялаш тизимига хорижий молиявий фондларнинг кириши бўйича қатъий назорат олиб боради. Юқорида таъкидланганидек, Эфиопия қонунчилигига кўра барча микромолиялаш операцияларини амалга ошириш учун бу фаолият тури лицензияланиши керак. ММИ томонидан жалб қилинган омонатлар миқдори 1 миллион бир (135 минг АҚШ доллари)га етса, бу ташкилот қайта рўйхатдан ўтказилиши керак. Бундай шароитда

Эфиопия Миллий банкига ўз хохишига кўра қўшимча шарт ва чекловлар жорий қилиш ҳуқуқи берилган.

## **Россия**

Россияда микромолиялаш хизматлари бозори ҳозирда институци-онал ривожланиш босқичида бўлиб, бозорда микромолиялашда узоқ ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётган бир гурӯҳ етакчилар ажralиб чиқмоқда. Лекин, микромолиялаш бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги катта номутаносиблик бу соҳада фаолият юритишни хоҳлаган янги ташкилотлар пайдо бўлишига тўскинлик қилмоқда.

Маълумотларга кўра, 2005 йилда кичик бизнесга 5 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган, талаб эса 30 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. «Россия Микромолиялаш Маркази»нинг маълумотларига кўра, 10000 АҚШ долларигача ажратилган микрокредитларнинг умумий миқдори 1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Шундан 60 фоизи банкларнинг, 40 фоизи эса микромолиялаш ташкилотларининг ҳиссасига тўғри келади. 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра, Россияда 1200 дан ортиқ микромолиялаш ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ташкилотлар томонидан бериладиган кредитнинг ўртacha миқдори 1,7 минг АҚШ долларини ташкил қилади. Микрокредитлар 60 фоиз бўлган ҳолларда тадбиркорликка 12 ой муддатга банк фоизларидан юқори бўлган фоизларда берилади. Энг юқори фоиз ставкаси ўртacha 45 фоизни, минимал миқдори эса ўртacha 24 фоизни ташкил қилади. Кўп ҳолларда ММТ баъзи бир мижозлар гуруҳига маҳсус имтиёзли кредитлар беради. Бундай мижозлар асосан қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларидир.

Микрокредитларнинг молиявий самарадорлиги ҳақида сўз юритар эканмиз, айтиб ўтиш керакки, Россиянинг кўпгина ММТларининг таваккалчилик портфели халқаро меъёрларига мос келади. Кредитнинг кайтаришлиқ даражаси банк сектори кабидир. Ҳар иккинчи ММТнинг муддати ўтган қарздорлари 2,7 фоиздан ошмаган. Бундан ташқари, микромолиялаш ташкилотлари жуда яхши рентабеллик билан фаолият

кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич ўртача 127 фоизни ташкил қилган.

Умумий тарзда олиб қараганда, тижорат банкларидан ташқари Россияда микромолиялаш хизматларни амалга оширадиган 4 турдаги ташкилотларни кўрсатиш мумкин:

- нодавлат-нотижорат микромолиялаш ташкилотлари. Бу фақат микромолиялаш хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи маҳсус институт бўлиб, у одатда хорижий нодавлат-нотижорат ташкилотининг филиали, фондлар, кооперативлар кўринишида ташкил этилади;

- кредит уюшмалари. Бу фақат ўз аъзоларига молиявий хизматларни кўрсатадиган ва ўз аъзоларининг аъзолик бадаллари асосида тузиладиган микрокредитлаш ташкилотидир. Ушбу уюшма аъзоси бўлмаганлар бу хизматлардан фойдалана олмайди;

- қишлоқ хўжалик/қишлоқ кредит кооперативлари. Бу ташкилот худи кредит уюшмасига ўхшаб фақат қишлоқ хўжалигига фаолият кўрсатадиган ва шу кооператив аъзолари бўлганларга ўз хизматларини кўрсатади.

- кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи давлат фондлари.

Шундай қилиб, Россиядаги ММТ ўз фаолиятлари давомида кўпроқ майда мижозлар билан ишлаб, ўз кредит маблағларини кўпроқ одамларга беришга ҳаракат қиласди. Бундай ҳолатни кўпроқ миқдордаги мижозларни жалб қилиш ва уларнинг микрокредитлардан эркин фойдаланишини кенгайтиришга қаратилган микромолия-лашнинг институционал асоси билан изоҳлаш мумкин. Халқаро стандартларга кўра, ММТларнинг самарадорлигини кўрсатувчи асосий кўрсаткичлардан бири мижозларни жалб қилиш кўламининг кенглигидир.

Россиянинг микромолиялаш хизматлари янги тармоқ ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўплигига қарамасдан, уни ривожланиш истиқболлари, биринчидан, кичик тадбиркорликни молиялаш хизматларидан фойдаланишида микромолиялашнинг юқори самарадорлиги ва бу соҳада фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг молиявий барқарорлиги ва яхши самарадорлигидадир.

Ўзбекистонда ҳам юқоридаги давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда, микромолиялаш хизматларини амалга оширадиган институт сифатида «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Лекин, уни янада самалироқ фаолият кўрсатиши учун «Грамин» банки ва «Rakyat» банк тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда қуидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- микромолиялаш хизматлари кўламини, мижозлар сонини ва хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш ҳамда хизматларни мижозга максимал яқин бўлган жойда кўрсатиш;
- Бангладешдаги Грамин банки тажрибасидан келиб чиқиб, гаровни ёки учинчи шахс кафолатини топиш қийинлиги сабабли, микрокредитларга муҳтоҷ кишилар гурухини ташкил этиб, шу гуруҳ кафолати остида ёки жамғармалари асосида микрокредитлашни амалга ошириш;
- қарз олувчилар билан индивидуал ишлаш;
- кредит олишга берилган буюртмаларни қўриб чиқиш, қарор қабул қилиш ва кредитни бериш жараёнларининг оперативлигига эришиш кабилар.

Юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда микромолиялаш ташкилотларининг кўрсатадиган хизматларини кам таъминланган аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлиги ва аёллар иқтисодий фаоллигини ошириш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш каби аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш лозим.

Дунё амалиётида синалган ва бугунги кунда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётган микромолиялаш хизматларининг тажрибасидан Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги бозорнинг шаклланаётганлиги шароитида унинг ижобий томонларидан фойдаланиш назарий ва амалий жихатдан муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

### **Назорат саволлари:**

1. Кредитнинг моҳияти нимада?
2. Кредитнинг асосий шаклларини санаб ўтинг.
3. Тижорат кредитини банк кредитидан фарқи нима?
4. Микрокредит бериш тартиби кандай.
5. Кредид олишда тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати нималардан иборат?
6. Кишлоқ хўжалигини кредитлаш механизми.
7. Кредит тизими ва кредит муносабатларига таъриф беринг.
8. Кредитнинг иқтисодиётдаги функциялари.
9. Кредитлашнинг асосий тамойилларини санаб ўтинг.
10. Кредит тизимининг асосий таркибий қисмлари.

## **VI-БОБ. ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ**

Таянч иборалар: лизинг, рентинг, хайринг, лизинг берувчи, лизинг олувчи, лизинг операциялари, лизинг битими объекти, лизинг битими субъекти, лизинг тўловлари, лизинг муддати, лизинг операциялари шакллари, лизинг операциялари турлари, молиявий лизинг, оператив лизинг, қайтарма лизинг, сублизинг, револвер лизинг, лизинг устунликлари.

### **6.1. Лизингнинг асосий тушунчалари**

Муомала ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар, хўжалик юритиш иқтисодий шароитларида рўй берган чукур ўзгаришлар иқтисодиётимиз учун моддий базани янгилашнинг анъанавий бўлмаган услубларини жорий этишга мажбур қиласди.

Бозор муносабатлари кредит-молиявий тизимни соғломлаштириш ва давлат инвестицияларини қисқартиришни назарда тутади. Иқтисодий муносабатларнинг турли субъектлари томонидан қўйилган мақсадларга эришишнинг турли хил варианtlари пайдо бўлади.

Замонавий иқтисодий ривожланишнинг объектив зарурияти ҳисобланмиш илмий-техник тараққиётнинг тезлашиши, янги юқори самарадорликга эга ускуналар яратилиши ва эксплуатация қилинишини белгилаб берди. Бундай техника қиймати доимий тарзда ўсиб бормоқда, бу эса уни янгилаш жараёнини қийинлаштиради. Асосий воситаларни даврий тарзда алмаштирилиб туришни назарда тутадиган, маънавий эскириш суръатлари тезлашиб кетди. Авж олган рақобат эса, ривожланган мамлакатларнинг кўп сонли корхоналарини мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан янада интенсивроқ фойдаланишни, ва янги ускуналарни харид қилишнинг янги усуулларига мурожаат қилишга мажбур қилди.

Ускуналарга эга бўлишнинг иккита усули мавжуд – уни харид қилиш ва лизинг.

Ички ва ташқи бозорлар учун кескин рақобат шароитида,

ускуналарнинг нафақат техник тавсифлари, балки мазкур технологиялар таклиф этилаётган молиявий шартлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Лизинг ҳар иккала шартни бажариш имконини беради.

20-асрнинг 60-йилларига қадар лизингга фақатгина ер ва кўчмас мулк олинарди. Сўнгги 30 йил мобайнида лизинг анча оммавийлашиб кетди. Бугунги кунда деярли барча нарсани ижарага олиш мумкин. Самолёт, автомобиль, компьютер ёки трактор сотиб олиш ўрнига, корхона уни лизингга олиши мумкин.

Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда, лизинг ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда. Бу мамлакатимиздаги молиявий фаолиятнинг ёш, аммо жуда ҳам истиқболли йўналишидир. Маблағларнинг доимий етишмовчилиги, ускуналарнинг эскирганлиги ва ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиб кетаётганлиги, ҳамда ўсиб бораётган рақобатдошлиқ шароитида, лизингни ривожлантириш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида, «лизинг» атамаси, узок муддат истеъмол қилинадиган товарларни ижарага беришга асосланган шартномаларда фойдаланилади.

Ижара шартномасининг муддатига қараб, ижара операцияларининг учта турини ажратиш мумкин:

- қисқа муддатли ижара (рентинг) – бир кундан бир йилгача бўлган муддатга;
- ўрта муддатли ижара (хайринг) – бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга;
- узок муддатли ижара (лизинг) – уч йилдан йигирма йилгача бўлган муддатга.

Шунинг учун ҳам, лизинг деганда, одатда, шартнома муддати давомида мулкчилик ҳуқуқи ижарага берувчида сақланиб қоладиган, ижарага берувчи томонидан ижарага оловчи учун, ишлаб чиқаришда фойдаланиш мақсадида харид қилинган машина ва ускуналарнинг узок муддатли ижараси тушунилади.

Лизингнинг яна бир таърифи қуидағыча: лизинг – бу шундай ижара шартномасы, унда лизинг берувчи (ижарага берувчи) ўзига тегишли бўлган ишлаб чиқариш, савдо ва омбор мақсадида фойдаланиладиган машина ва ускуналарини белгиланган мукофот учун, муайян муддатга лизинг олувчига (ижарага олувчига) маҳсус фойдаланишга топширади. Шартномада белгиланган мукофот, ижарага берувчи томонидан, банк даромади ва мулк аморитизациясини ҳисобга олувчи, маблағ жалб этиш қийматини тўлиқ қопловчи фоиз ставкасини ўз ичига олади.

Бундан ташқари лизингни, учинчи шахс учун мулк харид қилувчи ва унга узоқ муддатга ижарага берувчи, ихтисослашган лизинг компанияси воситачилигида асосий воситаларга қўйилмаларни молиялаштиришнинг маҳсус шакли сифатида ҳам кўриш мумкин. Бунда лизинг компанияси ижарага олувчига кредит беради дейишимиз ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам лизингни айрим ҳолларда «кредит-ижара» деб ҳам атashади. Олди – сотди шартномасидан фарқли равишда, лизингда, мулкчилик ҳуқуқи ижарага берувчида сақланиб қолади, лизинг олувчи эса уни вақтинчалик фойдаланишга олади холос. Лизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг, лизинг олувчи шартнома объектини келишилган нархда сотиб олиши, лизинг шартномасини узайтириши ёки шартнома объектини қайтариб бериши мумкин.

Иқтисодий нуқтаи назардан лизинг, ускуна сотиб олиш учун берилган кредитга ўхшаш. Асосий фондларни кредитлашда, қарз олувчи қарзни қоплаш ҳисобига белгиланган тўловларни амалга ошириб боради, бунда банк кредит қайтарилишини таъминлаш мақсадида кредит берилган объектга бўлган мулкчилик ҳуқуқини қарз тўлиқ қоплангунча ўзида сақлайди. Лизингда ижарачи, шартнома муддати тугагандан сўнг ва ижарага олинган мулкнинг тўлиқ қиймати тўлангандан кейингина ижараг олинган мулк эгасига айланади. Аммо бундай ўхшашлик факатгина молиявий лизинг учун хос.

Лизингнинг иккинчи – *оператив (тезкор)* – тури, кўпроқ оддий ускуна

ижарасига ўхшаш.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи пул шаклидаги эмас, товар шаклидаги капитал билан иш кўрадилар, бу эса лизингни инвестициялашга яқинлаштиради.

Лизингнинг иқтисодий моҳияти, сотилиши, маҳсулотнинг сифати ва истеъмолчида маблағ мавжудлиги билан белгиланадиган, юқори даражада тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларда ундан фойдаланишини янада самарали қиласиди.

Юридик шакли бўйича лизинг битими инвестициявий қийматликларнинг узоқ муддатли ижарасини ўзига хос туридир. Лизинг операциясининг аниқ таърифи муҳим амалий аҳамиятга эга, чунки лизинг қонун томонидан ўрнатилган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилмаса, бу лизинг битими иштирокчилари учун салбий молиявий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Лизинг битимининг асосини қўйидагилар ташкил этади:

- битим обьекти;
- битим субъекти;
- лизинг тўловлари;
- лизинг бўйича кўрсатиладиган хизматлар.

Лизинг битимининг обьекти деб, ишлаб чиқариш циклида йўқолиб кетмайдиган ҳар қандай моддий бойликка айтиш мумкин.

Шу жумладан, корхоналар ва бошқа мулк мажмуалари, бино, иншоот, ускуна, транспорт воситалари ва тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган бошқа кўчар ва кўчмас мулк.

Одатда лизингга қўйидагилар қўп олинади:

- транспорт ускуналари (транспорт самолётлари, автомобиллар, денгиз кемалари, темир йўл вагонлари ва х.);
- алоқа воситалари (радиостанциялар, спутниклар, почта жиҳозлари ва х.);
- қишлоқ хўжалик техникаси (трактор, сеялка ва х.);

- қурилиш ускуналари (кранлар, экскаваторлар ва х.).

Лизинг битими субъекти деб, битим обьектига бевосита муносабатда бўлган барча томонларга айтилади. Улар бевосита ва билвосита иштирокчиларга ажратилади.

Лизинг битимининг бевосита иштирокчиларига қўйидагилар киради: лизинг фирмалари ва компаниялари (лизинг ёки ижара берувчилар); ишлаб чиқариш (саноат ёки қишлоқ хўжалиги), савдо ва транспорт корхоналари ва аҳоли (лизинг ёки ижарага оловчи); битим обьектларини етказиб берувчилар – ишлаб чиқариш (саноат) ва савдо компаниялари.

Лизинг битимининг билвосита иштирокчилари бўлиб, лизинг берувчини кредитловчи тижорат ва инвестициявий банклар, ҳамда битимнинг кафолати сифатида чиқувчи сугурта компаниялари, брокерлик ва бошқа воситачилик фирмалари хизмат қилиши мумкин.

Ижара туридан қатъий назар (қисқа, ўрта ёки узок муддатли), ижара муносабатларини амалга оширувчи барча фирма «лизинг» фирмалари деб айтилади. Ўз фаолияти бўйича улар ихтисослашган ва универсал фирмаларга ажратилади.

Ихтисослашган компаниялар одатда, бир турдаги товарлар (енгил автомобиллар, контейнерлар) ёки стандарт шаклдаги бир гуруҳга мансуб товарлар (курилиш ускуналари, текстил корхоналари учун ускуналар) билан фаолият юритадилар. Бундай фирмалар, одатда, товар ёки ускуналарнинг муайян захирасига эга бўлиб, мижознинг биринчи талаби биланоқ, уларни етказиб берадилар. Ускуналарга техник хизмат кўрсатиш ва уларни нормал эксплуатацион ҳолатда сақланиши ҳам лизинг компаниялари зиммасида бўлади.

Универсал лизинг фирмалари хилма-хил турдаги машина ва ускуналарни ижарага берган ҳолда, ускуна етказувчини танлаш билан ижарага оловчининг ўзи шуғулланади. Бунда лизинг берувчи молиявий битимларни ташкил этувчи муассаса ролини ўйнайди.

## **6.2. Лизинг муддати**

Лизинг даври деганда, лизинг битимининг амал қилиш муддати тушунилади.

Муддат белгилашда қуйидагилар эътиборга олинади.

Ускуналар хизмат муддати техник-иктисодий тавсифлар билан аниқланади.

Шартнома муддати ускунанинг мумкин бўлган эксплуатацияси муддатидан ошмаслиги лозим. Ускуна амортизацияси даври ҳукumat органлари томонидан белгиланади. Молиявий лизингда шартнома муддати, одатда, амортизация даврига тенг бўлади. Ишлаб чиқараётган маҳсулоти қисқа муддатларда янгиланувчи тармоқларда, лизинг обьектининг унумдорлироқ ёки арzonроқ аналогини ишлаб чиқариш цикли муҳим ҳисобланади.

Инфляция жараёнларининг ўзгариши. Тез ўсуви инфляция шароитида, лизинг берувчи учун белгиланган нархларда узоқ муддатга шартнома тузиш фойдали эмас. Суда капитали бозорлари конъюнктураси ва уни ривожланиш йўналишлари. Лизинг компаниялари банк кредитларидан кенг миқёсда фойдаланганлиги сабабли, лизинг фоизининг асоси бўлган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг даражаси шартнома муддатига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Аммо деярли ҳар қандай лизинг шартномаси қуйидаги элементларни ўз ичига олиши лозим: шартнома томонлари, шартнома предмети, амал қилиш муддати, томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, лизинг тўловлари шартлари, битим обьекти суғуртаси, лизинг шартномасини бекор қилиш тартиби.

## **6.3. Лизинг операцияларининг шакли ва турлари**

Лизинг турларини ажратишда, қуйидагиларни тавсифловчи белгиларга асосланади:

- ижарага олинадиган мулкка муносабати;

- лизинг операциясини молиялаштириш тури;
- лизинг мулкининг тури;
- лизинг битими иштирокчиларининг таркиби;
- лизингга бериладиган мулк тури;
- лизинг мулкининг қопланиш даражаси;
- лизинг операциялари амалга ошириладиган бозор сектори;
- солик, божхона ва амортизацион имтиёзларга муносабати;
- лизинг тўловлари тартиби.

Лизинг туркумланади:

1. Мулк тури бўйича: кўчадиган мулк лизинги (ускуна, техника, автомобиллар, кемалар, самолётлар ва х.), шу жумладан янги ва фойдаланилган. Кўчмас мулк лизинги (ижарага берувчи бино ва иншоотларни ижарага олевчи буюртмасига кўра барпо этади ёки сотиб олади). Фойдаланилган лизинг мулки.

2. Мулкни қопланиш даражаси бўйича:

- тўлиқ қопланадиган лизинг (шартнома амал қилиш муддати давомида ижарадаги мулкнинг қиймати тўлиқ тўланади);
- тўлиқ қопланмайдиган лизинг, бунда битта лизинг шартномаси амал қилиши даврида лизингга берилган мулкнинг қисман амортизацияси амалга оширилади ва унинг бир қисмигина қопланади.

3. Амортизация даражасига қараб:

- тўлиқ;
- тўлиқ бўлмаган.

4. Кўрсатилаётган хизматлар ҳажми бўйича:

- соф (мулкка хизмат кўрсатиш харажатларини лизинг олевчи тўлайди);
- тўлиқ (мулкка хизмат кўрсатиш харажатларини лизинг берувчи тўлайди). Лизингнинг ушбу туридан, одатда, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фойдаланилади. Қиймати бўйича тўлиқ лизинг энг қиммат лизинг турларидан бири ҳисобланади.;
- қисман, (хизматларнинг қисман тўплами билан), бунда лизинг

берувчига мулкка хизмат күрсатиш бўйича айрим функцияларгина юкланди.

5. Бозор сектори бўйича:

- ички (барча битим иштирокчилари битта мамлакатда жойлашган);
- халқаро (ташқи), бунда битим иштирокчиларининг камидаги биттаси бошқа мамлакатга тегишли. Агарда лизинг иштирокчиларининг биринчий эл корхонаси билан қўшма фаолият олиб борган тақдирда ҳам лизинг халқаро ҳисобланади.

Ўз навбатида ташқи лизинг импорт, лизинг берувчи чет эллик бўлса ва экспорт, лизинг олувчи чет эллик бўлса, турларига бўлинади.

6. Лизинг тўловларининг тавсифи бўйича:

- пул тўловлари билан (барча тўловлар пул шаклида);
- компенсацион тўловлар билан (ижарарадаги ускуналарда ишлаб чиқарилган товарларни етказиб бериш);
- қўшма тўлов билан.

7. Солиқ ва амортизация тўловларига муносабати бўйича қўйидагича фарқланади:

- амалдаги (мулк, даромад солиғи, ҚҚС, турли хил йиғимлар, тезлаштирилган амортизация бўйича имтиёзлардан фойдаланган ҳолда);
- фиктив (имтиёзлардан фойдаланилмаган);
- қўшма.


8. Битим иштирокчиларининг таркиби бўйича:

- тўғридан-тўғри, бунда мулк эгаси (етказиб берувчи) обьектни мустақил лизингга топширади (икки томонлама битим). Мазмуни бўйича бундай битимни анъанавий лизинг битими деб бўлмайди, чунки унда лизинг компанияси иштирок этмайди.

- воситали, бунда мулкни лизингга топшириш воситачи орқали амалга оширилади. Бундай лизинг битими анъанавий лизинг операциясига ўхшашиб, чунки унда лизинг берувчи, лизинг олувчи ва етказиб берувчи мустақил тарзда иштирок этади.

#### 6.4. Лизингнинг кенг тарқалган турлари

Молиявий (капитал) лизинг ижарага оловчи томонидан амалга ошириладиган тўловлар ижарага олинаётган ускунанинг амортизацион қийматини тўлиқ қоплашини назарда тутадиган узок муддатли келишув. Бундай келишувлар ижарани муддатидан олдин тугатилишини назарда тутмас экан, даврий тўловларни тўғри аниқлаш, мулк эгасига мулкни харид қилиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича барча харажатларни қоплаш, ҳамда талаб этилган даромадлилик даражасини таъминлаш имконини беради. Молиявий лизинг қуидагиларни назарда тутувчи схема (6.1-расм) бўйича амалга оширилади:



6.1.-Расм. Молиявий лизинг схемаси

Лизингнинг ушбу турида, мулкка хизмат кўрсатиш бўйича барча харажатлар ижарага оловчи зиммасига юкланди. Кўпгина ҳолларда, бундай келишувлар ижара муддати тугагандан сўнг, ижарачига мулкни имтиёзли ёки қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиш хуқуқини беради.

**Оператив (тезкор) лизинг** – бу лизингни шундай турики, унда лизинг берувчининг ижарага бераётган обьектни сотиб олиш ва унга хизмат

кўрсатиш харажатлари битта лизинг шартномаси тўловлари билан қопланмайди, бу эса уни ижарага бир неча маротаба бериш заруриятини келтириб чиқади.

Одатда бундай шартнома 2-5 йилга тузилади. Оператив (тезкор) лизингда обьектга зиён етказиш ва йўқотиш хавфи лизинг берувчи зиммасига юклатилади. Лизинг тўловлари ставкаси эса, харажатларни қоплаш кафолати бўлмаганлиги сабабли, молиявий лизингга нисбатан юқори бўлади.

Оператив лизингнинг асосий обьектларига ускуналарнинг тез эскирадиган (компьютерлар, нусха кўчириш ва қўпайтириш техникаси ва б.) ва доимий сервис хизмати кўрсатилишини талаб қиласидиган, техник мураккаб турлари (енгил ва юк автомобиллари, ҳаво кемалари, темир йўл ва денгиз транспорти) киради.

Умуман олганда, оператив лизинг шартлари ижарага оловчи учун нисбатан фойдалироқ. Хусусан, ижарапи муддатидан олдин тугатиш имконияти маънавий эскирган ускуналардан тезда воз кечиш ва уларни нисбатан янги ва самаралироқ ускуналар билан алмаштириш имконини беради.

Бундан ташқари, ноқулай вазиятли ҳолатлар содир бўлганда, ижарага оловчи ускуналарни эгасига қайтарган ҳолда, мазкур фаолият турини тезда тўхтатиши ва ишлаб чиқаришни тўхтатиши ёки қайта ташкил этиш харажатларини анча камайтириши мумкин.

Бир марталик лойиха ёки буюртмаларни бажаришда эса, оператив лизинг, кейинчалик керак бўлмайдиган ускуналарни сотиб олишдан холи қиласиди.

**Қайтарма лизинг** – шундай иккита битим тизимидан иборатки, унда мулк эгаси ўз мулкини иккинчи бир шахсга сотади, ва бир вақтнинг ўзида ушбу мулкни ундан узоқ муддатли ижарага олади.

Бунда харидор сифатида ҳар қандай молиявий институт (банк, сугурта компанияси, инвестициявий жамғарма, лизинг операцияларига ихтисослашган фирма) чиқиши мумкин.

Лизингнинг бундай тури натижасида фақатгина мулкдор ўзгаради, мулқдан фойдаланувчи эса ўзгармасдан туриб, қўшимча молиявий маблағлардан фойдаланиш имконига ҳам эга бўлади. Инвестор эса, мулкнинг олдинги эгасига кредит берган ҳолда, таъминот сифатида мулкчилик ҳуқуқини олади.

Бундай операциялар корхоналар молиявий аҳволини барқарорлаштириш мақсадида амалга оширилади.

**Улушли лизинг** (бир нечта иштирокчилар билан). Лизингнинг ушбу тури мураккаб ва йирик миқёсдаги объектларини (авиатехника, денгиз ва дарё кемалари, темир йўл ва ҳаракатланувчан таркиб ва х.) молиялаштириш шакли сифатида кенг тарқалган. Лизингнинг бу тури гурухли ёки акциядорли лизинг деб ҳам юритилади. Бундай лизинг кўп тармоқли молиялаштиришга эга бўлганлиги учун, энг мураккаб ҳисобланади. Улушли лизингнинг ўзига хос хусусияти шундаки, лизинг берувчилар лизинг объектини сотиб олиш учун лозим бўлган сумманинг бир қисмини берадилар холос. Лизинг объекти шартномавий қийматининг қолган қисми кредиторлар (банклар, бошқа инвесторлар) томонидан молиялаштирилади.

**Сублизинг** – лизинг муносабатларининг шундай турики, унда лизинг объектидан фойдаланиш ҳуқуқи учинчи томонга (одатда у ҳам лизинг компанияси бўлади) ўтказилади. Асосий ижарага берувчи ижара тўловларини олишда устунлик ҳуқуқига эга бўлади. Сублизингда, сублизингни амалга оширувчи шахс лизинг объектини лизинг шартномаси бўйича олади, ва сублизинг шартномаси бўйича вақтинчалик фойдаланишга топширади.

**Револьвер лизинг.** Бошқача қилиб айтганда ускуналарни кетма-кет алмаштирилишини назарда тутадиган лизинг.

Лизинг олувчига, технология бўйича, кетма-кет тарзда турли хил ускуналар лозим бўлганда фойдаланилади. Бундай вазиятларда, лизинг олувчи, лизинг шартномасига мувофиқ, муайян муддатдан сўнг ижарага олинган ускунани бошқа лизинг объектига алмаштириш ҳуқуқига эа бўлади.

## **6.5. Лизинг операциялари субъектларининг вазифалари**

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида агросаноат мажмуада лизинг операцияларини омалага оширилишида фаол иштирок этувчи мазкур субъектларнинг ҳар бирига лизинг операциялари моҳиятидан келиб чиқиб, қуидаги вазифалар юклатилган:

Лизинг компаниясига:

- Республикада техника воситалари лизинги сиёсатини олиб бориш ва уни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;
- ўзининг минтақавий филиаллари орқали лизинг олувчилар билан ўрнатилган тартибда молиявий лизинг шартномаларини тузиш;
- жамғарма маблағларига бўлган ўз эҳтиёжини аниқлаш;
- жамғарма билан молиявий ресурслар ажратиш, Банк билан молия агенти тамойилларини ва “Суғурта” компанияси билан суғурта агенти тамойилларини бажариш юзасидан тагишли шартномаларни тузиш;
- жамғарманинг кафолат хатлари асосида зарур техника воситаларини ишлаб чиқариш юзасидан машиносозлик корхоналарига буюртмалар бериш ва уларни етказиб беришга доир шартномаларни тузиш;
- лизинг олувчилар томонидан лизингт ўловларини ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;
- Банқдаги операция хисоб рақамидан Машиносозлик корхонасига навбатида чорак учун жойлаштирилган буюртма умумий хажмининг 30 фоизи миқдорида аванс пулинин тўлаш;
- лизинг олувчига техникани суғурта полиси мавжуд бўлгандагина бериш;
- техника воситасини лизинг олувчи томонидан қабул қилиниб олингандан кейин машиносозлик корхонасига қолган 70 фоиз маблағни ўтказиш (узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш);
- лизинг олувчилардан олинган сумманинг қолган қисмини 3 кун муддатда жамғарманинг банқдаги ҳисоб рақамига ўтказиш;
- жамғарма маблағларида мақсадли фойдаланиш ва ҳисоб-китоблар

тартибига қатъий риоя қилиш.

Жамғармага:

-ишлаб чиқариладиган техникага ҳақ тўлаш учун зарур бўлган ресурсларни шакллантириш, ва уларнинг манбаларини аниқлаш;

-лизинг компаниясига ажратилган молиявий ресурслар ҳажми учун кафолат хатларини бериш;

-ўз маблағларини лизинг компаниясига 7 йил муддатга имтиёзли фоизларга ссуда сифатида тақдим этиш ва унга маблағларни қарзга бериб туриш;

-лизинг компаниясининг Банқдаги операция ҳисоб рақамига зарур маблағларини ўтказиш;

-марказий банкдан олинган имтиёзли кредитларни белгиланган муддатларда қайтариш.

Банкга (лизинг компаниясининг молиявий агенти):

-лизинг компаниясининг барча ҳисоб китобларига молиявий хизмат кўрсатиш;

-лизинг олувчилар билан тузилган лизинг шартномалари ва машинасозлик корхоналари билан техника воситаларини етказиб беришга доир тузилган шартномалар бўйича белгиланган тўловлар ва молиявий мабжбуриятларни ўз вақтида бажарилиши устида назорат ўрнатиш;

-лизинг олувчилар томонидан лизинг тўловлари олдиндан тузилган жадвал асосида амалга оширилмагандан унинг ҳисоб рақамига сўзсиз бажарилиши лозим бўлган тўлов талабаларини қўйиш ва ундирилган пул маблағларини лизинг компанияси операция ҳисоб рақамига ўтказиш.

Лизинг олувчиларга:

-лизинг бўйича етказиб бериладиган техника воситаларига бўлган ўз эҳтиёжларини аниқлаш ва улар асосида тузилган буюртмаларни лизинг компаниясининг минтақавий филиалларига топшириш;

-ўрнатилган тартиб асосида лизинга олинадиган техника бўйича хужжатлар тўпламини тайёрлаш ва лизинг компаниясининг минтақавий

филиалларига топшириш;

-техника воситаси қийматининг 15 фоизини ўз маблағлари ҳисобидан аванс тариқасида тўлаш;

-лизингга олинадиган техникани ўз маблағлари ҳисобидан сұғурталаш;

-техника қийматининг қолган 85 фоизни ва лизинг бўйича фоизларни 7 йил мобайнида тўлаш юзасидан молиявий лизинг шартномаларини тузиш;

-жадвалда белгилаб қўйилган лизинг тўловларини ўз вақтида амалга ошириш;

-лизинга олинган машина ва механизmlарни техник талабларига риоя қилган ҳолда ишлатиш ҳамда уларни бузилишидан ва талан-тарож бўлишдан сақлаш.

Булардан ташқари маҳсус жамғармаси учун 7 йил мўлжалланган имтиёзли кредитларни ажратиш марказий банкка, техник жихатдан пухта ва пишиқ машиналарни ишлаб чиқариш ва уларни лизинг олувчиларга етказиб бериш машинасозлик корхоналарига лизинга олинаётган техникани сұғурталаш “Сұғурта” компаниясига юклатилган вазифалардир.

## **6.6. Кичик бизнес субъектлари учун лизингнинг устунликлари**

Ускуналарга эга бўлишнинг бошқа турларига нисбатан (тўловни кечиктириб амалга ошириш, банк кредити ва х.) лизинг бир қатор муҳим устунликларга эга:

1. Лизингда, тўғридан-тўғри харид қилишдан фарқли равишда, ускуна сотиб олиш учун катта микдордаги айланма маблағларини ишлаб чиқаришдан ажратган ҳолда жалб этиш талаб қилинмайди. Ускунадан фойдаланиш учун лизинг тўловлари вақт бўйича, тахминан ускуна қопланиш муддатига teng бўлган, муддатга (лизинг шартномаси муддати) чўзилади. Ускунадан фойдаланиш учун тўловлар ундан фойдаланиш муддатига мувофиқ бўлади ва корхона дарормад олишидан бошлаб тўланади. Лизинг муддатлари ускуна қопланиши муддатига одатда teng бўлади.

2. Лизингга қарзни тўлаш графигини тузиш борасида катта

эгилувчанлик хосдир. Ускуна эксплуатацияга туширишга қадар корхона ҳеч қандай тўловларни амалга оширмайди, шунингдек лизинг тўловлари графигида тўлиқ қўвватга ўтиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг мавсуумийлигини ҳам акс эттириш мумкин.

3. Лизингда ускуна, томонларнинг келишувига кўра, лизинг компанияси ёки лизинг олувчи балансида рўйхатдан ўтган бўлиши мумкин. Бу лизинг олувчига ўз фаолияти тузилмасини шакллантиришда кўпроқ имконият беради.

4. Лизингга бериладиган ускуналарга нисбатан тезлаштирилган («3» коэффициентгача) амортизацияни қўллаш имконияти. Бу солиқقا тортиш мақсадида ускуна қийматини уч маротаба тезроқ харажатларга чиқариб ташлаш ва мулк солиғини уч мартага камайтириш, мулқдан фойдаланиш рентабеллигини ошириш ёки лизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг лизингнг объектини бозор баҳосида сотиб даромад олиш имконини беради.

5. Лизинг битимини молиялаштириш учун кредит ресуурсларини излаш лизингн компанияси зиммасига юклатилади.

6. Инвестициявий операцияларни амалга оширишда мижозга техник ёрдам кўрсатиш.

7. Лизинг обьекти асосий таъминот сифатида хизмат қиласди. Лизинг обьектининг ликвидлиги етарлича бўлмаган ва лизинг битими етарлича таъминланмаган бўлса, лизинг компанияси қўшимча таъминот талаб қилиши мумкин.

8. Пул маблағлари чиқувчи оқимнинг камайиши. Ускунани харид қилиш билан боғлиқ барча харажатлар тўла ҳажмда таннархга киритилади. Бу солиқقا тортиладиган базани анча камайтиради ва айланма воситаларни сақлаб қолади.

9. Лизинг корхонага кичик бир марталик харажатлар билан замонавий ускуна ва техникаларни етарлича ҳажмда олиш имкониятини беради. Сир эмаски, ўз ишлаб чиқаришини замонавий ускуналар билан

жихозлаш истагида бўлган кўпгина ўзбек корхоналари уни харид қилиш учун мамблағлар етишмаслиги муаммосига дуч келадилар, юқори технологик ускуналарни ишалб чиқарувчи корхоналар эса ўз маҳсулотини сотиш борасида қийинчиллик сезадилар. Молиявий воситачи сифатида хизмат қилувчи лизингн компанияси турли хилдаги ускуналар харидори ва етказиб берувчиларга самарали фаолият юритиш имконини яратади. Бунда ишлаб чиқаришга жалб этилган маблағларни жамлаш зарурияти умуман пайдо бўлмайди.

10. Корхона кредит жозибадорлигини сақлаб қолиш. Лизинг ўз ва қарз капиталининг оптимал нисбатига эришиш имконини беради.

11. Лизинг корхонага, вақт оралиғи мобайнида ўз пул оқимларини аниқ режалаштириш имкониятини яратади.

## **6.7. “Камаз” русумли автоуловни лизингга олиш бизнес-режа**

### **Резюме**

Манзилгоҳи: Тошкент шаҳар Халқа йўли кўчаси 7-й. Тошкент шаҳар хокимиётининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2005 йил 14 мартағи №-000952-01 сонли тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган ва юридик шахс макомини олган.

### **1. Лойиҳанинг мақсади.**

Халқимизнинг сифатли ва арzon курилиш ишлари, уйларни таъмирлаш мақсадида, “Burg’ilash va Portlatish ishlari maxsus boshqarmasi” корхонаси “Камаз” русумли автоуловни ижарага олиб ўз режасини амалга оширишни мақсад килиб кўйган. Ушбу соҳада ракобат муҳитининг шакилланиб бораётганлигини хисобга олган ҳолда корхона олдида автотранспорт хизматларининг арzon нархда хамда, сифатлилиги хусусий фирманинг бозор иқтисодиёти шароитида келгусидаги истикболини белгилаб беради. Бундай фаолият тури билан шугулланиш учун бежиз “Камаз” русумли автоуловдан фойдаланилади.

Хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун сарф килинадиган капитал маблағ (банк кредити ҳисобидан).

6.1-жадвал. сўм

№	Инвестиция	Миқдори	Ўртacha нархи (сўм)	Жами (сўм)
1	Камаз русумли авто	1 дона	64.000.000	64.000.000
	Жами			64.000.000

## 2. Қурилиш ишларини ташкил этиш режаси

“Burg’ilash va Portlatish ishlari maxsus boshqarmasi” раҳбари ўз иш фаолиятини аҳолига сифатли ва бежирим қурилиш ишларини ташкил этишга йўналтирилган. Техникани лизингга олиш ҳисобига “Камаз” русумли автоуловни лизинга олиш натижасида транспорт хизматларини тежаш оркали даромад олишни режалаштирган. Корхона томонидан қурилиш ишларини олиб бориш учун малакали ишчилар ишлаб келмоқда.

“Burg’ilash va Portlatish ishlari maxsus boshqarmasi” ўз олдига келгусида иш ҳажмини кенгайтириш, ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг замонавийлаштиришни мақсад килиб кўйган.

### *Мехнат ресурслари*

Лизингга олинган технологиялар яъни Камаз русумли автоулов йил давомида иш бажариши учун бир киши етарли. Лекин автоуловни икки смена ёки белгиланган вақт меъёридан оширадиган бўлсак иккинчи кишини ҳам олишимиз мумкин. Қилинадиган меҳнат қониқарли бўлиши учун агротехник тадбир ишлари тўғри ва сифатли бажарилиши учун тажрибали хайдовчи ишчиларни жалб этиш керак.

### **3. Лойиҳанинг мақсади бир йил давомида**

6.2-жадвал

№	Хизмат кўрсатиш тури	Хажми	Жами
1	Курилиш ишлари	-----	26.670.000
2.	Реконструкция ишлари	-----	29.780.200
	Жами		56.450.200

Жами қурилиш натижасида келиб тушадиган тушумни куйидаги жадвалда кўрамиз

6.3-жадвал

Бир ойда	Бир йилда	Уч йилда
4.704.183	56.450.200	169.350.600

6.4-жадвал

### **Лизинг компанияси шартлари**

№	Молиялаштириш шартлари	
1	Лизинг объектига (Камаз русумли автоулов) эгалик қилиш ва фойдаланиш муддати	36 ой
2	Аванс тўлови хажми, лизинг обьекти қийматига нисбатан % да	15 %
3	Фоиз ставкаси, % йиллик	4,8 %
4	Лизинг тўловларини амалга ошириш даврийлиги	Ҳар ойда
5	Лизинг муддати	3 йил

6.5-жадвал

**Лизинг компанияси шартлари бўйича ҳисоб китоби**

Кўрсаткичлар	Қиймати
Аванс миқдори (15%)	9600000
«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АК га 1 йиллик тўлов % (4.8%)	3072000

5.4-жадвалда лизинг берувчи компаниянинг лизинг олувчига қўйган шартлари кўрсатиб ўтилган.

**2. Хизмат кўрсатиш харажатлари**

6.6-жадвал

Юқорида курилиш ишлари режаси учун бир йилда куйидаги харажатлар режалаштирилмоқда.

№	Харажатлар номи	Миқдори (сўм)	Баҳоси	Қиймати
1	Гишт (1.5)	36720 дона	160	5.875.200
2	Гипс (алибастер, мел, шпаклевка)	125 дона	7000	875.000
3	Краска (эмulsionия, колор)	126 дона	13.000	1.638.000
4	Аванс миқдори (15%)	----	----	9600000
5	Лизинг тўлови	Графикка асосан	----	3072000
6	Бошка харажат	-----	-----	3.500.000
7	Жами харажатлар			24.560.200

5.6-жадвалда лизинг олувчи техника воситасини олганидан сўнг фойда олиш мақсадидаги фаолияти давомида қиласиган харажатлари кўрсатилган. Бунга асосан лизинг олувчи бир йилда жами 24.560.200 сўм харажат қилиши

хисобланган.

### 3. Уч йил мобайнида қилинадиган харажатлар

6.7-жадвал

№	Харжатлар номи	Биринчи йилда	Иккинчи йилда	Учинчи йилда
1	Гишт (1.5)	5.875.200 0	11.750.40 0	17.625.60 0
2	Гипс (алибастер, мел, шпаклевка)	875.000	1.750.000	2.625.000

5.7-жадвал давоми

3	Краска (эмulsionия, колор)	1.638.000	3.276.000	4.914.000
4	Аванс микдори (15%)	9600000	-	-
5	Лизинг тўлови	3072000	3072000	3072000
6	Бошқа харажат	3.500.000	7.000.000	10.500.00 0
7	Жами	24.560.20 0	26.848.40 0	38.736.60 0

6.8-жадвал

### 6. Лизинг тўловларини тўлаш тартиби

№	Тўловлар тўланиш санаси	Объектнинг қолган қиймати	Маржа	Лизинг объекти- нинг қайтариш қиймати	Жами тўловлар
1	1-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
2	2-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
3	3-ой		256.000	1.777.777	2.033.777

4	4-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
5	5-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
6	6-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
7	7-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
8	8-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
9	9-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
10	10-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
11	11-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
12	12-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
	Жами		3.072.000	21.333.324	24.405.324
1	1-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
2	2-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
3	3-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
4	4-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
5	5-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
6	6-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
7	7-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
8	8-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
9	9-ой		256.000	1.777.777	2.033.777

#### 6.8-жадвал давоми

10	10-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
11	11-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
12	12-ой		256.000	1.777.777	2.033.777
			3.072.000	21.333.324	24.405.324
1	1-ой	25.588.000	256.000	1.777.777	2.033.777
2	2-ой	23.454.000	256.000	1.777.777	2.033.777
3	3-ой	21.320.000	256.000	1.777.777	2.033.777
4	4-ой	19.186.000	256.000	1.777.777	2.033.777
5	5-ой	17.052.000	256.000	1.777.777	2.033.777

6	6-ой	14.918.000	256.000	1.777.777	2.033.777
7	7-ой	12.784.000	256.000	1.777.777	2.033.777
8	8-ой	10.650.000	256.000	1.777.777	2.033.777
9	9-ой	8.516.000	256.000	1.777.777	2.033.777
10	10-ой	6.382.000	256.000	1.777.777	2.033.777
11	11-ой	4.248.000	256.000	1.777.777	2.033.777
12	12-ой	2.114.000	256.000	1.777.777	2.033.777
	жами		3.072.000	21.333.324	24.405.324
	Умумий жами		9.216.000	64.000.000	73.216.000

Лизинг объекти қийматини бир миқдорда түланиши – асосий қарзни бир хилда бўлиниши орқали амалга оширилади. Бир миқдорда тўлаб бориш тартибига асосан барқарор корхоналарга нисбатан қўлланилади. Фоизлар лизинг объектини дастлабки қийматдан ҳисобланиб борилади.

$$P = (CxRxT + C) / N, \quad SP + CxRxT + C$$

$$2.033.777 = 64000000 * 4,8\% * 3 \text{йил} + 64000000 / 36 \quad (P)$$

$$73.216.000 = 64000000 * 4,8\% * 3 \text{йил} + 64000000 \quad (SP)$$

$P$  – лизинг тўлови;

$SP$  – умумий лизинг тўловлари ҳажми;

$C$  – лизинг объекти нархи;

$R$  – лизинг компаниясини йиллик фоиз ставкаси;

$r$  – тўлов даврида тўғри келадиган фоиз ставкаси;

$N$  – лизинг тўловларининг умумий сони;

$T$  – лизинг муддати (йилларда).

#### 4. Молиявий режа

6.9-жадвал

№	Кўрсаткичлар номи	Уч йил
1	Курилиш ишлари ва реконструкция ишлари учун тушадиган тушум	169.350.600
2	Гишт (1.5)	17.625.600
3	Гипс (алибастер, мел, шпаклевка)	2.625.000
4	Краска (эмальсия, колор)	4.914.000
5	Аванс миқдори (15%)	9600000
6	Лизинг тўлови	9.216.000
7	Бошка харажатлар	10.500.000
8	Соф фойда	53.140.800

Агар корхонанинг тўлов қобилияти юқори бўлса ва доимий пул айланмасига эга бўлса, бундай корхоналарга берилган шу тўлов тартиби тавсия этилиши мумкин. Бунда корхонанинг молиявий режасини афзаллик томони шундаки, доимий равишда тўловларни бир миқдорда бўлишини эътиборга олиб, ўз пул оқимларини аввалдан режалаштиришлари ва уларни лизинг тўловларини тўлаб бўлгандан кейинги ҳолатини қай тарзда тақсимлашни белгилаб олиши мумкин бўлади.

“Burg’ilash va Portlatish ishlari maxsus boshqarmasi” лизингдан фойдаланиш жараёнида бир йилда 17.713.600 сўмлик ва жами уч йилда 53.140.800 сўмлик соф фойдага эга бўлади.

### *Лойихага қўйиладиган талаблар*

Камазни ёллаган корхона ққилинадиган ишни аъло даражада бўлишини истайди. Шунга мувофиқк лойихага қўйидаги талаблар қўйилади:

- ❖ белгиланган иш вақтида ишларни бажарилиши;
- ❖ агротехник тадбирлар бажарилиши.
- ❖ аналогик ишлаб чиқаришда таъсир (эффект) кўрсаткичларнинг юққорилиги

### Амортизация ажратмалари ҳисоб-китоби

№	Кўясаткичлар	Қиймати
1	2004 йилда Камаз русумли автоулов	64000000
2	2005 йилда Камаз русумли автоулов	57600000
3	2006йилда Камаз русумли автоулов	51840000
	Камаз русумли автоулов 3 йилда	51840000
	3 йиллик фойда	53.140.800

6.10-жадвалда Камаз русумли автоуловига амортизация ажратмалари ҳисобланиши натижасида унинг қийматининг ўзгариши ҳисобланган бўлиб, уч йилда унинг қўймати 64000000 сўмдан 51840000 сўмга тушади. Амортизация бу ишлатилган ишлаб чиқариш воситаларини пул ифодасидаги қопланишидир, хар хил турдаги ишларни бажариш учун харажатларга маълум бир қўисмини уларнинг бошлангич нархини қўйшишдир.

Уч йиллик фойда 53.140.800 сўмни ташкил этади. Агар лизинг олувчи шу тариқа фойда олишга эриша борса лизинг муддати тугагандан сўнг лизинг обьектини сотиб олиши мумкин. 2002 йил 28 августда кабул килинган «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рагбатлантириш чора тадбирлари тугрисида»ги Узбекистон республикаси Президентининг Фармонига кура Соликка тортилмайди.

### Хуроса

Лойиха натижалари қўйидаги асосий хуросалар ва тавсияларни ифодалаш имконини беради:

- акциядорлик лизинг компаниясидан олинган Камаз русумли автоуловини баҳоси 64.000.000 сўмни ташкил этиб аванс миқдори (15%)

9600000 сўм ва бир йиллик лизинг тўлови (4,8%) 3.072.000 сўм талаб этилади;

- Лизингга олинган техникани муддати 3 йилни ташкил этади;
- Лизинг олувчи бир йилда 56.450.200 сўм даромад кўради ва 24.560.200 сўм харажат қилиши ҳисобланган ва ижарага олинган давр ичида йиллига 17.713.600 сўм фойда олади;
- Камаз русумли автоуловига амортизация ажратмалари ҳисобланниши натижасида унинг қийматининг ўзгариши ҳисобланган бўлиб, уч йилда унинг қиймати 64000000 сўмдан 51840000 сўмга тушади.
- Ушбу лойиҳани амалга оширилиши, халқ хўжалигини техника билан таъминлаш даражасини оширади, ишлаб чиқаришни ташкил этишни катта инвестиция харажатларсиз ҳамда бошқа ресурслар жалб қилмаган ҳолда амалга оширишга имкон беради;
- хозирги кунда, ускуналарнинг тез эскириш шароитида (инновация жиҳатида) корхоналарга ишлаб чиқаришда янги ва замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш имконияти яратилади;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида мол мулк ҳамда молиявий ресурсларга бир вақтда эгалик қилиш имкониятига эга бўлади;
- лизингдан фойдаланганда мол мулк солиғидан озод этилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Лизинг тушунчасига таъриф беринг.
2. Лизинг битими асосини нима ташкил этади?
3. Лизинг операцияларининг шакллари.
4. Лизинг операцияларининг турлари.
5. Лизингнинг устунликлари ва камчиликлари.
6. Молиявий лизингдан фойдаланиш тартиби.
7. Оператив лизингидан фойдаланиш тартиби.
8. Кредит ва лизинг ўртасидаги фарқлар нималардан иборат.
9. Лизинга техникани олиш тартиби.

10. Техникани лизинга олишда кандай хужжатлар тақдим этилади.

## **VII-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАШТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ-МАТЕМАТИК АСОСЛАРИ**

Таянч иборалар: пул қиймати, қийматни орттириш, дисконтлаш, фоизлар назарияси, мураккаб фоизлар, инфляция, фоиз ставкаси, пул оқимлари, аннуитет.

### **7.1. Пулларнинг вақт оралиғидаги қиймати концепцияси**

Лойиҳага пул инвестицияларини жойлаштириш ҳақидаги ечим қабул қилинаётганда, инфляция, хавф-хатар, номаълумлик, пулларни муқобил равиша ишлатилиши ҳисобга олиниши лозим.

Пулларнинг вақт оралиғидаги қиймати концепцияси қуйидаги асосий тамойилга асосланган: ҳозирги кундаги бир сўмнинг қиймати, келажакда олинадиган бир сўм қийматидан катта, чунки у инвестиция сифатида киритилиши ва қўшимча фойда олиб келиши мумкин. Инвестициявий лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш айнан ушбу тамойилга асосланган.

Бу тамойил пулларни вақт оралиғидаги қиймати концепциясини юзага келтиради. Концепциянинг асосий мазмуни шундаки, пулларнинг қиймати вақт ўтиши билан, пул ва қимматли қоғозлар бозорларидағи даромадлилик меъёрини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб туради. Даромадлилик меъёри сифатида ссуда фоизи меъёри ёки оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш меъёри қабул қилинади.

Инвестициялаш одатда узоқ муддатли жараён эканлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, инвестициявий амалиётда, одатда, инвестициялаш жараёнининг бошидаги пуллар қиймати, келажакдаги фойда кўринишидаги, қайтарилиши лозим бўлган пуллар қиймати билан таққосланади. Пул маблағларини киритиш ва қайтаришдаги қийматларини таққослаш

жараёнида иккита асосий тушунча қўлланилади: **пулларнинг ҳозирги қиймати ва пулларнинг келажакдаги қиймати.**

Шундай қилиб, битта пул суммасини икки нуқтаи назардан қўриб чиқиш мумкин:

- а) ҳозирги қиймати нуқтаи назаридан;
- б) келажакдаги қиймати нуқтаи назаридан.

Аммо, келажакдаги пулларнинг арифметик қиймати ҳар доим юкори.

### **Фоизлар назарияси**

Фоизлар назариясининг асосий формуласи пулларнинг келажакдаги қийматини аниқлайди:

$$F_n = P \cdot (1 + r)^n, \quad (7.1)$$

Бу ерда:  $P$  – киритилган пул суммасининг ҳозирги қиймати;

$F$  – пулларнинг келажакдаги қиймати;

$n$  - қўйилма амалга оширилаётган вақт даврлари сони;

$r$  - қўйилманинг даромадлилик меъёри.

Келажакдаги муайян пул суммасининг ҳозирги қундаги қиймати эса (7.1) формуладан келиб чиқади:

$$P = \frac{F_n}{(1 + r)^n}, \quad (7.2)$$

## **7.2. Пулларнинг ҳозирги ва келажакдаги қийматини аниқлашда инфляциянинг таъсири**

Инвестициявий амалиётда доимий тарзда, вақт ўтиши билан пул маблағлари қийматини қадрсизлантирувчи инфляция омилига дуч келинади. Бу, ўртача нархлар индексидаги инфляциявий ўсиш, пулларнинг харид қобилиятини пасайишига олиб келиши билан боғлиқ.

Инвестициялаш жараёнида инфляцияни таъсирини ҳисобга олиш билан боғлиқ ҳисоб-китобларда иккита асосий тушунчадан фойдаланилади:

- пул маблағларининг номинал суммаси;
- пул маблағларининг реал суммаси.

Пул маблағларининг номинал суммаси пулларнинг харид қобилияти ўзгаришини ҳисобга олмайди. Пул маблағларининг реал суммаси – ушбу сумманинг инфляция жараёни туфайли пулларнинг харид қобилияти ўзгаришини ҳисобга олган ҳолдаги баҳоси.

Инвестициявий фаолият билан боғлиқ молиявий-иктисодий ҳисобкитобларда инфляция қўйидаги ҳолатларда ҳисобга олинади:

- пул оқимларининг орттирилган қийматини тўғирлашда;
- орттириш ва дисконтлаш учун фойдаланиладиган фоиз ставкасини (инфляцияни ҳисобга олган ҳолдаги) шакллантиришда;
- инфляция суръатларини ҳисобга оладиган инвестициялар даромади даражасини прогноз (башорат) қилишда.

Инфляцияни баҳолаш жараёнида иккита асосий кўрсаткичдан фойдаланилади:

- кўриб чиқилган даврда нархлар даражасининг ўртача ўсишини тавсифловчи, ўнлик каср билан ифодаланувчи инфляция суръати  $T$ ;
- инфляция индекси I (истеъмол нархлари индексининг ўзгариши), 1ҚТ га тенг.

Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда орттирилган қийматни тўғрилаш, қўйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$F_{n_p} = \frac{F_n}{I_n}, \quad (7.3)$$

Бу ерда:  $F_{n_p}$  - пулларнинг реал келажақдаги қиймати;

$F_n$  – инфляцияни ҳисобга олган ҳолда пулларнинг келажақдаги номинал қиймати.

Бунда инфляция суръати йиллар давомида сақланиб қолади деб назарда тутилади.

Агарда  $r$  – инфляцияни ҳисобга олувчи, фоизнинг номинал ставкаси бўлса, пулларнинг реал суммасини ҳисоблаш қўйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$F_{n_s} = \frac{F_n}{(1+T)^n} = P \cdot \frac{(1+r)^n}{(1+T)^n}, \quad (7.4)$$

яъни пул маблағларининг номинал суммаси, пулларнинг харид қобилиятини пасайишига мувофиқ  $(1+T)^n$  марта пасаяди.

Умумий ҳолатда фоиз номинал ставкасини инфляция суръати билан нисбатини таҳлил қилганда учта ҳолат юзага келиши мумкин:

1.  **$r=T$** : пул маблағларининг реал қийматини орттириш содир бўлмайди, чунки уларнинг келажакдаги қийматининг орттирилиши инфляция томонидан йўқقا чиқарилади.

2.  **$r>T$** : пул маблағларининг келажакдаги реал қиймати инфляцияга қарамасдан ошиб боради.

3.  **$r<T$** : пул маблағларининг келажакдаги реал қиймати пасаяди, яъни инвестициялаш жараёни заарли бўлади.

### **Номинал ва реал фоиз ставкаларининг ўзаро алоқаси.**

Инвесторга қўйилмалар бўйича 10%лик фоиз ставкаси бўйича реал фойда ваъда қилинган бўлсин. Бу дегани, 1000 сўм инвестиция киритилган тақдирда, бир йилдан сўнг инвестор  $1000 \times (1+0,10) = 1100$  сўм. Агарда инфляция суръати 25%га teng бўладиган бўлса, инвестор ушбу суммани инфляция суръатига мувофиқ тўғирлайди:  $1100 \times (1+0,25) = 1375$  сўм. Умумий ҳисоб-китоб қўйидаги тарзда ёзилиши мумкин:  $1000 \times (1+0,10) \times (1+0,25) = 1375$  сўм.

Умумий ҳолда, агарда  $r_d$  – фойдалиликнинг реал фоиз ставкаси,  $T$  – инфляция суръати бўлса, фойдалиликнинг номинал (шартномавий) меъёри қўйидаги формула ёрдамида ёзилади:

$$r = r_p + T + r_p \cdot T. \quad (7.5)$$

$r_p$  –  $K_r T$  катталиги инфляциявий мукофот маъносини билдиради.

Инфляциявий мукофотни ҳисоблашда, кўпгина ҳолларда, «аралаш самарани» ҳисобга олмайдиган оддийроқ формулани учратишимииз мумкин:

$$r = r_p + T. \quad (7.6)$$


Ушбу оддий формулани инфляция суръатлари юқори бўлмаган ҳолатларда қўллаш мумкин.

### 7.3. Пул оқимларини орттириш ва дисконтлаш

Инвестициялаш жараёни, одатда, узоқ давом этар экан, капитал қўйилмалар самарадорлигининг таҳлили амалиётида, бир марталик пул суммалари эмас балки пул маблағларининг оқимлари билан иш кўрилади.

Пул маблағлари суммаларининг орттирилган ва дисконтланган баҳоларини ҳисоблаш, пул оқимининг ҳар бир унсuri учун (7.1) ва (7.2) формулаларни қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Пул оқимини вақт тўғри чизигида, қуидада кўрсатилган (7.1-расм) иккита усульдан бири ёрдамида тасвирлаш қабул қилинган:



7.1-расм. Пул оқими

7.1-расмда тасвирланган пул оқими қуидагича изоҳланади: ҳозирги кунда тўланмоқда (манфий белги билан) \$2000, биринчи ва иккинчи йилда олинган \$1000, учинчи йилда \$1500, тўртинчи йилда яна \$1000.

Пул оқимини  $CF_k$  (Cash Flow) деб белгилаш қабул қилинган, бу ерда:  $k$ -пул оқими кўриб чиқилаётган давр рақами. Пул оқимининг ҳозирги

кундаги қиймати **PV** (Present Value), келажақдаги қиймати эса **FV** (Future Value) деб белгиланган.

Пул оқимининг 0 дан n гача бўлган барча унсурлари учун (7.1) формуулани қўллаган ҳолда, пул оқимининг келажақдаги қийматини топамиз:

$$\begin{aligned} FV &= CF_0 \cdot (1+r)^n + CF_1 \cdot (1+r)^{n-1} + \dots + CF_n \cdot (1+r)^{n-n} = \\ &= \sum_{k=0}^n CF_k \cdot (1+r)^{n-k} \end{aligned} \quad (7.7)$$

Бир хил пул суммаларидан иборат бўлган пул оқими **аннуитет** деб аталади. Аннуитетнинг келажақдаги қийматини ҳисоблаш учун қуйидаги формууладан фойдаланилади:

$$FV = CF \sum_{k=1}^n (1+r)^{n-k}, \quad (7.8)$$

Бу формула (7.7)нинг  $CF_k = const$  ва  $CF_0 = 0$  даги ифодасидир.

Аннуитетнинг келажақдаги қиймати маҳсус молиявий жадваллар ёрдамида ҳисобланиши мумкин. Пул оқимларини дисконтлаш (7.2) формууладан кўп марталик фойдаланиш йўли билан амалга оширилади, оқибатда қуйидаги ифодага эга бўламиз:

$$PV = CF_0 + \frac{CF_1}{(1+r)^1} + \frac{CF_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{CF_n}{(1+r)^n} = \sum_{k=0}^n \frac{CF_k}{(1+r)^k}, \quad (7.9)$$

Аннуитетни дисконтлаш ( $CF_k \neq const$ ) қуйидаги формулага асосан амалга оширилади:

$$PV = CF \sum_{k=1}^n \frac{1}{(1+r)^k}, \quad (7.10)$$

Чексиз (вақт бўйича) пул маблағлари оқимининг ҳозирги қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$PV = \frac{CF}{r}, \quad (7.11)$$

бу формула (7.10) формуланинг  $n \rightarrow \infty$  даги ифодасидир.

## **7.4. Пулларнинг вақт оралиғидаги қиймати**

### **Масалалар**

**1-масала.** Фараз қилайлик Сиз олти йил муддатга эга, 8%лик, 1 млн. сўм қийматга эга жамғарма сертификатини харид қилдингиз. Фоизлар йиллик ҳисобланадиган бўлса, шартнома муддати тугагандан сўнг Сиз оладиган пул қиймати қанчага teng бўлади?

#### **Ечим:**

Пулларни ўстириш формуласидан фойдаланган ҳолда, 1 млн. сўмни 8%лик йиллик фойда билан, 6 йилдан кейинги қўйматини аниқлаймиз:

$$FV_n = PV \cdot (1 + r)^n = 1,0 \cdot (1 + 0,08)^6 = 1,586 \text{ млн сўм}$$

молиявий жадвал ёрдамида ҳам худди шундай натижага эга бўламиз. Текшириб кўринг.

**2-масала.** Корхона молиявий менежери Сизга унинг корхонасига 5 млн. сўм миқдорида инвестиция киритиш ва 2 йилдан сўнг ушбу инвестицияни 6 млн. сўм миқдорида қайтариб олишни таклиф этди. Бошка инвестициявий имкониятларга эга бўлган ҳолда, таклиф этилган вариант фойдасининг фоиз ставкасини аниқланг.

#### **Ечим:**

Пулларни ўстиришнинг асосий формуласидан фойдаланамиз:

$$FV_n = PV \cdot (1 + r)^n,$$

Бундан қўйидагига эга бўламиз:

$$(1 + r)^n = \frac{FV_n}{PV} \Rightarrow r = \left( \frac{FV_n}{PV} \right)^{1/n} - 1$$

Бизнинг мисолимизда:

$$r = \left( \frac{6.0}{5.0} \right)^{1/2} - 1 = 1.2^{0.5} - 1 = 0.0954 = 9.54\%.$$

Равшанки, ушбу таклифни рад этиш учун Сизга камида 9,55% га teng бўлган йиллик фойдани таклиф этиш лозим бўлади.

**3-масала.** Сизга пулларни 5 йилдан кейин икки баробар кўпайтириш мумкин бўлган инвестициявий таклиф беришди. Бундай инвестициялар

фойдалигининг фоиз ставкаси қандай?

**Тўғри жавоб: 14,87%**

**4-масала.** Корхона, нархи 8 млн. сўмга teng бўлган ускуна харид қилмочи. Уч йилдан кейин ушбу харидни амалга ошириш имкониятига эга бўлиш учун, ҳозирги кунда банкка қанча пул қўйиш лозим. Банк фоиз ставкаси: а) 10%, б) 14%

**Тўғри жавоб: а) 6,01 млн. сўм; б) 5,4 млн сўм.**

**5-масала.** Корхона ўз технологик жараёнини такомиллаштирган ҳолда, кейинги 5 йил давомидаги пул даромадини йилига 10 млн. сўмга оширишни режалаштирган. Ушбу пулларни корхона йиллик 10% фойда билан инвестициялашни амалга оширса, 5 йилдан кейин корхона қанча маблағга эга бўлади?

**Тўғри жавоб: 61,051 млн. сўм.**

**6-масала.** Корхонада 160 млн. сўм мавжуд бўлиб, у кейинги тўрт йилда йилига 50 млн. сўмдан олишни режалаштирган ҳолда, ушбу маблағларни ўз ишлаб чиқаришига инвестиция сифатида киритмоқчи. Бир вақтнинг ўзида, йилига 12% фойда келтирадиган, йирик компания акцияларини харид қилиш имконияти ҳам пайдо бўлди. Ушбу вариантлардан қайси бири корхона учун фойдалироқ ҳисобланади.

**Тўғри жавоб: акция харид қилиш.**

**7-масала.** Корхона, келажакдаги пул даромадларига нисбатан бир хил натижага олиб келадиган, капитал қўйилмаларнинг иккита алтернатив вариантини кўриб чиқмоқда:

Ҳар иккала лойиҳа ҳам инвестицияларнинг бир хил қийматига эга. Корхона олинадиган пул маблағларини йилига 18%га инвестицияламоқчи.

## 7.1-жадвал

Олинган пул маблағларининг замонавий қийматларини таққослаш жадвали

Йил	1-loyiҳa	2-loyiҳa
-----	----------	----------

1	3 млн. сўм	6 млн. сўм
2	4 млн сўм	4 млн. сўм
3	5 млн. сўм	5 млн. сўм
4	6 млн. сўм	3 млн. сўм
Жами	\$	\$

Олинган пул маблағларининг замонавий қийматларини таққосланг ва қулай вариантни танланг.

**Тўғри жавоб: 11,553 ва 12,548 млн. сўм; иккинчи вариант қулайроқ.**

**8-масала.** 4 млн. сўмга, 12%лик фоиз ставкасида, 3 йиллик депозит шартномаси имзоланган. Фоизлар бўйича тўловлар йиллик амалга оширилган тақдирда, шартнома муддати тугагандан сўнг олинадиган пул миқдори қанчага teng бўлади?

**9-масала.** Бирор корхонага 10 млн. сўм миқдорида инвестиция киритиб, 2 йилдан сўнг 13 млн. сўм олиш имконияти мавжуд. Мазкур таклифнинг фоиз ставкасини аниқланг.

**10-масала.** Корхона 5 йилдан сўнг, 12 млн. сўм қийматга эга бўлган ускунани харид қилиши учун, ҳозир қанча миқдорда қўйилма амалга ошириши керак? Фоиз ставкаси: а) 12%; б) 13%.

**11-масала.** Корхонада 60 млн. сўм миқдорида маблағ мавжуд. Ушбу маблағни инвестициялашнинг қуида келтирилган қайси бир варианти фойдалироқ:

А) ўз ишлаб чиқаришига киритиш ва 3 йил давомида йилига 22 млн. сўмдан олиш?

Б) йилига 14% фойда берадиган акцияларни харид қилиш?

**12-масала.** Корхона, пул маблағларига нисбатан бир хил натижага олиб

келувчи, капитал қўйилмаларнинг иккита алтернатив лойиҳасини кўриб чиқмоқда:

## 7.2-жадвал

Олинган пул маблағларининг замонавий қийматларини таққослаш жадвали

Йил	1 лойиҳа	2 лойиҳа
1	12 млн. сўм	10 млн. сўм
2	12 млн. сўм	14 млн. сўм
3	14 млн. сўм	16 млн. сўм
4	16 млн. сўм	14 млн. сўм
5	14 млн. сўм	14 млн. сўм
Жами	\$	\$

Ҳар иккала лойиҳанинг инвестициялари ҳажми бир хил. Корхона олинадиган пул маблағларини йилига 18%га инвестиция сифатида киритмоқчи. Олинган пул маблағларининг замонавий қийматларини таққосланг.

**13-масала.** Сизда 10 млн. сўм маблағ мавжуд бўлиб, уни 5 йил давомида икки маротаба кўпайтириш учун, фоиз ставкасининг минимал мумкин бўлган қийматини аниqlанг.

**14-масала.** Банк фоиз ставкаси йилига 15%ни ташкил этади. З йилдан сўнг 5 млн. сўмга эга бўлиш учун, бошланғич сумма қанчага teng бўлиши керак?

**15-масала.** Фоиз ставкаси йилига 9% бўладиган бўлса, қайси бир вариант фойдали: -1 млн. сўм ҳозир ёки 2 млн. сўм 8 йилдан кейин?

**16-масала.** Пул оқимлари тўғрисида қуидаги маълумотлар

келтирилган (минг сўмда):

Қуйидаги иккита вазиятда, ҳар бир оқим учун тқ12% даги FV ва тқ15% даги PV кўрсаткичларини ҳисобланг: а) оқимлар йилни бошида содир бўлган; б) оқимлар йил охирида содир бўлган.

### 7.3-жадвал

Пул оқимлари

Оқим	Йиллар				
	1	2	3	4	5
A	100	200	200	300	300
Б	600	-	-	-	-
В	-	-	-	-	1200
Г	200	-	200	-	200

**17-масала.** Аннуитет схемаси бўйича маблағ жамғаришнинг иккита варианти таҳлил қилинмоқда:

1-вариант: депозитга 50 млн. сўм миқдорида, 8% йиллик фоиз ставкаси ва фоизларни ҳар ярим йилда тўлаш шарти билан банкка маблағ қўйилади.

2-вариант: ҳар йили 100 млн. сўм миқдорида, йилига 9%лик фоиз ставкаси ва фоизларни йиллик тўлаш шарти билан маблағ қўйилади.

Қуйидагиларни аниқланг:

А) ҳар бир вариантни амалга оширишда, 10 йилдан кейин ҳисобрақамида мавжуд пул маблағи қанчага teng бўлади? Қайси вариант фойдали ҳисобланади?

Б) 2-вариантдаги фоиз ставкаси 8,5%ни ташкил этган ҳолда, танлов

натижалари ўзгарадими?

**18-масала.** Қайси бири фойдали 1 йилдан кейин 5 млн. сўм олиш ёки 6 йилдан кейин 12 млн. сўм. Дисконтлаш коэффициентлари қуидаги: а) 0%; б) 12%; в) 20%.

**19-масала.** Қуидаги вазиятлар учун 3 млн. сўмнинг келажакдаги қийматини ҳисобланг:

- А) 5 йил, йилига 8%, фоизлар йиллик тўланади;
- Б) 5 йил, йилига 8%, фоизлар ҳар ярим йилда тўланади;
- В) 5 йил, йилига 8%, фоизлар ҳар чоракда тўланади.

**20-масала.** Узоқ муддатли шартнома бўйича тўловлар иккита вариантда амалга оширилиши мумкин: 6 йилдан сўнг 25 млн. сўм ёки 12 йилдан сўнг 50 млн. Дисконтлаш коэффициентининг қандай қийматида ҳар иккала вариант teng кучли бўлиб қолади?

### **Мураккаб фоизлар**

**20-масала.** Йилига 15%лик ставка бўйича, мураккаб фоизлар билан, 3 йилга 100 млн. сўм пул қарзга олинган. 3 йилдан сўнг тўланиши лозим бўлган суммани аниqlанг.

**Ечими:** Мураккаб фоизларни ҳисоблаш формуласи бўйича, қуидагига teng бўлади:

$$TV=100 \cdot (1+0,15)^3 = 152,09 \text{ млн. сўм}$$

**21-масала.** Банқдаги жамғарма ҳисоб-рақамида 200 минг сўм мавжуд. Мазкур ҳисоб-рақамдаги пул миқдори 3 йилдан сўнг қандай ўзгаради (ҳисоб-китобларда йилига 12%лик мураккаб ставка қўлланилади).

**Тўғри жавоб: 281 минг сўм.**

**22-масала.** 2.1.2-масала шартида биринчи йил 12%, иккинчи йил 14%, учинчи йил 15%га teng бўлган мураккаб фоиз ставкаси амал қилган тақдирда, уч йилдан кейин ҳисоб-рақамида мавжуд бўладиган пул миқдорини ҳисобланг.

**Тўғри жавоб: 293,7 минг сўм.**

**23-масала.** Бошланғич суммани уч марта кўпайтириш учун, йилига

10%лик мураккаб ставка бўйича, неча йил кутиш керак?

**Тўғри жавоб: 11,56 йил**

**24-масала.** Йилига 20%лик мураккаю фоиз ставкаси бўйича, бошланғич суммани тўрт марта кўпайтириш учун неча йил кутиш керак?

**Тўғри жавоб: 7,6 йил.**

**25-масала.** Бошланғич сумма 3 йилдан кейин 6 марта кўпайиши учун, пул қўйилмаларига мураккаб фоиз ставкаси бўйича қандай ставкада қўлланилиши керак?

**Тўғри жавоб: 81,7%**

**26-масала.** Беш йилдан кейин пул қўйилмаси микдори 800 минг сўмга етди. Ушбу давр мобайнида тўланган мураккаб фоизлар суммаси 250 минг сўмни ташкил этди. Фоиз ставкаси катталигини топинг.

**Тўғри жавоб: 7,78%**

**27-масала.** Пуллар 15%лик мураккаб фоиз ставкасида, фоизлар ҳар чоракда тўланиш шарти билан қўйилган бўлса, 400 млн. сўм 2 йилдан сўнг қанчага етади.

**Тўғри жавоб: 536 млн. сўм.**

**28-масала.** Кредит ўтказмасининг биринчи 2 йилига мураккаб фоизларнинг 10%лик ставкаси белгиланган, кейинги уч йилда бу кўрсаткич 12%га тенг бўлган. Бутун давр давомидаги ўстириш коэффициентини топинг.

**Тўғри жавоб: 1,7.**

**29-масала.** Фоизларнинг ҳар чоракда тўланишида йиллик номинал ставка 20%га тенг бўлса, самарали ставка кўрсаткичини ҳисобланг.

**Тўғри жавоб: 21,6%.**

**30-масала.** Мураккаб фоиз ставкаси 20%га тенг. Бешинчи йил учун дисконтлаш коэффициентини ҳисобланг.

**Тўғри жавоб: 0,402**

**31-масала.** Беш йиллик даврнинг ҳар бир йили учун дисконтлаш коэффициентини ҳисобланг. Дисконтлаш ставкалари қўйидагicha: а) 10%; б) 20%.

**Түғри жавоб:** а) (0,909; 0,826; 0,751; 0,683; 0,621;). б) (0,833; 0,694; 0,579; 0,482; 0,402)

**32-масала.** Учинчи йил учун дисконтлаш коефициенти 0,658га тенг. Фоиз ставкасини топинг.

**Түғри жавоб: 15%**

**33-масала.** 4 йилдан сүнг 20 млн.сүм түланиши керак. Йилига 10%га тенг бўлган мураккаб ставкани ҳисобга олган ҳолда, пулларнинг замонавий қийматини топинг.

**Түғри жавоб: 13,66 млрд. сўм.**

**34-масала.** 400 млн сўмга, мураккаб фоиз бўйича йилига 15%лик ставкада 1 йил давомида фоиз тўланади. Фоиз тўловларининг қуидаги ҳолатлари учун орттирилган суммани ҳисобланг: а) йиллик; б) чораклик.

**Түғри жавоб: а) 460 млн. сўм; б) 463,46 млн. сўм.**

**35-масала.** Инфляциянинг ўртача ойлик кўрсаткичи 10% деб прогноз қилинган бўлса. Инфляциянинг йиллик суръатини топинг.

**Түғри жавоб: 213,8%**

**36-масала.** Инфляциянинг йиллик суръати 120%га тенг бўлса. Инфляциянинг ўртача чораклик суръатини топинг.

**Түғри жавоб: 21,8%**

**37-масала.** Кредитор ссуда бериш орқали йилига 8%лик реал даромад олишни режалаштирган. Йиллик инфляция суръати 10%га тенг бўлса. Кредит бўйича фоиз ставкасини топинг.

**Түғри жавоб: 18,8%**

**38-масала.** Инфляциянинг ўртача ойлик суръати 4%. Йиллик номинал ставка – 60%, мураккаб фоизлар ҳар чоракда ҳисобланади. Самарали реал ставка қийматини топинг.

**Түғри жавоб: 9,2%**

**39-масала.** Самарали ставка 30%га тенг бўлса, фоизларнинг ҳар чоракда ҳисобланишида, йиллик номинал ставканинг қийматини топинг.

**Түғри жавоб: 27,1%**

## **Конверсион операциялар**

**40-масала.** Қүйидаги иккита мажбурият бир хил қийматга эга деб бўладими: 1. 2 ойдан сўнг 200 млн. сўм тўлаш; 2. 5 ойдан сўнг 400 млн. сўм пул тўлаш. Ҳисоб-китобларда йилига 15%лик оддий ставкадан фойдаланиш.

**Тўғри жавоб: мумкин эмас (195,12 млн. сўм ва 376,5 млн. сўм)**

**41-масала.** Олувчи учун қўйидаги тўлов вариантларидан қайси бири қулай, бир йилдан кейин 5 минг сўм олиш ёки икки йилдан кейин 6 минг сўм пул олиш? Ўйқотилган имкониятлар харажатлари – йилига 15%.

**Тўғри жавоб: иккинчи вариант**

**42-масала.** Иккита тўловлар бирлаштирилди – 100 кундан сўнг тўланиши керак бўлган 3 млн. сўм ва 130 кундан сўнг тўланиши керак бўлган 5 млн. сўм. Ҳисоб-китобларда йилига 12%лик оддий ставкадан фойдаланган ҳолда, умумлаштирилган тўлов микдорини аниқланг (вақт базаси – 360 кун).

**Тўғри жавоб: 8,11 млн. сўм**

**43-масала.** Тўлаш муддати 2 ва 5 йил бўлган тегишли тарзда 10 ва 15 млн. сўмлик тўловлар, муддати 4 йил бўлган тўловда умумлаштирилди. Ҳисоб-китобларда 15% йиллик мураккаб ставкадан фойдаланган ҳолда, умумлаштирилган тўлов микдорини аниқланг.

**Тўғри жавоб: 26,27 млн. сўм.**

**44-масала.** 30, 50 ва 70 кундан сўнг тўланиши лозим бўлган 100, 150 ва 180 млн. сўм пул, 450 млн. сўмга teng бўлган тўлов билан алмаштирилди. Ҳисоб-китобларда 20% йиллик оддий ставкадан фойдаланган ҳолда, умумлаштирилган тўлов муддатини аниқланг.

**Тўғри жавоб: 144 кун**

**45-масала.** 1, 2 ва 3 йилдан кейин тўланиши лозим бўлган 3, 5 ва 10 млн. сўм пул, 16 млн. сўмга teng бўлган тўлов билан алмаштирилди. Ҳисоб-китобларда 10% йиллик мураккаб ставкадан фойдаланган ҳолда, умумлаштирилган тўлов муддатини аниқланг.

**Тўғри жавоб: 1,13 йил**

**46-масала.** Бошлангич шартнома бўйича 4 йилдан кейин 500 млн. сўм

тўланиши керак эди. Ушбу шароитлар қуидагида ўзгартирилди: биринчи икки йилдан кейин 300 млн. сўм тўлаш; қолган суммани кейинги уч йилдан кейин тўлаш. Ҳисоб-китобларда 10% йиллик мураккаб ставкадан фойдаланган ҳолда, қолган суммани топинг.

**Тўғри жавоб: 150,7 млн. сўм**

**47-масала.** Бошланғич мажбурият бўйича 20 март куни 500 минг сўм, 25 августда эса 300 минг сўм тўлаш лозим. Ушбу мажбурият қайта кўриб чиқилгандан сўнг 5 май куни 400 минг сўм, қолган суммани эса 25 сентябрда тўлашга келишилди. Ҳисоб-китобларда 40% йиллик оддий ставкадан фойдаланган ҳолда, тўланиши лозим бўлган қолган суммани топинг. Барча тўловлар охирги тўлов санасига олиб келинсин.

**Тўғри жавоб: 450,4 мин сўм.**

**48-масала.** Тадбиркор ҳамкорига 3 ойдан сўнг 100 минг сўм, 5 ойдан сўнг яна 200 минг сўм ва 7 ойдан сўнг яна 150 минг сўм тўлаши керак. Тадбиркор барча тўловларни бирлаштирган ҳолда 470 минг сўм тўлашни режалаштирган бўлса, ушбу тўлов амалга оширилиши лозим бўлган муддатни топинг. Ҳисоб-китобларда 45% йиллик мураккаб фоиз ставкасидан фойдаланилади.

**Тўғри жавоб: 6,57 ойдан сўнг.**

**49-масала.** Корхона етказиб берувчига қуидаги суммаларни тўлаши лозим: 3 ойдан кейин 3 млн. сўм, 4 ойдан кейин 2 млн. сўм ва 6 ойдан кейин яна 3 млн. сўм. Кейинчалик ҳар иккала томон тўловларни бирлаштириш ва 5 ойдан кейин битта тўловни амалга оширишга келишишди. 30% йиллик оддий фоиз ставкаси бўйича ҳисоблаганда, ушбу тўлов катталигини топинг.

**Тўғри жавоб: 9,71 млн. сўм.**

#### **Фоиз ставкаларининг эквивалентлиги ва ўртача ставкалар**

**50-масала.** Ҳисоб ставкаси – йилига 20%. Вексел муддатидан бир йил олдин қопланган бўлса, ҳисоб операциясининг оддий фоиз ставкаси кўринишидаги самарадорлигини топинг.

**Тўғри жавоб: 25%.**

**51-масала.** Ҳисоб муддати 150 кунга тенг бўлганда, йиллига 25% бўлган оддий фоиз ставкасига эквивалент оддий ҳисоб ставкасини аниқланг. (вақт базаси – 360 кун).

**Тўғри жавоб: 22,6%**

**52-масала.** Ссуда 2 йилга йиллига 12%лик оддий ставкада берилган. Мураккаб фоиздаги эквивалент ставкани топинг.

**Тўғри жавоб: 11,4%**

**53-масала.** Вексел қопланишига 90 кун қолганда, 12%лик оддий ҳисоб ставкаси бўйича ҳисобланган ҳолда, мураккаб ставкага ўтиш режалаштирилган. Банк молиявий аҳволи ўзгармасдан қолиши учун қандай мураккаб ставкани ўрнатиш лозим?

**Тўғри жавоб: 11,47%**

**54-масала.** Ссуданинг биринчи 3 йили учун 10%лик мураккаб ставка кўлланилган, кейинги 2 йили учун 16%лик. Бутун ссуда даври учун ўртача ставкани топинг.

**Тўғри жавоб: 12,4%**

### **Назорат саволлари:**

1. Пулларнинг вақт оралиғидаги қийматининг асосий тамойилини ифодаланг.
2. Пулларнинг вақт оралиғидаги қиймати концепциясининг иқтисодий моҳияти нимада?
3. Пулларни орттириш деганда нима тушунилади?
4. Пулларни дисконтлаш деганда нима тушунилади?
5. Пулларнинг вақт оралиғидаги қиймати концепциясида ўзаро боғлиқ бўлган тўртта асосий унсурни санаб ўтинг.
6. Пулларни инвестициялашнинг фойдалилик меъёрининг иқтисодий моҳияти нимада?
7. Мураккаб фоизлар назариясининг асосий формуласини ёзинг.

## **VIII-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХА КАПИТАЛИ ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШ**

Таянч иборалар: капитал қиймати, дисконт ставкаси, таваккалчилик катталиги, капиталнинг ўртача қиймати (WACC), дивидендларнинг прогноз (башорат) қилинадиган ўсиши модели, капитал активларининг нарх модели, акцияга бўлган фойда модели, таваккалчилик учун мукофот модели, имтиёзли акцияларнинг қиймати, қарз капиталининг қиймати, капиталнинг ўлчангандан ўртача қиймати.

### **8.1. Капитал қиймати тушунчаси ва иқтисодий моҳияти**

Капитал қиймати деганда, инвестициялар инвестор нуқтаи назаридан келтириши лозим бўлган даромад тушунилади. Капитал қиймати, бир йил давомида фойдаланиш учун инвесторга тўланиши лозим бўлган, бирор тадбиркорлик фаолиятига қўйилган капитал суммасидан фоиз ставкаси (ёки бирлик улуши) кўринишида ифодаланади. Инвестор сифатида кредитор, корхона мулкдори (акциядори) ёки корхонанинг ўзи бўлиши мумкин. Агарда корхона инвестор сифатида фаолият юритса, корхона ўтган даврларда пайдо бўлган ўз капиталини капитал қўйилма сифатида киритади ва демак бу капитал корхона мулкдорларига тегишлидир. Қандай бўлмасин капиталдан фойдаланиш учун тўлаш лозим ва бундай тўлов ўлчови сифатида капитал қиймати хизмат қиласи.

Капитал қиймати қўлланиладиган асосий соҳа – инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолашдир. Инвестициялар самарадор-лигини баҳолашда фойдаланиладиган, инвестициявий лойиҳанинг барча босқичларидаги пул оқимларини ҳозирги қунга келтирувчи дисконт ставкаси – корхонага киритилаётган капитал қиймати ҳисобланади.

Капитал қийматига қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- бошқа инвестицияларнинг фойдалилик даражаси;
- мазкур капитал қўйилманинг таваккалчилик даражаси;

- молиялаштириш манбалари.

*Инвестициялашнинг асосий қоидаси қуийдагича ифодаланади:* корхона активларидаги таваккалчиллик катталиги қанчалик юқори бўлса, инвесторни жалб қилиш учун фойда шунчалик катта бўлиши лозим.

## **8.2. Капитал қийматини аниқлаш ёндашувлари ва моделлари**

Капиталнинг умумий қийматини аниқлаш учун, биринчи навбатда унинг ҳар бир таркибий қисми қийматини баҳолаш лозим.

Одатда инвестициявий лойиха капитали қуийдагиларни ўз ичига олади:

1. Шахсий капитал (оддий акциялар, корхона фаолияти ҳисобига жамғарилган фойда);
2. Имтиёзли акцияларни сотишдан олинган пул маблағлари;
3. Қарз капитали (узоқ муддатли банк кредити, облигациялар чиқариш).

Бозор (хўжалик ҳисоби) шароитларида фаолият юритувчи, мулкчиликнинг давлат шаклига тегишли корхоналарда қуийдаги иккита таркибий қисм ажратилади:

1. Шахсий капитал (жамғарилган тақсимланмаган фойда);
2. Қарз капитали (узоқ муддатли банк кредитлари).

## **8.3. Шахсий капитал қийматини аниқлаш моделлари**

Шахсий капитал қиймати – бу оддий акциядорлар олиш истагида бўлган пул даромадидир. Шахсий капитал қийматини баҳолашнинг бир нечта модели мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири капитални баҳоловчида мавжуд ахборотдан фойдаланишга асосланган.

**Дивидендларнинг прогноз (башорат) қилинадиган ўсиши модели.**

Шахсий капитал қийматини ҳисоблаш қуийдаги формулага асосланади:

$$C_e = \frac{D_1}{P} + g, \quad (8.1)$$

Бу ерда:  $C_e$  – шахсий капитал қиймати;

P – битта акциянинг бозор нархи;

D<sub>1</sub> – компания томонидан, инвестициявий лойиҳани амалга оширишнинг биринчи йилида ваъда қилинган дивиденд;

g – дивидендернинг прогноз (башорат) қилинадиган йиллик ўсиши.

**Капитал активларнинг нарх модели (CAPM: Capital Assets Price Model).** Мазкур моделдан фойдаланиш, корхона фаолияти фойдалилигини тавсифловчи кўп сонли маълумотлар мавжуд бўлган, баркарор бозор иқтисодиёти шароитларида кенг тарқалган.

Модел, муайян корхона таваккалчилиги даражасини ифодаловчи  $\beta$  кўрсаткичидан фойдаланади. Ушбу кўрсаткич шундай тузилганки, агарда  $\beta = 0$  бўлса, корхона активлари умуман таваккалчиликга эга эмас деб ҳисобланади (деярли мавжуд бўлмаган ҳолат). Мисол учун, АҚШ давлат облигациялари учун  $\beta = 0$  деб юритилади. Агарда  $\beta = 1$  бўлса, корхона активларнинг таваккалчилиги бозордаги ўртacha таваккалчиликга тенг деб ҳисобланади. Агарда муайян корхона учун  $0 < \beta < 1$  бўлса, демак корхона таваккалчилиги бозордаги ўртacha таваккалчиликка нисбатан паст.  $\beta > 1$  корхона жуда ҳам юқори таваккалчиликга эга эканлигини билдиради.

Моделнинг ҳисоб формуласи қуйидаги кўринишга эга:


$$C_e = C_{RF} + (C_M - C_{RF})\beta, \quad (8.2)$$

Бу ерда:  $C_{RF}$  – капитални таваккалчиликсиз киритиш учун фойдалилик даражаси;

$C_M$  – бозор бўйича ўртacha фойдалилик даражаси;

$\beta$  – таваккалчилик омили.

(8.2)-моделга мувофиқ  $C_e$  нинг ўзгариши 8.1-расмда график кўринишида тасвирланган.



### 8.1-расм. Корхона шахсий капиталли фойдалилиги

Шундай экан, мазкур корхона учун  $\phi$  кўрсаткичини қандай аниқлаш мумкин? Ягона усул – ўтган йиллар маълумотларидан фойдаланиш. Таҳлил қилинаётган корхона ва ўртача бозор фойдалилиги таққослама маълумотлари бўйича тегишли тўғри чизиқли регрессион боғлиқлик яратилади. У корхона ва ўртача бозор фойдалилигининг корреляциясини акс эттиради. Бундай боғлиқликнинг регрессион коэффициенти  $\phi$  - омилни баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

**Акцияга тўғри келадиган фойда модели.** Шахсий капитал қийматини баҳолашнинг ушбу модели дивидендлар катталигига эмас, акцияга тўғри келадиган фойда кўрсаткичига асосланади. Кўпгина инвесторларнинг фикрича, акцияга тўғри келадиган фойда катталиги, у дивиденд шаклида тўланадими ёки инвесторларга келажакда фойда олиб келиш мақсадида қайта инвестицияланадими, акциядорлар оладиган реал даромад хисобланади.

Ушбу моделга мувофиқ шахсий капитал қиймати қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_e = \frac{\Pi}{P}, \quad (8.3)$$

Бу ерда:  $\Pi$  – битта акцияга тўғри келадиган фойда катталиги;

$P$  – битта акциянинг бозор нархи.

**Таваккалчилик учун мукофот модели.** Ушбу модел ўзига хослиги

билин ажралиб турати, чунки у шартномавий характерга эга. Шартнома, капитал қўйилма таваккалчилиги учун мукофот қанчалик бўлиши тўғрисида корхона ва потенциал инвестор ўртасида тузилади. Шахсий капитал қиймати қуидаги формулага асосан баҳоланади:

$$C_e = C_h + RP, \quad (8.4)$$

Бу ерда:  $C_h$  – инвесторнинг оддий (ўртача таваккалчиликли) имкониятларга пул қўйишнинг қайтарилиш даражаси;

$RP$  – таваккалчилик учун мукофот.

Чет эллик инвесторларни, фақатгина таваккалчилик учун катта мукофот эвазигагина Ўзбекистон ва МДҲнинг бошқа мамлакатлари корхоналарига капитал киритиш учун жалб қилиш мумкин, ва бундай ҳолатда айнан ушбу модел қўл келади.

Санаб ўтилган моделлардан, давлат корхоналари учун ўзини-ўзи молиялаштириш шароитига мослаштирилган акцияга тўғри келадиган фойда модели энг қулай ҳисобланади. Бу ҳолатда капитал қиймати бўлиб корхона йиллик фойдасининг, кўриб чиқилаётган йилга қадар йигилган корхонанинг шахсий маблағларига нисбати хизмат қилиши мумкин.

$$C_e = \frac{P}{S}, \quad (8.5)$$

Бу ерда:  $P$  – корхона ихтиёрида қолган йиллик фойда;

$S$  – йил охирига келиб корхона балансидаги шахсий маблағлари суммаси.

### **Қайта жалб қилинган капитал қиймати.**

Янги (қайта жалб қилинган) шахсий капитал қиймати, одатда, мавжуд шахсий капитал қийматига нисбатан юқори бўлади. Корхона қўшимча акцияларни чиқарганда, у мавжуд акцияларнинг бозор нархидан камроқ пул олади. Бу янги акцияларни чиқариш бўйича қўшимча харажатлар, ва бундан ташқари янги акцияларни тез сотиш истаги билан боғлиқдир.

Қайта жалб қилинган капитал қийматини ҳисоблашда, дивидендларнинг ўсиш модели доирасидаги қуидаги формуладан

фойдаланилади:

$$C_F = \frac{D_1}{P(1 - F)} + g, \quad (8.6)$$

Бу ерда:  $F$  – янги чиқарилаётган акцияларнинг бозор қийматини пасайишини акс эттирувчи, акцияларни чиқариш қиймати.

#### 8.4. Имтиёзли акциялар қийматини ҳисоблаш модели

Ушбу модель жуда ҳам оддий, чунки имтиёзли акциялар даромадини аниқлаш жуда ҳам осон. Имтиёзли акциялар бўйича ўрнатилган дивиденд миқдори тўланади, ва фойда даражаси қанчалик бўлишидан қатъи назар бошқа ҳеч қандай тўловлар тўланмайди. Шунинг учун ҳам, имтиёзли акциялар бўйича фойдалилик қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_P = \frac{D}{P}, \quad (8.7)$$

Бу ерда:  $D$  – битта акцияга бўлган йиллик дивиденд катталиги;

$P$  – битта акциянинг бозор нархи.

Оддий акциялардаги сингари, янги имтиёзли акцияларни чиқариш харажати уларнинг қийматидан юқори бўлади. Бундай баҳолашни (6.6)дан гўро деб, чунки имтиёзли акциялар одатда ўсмайди, қабул қилган ҳолда амалга ошириш мумкин:

$$C_P = \frac{D}{P(1 - F)}, \quad (8.8)$$

#### 8.5. Қарз капитали қийматини аниқлаш моделлари

Ўз фаолияти давомида, корхона қўйидаги кўринишга эга қарз маблағлари билан иш юритади:

- тижорат банклари ва бошқа корхоналарнинг узоқ муддатли кредитлари;
- берилган қопланиш муддати ва номинал фоиз ставкасига эга облигациялар чиқариш.

Биринчи вазиятда, қарз капиталининг қиймати кредитнинг фоиз

ставкасига тенг ва кредитор ҳамда қарз олувчи ўртасидаги шартнома билан, ҳар бир ҳолат учун алоҳида, белгиланади.

Иккинчи вазиятда, капитал қиймати облигация номинал қийматига нисбатан фоизларда ифодаланадиган, облигациянинг номинал фоиз ставкаси катталиги билан белгиланади. Номинал қиймат – бу облигация чиқарган корхона, облигацияни сотиб олган корхонага, облигацияни қоплаш куни келганда тўланадиган нархдир. Табиийки, облигацияни қопланиш муддати облигация чиқарилган пайтда кўрсатилади.

Облигациялар янги чиқкан вақтда улар ўз номинал қиймати бўйича сотилади. Демак бунда, қарз капитали қиймати  $C_d$  облигациянинг номинал фоиз ставкаси  $i_k$  билан аниқланади

$$C_d = i_k, \quad (8.9)$$

Облигациянинг реал фойдалилигини (қарз капитали қийматини) ҳисоблаш учун, облигациялар ҳозирги қийматини аниқлаш моделидан оғидаланамиз:

$$V_B = \sum_{j=1}^N \frac{INT}{(1 + r_B)^j} + \frac{M}{(1 + r_B)^N}, \quad (8.10)$$

Бу ерда: INT – облигация бўйича йиллик фоиз тўлови;

M – облигациянинг номинал қиймати;

$V_B$  – облигациянинг ҳозирги қиймати;

N – облигация қопланишигача қолган даврлар (йиллар);

$r_B$  – облигация бўйича фоиз ставкаси.

(8.10) формула белгиларида  $C_d$  қарз капитали қийматини ҳисоблаш учун куйидаги тенгламадан фойдаланилади:

$$V_M = \sum_{j=1}^N \frac{INT}{(1 + C_d)^j} + \frac{M}{(1 + C_d)^N}, \quad (8.11)$$

Бу ерда:  $V_M$  – облигациянинг жорий бозор нархи;

N – облигация қопланишигача қолган йиллар.

(8.11) тенгламани ЭҲМ ёки молиявий электрон ҳисоблагичда сонли услуглардан фойдаланиб келтирилган ҳолдагина ечиш мумкин. Қуйидаги

келтирилган (9.12) формула натижаси ҳам тенгламадан фойдаланишга анча яқин:

$$C_d = \frac{INT + (M - V_M) / N}{(V_M + M) / 2}, \quad (8.12)$$

Облигациянинг якуний даромадлилиги – бу маблағларни инвестициялаш түғрисидаги қарорнинг муқобил қийматидир. Шундай қилиб, корхонада ортиқча маблағлар мавжудлиги, ёки у маблағлар кириб келишига мұхтожлигидан қаттый назар, мавжуд облигациялар бүйича якуний даромадлилик қарз маблағлари қийматини ифодалайды.

**Қарз маблағларининг самарали қиймати.** Қарз капитали қиймати түғрисида гап юритаётганды, қуйидаги мұхим ҳолатни ҳисобға олиш лозим. Акциядорларга тұланадиган даромадлардан фарқлы равища, қарз капитали бүйича тұланадиган фоизлар, маҳсулотни *ишилаб чиқарии харажатларига* киритилади. Шундай қилиб, солиқ тұлагандан кейинги қарз капитали қиймати натижавий даромадлилик (ёки солиқ тұлагунгача бўлган қиймат)дан пастроқ бўлади.

Бундай молиявий ўзига хосликни акс эттириш мақсадида, қарз капиталининг самарали қиймати тушунчаси киритилган ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$C_d^2 = (1 - T) \cdot C_d, \quad (8.13)$$

Бу ерда: Т – солиқ ставкаси.

## 8.6. Капиталнинг ўртача ўлчанган қиймати

Корхона учун умумий қийматни баҳолашдаги сүнгги қадам бўлиб, турли хил манбалардан жалб қилинган маблағларни бирлаштириш хизмат қиласи. Ушбу умумий қийматни – капиталнинг ўртача ўлчанган қиймати деб ҳам аташади.

Капиталнинг ўртача ўлчанган қийматини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$WACC = W_d \cdot C_d \cdot (1 - T) + W_p \cdot C_p + W_e \cdot C_e, \quad (8.14)$$

Бу ерда:  $W_d$ ,  $W_p$  ва  $W_e$  – тегишли тарзда қарз маблағлари, имтиёзли акциялар ва шахсий капитал (оддий акциялар ва тақсимланмаган даромад) улуси;

$C_d$ ,  $C_p$  ва  $C_e$  – капитални тегишли қисмларининг қиймати;

$T$  – даромад солиғи ставкаси.

### **Назорат саволлари:**

1. Корхона учун капитал қиймати деганда нима тушунилади?
2. Корхона капитали қиймати қайси омилларга боғлиқ бўлади?
3. Капитал қиймати ва инвестициялар таваккалчилиги ўртасидаги нисбат қандай?
4. Капитал тузилмасининг унинг қийматига таъсир этиш механизми қандай тузилган?
5. Ўртacha ўлчангандан тушунчасига таъриф беринг.
6. Капитал айрим қисмлари қийматини баҳолашнинг асосий моделларини снаб ўтинг.

# **IX-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ЗАРАРСИЗЛИК ТАҲЛИЛИ, МАҚСАДЛИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ФОЙДАНИ БОШҚАРИШ**

Таянч иборалар: заарсизлик таҳлили, ўзгарувчан харажатлар, доимий харажатлар, аралаш харажатлар, юқори-қуи нуқта услуби, энг кичик квадратлар услуби, график услуг, заарсизлик нуқтаси, қўйилган даромад, бир марталик қўйилган даромад, операцион ричаг.

## **9.1. Заарсизлик таҳлилиниң асосий тушунчаси ва мақсади**

Заарсизлик таҳлили ва мақсадли режалаштириш инвестициявий лойиҳалаштиришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Таҳлилнинг ушбу тури лойиҳани амалга ошириш мумкинлигини ва фойданинг белгиланган даражасига эришиш йўлидаги муаммоларни аниқлаш имконини беради.

Заарсизлик ёки, бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқариш харажатлари, фойдаси ва ҳажмининг таҳлили – бу ишлаб чиқаришнинг турли даражаларидағи харажатлар ва даромадлар ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишга бўлган таҳлилий ёндашувдир.

Заарсизлик таҳлилиниң намунавий қўринишида қўйидагилар қабул қилинади:

1. Тайёр маҳсулот сотиш ҳажмининг ўзгариши жараёнида, харажатларнинг улар таркибида рўй берадиган ўзгаришлар бўйича туркумланиши қўлланилади. Харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратилади.

2. Барча ишлаб чиқарилган маҳсулот режалаштирилган вақт оралиғида сотилади деб тахмин қилинади.

3. Таҳлил омили сифатида соф фойда эмас, солиқ тўлагунга қадар олинган фойда қабул қилинади.

Заарсизлик таҳлилиниң барча масалалари юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда кўрилади.

## 9.2. Харажатларнинг туркумланиши


Заарсизлик таҳлили доирасида харажатлар иккита турга: доимий ва ўзгарувчан харажатларга ажратилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаришига пропорционал тарзда ўзгарувчан ва бир бирлик маҳсулотга нисбатан ўзгармасдан қоладиган харажатлар – **ўзгарувчан харажатлар** деб айтилади. Ўзгарувчан харажатларга мисол тариқасида хом-ашё, ишчи кучи, энергия ресурслари ва ҳ. келтириш мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши билан ўзгармасдан қоладиган харажатлар – **ўзгармас харажатлар** деб ном олган. Ўзгармас харажатларга ишлаб чиқариш хоналарининг ижара тўловлари, ускуналар бўйича лизинг ва бошқа турдаги тўловларни киритиш мумкин.

Ўзгармас ва ўзгарувчан харажатлардан иборат бўлган харажатлар тури – **аралаш харажатлар** деб аталади. Харажатларнинг ушбу тури амалиётда жуда кам учрашига қарамасдан, уларни ҳам эътибордан чиқармаслик лозим. Мисол учун, ижара тўлови иккита қисмга ажратилган бўлиши мумкин: ижарачи ишлаб чиқариш хоналари учун алоҳида сумма, ва ўрнатилган ускунанинг ҳар 1 соат иши учун алоҳида сумма тўлаши лозим бўлган тақдирда.

Барча услубларнинг моҳияти жами харажатларни тасвирлашга асосланади, улар график тарзда қуйидагича ифодаланади (9.1-расм).



9.1.-расм. Харажатларнинг график тасвири

Муайян маълумотлар асосида тўғри чизик барпо этилади ва у хақиқатдаги маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, умумий харажатларнинг савдо ҳажмига боғлиқлиги тўғрисида тушунча беради. Ушбу тўғри чизиқнинг вертикал ўқ билан кесишган нуқтаси доимий харажатларнинг баҳоси ҳисобланади.


Мисол учун, товарни етказиб бериш билан боғлик бўлган аралаш харажатларни таҳлил қилиш керак бўлсин. Ушбу харажатлар бўйича хақиқий маълумотлар 9.1-жадвалда келтирилган.

#### 9.1-жадвал

Етказиб бериш харажатлари

оидар	Сотилган товарлар сони	Етказиб бериш харажати (минг сўм)
Январ	6000	66000
Феврал	5000	65000
Март	7000	70000
Апрел	9000	80000
Май	8000	76000
Июн	10000	85000
Июл	12000	100000
Август	11000	87000

Ушбу маълумотлар 9.2-расмдаги сингари графикка туширилади.



## 9.2-расм. Хақиқий маълумотлар намунаси

График тасвирдан келиб чиққан ҳолда, ушбу маълумотлар бўйича 9.1-расмдаги каби тўғри чизиқ барпо этиш лозим. Ушбу вазифани қуидаги учта услугуб ёрдамида амалга ошириш мумкин:

- юқори-қуий нукта услуби (High-Low Method);
- график услугуб (Scattergraph Method);
- энг кичик квадратлар услуби (Least Squares Method).

**Зарарсизлик нуктаси** (break-even point) қуидагида таърифланиши мумкин:

- тушум умумий харажатларга teng бўлган вазиятдаги **савдо ҳажми**, ёки
- киритилган даромад доимий харажатларга teng бўлган вазиятдаги **савдо ҳажми**.

Зарарсизлик нуктасига эришилгандан сўнг, ҳар бир қўшимча сотилган маҳсулот бирлиги, ушбу маҳсулот бирлигига киритилган даромадга teng бўлган қўшимча фойда олиб келади.

## 9.3. Зарарсизлик нуктасини ҳисоблаш

Зарарсизлик нуктасини ҳисоблаш учун тушум балансига асосланган оддий нисбатлардан фойдаланилади:

**Тушум қ ўзгарувчан харажатлар К доимий харажатлар К фойда.**

Мисол учун бошлангич маълумотлар қўйидаги кўринишга эга бўлсин:  
(9.2-жадвал)

9.2-жадвал

### Заарсизлик нуқтасини ҳисоблаш учун маълумотлар

	Маҳсулот бирлигига (минг сўм)	Фоизда
Бир бирлик маҳсулот нархи	500	100%
Ўзгарувчан харажатлар	300	60%
Бир марталик киритилган даромад	200	40%

Доимий харажатлар йилига 80000 минг сўм бўлсин.

Агарда «Х» - маҳсулот бирликларидағи заарсизлик нуқтаси деб қабул қилинса, унда асосий тенглама ёрдамида қўйидагига эга бўламиз:

$$500xX = 300xX + 80000 + 0 \quad (9.1)$$

бундан келиб чиқди  $X \leq 400$  маҳсулот бирлиги (ёки сўмда  $500x400 \leq 200000$  минг сўм).

Заарсизлик нуқтасига қўйидагича, янада умумийроқ таъриф бериш мумкин.  $p$  – маҳсулот бирлиги,  $N$  – муайян давр ичидағи ишлаб чиқариш ҳажми бўлсин. Солик тўлагунга қадар бўлган фойда  $Nl$  умумий тушумдан барча доимий ва ўзгарувчан харажатлар айрмаси билан белгиланади, демак моделнинг асосий тенгламасини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$NI = p \cdot N - v \cdot N - F, \quad (9.2)$$

Бу ерда:  $F$  – муайян давр ичидағи доимий харажатлар катталиги;  
 $v$  – бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар катталиги.

Таъриф бўйича заарсизлик нуқтаси  $Nl \geq 0$  шартига мувофиқ келади, бу ердан

$$BEP = \frac{F}{(p - v)} \quad (9.3)$$

Бу ерда: *BEP* (break-even point) – заарасизлик нүктаси.

Шундай қилиб, заарасизлик нүктасини ҳисоблаш учун, доимий харажатлар катталигининг, маҳсулотни сотиш нархи ва бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар айирмасига нисбатини топиш лозим. Бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган ўзгарувчан харажатлар бир марталик киритилган даромад (*unit contribution margin*) деб ҳам юритилади.

Агарда масала сотувларнинг мақсадли ҳажми  $N_T$ , яъни берилган даромад қиймати  $NI_T$  га мувофиқ келадиган сотувлар ҳажми қийматини топишдан иборат бўлса, қуйидаги нисбатдан фойдаланамиз:

$$NI_T = p \cdot N_T - v \cdot N_T - F, \quad (9.4)$$

Бу ердан:

$$N_T = \frac{F + NI_T}{(p - v)} \quad (9.5)$$

Корхона муваффакиятли фаолиятининг муҳим тавсифи сифатида ҳавфсизлик захираси (*Safety Margin*) катталиги хизмат қиласи. Ушбу катталик, нисбий тарзда, сотувларнинг режалаштирилган ҳажми ва заарасизлик нүктаси катталикларининг айирмаси кўринишида аниқланади.


$$\gamma = \frac{N_T - BEP}{N_T} \quad (9.6)$$

Ушбу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса корхона салбий ўзаришлар (тушум камайиши ёки харажатлар кўпайиши) юз беришидан ўзини шунчалик ҳавфсиз ҳисоблайди.

#### **9.4. Заарасизлик таҳлилиниң график кўриниши**

Заарасизлик таҳлилиниң моҳияти заарасизлик графикда тўла очилади (9.3-расм). Ушбу графикнинг горизонтал ўқида натурал ифодадаги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, вертикал ўқида эса қиймат ифодасидаги

даромад ёки харажатлар катталиги акс эттирилган. Ҳажмга боғлиқ ҳолда ўзгармайдиган, доимий харажатларни акс эттирувчи АВ чизиги, Х ўқига параллел тарзда ўтади. АВ ва АС чизиклари ўртасидаги вертикаль масофа, ҳар қандай ҳажмда ҳам, маҳсулотни мазкур ҳажмини ишлаб чиқаришнинг умумий ўзгарувчан харажатларни, ОА ва АС чизиклари ўртасидаги вертикаль масофа эса умумий харажатларни тавсифлайди.



**9.3-расм. Заарсизлик нуқтасининг график кўриниши**

АС - умумий харажатлар чизиги; ОД - даромад чизиги.

Маҳсулот сотилмаган тарзда умумий харажатлар нолга эмас балки ОА-га тенг бўлади. Ишлаб чиқариш ҳажми  $X$  га тенг бўлганда, умумий харажатлар  $CX$  чизиги билан акс эттирилади, ўз навбатида  $CX \times XB \times BC$  ( $XB$  – харажатларнинг ўзгармас қисмлари (ОА билан бир хил) ва  $BC$  – харажатларнинг ўзгарувчан қисмлари).

Сўнгги маҳсулот бир бирлигини сотишнинг ҳар бир муайян нархи учун, ОД чизиги сотувларнинг турли ҳажмларида даромадлар катталигини кўрсатиб туради. Умумий даромад ва умумий харажатлар чизикларининг кесишуви, умумий даромад умумий харажатларга (ўзгарувчан ва доимий) тенг бўлган, заарсизлик нуқтаси (ЗН) “N”ни белгилаб беради. Умумий даромад ва умумий харажатлар ўртасидаги вертикаль ўқ бўйича ҳар қандай фарқ заарсизлик нуқтасининг ўнг томонида бўлганда фойданы, чап

томонида бўлганда заарни акс эттиради.

### **9.5. Киритилган даромад таъсири ва жорий восита таҳлили**

Жорий восита ёрдамида, заарсизлик таҳлили доирасида, таваккалчиликнинг янада батафсилроқ таҳлилини ўтказиш мумкин.

Жорий восита (Operating Leverage) тушум кўпайганда фойда неча марта ўзгаришини акс эттиради, демак:

***Фойданинг нисбий ўзгариши қандай восита х Тушумнинг нисбий ўзгариши***

Жорий воситани ҳисоблаш учун қуидаги формуладан фойдаланилади:

**Жорий восита қандай киритилган даромад соғ фойда**

Сотувлар ҳажмининг ўзгариши муносабати билан, Жорий воситанинг фойда кўрсаткичларига бўлган таъсирини намойиш этувчи қуидаги мисолни кўриб чиқамиз. (9.3-жадвал)

9.3-жадвал

Жорий воситанинг фойда кўрсаткичларига бўлган таъсирини намойиш этувчи мисол маълумотлари

	X – корхона	Y - корхона		
<i>Тушум</i>	500,00 0	100 %	500,000	100%
<i>минус ўзгарувчан харажатлар</i>	350,00 0	70%	100,000	20%
<i>Киритилган даромад</i>	150,00 0	30%	400,000	80%
<i>минус доимий харажатлар</i>	90,000		340,000	
<i>Соғ фойда (зарар)</i>	60,000		60,000	
<i>Жорий восита</i>	2,5		6,7	

Юқоридаги мисолда келтирилган маълумотларни асос қилиб олган

холда, ҳар бир корхонанинг жорий воситасини ҳисоблаб чиқамиз.

Жорий восита таърифига мувофиқ, сотувлар ҳажмининг 10%га ошиши, X-корхонада фойда 25%га, Y-корхонада эса фойда 67%га ошишига олиб келиши лозим.

Буни, тушумнинг 10%га ошишини киритган холда, осонгина текшириш мумкин: (9.4-жадвал)

#### 9.4-жадвал

Жорий воситанинг фойда кўрсаткичларига бўлган таъсирини намойиш этувчи мисол (10%) ошгандаги маълумотлари

	X – корхона	Y - корхона
<i>Тушум</i>	550,000	100%
<i>минус ўзгарувчан харажатлар</i>	385,000	70%
<i>Киритилган даромад</i>	165,000	30%
<i>минус доимий харажатлар</i>	90,000	
<i>Соф фойда (зарар)</i>	75,000	
<i>Соф фойданинг ошиши</i>	25%	67%

Харажатларнинг қайси тузилмасини танлаш саволига жавоб топиш учун, харажатларнинг турлича тузилмасига эга бўлган иккита корхонани кўриб чиқайлик. (9.5-жадвал)

#### 9.5-жадвал

Корхона харажатлари

	X – корхона	Y - корхона
<i>Тушум</i>	100,000	100%
<i>минус ўзгарувчан харажатлар</i>	60,000	60%
<i>Киритилган даромад</i>	40,000	40%

<i>минус доимий харажатлар</i>	30,000		60,000	
<i>Соф фойда (зарар)</i>	10,000		10,000	

Фараз қилайлик, келажакда бозордаги вазиятнинг яхшиланиши ва натижада сотувлар ҳажмининг 10%га ошиши кутилмоқда. Бунда фойда тўғрисидаги ҳисоботлар қўйидаги кўринишни олади: (10.6-жадвал)

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Y- корхона яхшироқ ахволда, чунки унинг фойдаси 7,000 минг сўмга кўпайган, X-корхонанинг фойдаси эса 4,000 минг сўмга.

Энди эса бозордаги ахволнинг ёмонлашиши ва сотувлар ҳажмининг 10%га пасайиши кутиладиган бўлсин. (9.7-жадвал)

#### 9.6-жадвал

##### Фойда ҳисоботлари

	X – корхона		Y - корхона	
<i>Тушум</i>	110,000	100%	110,00 0	100%
<i>минус ўзгарувчан харажатлар</i>	66,000	60%	33,000	30%
<i>Киритилган даромад</i>	44,000	40%	77,000	70%
<i>минус доимий харажатлар</i>	30,000		60,000	
<i>Соф фойда (зарар)</i>	14,000		17,000	

#### 9.7-жадвал

Жорий воситанинг фойда кўрсаткичларига бўлган таъсирини намойиш этувчи мисол 10%га пасайгандаги маълумотлари

	X – корхона		Y - корхона	
<i>Тушум</i>	90,00 0	100%	90,000	100%
<i>минус ўзгарувчан</i>	54,00	60%	27,000	30%

<i>харажатлар</i>	0			
<i>Киритилган даромад</i>	36,00 0	40%	63,000	70%
<i>минус доимий</i> <i>харажатлар</i>	30,00 0		60,000	
<i>Соф фойда (зарар)</i>	6,000		3,000	

Бунда эса X-корхона яхшироқ вазиятда деб таъкидлашимиз мумкин, чунки унинг фойдаси 4,000 минг сўмга камайган бўлса, Y-корхонанинг фойдаси 7,000 минг сўмга камайган.

Умумий хулоса қўйидагича:

- жорий таваккалчиги катта бўлган корхона, бозор конъюнктураси ёмонлашганда кўпроқ таваккалчиликга йўл қўяди, бозор конъюнктураси яхшиланганда эса у муайян устунликларга эга бўлади;
- корхона бозор шароитида ўзини топиши ва тегишли тарзда харажатлар тузилмасини бошқариб туриши лозим.

### **Назорат саволлари:**

1. Зарарсизлик таҳлилининг асосий тушунчаси ва мақсади.
2. Инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун зарарсизлик таҳлилининг зарурлигини асослаб беринг.
3. Инвестициявий лойиҳа самарадорлигининг зарурий ва етарли шартлари нисбатини қандай тушунасиз ва зарарсизлик таҳлилининг ушбу нисбатдаги роли қандай?
4. Зарарсизлик нуктасини хисоблаш.
5. Киритилган даромад нима?

## **Х-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

Таянч иборалар: солиқ харажатлари, капиталнинг ўртача ўлчангандан қиймати, самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш схемалари.

### **10.1. Инвестициявий лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш усуслари.**

Хозирги вақтда инвестициявий лойиҳалаштириш амалиётида лойиҳалар самарадорлигини баҳолашда энг кўп ишлатиладиган дисконтлашган мезонлар қуидагилардир:

1. Соф жорий қимматлилик (net present value)NPV.
2. Фойдалилик индекси (profitability index)PI.
3. Харажатларга даромадларнинг нисбати (Benefit to cost ratio) B/Cratio.
4. Лойиҳа даромадлигининг ички нормаси (internal rate of return) IRR.
5. Харажатларни қоплаш даври (payback period)PBP.
6. Ички рентабеллик ставкасининг модифициранган усули.
7. Инвестиция самарадорлиги коэффициентини ҳисоблаш усули.

Қўшимча белгилар киритамиз:

$B_t$  - t йилдаги лойиҳанинг даромади;

$C_t$  - t йилдаги лойиҳа харажатлари;

$t \in 1, \dots, n$  - лойиҳанинг амал қилиш йиллари.

**1. Лойиҳанинг соф жориги қиймати усули (NPV)** инвестицион лойиҳани амалга ошиши натижасида корхонани бозор қиймати ўсиши мумкин бўлган соф жорий қийматни аниқлашга асосланган.

Соф жорий қиймат – бу инвестицион лойиҳани амалга оширганда вужудга келган ва жорий қийматларга дисконтланган пул тушумлари суммаси билан ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган барча харажатларнинг дисконтланган жорий қиймати суммаси орасидаги фарқ.

**Соф жорий қимматлилиги** қуидагича аниқланади:


$$NPV = \frac{B_1 - C_1}{1 + r} + \frac{B_2 - C_2}{(1 + r)^2} + \dots + \frac{B_t - C_t}{(1 + r)^t} \quad (10.1)$$

Лойиҳалар тўғрисида ечим қабул қиласиган шахслар афзаликни NPV ижобий қийматга эга бўлган лойиҳаларга бериши керак. NPV нинг салбий натижаси даромад нормаси зарурийдан кам бўлганлиги, пул маблағларни самарасиз ишлатилганлиги ҳақида гувохлик беради.

Юқоридан келтирилган иборадан кўриниб турибдики, соф жорий қийматликнинг абсолют микдори NPV ўлчамларнинг икки турига боғлиқ. Биринчи - инвестицион жараённи объектив жиҳатдан тавсифлайди, у ишлаб чиқариш жараёни билан белгиланади. Иккинчи турига фоиз ставкасининг микдори сифатида киритиш мумкин.

Кўйилмалар жараён бошида амалга оширилганда, самара бериши - лойиҳанинг бутун фаолияти давомида бўлганда NPV нинг  $r$  ставкаси билан боғланишини тахлил қиласиз. Фоиз ставкаси маълум  $r^*$  микдорга етса, инвестициянинг самарадорлиги нолга teng бўлади. Хар қандай  $r^*$  дан кам бўлган фоиз ставкаси NPV нинг ижобий жиҳатига мос келади (10.1-расм).

Фоиз ставкаси юқори даражада бўлганда узоқлашган тўловлар NPV га кам таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам қоплаш даври муддатлари хил бўлган лойиҳалар якуний иқтисодий самара бўйича амалий жиҳатдан бир хил қийматга эга бўлиши мумкин. ҳамма гап шундаки, юқори соф жорий қийматга эга бўлган лойиҳалар самарасиз ҳам бўлиши мумкин ва натижада унчалик катта бўлмаган фойдалилик индексига эга бўлади. Шу нарса аниқки, даромадлар кирими, бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда анча узоқ муддатга эга бўлган лойиҳа бошқаларга нисбатан қулайроқ бўлади.



**10.1-расм. Бир меъёрдаги самарадорлик юз берганда NPVнинг  $r$  ставкасига боғлиқлиги**

Лойиҳанинг соф жорий қимматлик меъёрини аниқлаб берувчи асосий омиллардан бири - инвестициялар, ишлаб чиқариш ёки сотувларнинг «жисмоний» хажмларда ифодаланган фаолият хажми (масштаби) ҳисобланади. Шу тавсифи билан фарқ қиласидиган лойиҳаларни таққослаш учун қўлланадиган усул табиий чеклашлардан иборат бўлади: NPVнинг катта миқдори капитал қўйилмаларнинг янада самарали вариантга тўғри келмаслиги мумкин.

Ушбу усул фақат қуйидаги саволга жавоб беради: таҳлил қилинаётган пул қўйиш варианти корхона бозор баҳоси ўсишига ёки инвестор бойлиги ошишига тўғри келади.

Лекин, бу кўрсаткич қуйидаги камчиликка эга: танланган дисконт ставкаси одатда лойиҳа эксплуатациясининг биринчи даври учун ўзгартирмасдан қўлланилади. Шу билан бир вақтда келажак даврда иқтисодий шароитлар ўзгариши билан боғлиқ равишда бу ставка ўзгариши мумкин. Бу камчиликка қарамасдан ушбу кўрсаткич чет эл тажрибасида инвестиция самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимида энг ишончлиларидан ҳисобланади.

**2.Фойдалилик индекси.** Фойдалалик индекси profitability index, PI лойиханинг нисбий фойдалилигини ёки лойиҳада қўйилма бирлигига тўғри келадиган пул киримларининг дисконтлашган қийматини ифодалайди. Лойиҳаларнинг тадқиқотчилари уни ҳисоблашда хар хил ечимлардан фойдаланишади. Айримлар PI ни лойиҳадан олинган соф келтирилган киримларни дастлабки қўйилмаларга бўлиш йўли ҳисоблайди ёки :

$$PI = \frac{NPV}{C_o} \quad (10.2)$$

бу ерда : NPV - лойиҳанинг соф келтирилган қимматлиги;  
 $C_o$  - дастлабки харажатлар.

Мазкур ҳолатда ечимни қабул қилиш мезони NPVга асосланган ечимга мос, яъни  $PI > 0$ .

Бошқа тадқиқотчилар бу мезонни дисконтлашган киримларни дисконтлашган тўловларга бўлишдан келиб чиқсан деб ҳисоблашади ва бундай ҳолатда самарали лойиҳалар учун унинг миқдори бирдан кам булмаслиги керак. Аммо ҳисобнинг хар бир усулида ҳам фойдалилик индекси қўйилмаларнинг самарадорлигини ифодалайди.

Лекин эсдан чиқармаслик керакки, фойдалалик индексининг юқори меъёрлари NPV нинг юқори аҳамиятига доимо мос келмаслиги ҳам мумкин, тескари ҳолат ҳам рўй бериши мумкин. Гап шундаки, юқори жорий қимматлиликка эга булган лойиҳалар самарасиз бўлиши мумкин, демак фойдалилик индекси унча катта бўлмаслиги мумкин.

**3. Даромадлар/харажатлар нисбати.** Даромадлар/харажатлар ёки фойдалар, сарфлар нисбати (Benefits to Costs Ratio) даромадларнинг дисконтлашган оқими(суммаси)ни харажатларнинг дисконтлашган оқимига бўлиш йўли билан аниқланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$B / C_{ratio} = \frac{\sum_{i=1}^T \frac{B_t}{(1+r)^t}}{\sum_{i=1}^T \frac{C_t}{(1+r)^t}} \quad (10.3)$$

Бу мезон фойдалилик индекси мезонинг хусусий хили бўлиб

хисобланади.

Агар  $B/C_{ratio} > 1$  бўлса, лойиҳанинг даромадлилиги минимал даражадан юқоридир ва лойиҳа қониқарли деб ҳисобланади.

(Даромадлар/харажатлар) нисбати лойиҳани молиявий жиҳатдан қониқарсиз лойиҳага айлантирмаслик учун харажатларни қанчага ошириш мумкинлигини ифодалайди.

Кўп ҳолларда NPV ва  $B/C_{ratio}$  икки, лойиҳадан энг яхисини бир хил табакалаштиради. Аммо айрим вазиятларда бир нечта муқобил варианлардан биттасини NPV ва  $B/C_{ratio}$  мезонлари бўйича танлашда қарама-карши натижалар хосил бўлади.

2-чизмада ифодаланган NPV ва  $B/C_{ratio}$  нинг teng маънода бўлган ва лойиҳаларга мос келадиган нуқталарини топайлик.

Қатъий бюджет чеклашлари шароитида СқС\* самарадорлик чегаралари икки мезон учун мос келади:

$$NPV=0 \Leftrightarrow B/C_{ratio}=0 \quad (10.4)$$

чизиқдан юқорида ётган лойиҳалар каттароқ даромадликка эгадир. (ML га нисбатан устунлироқдир ва N га ўрин беради).

#### **4. Даромадликнинг ички меъёри (Internal Rate of Return).**

Даромаднинг ички меъёри деганда, доимий олинадиган даромадни капиталлаш, инвестицияга teng суммани берадиган ҳисобланган фоиз ставкаси тушунилади. Унинг натижасида капитал қўйиш операцияда қопланади. Бошқа сўз билан айтганда ички даромадлилик нормасига teng ставка бўйича инвестиция суммаси фоизда ҳисобланганда даромад вақтида тақсимланади. Ставка қанча юқори бўлса капитал қўйилма самараси шунчалик юқори бўлади.

IRR инвестициялашга йўналтирилган маблағларни қоплаш даражасини билдиради ва ўз табиати билан турли фоиз ставкаларга яқин. IRR ни аниқлаш усули даромадлар тақсимланишининг аниқ хусусиятларига ва инвестицияга боғлиқ.

Умумий ҳолда, инвестиция ва ундан қайтиш тўловлар оқими кўринишидаги берилса, IRR қўйидаги тенглама асосида аниқланади:

$$\sum_{t=0}^n \frac{CF_t}{(1+r)^t} - I_o = 0 \quad (10.5)$$

Буни  $r$  га нисбатан чизиқли интерполяция ёки Ньютон - Рафсон усули ёрдамида ечилади.

IRRни аниқлаш пул тушумлари миқдори бўйича бир хил бўлмагандан қийин бўлади. Бундай ҳолда ҳисоблаш жараёнини синаб кўриш ва хатолар усулига мурожат қилиб ўзгартириш керак. Бунга бир нечта сонлар ичида IRRнинг қиймати аниқланади. IRR инвестор томонидан инвестициялаш учун қайси баҳода капитални олиш бўйича стандарт ҳисоб сифатида ўзи учун танланади. Инвестицияни мақбул даромадлилик даражаси барьер коэффициенти HR дейилади. Буни таққослаш тамойили қўйидагича:

- агар  $IRR > HR$  лойиха мақбул;
- агар  $IRR < HR$  лойиха мақбул эмас;
- агар  $IRR = HR$  турлича қарор қабул қилиш мумкин.

IRR фойдасиз лойиҳаларни ўтказиб юборувчи элак вазифасини бажаради. Ундан ташқари лойиҳалар фойдалилик даражаси бўйича тартиблашда асос бўлиб хизмат қиласди.

Усулнинг камчиликлари:

- IRR ставкаси бўйича лойиҳадан барча оралиқ пул тушумларини реинвесторлашда кам реал ҳолатни кўзда тутади. Ҳаётда маблағ қисми дивидент кўринишида тўлангани, бир қисми паст даромадли, лекин ишончли активларга, масалан давлатнинг қисқа муддатли облигацияларига ва бошқаларга инвестицияланган бўлиши мумкин;
- усул конвенциал бўлмаган пул оқимларида ички даромадлилик нормаси кўплиги муаммосини ечмайди, баъзан бундай холларда IRR умуман аниқлашга тўғри келмайди.

Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у ҳар қандай компаниянинг бош мақсадига эришишга ва унинг акционерлари бойлигини оширишга

йўналтирилган;

**Даромадликнинг ички меъёри (Internal Rate of Return).** NPV , B/C<sub>ratio</sub> ва PI ҳисобланганда фоиз ставкасининг танланиши ҳисобнинг якуний натижасига анча катта даражада ва, демак, унинг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Олдин ифодалангандай, фоиз ставкасининг меъёрига инфляция ўзгариши, муқобил имкониятлар ва инвестициявий хатарнинг даражаси таъсир этади.

NPV=0 тенг бўлган ҳолатда фоиз ставкаси  $r^*$ нинг мохияти жуда қизиқарли бўлади расм  $10.1\ r^*$  нуқтасида харажатларнинг қўшма дисконтлашган оқими даромадлар қўшма дисконтлашган оқимига тенг бўлади. Бу нуқта дисконтлашган «зарар кўрмаслик нуқтаси»нинг аниқ иқтисодий маъносига эга деб тасдиқлаш мумкин. У рентабелликнинг ички нормаси ёки фойдалилик деб аталади. ДИН ёки инглиз аббревиатурасида - IRR деб белгиланади. Бу мезон лойиҳанинг инвесторига маблағлар қўйилишининг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имконини беради. Агар банкнинг ҳисбот ставкаси IRR дан қўп бўлса, демак, бунда инвестор банкка ўз маблағларини қўйса катта даромадга эришиши мумкин.

1-чизмадан кўриниб турибдики,  $r^*$ бу IRRдир. Агар капитал қўйилмалар факат жалб этилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилса ва кредит іставкаси асосида олинган бўлса, бунда ( $r^*-i$ ) фарқи инвестициявий (тадбиркорлик) фаолиятининг самарасини ифодалайди.  $r^*=i$  бўлган пайтда олинган даромад билан факат инвестицияларни қоплаш мумкин (инвестициялар фойдасиз),  $r^*<i$  да инвестициялар зарар келтиради.

Молиявий амалиётда IRR ҳисобини дам-бадам капитал қўйилмаларни миқдорий тахлилнинг биринчи қадами сифатида кўллайдилар. Кейинги тахлил учун IRR 15-20% дан кам балмаган даражада баҳоланган инвестициявий лойиҳалар ажратиб олинади. Молиялаштириш учун қабул қилинган лойиҳалар даромадлиликнинг ички нормаси иқтисодиёт тармоги ва мулк шаклларига ёки лойиҳанинг хусусий ёки давлат корхонасига тегишли бўлишига қараб ўзгариб боради.

Демак, IRRнинг мохияти инвестицион лойиҳадаги даромадлиликнинг пастки кафолатланган даражаси деб изохланиши мумкин. Шундай қилиб, агар бу лойиҳанинг капитал муқобил қийматидан (масалан, қайта молияштириш ставкасидан) кўп бўлса, лойиҳани қониқарли деб ҳисоблаш мумкин.

Айрим пайтларда фойдалиликнинг ички нормасини инвестициялар даромадлигининг энг юқори даражаси деб кўриш мумкин, бу эса лойиҳага кўшимча қўйилмаларни жойлаштириш мувофиқлигининг мезони бўлиши мумкин.

**5. Инвестицияни қоплаш усули:** оддий дисконтсиз ва дисконтли энг кўп қўлланувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Вақт олишни ҳисобга олмасдан, яъни даромаднинг ҳар хил вақтда олинган бир хил суммалари қиймати бир хил деб ҳисобланади. Қоплаш муддати кўрсаткичи қуидагича аниқланади.

$$n_y = K / R \quad (10.6)$$

бу ерда:

$n_y$  – қоплаш муддатининг соддалаштирилган кўрсаткичи;

$K$  - инвестиция ҳажми;

$R$  - йиллик соф даромад

Агар соф даромад бир хилда бўлмаса, қоплаш муддати тушумларини кўшиш ва соф даромаднинг суммаси инвестиция суммасига тенг бўлгунга қадар вақтни ҳисоблаш натижасида аниқланади. Чет давлатларда  $n_y$  – кўрсаткичи асосан кичик корхоналарда қўлланилади. Бу кўрсаткичининг асосий камчилиги у инвестицияга амал қилишнинг тўлиқ даврини ҳисобга олмайди. Бу камчилик капитал қўйилмаларнинг тушуми тенг бўлмагандан кўзга ташланади. Шунинг учун қоплаш муддати кўрсаткичи танлаш мезони бўлиб, эмас, қарор қабул қилишда факат чеклаш сифатида қўлланилади, яъни лойиҳанинг қоплаш муддати қабул қилинган чеклашдан катта бўлса, мумкин бўлган инвестицион лойиҳалар рўйхатидан чиқариб ташланади.


## **10.2. Инвестициявий лойиҳани амалга оширишдан тушадиган фойда прогнози (башорати)**

Инвестициявий лойиҳани амалга оширишдан тушадиган фойда прогнози, корхона даромадидан (тушумидан) унинг барча харажатларини кетма-кет айиришни назарда тутувчи, стандарт ёндашув ёрдамида амалга оширилади. Харажатлар таркибиға хом-ашё ва материалларни харид қилиш харажатлари, асосий ишчиларнинг иш хақи, энергия ва ёқилғи харажатлари, амортизация, маъмурий харажатлар, савдо билан боғлиқ харажатлар ва солиқлар киради.

Ишлаб чиқаришнинг турига нисбатан ўзгарувчан бўлган солиқларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Барча солиқ тўловлари 8.1-расмдаги схемага мувофиқ учта гурӯҳга ажратилади: таннархга киритилган солиқ харажатлари, нархга киритилган солиқ тўловлари ва фойда солиги. Солиқларнинг энг тез ўзгарувчар қисми бу – маҳсулот таннархига киритилган солиқлардир. Инвестициявий лойиҳани амалга ошириш вақтида амалда бўлган солиққа тортиш тизимидан келиб чиқсан ҳолда, фойда прогнозини амалга ошириш лозим.

Кейинчалик дисконт кўрсаткичли пул оқимларини ўзаро мувофиқлаштиришга бўлган иккита ёндашувдан фойдаланамиз. Ҳар иккала ёндашув ҳам, бошланғич ахборот сифатида, корхонанинг амортизация, фоиз тўловлари ва фойда солигигача бўлган фойда кўрсаткичидан фойдаланадилар. Ушбу кўрсаткични кўпгина ҳолларда EBIT деб белгилайдилар, инглизчадан *Earnings Before Depreciation, Interest and Taxes*.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, инвестициявий лойиҳани ишлаб чиқиши жараёнида биринчи йил маълумотлари прогнозини ойлар бўйича, иккинчи йил маълумотларини чораклар бўйича, қолган бошқа йилларнини эса йиллик кўрсаткичлар бўйича амалга ошириш маслаҳат қилинади. Айрим ҳолларда фойда прогнози жами йиллик кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади.



**10.1.-расм. Солиқ харажатларининг турқумланиши**

Инвестициявий лойиҳанинг самарадорлиги, пул оқимларини (фойдани эмас) инвестицияларни бошланғич ҳажми билан таққослаш орқали амалга оширилади. Амортизация, фоизлар ва фойда солигигача бўлган соф фойда кўрсаткичларини пул оқими катталигига ўтказиш лозим. Бу дисконтнинг ҳисоб кўрсаткичини баҳолаш услугидан келиб чиқсан ҳолда, иккита ҳисоб схемаси ёрдамида амалга оширилиши мумкин:

- анъанавий схема;
- ўз капитали схемаси.

Кейинчалик ҳар иккала схема алоҳида кўриб чиқилади.

### **10.3. Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашнинг анъанавий схемаси**

Ушбу схема қуидаги хусусиятларга эга:

- лойиҳа NPV кўрсаткичини баҳолашда, дисконт кўрсаткичи сифатида лойиҳанинг ўртacha ўлчангандай капитал қиймати (WACC)дан фойдаланилади;
- IRR услуби асосида қарор қабул қилиш жараёнида, лойиҳанинг ички даромадлилиги меъёри WACC билан таққосланади;

- пул оқимларини прогноз қилишда фоиз тўловлари ва кредит инвестициясининг асосий қисмини қоплаш ҳисобга олинмайди.

Учинчи хусусиятга мувофиқ пул оқимларининг прогнози 10.1-жадвалда берилган схемага асосан амалга оширилади.

Ушбу ҳисоб схемасининг айрим жойларига изоҳ бериб ўтиш лозим:

1. Амортизация соф фойдага кўшилади, чунки у харажатларнинг пуллик турига мансуб эмас ва фойда солигини аниқлаш мақсадида ялпи харажатларга киритилади.

2. «Ишчи капиталнинг бўшаши» деганда, корхонанинг айланма воситаларига киритиладиган инвестициялар ҳажми тушунилади. Ушбу инвестициялар, дебиторлик қарзининг ўсиши, ҳамда лойиҳанинг сўнгги босқичида тугатиладиган ва қўшимча ижобий пул оқимига олиб келадиган товар-моддий захиралар билан боғлиқ. Равшанки, ушбу пул оқими жадвалнинг сўнгти йилида пайдо бўлади.

#### 10.1.-жадвал

##### Анъанавий схема бўйича пул оқимларининг прогнози

	1- йил	2- йил	....	n-чи йил
Амортизация, фоизлар ва фойда солигигача бўлган соф фойда				
минус амортизация				
<b>Солиқларгача бўлган соф фойда</b>				
минус фойда солиги				
<b>Соф фойда</b>				
қўшимчалар: амортизация				
Ишчи капиталнинг бўшаши				
Ускуналарнинг қолдиқ қиймати				
Ишчи капиталининг ўзгариши билан боғлиқ қўшимча пул оқимлари				

3. Ускуналарнинг қолдик қиймати ҳам, лойиҳанинг сўнгги йилида ижобий пул оқими сифатида туркумланади. Чунки ускуналар қолдик қиймати бўйича сотилади ёки лойиҳанинг бошқа мақсадлари учун ишлатилади деб фараз қилинади.

4. Ишчи капиталининг ўзгариши муносабати билан пайдо бўлувчи қўшимча пул оқимлари, лойиҳани амалга ошириш жараёнида корхона айланма воситаларининг (дебиторлик қарзи ва товар-моддий захиралар) ва қисқа муддатли мажбуриятларининг (кредитор қарзи) асосий турлари ўзгарган ҳолдагина пайдо бўлади. Бу асосан корхонанинг реализация ҳажмини ўзгаришининг оқибатидир. Хақиқатдан ҳам, агарда реализация ҳажми лойиҳага мувофиқ 10%га ошса, дебиторлик қарзи ҳам унга пропорционал тарзда ошади. Мисол учун, корхонанинг дебиторлик қарзи бир йил давомида 50,000 минг сўмдан 62,000 минг сўмгача ошди, яъни корхона 12,000 минг сўм кам олади. Табиийки, бундай ўзгариш салбий пул оқими деб туркумланади.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, NPV кўрсаткичини баҳолашдаги дисконтлаш жараёни ва кейинчалик бошланғич инвестициялар билан таққослаш, пул оқимларидан инвесторлар даромадларини айириб ташлаш ва пул оқимларининг замонавий қийматларини инвестицияларнинг бошланғич ҳажми билан таққослашга мос келади. Шундай қилиб, агарда пул оқимларининг прогнозида фоиз тўловлари ва қарзнинг асосий қисмини қайтариш тўловлари айириб ташланса, ушбу қарз кўрсаткичлари икки маротаба ҳисобга олинган бўлар эди (иккинчи марта дисконтлаш ва NPVни ҳисоблаш жараёнида).

Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг ҳисоб схемаси тутатилган кўринишга эга бўлади.

1. 10.1 жадвал ёрдамида пул оқимлари прогнозини амалга оширамиз.

2. Инвестицияларни молиялаштириш тузилмаси ва айрим таркибий қисмларнинг қийматидан (белгиланган фойда солиги ставкасида) келиб чиқкан ҳолда капиталнинг ўртача ўлчангандык қийматини WACC баҳолаймиз.

3. Күйидаги формула бўйича NPV кўрсаткичини ҳисоблаймиз:

$$NPV = -INV + \frac{CF_1}{(1+r)^1} + \frac{CF_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{CF_n}{(1+r)^n} \quad (10.7)$$

Бу ерда:  $INV$  – инвестицияларнинг умумий ҳажми,  $r$  –  $WACC$ ,  $CF_1$ ,  $CF_2$  ...  $CF_n$  пул оқимларини эса 10.1 жадвалнинг охирги қаторидан оламиз.

4. IRR – услугидан фойдаланилса, IRR кўрсаткичининг қиймати күйидаги тенгламадан топилади:

$$\sum_{j=1}^n \frac{CF_j}{(1+IRR)^j} = INV \quad (10.8)$$

Кейинчалик, олинган даромадлиликнинг ички меъенинг қиймати капиталнинг ўртача ўлчангандык қиймати билан таққосланади, агарда  $IRR > WACC$  бўлса лойиха молиявий самарадорлик нуқтаи назаридан қабул қилинади.

#### 10.4. Шахсий капитал схемаси

Шахсий капитал схемасига мувофиқ, инвестициявий лойиха самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш қўйидагиларни қоида сифатида кўрган ҳолда амалга оширилади:

- лойиха NPV кўрсаткичини баҳолашда, дисконт кўрсаткичи сифатида лойиха шахсий капитали қийматидан фойдаланилади, бунда инвестицияларнинг ҳисоб ҳажмига фақат шахсий инвестициялар киритилади;

- IRR-услуб асосида қарор қабул қилиш жараёнида, лойиха даромадлигининг ички меъенинг қиймати шахсий капитал қиймати билан таққосланади;

- пул оқимларининг прогнозида фоиз тўловлари ва кредит инвестицияларнинг асосий қисмини қоплаш тўловлари ҳисобга олинади.

Пул оқимларининг прогнози 10.2 жадвалда тақдим этилган схема бўйича амалга оширилади.

Самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш қуидагича амалга оширилади:

1. 10.2 жадвал ёрдамида пул оқимларининг прогнози амалга оширилади.
2. Корхона шахсий капитали қиймати  $r_E$  баҳоланади.
3. Қуидаги формула бўйича NPV кўрсаткичи ҳисобланади:

$$NPV = -INV_E + \frac{CF_1}{(1+r)^1} + \frac{CF_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{CF_n}{(1+r)^n} \quad (10.9)$$

Бу ерда:  $INV_E$  – шахсий инвестициялар ҳажми,  $r = r_E$ ,  $CF_1$ ,  $CF_2$  ...  $CF_n$  пул оқимларини эса 10.2 жадвалнинг охирги қаторидан оламиз

## 10.2-жадвал

Шахсий капитал схемаси бўйича пул оқимларининг прогнози

	1-йил	2-йил	....	n-чи йил
Амортизация, фойда солиғи ва фоизларгача бўлган соф фойда				
минус амортизация				
минус фоиз тўловлари				
<b>Солиқларгача бўлган соф фойда</b>				
минус фойда солиғи				
<b>Соф фойда</b>				
Кўшимчалар: амортизация				
Ишчи капиталининг бўшаши				
Ускуналарнинг қолдиқ қиймати				
Минус қарзнинг асосий қисмини тўлаш				
Ишчи капиталининг ўзгариши билан боғлиқ қўшимча пул оқимлари				

4. Агарда  $IRR$  – услугидан фойдаланилса,  $IRR$  кўрсаткичининг қиймати қуйидаги тенгламадан топилади:

$$\sum_{j=1}^n \frac{CF_j}{(1+IRR)^j} = INV_B \quad (10.10)$$

Ички даромадлилик меъёрининг олинган қиймати шахсий капитал қиймати билан таққосланади, агарда  $IRR > r_E$ , бўлса лойиҳа қабул қилинади.

Иккинчи схемага мувофиқ корхона шахсий капиталидан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланади. Инвестициявий схеманинг барча кредит элементлари ҳисобдан «олиб ташланади».

### **Назорат саволлари:**

1. Инвестициявий лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари.
2. Пул оқимларининг прогнози учун қайси иқтисодий кўрсаткич асос ҳисобланади?
3. Соф фойдани режалаштиришда ялпи харажатларни айриш кетма-кетлиги қандай?
4. Инвестициявий лойиҳани амалга ошириш жараёнида пул оқимларини режалаштиришда амортизация, фоиз ва солик тўловларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий схемасида пул оқимларининг прогнози қандай амалга оширилади?
6. Инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий схемасида дисконт кўрсаткичи қандай ҳисобланади?

## **XI-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАРДА ТАВАККАЛЧИЛИК ТАҲЛИЛИ, УНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ**

Таянч иборалар: ноаниқлиқ, таваккалчилик, ишлаб чиқариш таваккалчилиги, молиявий таваккалчилик, инвестициявий таваккалчилик, бозор таваккалчилиги, капитал қўйилмалар таваккалчилиги, сезувчанлик таҳлили, сценарийлар таҳлили, имитацион моделлаштириш.

### **11.1. Ноаниқлиқ ва таваккалчиликнинг умумий тушунчалари**

Инвестициявий лойиҳа, капитал ва жорий харажатлар, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ҳажми, товарлар нархи, лойиҳанинг вақт чегараларига нисбатан етарлича аниқ фикрларга асосланган бўлади. Бундай фикрларнинг сифати ва асосланганлик даражасидан қатъий назар, лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган воқеалар ривожи ҳар доим бир хил эмас. Бу ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятининг асосий аксиомаси. Шу муносабат билан инвестициявий лойиҳалаштириш амалиёти бошқалар қаторида ноаниқлиқ ва таваккалчилик жиҳатларини ҳам кўриб чиқади.

Ноаниқлиқ деганда – келажакдаги муайян воқеалар ривожининг бир хилда бўлмаслик ҳолати, бошқача қилиб айтганда бизнинг ҳамма нарсани била олмаслигимиз ва корхона фаолияти, шу жумладан инвестициявий лойиҳани амалга ошириш, ривожланишининг асосий катталик ва кўрсаткичларини аниқ башорат қила олмаслик ҳолати тушунилади.

Ноаниқлиқ ҳолатида, етарлича аниқ бўлган қарор йўқ, чунки инвестициявий лойиҳанинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича мумкин бўлган қиймати интерваллари самарадорлик кўрсаткичи қийматининг интервалларини келтириб чиқаради. Ушбу интервал, одатда, капитал қийматини қоплайди, бу эса лойиҳани бир хилда қабул қилиш ёки рад этиш имконини бермайди. Бу ерда қарор қабул қилиш учун муҳим аҳамият касб этувчи янги бир омил пайдо бўлади – бу таваккалчилик омили.

Фараз қиласлиқ, бир ёки бир неча катталикларни (мисол учун, сотиш

ҳажми, маҳсулот нархи, умумий харажатлар ва х.) интервал шаклида бериш оқибатида, даромадлиликнинг ички меъёри қийматларининг тегишли интервали [11,2%; 18,5%] дан иборат бўлди. Корхона капиталининг қиймати 14%га teng. Лойиҳани қабул қилиш керакми, ёки рад этиш? Тўғри қарор қабул қилиш учун, корхона учун салбий оқибатлар таваккалчилигини баҳолаш лозим.

Умумий ҳолатда таваккалчилик деганда бирор-бир нохуш воқеанинг рўй бериш эҳтимоли тушунилади. Табиийки, тадбиркорлик фаолиятида бундай нохуш воқеаларда корхона ресурсларининг бир қисмини йўқолиши, режалаштирилган даромадларнинг пасайиши ёки қўшимча харажатларнинг келиб чиқиши ва бошқалар тушинилади.

Таваккалчилик – бозор муҳитининг ўзига хос хусусиятидир. Таваккалчиликнинг асосий турлари қуйидагилар:

- корхона томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслиги эҳтимоли билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш таваккалчилиги;
- корхона томонидан ўз инвесторлари олдидаги молиявий мажбуриятларини бажармаслиги эҳтимоли билан боғлиқ бўлган, молиявий таваккалчилик;
- шахсий ва сотиб олинган қимматли қофозлардан иборат молиявий-инвестицион портфелнинг қадрсизланиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган, инвестициявий таваккалчилик;
- фонд бозоридаги бозор фоиз ставкалари ва валюталар курсларининг ўзгариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган, бозор таваккалчилиги;
- мамлакатдаги барқарор бўлмаган сиёсий вазият туфайли инвесторлар учун юзага келиши мумкин бўлган нохуш воқеалар билан боғлиқ, сиёсий таваккалчилик.

**Капитал қўйилмалар таваккалчилиги** – бу муайян турдаги тадбиркорлик фаолиятининг таваккалчилиги бўлиб, маблағ киритишдан исталган даромадни олмаслик эҳтимоли билан боғлиқ. Бундай таваккалчилик, таваккалчиликнинг юқорида санаб ўтилган барча турларини

ўз ичига олади.

Қатор вазиятларда, эҳтимоллик категорияларидан фойдаланишини назарда тутмайдиган, оддийроқ ёндашувлар билан чегараланиш мумкин. Ушбу услублар, инвестициявий лойихани амалга ошириш давомида корхона менеджментини такомиллаштириш учун ҳам, инвестициявий лойиха мақсадга мувофиқлигини түлиқ асослаш учун ҳам етарлича самаралидир. Бундай ёндашувлар: сезувчанлик таҳлили ва инвестициявий лойиха сценарийлари таҳлилидан фойдаланиш билан боғлиқ.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ноаниқлик таҳлилига бўлган икки гуруҳдаги ёндашувларни ажратишимииз мумкин:

- сезувчанлик ва сценарийлар таҳлили йўли билан ноаниқлик таҳлилини амалга ошириш;
- турли хил эҳтимолий-статистик услублардан фойдаланган ҳолда таваккалчиликларни баҳолаш ёрдамида ноаниқлик таҳлилини амалга ошириш.

Инвестициявий лойихалаштиришда, одатда, кетма-кет ҳар иккала ёндашувдан ҳам фойдаланилади. Бунда биринчи ёндашув мажбурий, иккинчиси эса хохиш бўйича.

## **11.2 Сезувчанлик таҳлили**

Сезувчанлик таҳлилининг асосий мақсади – инвестициявий лойиха турли хил омилларини лойиха самарадорлигининг асосий кўрсаткичи, мисол учун даромадлиликнинг ички меъёрига, таъсирининг таққослама таҳлилидан иборатdir.

Сезувчанлик таҳлилини ўтказишнинг энг рационал кетма-кетлигини келтирамиз.

1. Инвестициялар самарадорлигининг асосий кўрсаткичини танлаш. Бундай кўрсаткич сифатида даромадлиликнинг ички меъёри (IRR) ёки соғ замонавий қиймат (NPV) хизмат қилиши мумкин.

2. Инвестициявий лойиха муаллифи аниқ фикрга эга бўлмаган

омилларни танлаш (яъни, ноаниқлик ҳолатида бўлган). Одатда буларга қуидаги омиллар киради:


- капитал харажатлар ва айланма маблағларга қўйилмалар;
- бозор омиллари-товар нархи ва сотиш ҳажми;
- маҳсулот таннархининг таркибий қисмлари;
- асосий воситаларни қуриш ва ишга тушириш вақти.

3. Иккинчи босқичда танланган ноаниқ омилларнинг номинал ва чегаравий (юқори ва қуи) қийматларини ўрнатиш.

4. Ноаниқ омилларнинг барча танланган чегаравий қийматлари учун асосий кўрсаткични ҳисоблаш.

5. Барча ноаниқ омиллар учун сезувчанлик графикини барпо этиш. Farb инвестициявий менежментида бундай график “Spider Graph” деб номланади. Учта омил учун бундай график 11.1-расмда келтирилган.

Мазкур график лойиҳанинг энг критик омиллари тўғрисида хulosа чиқариш, ва инвестициявий лойиҳани амалга оширишда уларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда таваккалчиликни пасайтириш имконини беради. Мисол учун, агарда маҳсулот нархи критик омил деб топилган бўлса, лойиҳани амалга ошириш давомида маркетинг дастурини яхшилаш ва (ёки) товар сифатини ошириш лозим. Агарда лойиҳа ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига сезувчан бўлса, корхона ички бошқарувини такомиллаштириш ва унумдорликни ошириш бўйича маҳсус чораларни киритишга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ва ниҳоят, агарда моддий харажатлар омили критик деб топилган бўлса, хом-ашё харид нархини пасайтириш имконини берувчи янги узоқ муддатли шартномаларни тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.



**11.1-расм. Лойиҳанинг ноаниқ омиллар ўзгаришига сезувчанлиги**

### 11.3. Сценарийлар таҳлили

Сценарийлар таҳлили – бу таваккалчилик таҳлилиниң шундай услугики, у бошланғич маълумотларнинг базис тўплами билан бир қаторда, лойиҳа муаллифлари нуқтаи назаридан рўй бериши мумкин бўлган, бир қатор бошқа маълумотлар тўпламларини ҳам кўриб чиқади. Сценарий таҳлилида, молиявий таҳлилчи техник менеджердан «яхши» ва «ёмон» (сотувларнинг кичик ҳажми, паст нарх, юқори таннарх ва х.) ҳолатлардаги кўрсаткичларни танлаб олишни сўрайди. Бундан сўнг, яхши ва ёмон шароитлардаги NPV ҳисобланади ва кутилаётган NPV билан таққосланади.

### 11.4. Монте-Карло имитацион моделлаштириш услуби

Монте-Карло имитацион моделлаштириш услуби, тасодифий сценарийларни яратиш имконини ҳосил қилиши ҳисобига, таваккалчиликни баҳолашда қўшимча имкониятларни яратади.

Таваккалчилик таҳлили натижаси NPVнинг қандайдир ягона қиймати билан эмас, балки ушбу кўрсаткични бутун мумкин бўлган қийматларининг эҳтимолий тақсимланиши кўринишида ифодаланади. Демак, потенциал инвестор, Монте-Карло услуби ёрдамида, лойиҳа таваккалчилигини тавсифловчи маълумотларнинг тўлиқ тўплами билан таъминланган бўлади.

Ушбу асосда маблағ тақдим этиш түғрисида қарор қабул қилиш мумкин.

Умумий ҳолатда, Монте-Карло имитацион моделлаш-тирилиши бу шундай жараёнки, унинг ёрдамида қандайдир молиявий күрсаткичнинг (бизнинг мисолимизда NPV) математик модели, компьютер ёрдамида бир неча марта имитацион тарзда ҳисоблаб ўтказилади. Имитация жараёни шундай амалга ошириладики, ўзгарувчанлар ўртасидаги маълум бўлган ёки фараз қилинадиган корреляция муносабатларига зиён етказилмайди. Натижалар, таваккалчилик меъёрини ҳисоблаш учун, статистик тарзда йиғилади ва таҳлил қилинади.

Таваккалчилик таҳлили жараёни қуйидаги босқичларга ажратилиши мумкин (11.2-расм).

<u>Прогноз модели</u>	<u>Эҳтимолликни тақсимланиши</u> (1-босқич)	<u>Эҳтимолликни тақсимланиши</u> (2-босқич)
Лойиха самарадорлигини ҳисоблашни прогноз қила оладиган моделни тайёрлаш	тасодифий ўзгарвчилар тақсимланишининг эҳтимолий қонунини аниқлаш	Ўзгарувчилар қиймати диапазонининг чегараларини ўрнатиш
<u>Корреляция шартлари</u>	<u>Имитацион</u> <u>ўтказишлар</u>	<u>Натижалар таҳлили</u>
Корреляцияланган ўзгарувчиларнинг муносабатларини ўрнатиш	Тасодифий сценарийлардан фойдаланиш	Имитация натижаларининг статистик таҳлили

**11.2.-расм. Таваккалчилик таҳлили жараёни**

Таваккалчилик таҳлили жараёнидаги биринчи босқич – прогноз моделини яратишидир. Бундай модел, танланган молиявий күрсаткич прогнозига тегишли бўлган сонли ўзгарувчилар ўртасидаги математик нисбатларни белгилайди. Инвестициявий таваккалчилик таҳлили учун базис

модел сифатида, одатда NPV кўрсаткичининг ҳисоб модулидан фойдаланилади.

$$NPV = CF_0 + \frac{CF_1}{(1+r)^1} + \frac{CF_2}{(1+r)^2} + \dots + \frac{CF_n}{(1+r)^n} = \sum_{k=0}^n \frac{CF_k}{(1+r)^k} \quad (11.1)$$

Умумий прогноз модели қўйидаги тарзда имитация қилинади. Пул оқимларининг муайян қийматларига тегишли бўлган, катта ҳажмдаги тасодифий сценарийлар ишга туширилади. Кейинчалик уларнинг NPV манфий қийматига тегишли бўлган улушини аниқлаш мақсадида, бита жойга йиғилади ва статистик қайта ишланади. Бундай сценарийларнинг умумий сценарийлар сонига нисбати инвестициялар таваккалчилигини баҳолайди.

Модел ўзгарувчилари (пул оқимларининг) эҳтимолларининг тақсимланиши, бундай катталикларни муайян диапазонлардан танлаш имконини беради. Бундай тақсимланиш математик тарзда амалга оширилади, ва бу билан моделлаштириш жараёнидаги ҳар бир ўзгарувчи учун қийматларнинг тасодифий танланиши назорат қилинади.

«Моделларни ҳисоблаш» иши компьютер зиммасига юкланди, ва ҳисоблашлар сони қарор қабул қилиш учун етарли бўлгунга қадар амалга оширилади.

Имитацион моделлаштиришни амалий бажариш учун Гарвард университетида ишлаб чиқилган «Risk Master» дастурини таклиф этиш мумкин. Бу дастурнинг асосий хусусияти шундаки, у корреляцияланган тасодифий сонлар билан ҳам ишлаш имконига эга.

Таваккалчилик таҳлилиниң сўнгти босқичи, моделларни ҳисоблаш босқичида олинган натижаларни қайта ишлаш ва асослашдир. Ҳар бир ҳисоблаш  $r = 100 : n$ ,

Бўлган воқеа эҳтимоллигини тавсифлайди

Бу ерда:  $r$  – бир марталик ҳисоблаш эҳтимоли, %;

$n$  – танлов катталиги.

Мисол учун агарда тасодифий ҳисоблашлар сони 5000га teng бўлса, битта ҳисоблаш эҳтимоли  $r = 100 : 5000 = 0,02\%$ га teng бўлади.

Таваккалчилик мөнбети сифатида, инвестициявий лойиха-лаштиришда, NPVнинг манфий қийматига эга бўлиш эҳтимолини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундай эҳтимоллик имитацион моделлаштиришнинг ўртача статистик натижалари асосида баҳоланиб, битта ҳисоблаш эҳтимоли ва манфий қийматга эга натижалар қўпайтмасига тенг бўлади. Мисол учун, 5000та ҳисоблашдан 3454тасида NPV қиймати манфий бўлса, таваккалчилик мөнбети 69,1%ни ташкил этади.

### **Назорат саволлари:**

1. Таваккалчилик ва ноаниқлик деганда нима тушунилади?
2. Таваккалчиликни миқдорий таърифлаш имкониятлари қандай?
3. Инвестициявий лойихага таваккалчиликнинг қандай асосий турлари мансуб?
4. Энг оддий усул ёрдамида ноаниқликни қандай таърифлаш мумкин?
5. Инвестициявий лойихалаштириш жараёнида таваккалчилик таҳлилига бўлган қайси учта ёндашувни биласиз?
6. Сезувчанлик таҳлилиниң моҳияти нимада?
7. Инвестициявий лойихалар таваккалчилиги таҳлилида сценарийлар таҳлилиниң моҳияти нимада?

## **ХII-Боб. ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР МОНИТОРИНГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Таянч иборалар: мониторинг, кузатув, назорат килиш, қўзгу.

### **12.1. Мониторингнинг моҳияти ва аҳамияти**

Банк муассасалари инвестиция лойихаларини молиялаштиришга маблағ ажратиб, кредит берган вақтдан бошлаб қарз олувчининг кредитга лаёқатлиигини таҳлил қилиш, кредитнинг мақсади ишлатилиши устидан назоратни (текширувни), яъни лойихани молиялаштиришнинг мониторингини олиб боради.

Қарз олган банк мижозлари ўз қонун ва қоидаларига эга бўлган бозор муҳитида, рақобатчилик шароитида фаолият юритадилар. Тўғри ривожланиш стратегиясини танлаб олмаган, бозор шароитига мослашмаган корхоналар ўз позицияларини бой берадилар. Қарз берилган пайтда ривожланиш истиқболига эга бўлган қарз олувчи бир неча ойдан сўнг объектив ва субъектив омиллар таъсирида қийин молиявий аҳволга тушиб қолиши мумкин. Натижада банк кредитининг қайтарилмаслиги хавфи юзага келиши мумкин. Шунинг учун лойихани молиялаштиришга маблағ ажратган банк (кредитор) қарз ҳолатини лойиханинг бутун муддати давомида доимий равишда назорат қилиб бориши, ўз вақтида юзага келаётган муаммолардан дарак берувчи «сигнал»ларни аниқлаши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Лойихани молиялаштириш мониторинги молиялаштиришга ажратилган маблағлар қай йўсинда ишлатилаётганлигини назорат қилиш, унинг мақомидаги ўзгаришларни аниқлаш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш тизимини қўзда тутади. Унинг мақсади асосий қарз ва у бўйича ҳисобланган фоизларнинг ўз муддатида қопланишини таъминлашидан иборат.

Мониторинг, энг аввало, лойихани молиялаштиришга маблағ бериш битимиға тегишли барча хужжатларни ва уларнинг шартлари бажарилишини,

уларнинг банк-кредит сиёсатига, қабул қилинган меъёрлар ва тартибларга мувофиқлигини даврий текшириб боришни ўз ичига олади. Навбатдаги қадам қарздорнинг молиявий лаёқатини баҳолаш бўлиб, унинг балансини, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботини ҳамда мижознинг молиявий-хўжалик фаолиятини тавсифловчи бошқа хужжатларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Мониторингнинг яна бир муҳим томони кредитни қоплашнинг иккиламчи манбаи-унинг қайтарилишининг таъминотини текшириш ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамиизда ҳар йили юзлаб лойиҳаларни молиялаштириш амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар давлат бюджети маблағлари, халқаро кредит линиялари маблағлари ҳисобига, бизнес-фонд ва бюджетдан ташқари фонdlар, банклар, чет эллик ва хусусий инвесторлар томонидан молиялаштирилар экан, албатта, бу маблағларнинг қайтарилиши ва маълум миқдорда уларнинг фойда билан таъминланиши талаб этилади. Ушбу маблағларнинг муайян фойдаси билан қайтишлигини аниқлаш, текшириб бориш ва таҳлил қилиб туриш учун кредиторлар томонидан, шунингдек мол етказиб берувчилар, хусусан, лизинг, сугурта компаниялари ва кафиллик берувчи ташкилотлар томонидан лойиҳаларнинг мониторинги олиб борилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам молиялаштирилаётган барча лойиҳалар устидан мониторинг олиб боришнинг умумий тизими жорий қилинган.

Ҳар бир молиялаштирувчи ёки кредитлашни амалга оширувчи ташкилотлар ўзларининг фаолият тури ва хусусиятларидан келиб чиқиб ўзларига хос бўлган мониторинг ўтказиш тартибини ишлаб чиқадилар ва шу асосда фаолият юритадилар.

Ўзбекистонда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш давлат кўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 1998 йил 30 марта «Корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил этиш ва

мониторингни юритиш тартиби» асосида мониторинг механизми йўлга қўйилаги. Ушбу тартибга 1998 йил 19 августда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу тартибда мониторингнинг қисқача мазмuni келтирилган. Ушбу тартибга кўра, мониторинг – бу лойиҳанинг амалга оширилиши юзасидан тизимли кузатув олиб боришдир.

Мониторингнинг мазмуни «кўзгу» деган маънони англатади.

Мониторингни юритишида куйидагилар кўзда тутилади.

1. Амалга оширилмоқчи бўлган лойиҳада нима ишлаб чиқариш кўзда тутилганлиги.
2. Ишлаб чиқариш жараёнини бошидан охиригача кузатиб бориш.
3. Ишлаб чиқариш корхонасининг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик жиҳатдан асосланиши ва ташкил этилиши.
4. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уни молиялаштиришни амалга ошириш.

Мониторинг олиб бориш босқичлари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йифиш ва қайта ишлаш;
- олинган маълумотлар асосида корхоналарнинг молиявий-хўжалик ҳолатини таҳлил этиш;
- таҳлил натижалари бўйича хулосалар қилиш ва таклифлар бериш.

Инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг мониторинги механизми корхоналарининг кредит ресурсларига бўлган талабининг банкини шакллантиришда, инвестициявий жараённинг барча иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини, уларнинг кредит линияларини ўзлаштириш жараёнига кўшилишини, шу жумладан инвестициявий даврнинг барча босқичларида кредит линиялари ресурсларидан инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлигини кузатишни ва баҳолашни кўзда тутади.

Инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш самарадорлиги мониторингини ўтказишнинг мақсади инвестициялаш жараёнининг барча даражаларини доимий кузатиш ҳисобланади (уларнинг кенгайтирилган

вазифалари асосида):

- инвестициявий жараённинг барча иштирокчилари томонидан корхоналар лойиҳаларини (таклифларини) инвестициявий давринг барча босқичларида ўтиш муддатларига амал қилиш;
- инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни, шу жумладан, инвестициявий давринг барча босқичларида жалб қилинаётган чет эл кредит линиялари самарадорлигини таъминлашга кўмаклашиш.

Қўйилган маблағларининг юқори самарасини таъминлаш корхоналар томонидан инвестициявий лойиҳалар бўйича мажбуриятларни бажариш мониторингнинг асосий мақсади ҳисобланади.

## **12.2. Инвестициявий лойиҳасини амалга ошириш ва унинг мониторингини ўтказиш тизимини яратиш**

Шакллантирилган инвестиция лойиҳасининг самарали амалга оширилиши, кўп ҳолларда, уни амалга оширишнинг тезкор режасининг ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишига боғлик бўлади. Бундай тезкор режа амалиётида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг календар режаси деб номланади.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режасини ишлаб чиқиш муайян тамойилларга асосланади ва муайян кетма – кетлиқда амалга оширилади. Қўйида биз Ушбу тамойилларни кўриб чиқамиз:

1. Календар режанинг обьект табақаланиши (дифференцияси) бўйича тамойили календар режалаштириш инвестиция лойиҳасининг бутун даврига асосланиб амалга оширишини кераклигини кўзда тутади. Лойиҳани амалга оширишни календар режалаштириш жараёни уни амалга оширишнинг база муддатларига ва бизнес режада акс эттирилган инвестициялар оқими жадвалига асосланади.

Ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича уни амалга ошириш учун банк томонидан лойиҳа мониторингини олиб борувчи лойиҳа менежери белгиланади.

2. Календар режанинг вақтинчалик тамойили ишлаб чиқиш шакли бўйича унинг деталлаштирилишининг турли хил даражасини назарда тутади. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича календар режанинг вақтинчалик дифференциясининг асосий шакллари куйидагилар ҳисобланади:

- календар режа инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг йиллик жадвалини тезкор режалаштириш натижаларини акс эттирувчи бошлангич ва асосий хужжат ҳисобланади. У (йиллик жадвал) бир неча йиллар давомида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича режалаштирилаётган календар йил доирасида бажарилиши кўзда тутилаётган ишлар ҳажмини ўз ичига қамраб олади. Шунингдек у бир йил мобайнида амалга ошириладиган лойиҳаларда лойиҳанинг мақсадига кўра бажарилиш муддати ва кетма-кетлиги билан тавсифланади.

- лойиҳани амалга ошириш бўйича ишларнинг чораклик ёки йиллик режаси уларнинг қўрсатилган вақтинчалик оралиқлари доирасидаги аниқ, ҳажмларини қамраб олади. Уларни ишлаб чиқишининг асоси бўлиб, деталлаштиришнинг тегишли кетма-кетлиги билан инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг йиллик жадвали ҳисобланади. Ишларнинг чораклик режаси йиллик режанинг тақдим этилиши билан бир вақтда тақдим этилади ва тасдиқланади.

- декадали (ўн кунлик) топшириқлар ишларни бажаришнинг ойлик режасини кетма-кет деталлаштириш шакли ҳисобланади. Бизнинг маҳаллий амалиётда календар режани табақалашнинг бу шакли камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Бироқ, йирик инвестиция лойиҳалари учун жалб этиладиган кўпгина хорижий пудратчилар календар режалаштиришнинг бундай шаклини кенг тадбиқ этадилар.

3. Календар режанинг функционал табақаланиши тамойили унинг алоҳида функционал қисмларга бўлинишини назарда тутади. Бу инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режасини ишлаб чиқиш жараёнининг бирмунча маъсулиятли қисмидир. Бундай бўлиниш лойиҳанинг

ҳажми ва амалга оширилиши босқичига боғлиқдир. Унинг асосий функционал қисмлари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- а) лойиҳани амалга оширишга тайёрлаш;
- б) лойиҳа-конструкция ишлари;
- в) моддий техникавий таъминлаш;
- г) курилиш-монтаж ишлари;
- д) лойиҳани эксплуатацияга киритиш;
- е) лойиҳа кувватларини ишга тушириш;
- ж) лойиҳа бўйича қарзларни қайтариш.

4. Календар режа захирасини шакллантириш тамойили унга алоҳида киритилган ишлар муддатларининг таҳлили қилинган бузилиш ҳолларини аниқлашдан ва ушбу захиранинг лойиҳани амалга оширувчи иштирокчилари ўртасида тақсимланишидан иборат. Календар режадаги ҳар бир иш уни бажариш учун зарур бўлган вақт билан, ишларнинг бошланиш ва тугалланиш муддатлари билан тавсифланиши керак. Ишлаб чиқилган режа реал бўлишлиги учун алоҳида ишларни бажаришнинг режалаштирилган вақти 75-80%дан кам бўлмаган ишонч билан аниқланган бўлиши керак. Бундай эҳтимоллик асосида кўзда тутиладиган захира жами календар режа муддатининг 10-12%ини ташкил этиши керак.

5. Календар режа бажарилишини доимий назорат қилиш тамойили инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режалаштирилиши тегишли назорат қилувчи блокни ҳам ўз ичига қамраб олишидан иборат. Бу тамойилнинг бажарилиши учун жорий мониторинг қўлланилади.

Лойиҳани амалга оширишнинг яхши ишлаб чиқилган календар режасидан ташқари инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бюджети ҳам жуда муҳим саналади. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг самарадорлиги кўпгина ҳолларда уни молиялаштиришнинг асосланган режаси билан аниқланади. Амалиётда бу молиявий режа «инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бюджети» деб номланади (ёки лойиҳа бюджети). Бюджет инвестиция лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ

харажатлар ва маблағлар тушумини акс эттирувчи қисқа муддатли (бир йилгача) тезкор молиявий режа сифатида ўзини намоён этади.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиш иккита асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлади:

1. Календар режанинг алоҳида босқичлари ҳажмида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича харажатлар ҳажми ва тузилишини аниклаш.

2. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишни молиялаштириш учун белгиланган жами маблағлар ҳажми доирасидаги инвестиция ресурслари оқимининг зарур бўлган харажатларни қоплашини таъминлаш.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бюджетини ишлаб чиқиш учун асосий маълумот хужжатлари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режаси;
- алоҳида кўринишидаги ишларни бажариш ва календар режанинг алоҳида функционал блоклари кўринишида ишлаб чиқилган хом ашёлар, материаллар, мосламалар ва ускуналарни сотиб олиш харажатлари сметалари;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг умумий стратегияси;
- лойиҳа бизнес-режасини ишлаб чиқиши босқичида тузилган инвестициялар оқимининг олдиндан башорат қилинган жадвали.

Инвестиция жараёни босқичларига боғлиқ ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш вақтида икки хил кўринишидаги бюджет ишлаб чиқилиши мумкин:

1. Капитал сарфлар ва маблағлар тушуми бюджети. Бу бюджет янги курилиш билан объектнинг кенгайтирилиши, таъмирланиши ва техник жиҳатдан қайта куроллантирилиши билан боғлиқ курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш босқичида ишлаб чиқиласди.

2. Жорий пул сарфлари ва даромадлари бюджети. Бу бюджет инвестициялаш объектини эксплуатация қилиш босқичида (унинг ишга туширилишидан кейин) ишлаб чиқиласди.

Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режаси ва бюджети пухта ишлаб чиқилгандан сўнг кузатиш, текшириш ва назорат қилиш тизимига эга бўлган мониторинг олиб борилади.

Амалга оширилмоқчи бўлган лойиҳа доимий назорат ёки мониторингни талаб этади. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги тизими инвестиция бозори конъюктурасининг доимий ўзгариб туриши шароитида барча инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг муҳим жорий натижаларини доимий кузатиб боришни таъминлаш учун банк ёки компанияларда ишлаб чиқилган механизм сифатида ўзини намоён этади.

Банклар томонидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалари мониторинги тизимини ишлаб чиқишининг асосий мақсади бўлиб, инвестиция фаолияти самарадорлигини келтириб чиқарувчи режалаштирилган маълумотларга нисбатан юз берган четланишларни ўз вақтида ҳал этиш, бу четланишларни келтириб чиқарувчи сабабларни таҳлил этиш ва инвестиция фаолиятини меъёрлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида унинг алоҳида йўналишларини тегишлича тартибга келтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги тизимини яратиш куйидаги асосий тамойиллардан фойдаланишга асосланади:

1. Кузатиш учун инвестиция фаолиятининг бирмунча муҳим йўналишини танлаш. Бу тамойилнинг амалга оширилиши компания инвестиция фаолиятининг мақсадли шакллантирилган маълумотига асосланади, шу билан бирга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида кузатишга тегишли бўлган ушбу фаолиятнинг устувор йўналишларининг аниқланиши билан боғлик ҳолдаги реал инвестицияларнинг портфели бўйича маълумотларга ҳам асосланади. Биринчи навбатда, кузатиш календар режа ва бюджетнинг уларнинг асосий бўлимлари бўйича амалга оширилиши устидан ташкил этилган бўлиши керак.

2. Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳар бир йўналиши

бўйича ҳисобот кўрсаткичлари тизимини яратиш. Кўрсаткичларнинг бундай тизими, биринчи навбатда, бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисобот маълумотларига асосланган бўлиши керак. Компанияда алоҳида кўшимча кўрсаткичларни киритиш зарурияти пайдо бўлганда «бошқарув ҳисоби» деб номланувчи тизим яратилади. Бу тизим тезкор бухгалтерия ҳисботини тўлдиришга хизмат килади ва самарали бошқариш эҳтиёжига бўйсиндирилган бўлади (инвестиция фаолиятини бошқариш бундай ҳолларда бошқарув ҳисобининг мустақил блоки ҳисобланади).

Ҳисобот (маълумот)лар кўрсаткичлари тизими лойиха бўйича бирмунча муҳим кўрсаткичлар тузилиши ва ҳажми бўйича календар режани амалга ошириш жараёнини, харажатлар ҳажми ва тузилиши бўйича бюджетнинг бажарилишини, шунингдек уларни хусусий, қарз ва жалб қилинган манбалар кўринишида молиялаштириш бўйича ҳам акс эттириши керак. Ҳисботлар кўрсаткичлари тизимида қарз олувчилар (мижозлар) билан олиб бориладиган сухбат асосий ўринни эгаллайди. Қарз олучи билан сухбатни ушбу корхоналар билан шуғулланувчи банк ходими олиб бориши керак, чунки у корхонада юз берадиган ҳолатлар тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлади.

Сухбатдан ташқари, бу тизимда банк ходимлари томонидан лойиха объектига бориб туриш яхши режалаштирилган бўлиши керак. Объектни бевосита кўздан кечириш ва танишиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёни тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

3. Инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг ҳар бир йўналиши бўйича умумлаштириб баҳо берувчи (аналитик) кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши. Баҳоловчи кўрсаткичлар тизими корхона инвестиция фаолиятининг алоҳида йўналишлари мониторинги мақсадидан келиб чиқиб яратилади ва бунинг учун жалб этилувчи маълумотлар (ҳисботлар) кўрсаткичларига асосланади. Кетма-кет олиб борилувчи таҳлилнинг қулайлиги учун бу баҳоловчи кўрсаткичлар тизими унинг асосий бўлимлари кўринишида шакллантирилган бўлиши керак.

Таҳдилнинг бундай бўлимлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун молиявий ресурсларни шакллантириш;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун йўналтирилган молиявий ресурсларни ўзлаштирилиши;
- қурилиш обьекти бўйича ишлар режасининг бажарилиши;
- инвестиция лойиҳаси бўйича активларнинг шаклланиши;
- инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича жорий самара-дорлик ва бошқалар.

Баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини яратишдаги алоҳида бўлимлар доирасида уларнинг функционал бўлинмалари алоҳида кўрсатилган бўлиши мумкин. Бунга мисол, «инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун молиявий ресурсларни шакллантириш» бўлимида баҳоловчи кўрсаткичларнинг қуидаги бўлинмалари ажратилган бўлиши мумкин:

- молиявий ресурсларни жалб қилиш бўйича вазифани бажариш даражаси;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда хусусий ва қарз маблағларининг иштирок этиш даражаси;
- инвестиция лойиҳасини молиялаштириш манбаларининг ҳисботи ва бошқалар.
- ҳар бир бўлимнинг бўлинмаларида бирмунча муҳим баҳоловчи кўрсаткичларнинг аниқ руйхати шакллантирилади.

Инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи кўпгина банкларда умумий баҳоловчи кўрсаткичлар ҳисоб-китоби шахсий электрон ҳисоблаш машина (ШЭҲМ)ларида маҳсус дастурлар ёрдамида автоматик тартибда амалга оширилади, шунинг учун қўрсаткичларнинг шаклланган тизимига бир вақтда жалб қилинган маълумотлар кўрсаткичлари асосида уларнинг ҳар бирининг ҳисоб-китоб амалиётини ишлаб чиқишига тўғри келади. Молиялаштириш манбасининг мослиги ва молиялашнинг кўриниши ҳам баҳоловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усулига таъсир кўрсатади, шунинг учун ҳар бир

томон ўзини баҳоловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш учун дастурли таъминот сифатида намоён этади.

8. Маълумотларнинг (баҳоловчи кўрсаткичларнинг) ҳисобот базасини шакллантиришнинг даврийлигини ўрнатиш. Бундай даврийлик инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг календар режаси ва бюджетининг даврийлигидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Бундай даврийликнинг ҳисобга олиниши билан у куйидагиларга ажратилади:

- тезкор ҳисобот (декадали ёки икки ҳафтали);
- ойлик ҳисобот;
- чораклик ҳисобот;
- ярим йиллик ҳисобот.

Йиллик ҳисобот кўрсаткичлари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жорий мониторингининг обьекти ҳисобланмайди, чунки кўрсаткичлар ўзгаришининг динамикасини ойлар бўйича кузатиш мумкин эмас.

Юқорида кўрсатилган тўртга тамойиллар билан боғлиқ ҳолда бажарилган ишлар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мониторингининг ниҳояланган (тугалланган) маълумот блокини тузишга имкон беради. Бу маълумотдан, нафақат, банк ичida, шунингдек корхоналар рейтингини тузишда ҳам фойдаланиш мумкин.

5. Кўзда тутилган ҳақиқий натижалардан четлашишга олиб келувчи асосий сабаб (омил)ларни таҳлил этиш. Таҳлилнинг бундай жараёнида, биринчи навбатда, календар режадан ёки бюджетдан «критик четлашувлар» кузатиладиган кўрсаткичлар ажратилади. «Критик четлашувлар» мезони сифатида декадали (икки ҳафтали) давр бўйича 20% ёки ундан ортиқ миқдордаги четлашишлар; ойлик давр бўйича 15% ёки ундан ортиқ фоизлар; чораклик бўйича эса 10% ва ундан юқори бўлган фоизлар қабул қилиниши мумкин.

6. Алоҳида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини меъёрлаштириш имкониятлари ва захираларини аниқлаш. Мониторингни

ташкил этишнинг мазкур тамойилини амалга ошириш жараёнида захиралар алоҳида функционал блоклар кўринишида ва лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини меъёрлаштириш бўйича буортмачи ва пудратчиларнинг имкониятларини ўрганиш билан қаралади. Бундай имкониятларини ўрганиш билан қаралади. Бундай имкониятларнинг бири сифатида бюджетнинг молиявий захирасидан фойдаланиш кўриб чиқилган бўлиши мумкин.

7. Алоҳида инвестиция лойиҳаларинги амалга оширишнинг календар режаси ва бюджетнинг ўзгариши бўйича таклифларни асослаш. Агар алоҳида инвестиция лойиҳаларини малака ошириш жараёнини меъёрлаштириш имкониятлари чекланган бўлса (яъни тўлиқ ҳажмда меъёрлаштиришга олиб келолмасалар) ёки мавжуд бўлмаса, у ҳолда мониторингнинг якунловчи босқичи бўлиб, бюджет ва жорий режалаштирилган-календар режанинг асосий хужжатларига тегишлича тузатишлар киритиш бўйича таклифларни асослаш ҳисобланади. Алоҳида ҳолларда инвестиция лойиҳасининг инвестиция портфелидан «чиқиши» тўғрисидаги таклиф асосланган бўлиши мумкин.

### **12.3. Лойиҳани молиялаштиришга қадар ўтказилувчи мониторинг**

Инвестиция лойиҳалари мониторинги фақат уни амалга ошириш жараёнигагина хос бўлмасдан, балки уларни молиялаштиришга бўлган даврларда ҳам ўтказилади. Лойиҳани молиялаштиришга қадар ўтказилувчи мониторингнинг аҳамияти шундаки, у лойиҳани молиялаштириш давридаги мониторингга нисбатан афзалроқ ва аҳамиятлироқ ҳисобланади. Чунки унинг натижасида инвесторларнинг лойиҳани амалга оширишдаги мақсадлари олдиндан кўпроқ таъминланиш имкониятлари ҳосил қилинади.

Лойиҳани молиялаштиришга қадар ўтказиладиган мониторинг куйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- инвестиция концепцияларини қидириш;
- лойиҳани бошланғич тайёрлаш;
- лойиҳани сўнгги шакллантириш ва унинг техник-иктисодий молиявий

афзалигини баҳолаш;

- лойиҳани узил-кесил кўриб чиқиш ва у бўйича қарорлар қабул қилиш.

Лойиҳанинг ушбу босқичлардан ўтиши инвестицияларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Бундай вазиятни келтириб чиқариш учун инвестиция гоясини амалга оширишнинг барча жиҳатлари пухта тайёрланиши ва шунга мос бизнес режа (инвестиция лойиҳаси) ишлаб чиқилиши лозим. Бундай лойиҳа салоҳиятли (потенциал) инвесторлар манфаатига мос келар экан, демак, ўтказилган тадқиқот ишлари кўзланган натижанинг ҳосил қилинишини таъминлаганлигини кўрсатади.

Натижалар ва ўтказилган таҳлилларнинг фойдали ҳисобланиши лойиҳани амалга ошириш ва уни молиялаштиришнинг энг яхши вариантини (схемасини) танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини (босқичига ўтишни) беради.

Ушбу босқич ёндашувининг афзалиги лойиҳани тайёрлашга сарфланган харажатларнинг самарадорлигини кўрсатиб бериш ва оширишда яққол кўзга ташланади. Шунингдек ушбу босқич энг устувор ва самарали лойиҳани аниқлаш ва танлаб олиш имконини ҳам берадики, бу эса истиқболсиз деб топилган лойиҳаларнинг ўз вақтида аниқланишини ва рад этилишининг олди олинишини таъминлайди. Лойиҳаларни бундай саралаш эса ҳамиша муҳим ҳисобланиб келинади.

Маблағлар киритишга муносиб бизнес-ғояларни қидириш ва танлаш инвестициялаш билан боғлик фаолиятнинг энг муҳим бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Сабаби, ушбу ҳол, охир-оқибатида, инвестиция маблағларини сафарбар этиш асосига айланиши мумкин. Бунинг учун лойиҳани бошланғич тайёрлаш ишлари пухта олиб борилиши лозим.

Лойиҳани бошланғич тайёрлаш босқичининг вазифаси эса инвестиция лойиҳасининг муносиб бизнес режасини ишлаб чиқиш, яъни ҳар қандай тижорат фаолияти учун умумий масалани ҳал этишдан иборатdir. Бундай бизнес режанинг вазифаси куйидаги иккита асосий саволларга жавоб топишга асосланади:

- инвестиция лойиҳаси концепсияси қанчалик қизиқарли ҳисобланади ва унинг устида ишлашни давом эттиришдан ҳамда лойиҳанинг техник-иктисодий ва молиявий мақбуллигини баҳолаш учун асосли маълумотларни тайёрлашдан мантиқ мавжудми?

Лойиҳани сўнгги шакллантириш ва унинг техник-иктисодий ва молиявий афзаллигини баҳолаш босқичида инвестицияларнинг барча жиҳатлари билан боғлик вариантларни ва муаммоларни муқобил кўриб чиқиши таъминлаши лозим бўлган лойиҳанинг техник-иктисодий ва молиявий асосланишини тайёрлаш ҳамда таҳлил этиш амалга оширилади.

Сўнгги қарорни қабул қилиш учун маълумотларнинг барча турларини тайёрлаш лойиҳани сўнгги шакллантириш ва молиявий афзаллигини пухта баҳолаш босқичининг асосий мазмунини ташкил этади. Бу босқич фақат керакли молиявий маблағларнинг етарлича аниқлик даражасида қатъий таъминланган бўлиши мукин бўлган ҳоллардагина амалга оширилиши лозим.

Сўнгги ва навбатдаги босқич лойиҳани узил-кесил кўриб чиқиш ва лойиҳани молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида сўнгги қарор қабул қилиш ҳисобланиб, у лойиҳанинг амалга оширилиши бўйича қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланувчи баҳолаш ишларини ўтказишни назарда тутади.

Лойиҳанинг сифати қанчалик юқори бўлса, уни баҳолаш бўйича шунчалик кам иш олиб борилади. Баҳоли хулосани тайёрлашда эса асосий эътибор лойиҳани молиялаштиришни амалга оширувчи фирмага қаратилади. Агар фирма тажрибали ва салоҳиятли бўлса, лойиҳанинг бутунлай ҳал этилиши таъминланиши мумкин. Лойиҳани энг сўнгги баҳолашда кўлланиладиган усувлар эса таҳлилнинг техник, тижорат, бозор, бошқарув, молиявий жиҳатларига асосланади.

Шундай қилиб, лойиҳани молиялаштиришга қадар ўтказилувчи мониторинг лойиҳанинг самарадорлиги ва ҳаётийлигини бошланғич таҳлил этиш учун амалга оширилади. Бундай мониторинг лойиҳани амалга оширишдаги келиб чиқувчи муаммоларнинг олдини олишга ва лойиҳани

молиялаштириш жараёнидаги мониторингнинг ишончли ва жиддий вазиятларни келтириб чиқарувчи сабабларсиз, енгилроқ ўтказилишига имкон беради.

#### **12.4. Банкларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мониторингини ташкил этиш**

Банкларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг мониторингини олиб бориши билан банкнинг «Лойиҳаларни молиялаштириш мониторинг» бўлими шуғулланади. Бу бўлим ҳам банкнинг бошқа бўлимлари каби ўзининг Низомига эга бўлади. Бўлим фаолияти банкнинг молиячи – маслаҳатчилар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар мониторингини ўтказиш тартиби бўйича Низомга асосланади. Ушбу Низомда жорий мониторингни ўтказишнинг тўлиқ жараёни, қарз олувчининг молиявий аҳволини баҳолаш усуслари, турли хил молиявий коэффициентларини ҳисоблаш усуслари, муаммоли кредитларнинг мониторингини ўтказиш тартиби, таҳлилий усувлар ва ушбу ҳолатларни ҳал этишга доир маслаҳатлар келтирилган бўлади.

Бу бўлим фаолиятининг асосий мақсади ссуда ҳисоб-рақамидан тўлов хужжатларининг қилинган тўловларга мослигини назорат қилиш, объект жойлашган жойга чиқиш билан бирга кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини текшириш, бажарилган ишларнинг назорат улчамларини ўтказиш ва курилиш муддатидан қатъий назар йилда камида икки марта сотиб олинган ускуналарни инвентаризация қилиш ҳисобланади.

Кредитдан мақсадли фойдаланилмаганлигини, ускуналарнинг комплект (яхлит) эмаслиги ҳамда етказиб келинмаганлигини ва бошқаларни аниқлашда бу бўлим қуйидаги чораларни қўллашга ҳақли ҳисобланади:

- кредитлардан мақсадли фойдаланилмаганда кредитларнинг қолган қисмини муддатидан олдин қайтариб олиш (ундириб олиш);
- бажарилган ишлар қисми ҳажмида кредит суммасини муддатидан олдин қайтариб олиш;

- жарима жазоларини кўллаш.

Юқорида келтирилган хуқуқлар ва мақсадларга эга бўлган ҳолда мониторинг бўлими ўзининг тегишли мажбуриятларини бажаради.

Банкларда мониторинг куйидаги соҳаларда олиб борилади:

- молиялаштиришни назорат қилиш;
- курилиш жараёнини ва лойиҳани ишга туширишни назорат қилиш;
- кредитнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш;
- кредит қайтарилишини назорат қилиш.

Ушбу соҳалар мониторингига параллел равишда гаровга кўйилган мулк предметлари ҳолатини ва корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолаш ҳам олиб борилади.

Молиялаштириш мониторингида куйидаги фаолиятлар амалга оширилади:

1. Тўлов хужжатларининг тасдиқланган объект сметасига ва фойдали ишлатилишига ҳамда шартнома баҳоларини аниқлашнинг тўғрилигига мос келгандаги тўлов объектларига ссуда ҳисоб-рақамидан ажратилган ҳар бир тўловини назорат қилиш.

2. Курилиш кетаётган жойга бориб кредитдан мақсадли фойдаланилаётганини ҳар чоракда текшириш.

3. Ҳар чораклик статистик таҳлилни ўтказиш, молиялаштиришнинг реал ва режали жадвалини ва қарз олувчининг кредит бўйича тўловларини назорат қилиш.

4. Кредит шартномаси, лойиҳа мониторингининг режаси ва техник тартиби талабларга мос келишини назорат қилиш.

Лойиҳа жараёни ва объектни ишга тушириш мониторинги куйидаги шакллар ва йўналишларда амалга оширилади:

1. Ссуда ҳисоб-рақамидан қилинган ҳар бир тўловда корхонадаги тўлов хужжатларининг объектнинг тасдиқланган сметасига ва фойдали ишлатилишига мослигини ва шартнома баҳоларининг тўғри аниқланганлигини назорат қилиш.

2. Ҳар чоракда статистик таҳлил олиб бориш, молиялаштиришнинг реал ва режали жадвалининг мослигини ва кредит бўйича қарз олувчининг тўловларини таҳлил қилиш.

3. Курилиш обьектига чиқиши орқали кредитдан мақсадли фойдаланилаётганини ҳар чоракда текшириб бориш.

4. Кредит шартномаси, техник тартиб талаблари ва лойиха мониторинги режасининг бажарилишини назорат қилиш.

Курилиш жараёни ва обьектни ишга тушириш мониторинги куйидаги шакл ва йўналишларда олиб борилади:

1. Курилиш муддатларининг ускуналарни келтириш ва уларнинг ишлаб чиқариш жадвалига мос ҳолдаги курилиш-монтаж ишлари муддатларини, ишларни жорий этиш жараёни ҳақидаги ҳисобот маълумотларини, текшириш натижаларини бевосита ўрганиш билан боғлиқликда, шунингдек курилишни олиб бориш савиясининг пасайиш сабабларини аниқлаш ва иқтисодий чоралар қўллаш билан ҳамда юқори ташкилотлар ва прокуратура органлари, хўжалик судларига зарур ҳолларда маълумотларини етказиш йўли билан кузатувларни назорат қилиш.

2. Пудратчи ва буюртамчилар томомнидан ускуналарни етказиб бериш, обьектни ишга тушириш бўйича курилиш-монтаж ишлари ва бошقا хизматлар учун тузилган шартномалар бўйича мажбурият-ларнинг бажарилишини назорат қилиш.

3. Объект бўйича курилиш-монтаж ишлари ва хизматларни ўрнатилган тартибда ва сотиб олинган ускунани инвентаризация қилиш бўйича йилида камида икки марта саноқли, ўлчовли ва ҳисобли назорат ишларини олиб бориш.

4. Ускуналарни ишга туширишга қабул қилишда иштирок этиш ва лойиха кўрсаткичларининг лойихани амалга ошириш бўйича тасдиқланган стратегияларига мослигини назорат қилиш.

Молиялаштириш ва курилиш жараёнидаги мониторингда жараёнида куйидаги тадбирлар ҳам амалга оширилиши керак:

1. Кредит бўйича таъминланганлик ҳолати ва сифатини назорат қилиш.
2. Банк кредитига бўлган талабнинг ўсиши ёки қисқариши билан боғлиқ рискларни ҳисобга олган ҳолда, қарз олувчининг молиявий ҳолатининг ўзгаришини баҳолаш.
3. Бозордаги иқтисодий ҳолатини баҳолаш, лойиҳани амалга оширишнинг тасдиқланган стратегиясидан четланишини ва лойиҳанинг пул маблағлари оқими башоратини унинг реал ҳолатига таққослаш.

## **12.5. Банкларда инвестиция лойиҳалари ҳаётийлигининг мониторингини ўтказиш шакллари**

Банклар хизмат кўрсатаётган мижознинг фаолияти тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш, кредитга лаёқатлиигини таҳлил этиш, берилган кредитлардан самарали фойдаланишлигини, ҳисоб-китоб ва тўловларнинг барча турлари бўйича тўғри юритилаётганлиги, асосий қарз ва у бўйича фоизларни қайтариш жараёнлари устидан текширув ва назорат олиб бориш тартибини ишлаб чиқиши керак.

Шунингдек ҳар чоракда банк ходимнинг (ложиҳа менежерининг) жойларга бориб, олиб борилаётган ишлар билан бевосита объектив танишиб, уларни баҳолаб, зарур бўлган ҳолларда ўз таклифларини бериб келиши. Корхонанинг раҳбари билан юзма-юз ҳолда олиб борилаётган ишлар, улар бўйича келгусидаги режалар, натижалар юзасидан сухбат қилиши ҳам талаб тутилмаган салбий ҳолатлар пайдо бўлганда, банк берган кредитларни қайтариб олиш учун зарур чораларни қўллаши ҳам талаб этилади.

Умуман олганда, бу каби лойиҳаларни кредитлаш ва уларнинг ҳаётийлиги юзасидан банкларда мониторинг ўтказиш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

1. Жорий мониторинг.
2. Муаммоли кредитлар мониторинги.

Жорий мониторингнинг бошланиши лойиҳа бўйича хulosани асбоб-ускуналарни олиб келиш битимини, кредит шартномасини ва мониторинг

режасини ўз ичига оладиган хужжатларни қабул қилиш билан бошланади. Қарз олувчи билан савол-жавоб ўтказилади ва қарз олувчи банкка лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашни тақдим этади.

Мониторинг бўйича ишни режали ташкил этиш ва лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш учун банк томонидан барча лойиҳалар бўйича мониторинг режаларини бир хил тизимга келтириш талаб этилади. Шу билан бирга лойиҳанинг амалга оширилиши бўйича лойиҳа мониторинги режаси ишлаб чиқилади. Кредитнинг ҳимояси ташкил этилишини кўзда тутган ҳолда мониторинг режаси кредитлаш бўлимидағи мутахассислар (экспертлар) билан мониторинг бўлими мутахассислари ўртасида биргаликда кредитнинг барча даврига тузилади. Бунда мониторинг режасида ҳар чоракда камида бир марта банк ходимиининг текширув учун жойларга бориб келиши кўзда тутилади.

Қарз олувчи томонидан тақдим этилган ҳисботлар асосида лойиҳа мониторинги бўйича мутахассислар лойиҳа ҳолатини молиявий-иқтисодий таҳлилдан ўтказадилар:

-корхонанинг ҳар ойда Давлат Статистика кўмитасининг жойлардаги бўлимлари ва бошкармаларига ишлаб чиқариш фаолияти ҳақидаги топширадиган ойлик жадвалли ҳисботлари;

- қарз олувчининг чораклик молиявий-иқтисодий ҳолати бўйича ҳисботи. Бунда лойиҳанинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш бўйича маълумотлар базасини бир тизимга келтириш зарур;

- лойиҳа мониторинги бўйича мутахассислар томонидан чораклик молиявий-иқтисодий ҳисботлар таҳлили асосида кредитларни анкеталаш ўтказилади ва кредит рейтинги аниқланади, лойиҳалар мониторинги бошқармасига рисклар даражасини бир хил тизимга келтириш ва захираларни шакллантириш учун эркин ахборотлар тақдим этилади;

- кредитлардан мақсадли фойдаланишни текшириш ҳар чоракда иш ўрнида текшириш далолатномасини тузиш орқали амалга оширилади. Кредитлардан мақсадли фойдаланиш бўйича маълумотлар мониторинг

бошкармаси томонидан бериб борилади;

- лойиҳани ўзлаштириш бўйича кредитларнинг жадвалли ўзлаштириш муддатлари ойлар бўйича таққосланади;

- кредитнинг таъминланганлиги бўйича назорат. Ҳар бир аниқ кредит учун алоҳида гаровга қўйилган мулкни текшириш далолатномаси ва ҳар чорақда гаровга қўйилган мулкнинг ҳолати ҳақидаги далолатнома ишлаб чиқилади;

- ҳамма манфаатдор субъектларга лойиҳалар ривожи, кредитлар ва уларнинг фоизлари қайтарилиши ҳақида ҳисоботлар тузиш ва уларни тақдим этиш;

- қарз олувчининг сўмдаги маблағларини эркин алмашинувчи валютага конвертация қилиш бўйича ишларни амалга ошириш. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун хом ашё ва материаллар сотиб олиш мақсадида маблағларни конвертация қилиш, хужжатларни тайёрлаш, миқдорий кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китобларни текшириш;

- хом ашё сотиб олиш ва тайёр маҳсулотларни сотиши мақсадида маркетинг изланишларини (тадқиқотларини) доимий равища олиб бориш. Маҳсулотларнинг омборда туриб қолиши сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- қарз олувчининг айланма маблағлари ҳолатини доимий равища ўрганиш ва уни бир маромда саклаши учун чора-тадбирлар кўриш ва ҳаттоқи, кредитлар бериш.

Амалиётда банклар томонидан ўз мижозларини кредитлаш ҳамиша самарали натижалар билан якунланавермайди. Айrim ҳолларда корхоналарнинг ўз бизнес режаларини номукаммал ишлаб чиқишилари ва фаолиятини мақсадли амалга оширганликлари, шунингдек бошқа турли сабаблар натижасида банклар томонидан тақдим этилган кредитларнинг қайтарилиш муаммоси вужудга келади.

Албатта, муаммоли кредитлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва уларни вужудга келтиришнинг ўзига хос омиллари мавжуд бўлади.

Муаммоли кредитларни келтириб чиқарадиган омилларнинг белгилари куйидагилар ҳисобланади:

1. Кредитнинг мўлжалланган мақсади бўйича ишлатилмаслиги.
2. Шартнома, бизнес-режада, техник-иктисодий асослаш ва бошқа кредит хужжатларида акс эттирилган жадвалларнинг амалга ошмаслиги:
  - молиявий-статистик ҳисботни «узатиш» жадвалининг амалга ошмаслиги;
  - сифатсиз асбоб-ускуналар, хом ашё ва материалларни ўзлаштириш ва рақобатбардош бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.
3. Қарз олувчининг молиявий-иктисодий ҳолатининг ёмонлашиш тенденцияси, шу жумладан:
  - муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиши;
  - маҳсулот сотилишининг сустлашиши;
  - қарз олувчининг фаолиятидаги режаларида кескин ўзгаришлар юз берниши;
  - қарз олувчи ҳолатининг тармоқларда ёки сотиш бозорида ёмонлашиши.
4. Қарз олувчининг банк олдидағи мажбуриятини бажара олмаслигига олиб келувчи «форс-мажор» ҳолатларининг вужудга келиши, жумладан:
  - қарз олувчининг ишлаб чиқарган маҳсулоти нархининг пасайишига сабаб бўлувчи омилларнинг келиб чиқиши;
  - раҳбариёт ва мулқдорлар таркибида радикал ўзгаришлар оқибатида менежментнинг ёмонлашуви;
  - мол етказиб берувчиларнинг хом ашё ва материалларни ўз вақтида етказиб бера олмаслиги;
  - қарздорнинг бизнес-ҳамкорлари ишончсизлигини кўрсатувчи далилларнинг вужудга келиши.

Кредитлар муаммоли бўлиб қолган пайтларда тўрт босқич асосида ташкилий тадбирлар ўтказилади.

Биринчи босқич. Агар қарз олувчининг вақтинчалик молиявий қийинчиликлари туфайли лойиҳалар амалга оширилишида содир бўлган ўзгаришлар кузатилса, қуидаги тадбирлар ўтказилади:

- а) банк бўлимларининг маъсул ходимлари билан фикр алмашиши;
- б) қуидаги мақсадларда хўжалик органларига ташриф буориш:
  - лойиҳанинг бажарилишини баҳолаш;
  - қарз олувчининг раҳбарлари билан музокаралар ўтказиш;
  - лойиҳанинг ривожланиш муаммоларини аниқлаш;
  - рискларни баҳолаш;
  - кредитни ўзлаштиришнинг қолган даврига лойиҳанинг бизнес режасини (ТИА) ўрганиб чиқиш;
  - корхона ишлаб чиқаришни бир маромда ташкил этиши учун қарз олувчилар ва манфаатдор шахслар ўртасида музокаралар олиб бориш;
  - муаммоли кредитларнинг ҳал этилишини ташкил этиш мақсадида кредит комитетини жалб этиш ва улар билан музокаралар олиб бориш.

Иккинчи босқич. Қарз олувчининг кредит юзасидан муддати узайтирилган қарзлар бўйича мажбурияти. Бу босқичда кўриладиган чора-тадбирлар қуидагича:

- а) қарз олувчининг дебиторлик мажбуриятлари билан ишлаш. Бу иш қарз олувчи фаолиятига боғлиқ ҳамма фаолиятлар таҳлилини талаб этади. Мажбуриятлар занжири тузилади, бир-бирига боғлиқ мажбуриятлар қопланиши схемаси ишлаб чиқилади;
- б) мижознинг ҳисоб-рақамлари ёпилади. Таъсир кўрсатишнинг бу тури жуда эҳтиёткорлик билан амалга оширилади, чунки бу қарз олувчининг айланма маблағларини бутунлай йўқотишига олиб келиши мумкин;
- в) тўлов муддатини узайтириш. Кредитни узайтиришни амалга оширишда барча молиявий-иктисодий кўрсаткичлар таҳлили амалга оширилади, накд пул билан таъминланганлик текширилади, бизнес-режа ишлаб чиқилади ва материаллар лойиҳалар мониторинги бошқармасига берилади.

Бу ерда ўзгарган кўрсаткичлар ёрдамида янги лойиҳа мониторинги режаси ишлаб чиқилади ва хулоса билан биргалиқда лойиҳа бўйича кредит комитетига тақдим этилади. Кредит анкетаси тузилади ва кредит портфели мониторинги бошқармасига берилади. Хисботнинг ҳамма турлари ва маълумотлар базаси бўйича тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Учинчи босқич. Хизмат кўрсатувчи банк мутахассилари, лойиҳалар мониторинги бошкармаси ходимлари, лойиҳа эксперtlари, ҳокимият вакиллари ва бошқа манфаатдор шахслар билан биргалиқда корхонанинг ишлаб чиқаришни маромийлаштириш мақсадида текширилади. Тегишли ҳолларда корхонанинг раҳбарларини ўзгартириш масалалари кўриб чиқилади.

Тўртинчи босқич. Муддати узайтирилган мажбуриятларни қоплаш мақсадида ўтказиладиган мониторинг гаровга кўйилган мулкни сотиш йўли билан амалга оширилади.

Вужудга келган муаммоли кредитларнинг юқоридаги босқичлар асосида ҳал этилиш тамоили муаммоли кредитлар бўйича кўриладиган чора-тадбирларнинг ижобий натижаси, самарасини таъминлаши билан ўз аҳамиятини кўрсатиб туради. Лекин ҳар бир инвестор ёки кредитловчи банк ва ташкилотлар ўзларининг мақсадлари ва фаолият йўналиши хусуятидан келиб, чиқиб мустақил тарзда ўзига хос шакл ва усул бўйича муаммоли кредитларни ҳал этиш чора-тадбирларни тизимини ишлаб чиқадилар.

### **Назорат саволлари:**

1. Мониторинг моҳияти нимадан иборат?
2. Мониторинг аҳамияти нимадан иборат?
3. Банкларда инвестиция лойиҳалари ҳаётийлигининг мониторингини ўтказиши шакллари.
4. Банкларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мониторингини ташкил этиш.

5. Лойихани молиялаштиришга қадар ўтказилувчи мониторинг.
6. Инвестициявий лойихани амалга ошириш ва унинг мониторингини ўтказиш тизимини яратиш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012-йилнинг асосий якунлари ва 2013-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси. Халқ сўзи газетаси. .2013.
2. «Инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 19.01.1998 й. № УП-1919. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
3. «Чет эл инвестицияларига эга лойиҳаларни амалга ошириш механизмини рағбатлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги 9.02.1998 й. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
4. Александров Д.С., Кошелев В.М. Экономическая оценка инвестиций.-М.: Колос-Пресс, 2002.-382с.
5. Гозибеков Д.Г. и др. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Ташкент. «Фан ва технология». 2004 й.308 б.
6. Жўраев А.С. ва бошқалар Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Шарқ. 2003.
7. Ишмухамедов А.Э., Қосимов. М.С., Жумаев. З.А., Жумаев Қ.Х. Лойиҳа таҳлили. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти.-Т.: ТДИУ. 2004. -159 с.
8. Виленский П.Л. В.Н.Лившиц., Е.Р.Орлова, С.А.Смоляк. - Оценка эффективности инвестиционнўх проектов. - издательство «Дело» - М.: 1998.
9. Крушвиц. Л., Шефер Д., Шваке М. Финансирование и инвестиции. Сборник задач и решений/Пер с нем.под обхей ред Сабова З.А и Дмитриева А.Л.-СПб:Питер, 2001.
10. Ё.К.Кориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” ўқув предмети бўйича: ўқув-услубий мажмуа (бакалавриат босқичи талабалари учун) / “Иктисодий таълимда ўқитиш технологиялари” Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2008, 124-бет.

11. Лоренс ДЖ. Гитман. Майкл Д. Джонк. “Основы инвестирования”.- М.: Издательство “Дело” 1997г. – 10-40 с.
12. Рустамова И.Б. Исследование эффективности привлечения инвестиций в малом и среднем бизнесе. Дисс.... канд.экон.наук. -Т.: 2000. 245 с.
13. Саматов Г.А ва бошқалар. Инвестирование и проектный анализ. Учебное пособие. – Т.: ТошДАУ. 2006. 228 с.
14. Samatov G.A., Rustamova I.B. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish fanidan amaliyot darslari uchun. Uslubiy go'llanma. Toshkent., 2013. 65 b.
15. Стариц Д.Э. Расчёт эффективности инвестиционных проектов. Учеб.пособие.-М.: ЗАО «Финстатинформ», 2001.-131 с.4.
16. Лизинговый сектор Узбекистана: итоги 2012 года. “Ассоциация лизингодателей Узбекистана” . [www.ula.uz](http://www.ula.uz)
17. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)-Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
18. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)-Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
19. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz)-Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
20. [www.omad.uz](http://www.omad.uz)-Бизнес ривожи учун ахборот портали.
21. [www.UzA.Uz](http://www.UzA.Uz)-Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
22. [www.review.uz](http://www.review.uz) – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти.
23. [www.cer.uz](http://www.cer.uz) – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.

## **Мундарижа**

	<b>Кириш</b>	3
<b>I-Боб.</b>	<b>Инвестициявий лойиҳалаштириши асосий қоидалари.</b>	<b>5</b>
1.1	Лойиҳа ва лойиҳа даври тушунчалари.	5
1.2	Инвестициявий лойиҳалар таҳлилиниң жиҳатлари.	17
1.3	Инвестициявий лойиҳани бошқариш.	35
1.4	Лойиҳанинг инвестициявий эхтиёжлари. (Масалалар)	41
<b>II-Боб.</b>	<b>Инвестициявий молиялаштиришнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти.</b>	<b>44</b>
2.1	Инвестициянинг моҳияти ва шакллари.	44
2.2	Транспорт мажмуи корхоналари фойдаланиши мумкин бўлган инвестицион ресурслар манбалари	52
2.3	Инвестициявий фаолиятнинг субъект ва объектлари.	55
2.4	Инвестициявий фаолият тамойиллари. Инвестициялар жалб қилиш шартлари.	56
<b>III-Боб.</b>	<b>Худудлар ва корхоналардаги инвестициявий муҳит жозибадорлигини белгиловчи омиллар</b>	<b>60</b>
3.1.	Инвестициявий муҳит тўғрисида умумий тушунчалар.	60
3.2.	Таваккалчиликлар	61
3.3.	Ҳукумат сиёсатининг инвестициявий муҳитга таъсири.	62
3.4.	Автомобиль транспорти корхоналари учун қулай инвестициявий муҳитни таъминлашнинг асосий (бошланғич) шароитлари.	63
3.5.	Инвестициявий муҳитга таъсир этувчи омиллар мажмуаси.	65
<b>IV-Боб.</b>	<b>Инвестициявий лойиҳани бизнес режа шаклида тақдим этиш.</b>	<b>73</b>
4.1.	Инвестициявий бошқарувда бизнес-режанинг роли ва ўрни.	73
4.2.	Бизнес-режанинг халқаро ЮНИДО шакли.	75

4.3.	Германия намунавий бизнес-режаси.	75
4.4.	Америка намунавий бизнес-режаси.	77
4.5.	Хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва аҳолини сифатли ва тезкор транспорт хизматлари билан таъминлаш юзасидан бизнес-режа.	
<b>V-Боб.</b>	<b>Кредитлаш асослари.</b>	84
5.1.	Кредитнинг моҳияти	84
5.2.	Кредит шакллари.	85
5.3.	Кедитнинг функциялари	92
5.4.	Кредит тизими ва кредит муносабатлари	95
5.5.	Кредит тизимининг таркибий қисмлари	96
5.6.	Кредитлашнинг асосий тамойиллари	97
5.7	Микрокредит бериш тартиби	100
5.8	Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги ва уларни аниqlаш кўрсаткичлари.	105
5.9	Кредит баҳоси, кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш.	110
5.10	Кредитлардан фойдаланиш устидан банк назорати, курилиш монтаж ишлари ва монтаж учун топширилган ускуналарнинг назорат ўлчашларини бажариш тартиби.	113
5.11	Микромолиялашнинг хориж тажрибаси	116
<b>VI-Боб.</b>	<b>Лизинг муносабатлари.</b>	133
6.1	Лизингнинг асосий тушунчалари.	133
6.2	Лизинг муддати	136
6.3	Лизинг операцияларининг шакли ва турлари	137
6.4	Лизингни кенг тарқалган турлари	139
6.5	Лизинг операциялари субъектларининг вазифалари	141
6.6	Кичик бизнес субъектлари учун лизингнинг устунликлари	143
6.7	“Камаз” русумли автоуловни лизингга олиш учун бизнес-режа.	145

<b>VII-Боб.</b>	<b>Инвестициявий лойиҳалаштиришнинг молиявий-математик асослари.</b>	153
7.1.	Пулларнинг вақт оралиғидаги қиймати концепцияси.	153
	Фоизлар назарияси	
7.2.	Пулларнинг ҳозирги ва келажакдаги қийматини аниқлашда инфляция таъсири.	154
7.3.	Пул оқимларини орттириш ва дисконтлаш.	156
7.4.	Пулларнинг вақт оралиғидаги қиймати. (Масалалар)	157
<b>VIII-Боб.</b>	<b>Инвестициявий лойиҳа капитали қийматини баҳолаш</b>	168
8.1.	Капитал қиймати тушунчаси ва иқтисодий моҳияти.	168
8.2.	Капитал қийматини аниқлашдаги ёндашувлар ва моделлар.	168
8.3.	Шахсий капитал қийматини аниқлаш моделлари	169
8.4.	Имтиёзли акциялар қийматини ҳисоблаш модели	172
8.5.	Қарз капитали қийматини аниқлаш моделлари	172
8.6.	Капиталнинг ўртача ўлчангандай қиймати.	174
<b>IX-Боб.</b>	<b>Инвестициявий лойиҳалаштириш жараёнида зарарсизлик ва таваккалчиликнинг таҳлили.</b>	175
9.1.	Зарарсизлик таҳлилининг асосий тушунчаси ва мақсади.	175
9.2.	Харажатларнинг туркүмланиши.	175
9.3.	Зарарсизлик нұқтасини ҳисоблаш	178
9.4.	Зарарсизлик таҳлилининг график күрениши	179
9.5.	Киритилган даромад таъсири ва жорий воситалар таҳлили.	180
<b>X-Боб.</b>	<b>Инвестициявий лойиҳалар самарадорлиги баҳолаш</b>	184
10.1	Инвестициявий лойиҳаларини самарадорлигини баҳолаш усууллари	184
10.2	Инвестициявий лойиҳаны амалга оширишдан тушадиган фойда прогнози (башорати)	190
10.3	Самарадорлик күрсаткичларини ҳисоблашнинг анъанавий схемаси	191
10.4	Шахсий капитал схемаси	193

<b>XI-Боб.</b>	<b>Инвестициявий лойиҳаларда таваккалчилик таҳлили, уни баҳолаш ва бошқариш</b>	196
11.1	Ноаниқлик ва таваккалчиликнинг умумий тушунчалари.	196
11.2	Таваккалчилик турлари.	198
11.3	Сценарийлар таҳлили	199
11.4	Монте-Карло имитацион моделлаштириш услуги	199
<b>XII-Боб.</b>	<b>Инвестициявий лойиҳалар мониторингини ташкил этиш</b>	202
12.1	Мониторингнинг моҳияти ва аҳамияти	202
12.2	Инвестициявий лойиҳасини амалга ошириш ва унинг мониторингини ўтказиш тизимини яратиш.	204
12.3	Лойиҳани молиялаштиришга қадар ўтказилувчи мониторинг.	211
12.4	Банкларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мониторингини ташкил этиш.	213
12.5	Банкларда инвестиция лойиҳалари хаётийлигининг мониторингини ўтказиш шакллари. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	215 221